555 йилда Истеми ябғу қўшинлари Сирдарё бўйларига етиб келди. Сосоний шоҳи Хусрав I ва Истеми ябғу ўртасида шартнома имзоланди. Аммо, эфталитлар қаршилиги Истеми режаларига путур етказди. Истеми ябғу аввал эфталитларни даф этиб, сўнг аварларга қарши юришга қарор қилган.⁹ У Чоч ва Суғдни эгаллаб, Зарафшон бўйига қадар етиб борган. 567 йилдаги Бухоро яқинидаги ҳал қилувчи жангда эфталлийлар батамом тор-мор келтирилди.¹⁰ Чоч дастлаб Турк хоқонлиги, 603 йилдан Фарбий Турк ябғу хоқонлиги таркибида бўлди ва маҳаллий ҳукмдорлар томонидан бошқарилди. Н.Я. Бичурин маълумотига кўра, Чочни ўша даврда Дэле Тяньчжи (Фужи) бошқарган ва у мустақил равишда Хитой билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйган.¹¹ Чоч ҳукмдорлари ўз пойтахтини туркларга яқин бўлган шимоли-шарқий худудга кўчиришади. 618 йилда ҳокимиятга келган Фарбий Турк ябғу хоқони Тўнябғу ўзига то-

¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.; Л., 1950. Т. 2. С. 272-282.

² Минасянц Б.С. Новые находки оссуариев из Тойтепа // *O'zbekiston moddiy madaniyati tarixi*. 33-nashr, Samarqand, 2002. С.168-172.

³ Буряков Ю.Ф. Христианство в Средней Азии в древности и средних веках // *Культура народов Центральной Азии: религия и демократия*. Самарканд, 1999. С. 11-17.

⁴ Буряков Ю.Ф. К истории... С.18-19.

⁵ Там же... С.11.

⁶ Исхаков М., Камолиддин Ш.С., Бабаяров Г. Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача (III-VIII вв.) // Серия «Рабочие документы ИФЕАК». С. 17.

⁷ Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. М., 1974. С.101-107.

⁸ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. С. 165.

⁹ Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 1. С. 272.

¹⁰ Буряков Ю.Ф. К истории... С. 12-13.

¹¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания..., Т. 2. С. 277, 282.

бе мулкларда сиёсий, ҳарбий ва маъмурий ислоҳотлар ўтказган ва солиқлар устидан назорат қилувчи ноиблар - тудунларни тайинлади. Элтариш ҳокон эса ўз навбатида Ғарбий Турк ҳоконлигини ўн аймоққа бўлди. Оқибатда Чоч икки қисмга ажралади. Дехқон ва хунарманд шимоли Чоч тудунлар томонидан, маъданга бой жануби Илоқ эса «деҳқон» ҳукмдорлар томонидан бошқарилган бўлди.

Шарқий ва Ғарбий Турк ҳоконликлари ўртасидаги кураш натижасида VII асрнинг 40-50-йилларига келиб, Чоч маълум сиёсий мустақилликка эришди. Суғд бошчилигидаги Ўрта Осиё мулклари иттифоқи шакллана бошлади. Бундан мақсад Ипак йўлининг Самарқанд, Чоч, Фарғона йўналишини назорат қилиш эди. Бу йўналиш Еттисув ва Шарқий Туркистонни боғлаган. Шу йўналишда савдо қилувчи маҳаллий савдогарлар эса ҳоконлик хазинасига катта даромад келтирганлар.

Суғд ва Чоч ўртасидаги алоқалар Чочда деҳқончилик ва хунарманчиликни янада ривожлантирди. Чочнинг минтақадаги нуфузи ортди. Ўлканинг сифатли маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда шуҳрат қозонди. Ёзма манбаларга кўра бу даврда воҳада 255 атрофида манзилгоҳлар, 30 дан зиёд қалъа ва шаҳарлар қад ростлаган. Чоч ва Илоқ ўзаро экинзор ва боғлар билан туташган¹ воҳага айланди.

Суғд мулки ихшидлари Ўрта Осиё мулклари билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, элчилар алмашишган. Афросиёб деворий тасвирларидаги ёзувда Самарқандга Суғд ихшиди Вархуман хузурига келган Хитой ва Чоғаниён элчилари қаторида чочлик элчи ҳам зикр этилган.² Суғд ва Чоч ўртасидаги сиёсий муносабатлар араб истилоси даврида да яна фаоллашди. 712 йилда Қутайбанинг Суғдга юриши, ихшид Гўракнинг мадад сўраб Чоч, Фарғона ва Шарқий Турк ҳоконлигига мурожаат қилишига сабаб бўлди. Ўз мактубида Гўрак: “Агар араблар бизни енгса, улар сизларни ҳам шу куйга солади, энди ўз қайғуингизни қилинг” деб киноя қилади.³ Гўрак айтгандай, Самарқандни қўлга киритган Қутайба 712-715 йилларда Чочга ҳам юриш қилди. Арабларга қарши курашда ҳамкорлик учун ўз мустақиллигини саклаб турган Панч вилояти ҳокими Деваштич Чочга элчи юборади. Суғд ёзма ёдгорликларидан Муғ тоғи архивидаги А-14 хужжатида худди шу воқеа акс этган.⁴ Унда Чоч ҳукмдори (чачаник хвабу) га ва тудунига, Фарғона Фарғона тутуғи орқали Фарғона подшосига ва Шарқий Турк ҳоконига мактуб топширилгани ҳақида маълумотлар бор. 719-722 ва 728-729 ҳамда 736-737 йилларда арабларга қарши ҳамкорликда кураш олиб борилди.⁵ Бироқ, арабларни минтақадан сиқиб чиқаришнинг иложи бўлмади. Эҳтимол, иттифоқчилар арабларнинг истилоларини вақтинчалик чора, деб баҳолаганликлари панд берган бўлиши мумкин. Кейинчалик чочликлар Суғдда бошланган Муқанна ва Рофеъ ибн Лайс ҳаракатларида фаол иштирок этдилар⁶.

Маданият соҳасида ҳам Суғд ва Чоч ўртасида муштараклик мавжуд эди. Суғд ёзуви ва тили бутун минтақада бўлгани каби Чочда ҳам амалда бўлган.⁷ Чоч подшолари ва ҳукмдорлари суғд ёзувида ўз тангаларини зарб эттирганлар.⁸ Бироқ, “Чоч” деб ёзилган Қанҳа битиги ва ҳозирги Бекобод худудидан топилган турк-руний ёзма ёдгорликлари

¹ Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абдулкаси́ма ибн Хаукаля // Труды САГУ. 1957. Вып. 14. С. 22-24.

² Альбаум Л.И. Новые росписи Афрасиаба // СНВ. Вып. X. М., 1971. С. 88-89; Буряков Ю.Ф. К истории... С. 13.

³ Табари. История ат-Табари. Ташкент: Фан, 1987. С. 137.

⁴ СДГМ II. С.77.

⁵ Гафуров Б.Г. Таджики. Кн. 2. Душанбе: Ирфон, 1989. С. 20-26.

⁶ Табари. История ат-Табари. С. 271.

⁷ Зуев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы, 2002. С.158.

⁸ Исхаков М., Камолитдин Ш.С., Бабаяров Г. Заметки по истории нумизматики... С. 27-51.

бу худудда суғдий ёзуви баробарида турк-руний ёзуви ҳам амал қилганлигини кўрсатади¹. Чоч аҳли Муқаддасий ёзишча, суғдийдан ташқари ўзларининг хайтал (эфтал) маҳаллий тилларида гаплашганлар.² Бу тил суғдийлашган туркий тил бўлиши эҳтимол.

Хулоса қилиб айтганда, ягона макон ва Ватанда яшаган ўртаоСИёликлар асрлар давомида ҳамжихат бўлиб, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги пойдевориغا асос солганлар. Илк ўрта асрлардаги Суғд ва Чоч муносабатлари бунга мисолдир.

А. Отахужаев

Влияние Согда на развитие раннесредневекового Чача

В статье анализируется взаимодействие между важнейшими историко-культурными регионами Средней Азии – Согда и Чача в период раннего средневековья. Рассматриваются вопросы влияния Согда на развитие Чача, а также характер политических, социально-экономических и культурных отношений между данными регионами в исследуемый период

А. Otahujayev

Influence of Sogd on development of Chach in the early middle ages

In the article is analyzed the interaction between the important historian-cultural region of Central Asia - Sogd and Chach at period of the early middle ages. Also are considered the questions of the Sogdian influence on the development of Chach, as well as political, social-economic and cultural relations between these regions in this period.

*А.А. Грицина
(Ўзбекистан)*

ГОРОДА И КАРАВАН-САРАИ НА БОЛЬШОЙ ТОРГОВОЙ ТРАССЕ ИЗ СОГДА В ШАШ

В последние годы накоплен достаточно обильный материал, который позволяет конкретизировать маршрут движения караванов по так называемой Большой торговой магистрали из Согда через Уструшану в Шаш. Попробуем проследить его с учетом новых данных от Самарканда до Бенакета.

Путь из Самарканда шел через Булунгурскую или Катванскую степь. В 4 фарсах или в одном переходе от Самарканда находился город Баркет (Абаркас) - центр самого обширного северного самаркандского рустака Бузмаджен [Волин, 1959. С. 322]. У Н.Н.Негматова Баркет ошибочно назван центром рустака Яркет [Негматов, 1953. С. 244]. Город Баркет по одной версии отождествляется с городищем Актепа близ селения Актепа - Метан в Булунгурском районе [Х.Г. Ахунбабаев, 1994], по другой - с городищем Гиштлитепа в том же районе [Ю.Ф. Буряков, 1975]. Далее караваны шли до рабата Абу Ахмада или рабата Са'да (4 фарсаха) и вступали на уструшанские земли. Согласно ал-Истахри, «из Абаркаса до Катвандизы один день. В Шаш и Фергану одна дорога шла до рабата Абу Ахмада (4 фарсаха), затем поворачиваешь налево в Шаш. Если выйдешь из рабата Абу Ахмада, то остановишься в Катвандизе, или, если захочешь, в Харакане, затем - Дизак...» [Волин, 1959. С. 336]. Интересно сообщение ас-Самани о том, что рабат Абу Ахмад был построен неким Абу Ахмадом Мусой ал-Хаваси. Его нисба говорит о том, что он был выходцем из известного уструшанского селения Хавас [Камалиддинов, 1993. С. 98-100]. От Баркета до рабата Са'да также день пути. Следовательно, ра-

¹ Буряков Ю.Ф. К истории... С. 11; Аманжолов А.С. История и теория древнетюркского письма. Алматы: Мектеп, 2003. С. 244.


² Исхаков М., Камалиддин Ш.С., Бабаяров Г. Заметки по истории нумизматики... С.23.

баты Абу Ахмада и Са'да находились на одинаковом расстоянии от Самарканда и в непосредственной близости друг от друга. Из рабата Са'да далее следовали через Бурнамад в сторону Ферганы. Что касается Катвандизы, то о ней также мало что известно. Она не названа в числе городов и, следовательно, являлась селением или крепостью, располагавшейся на подступах к границам Уструшаны. Кроме упомянутых выше населенных пунктов и рабатов, связанных с караванными путями, упоминается также Хушуфагн. Кудама ибн Джафар (начало X в.) сообщает, что «от Баркета до Хушуфагна по пустыне Катван - 4 фарсаха» [Камалиддинов, 1993. С. 206]. Хушуфагн помещают на месте Маслахаттепа близ селения Авлие [Древний Заамин, 1994. С. 14]. Однако здесь не найдено материалов саманидского времени. Таким образом, все упомянутые пункты до сих пор не были локализованы с достаточной убедительностью. Можно лишь констатировать, опираясь на сведения источников, что рабаты Абу Ахмада и Са'да, а также Хушуфагн, Катвандиза и Харакана находились в непосредственной близости друг от друга, составляя насыщенный дорожный узел на границе между Согдом и Уструшаной, самой крупной из которых была Харакана (Харкана). При этом расстояния от рабатов Абу Ахмада и Са'да до Хараканы и Катвандизы не указаны. Один из этих рабатов в свое время был отмечен Э.Б. Кадыровым и А.Э. Бердимуратовым, а в прошлом году осмотрен и нами с профессором У. Табакао. Он находится на окраине селения Сарай Галляаральского района и известен как Кичкинакурган¹. Скорее всего, это был караван-сарай Абу Ахмад, а караван-сарай Абу Са'ад находился к северу от него, так как от последнего караваны двигались в сторону Ферганы. Учитывая указания источников, что от Самарканда до Хараканы 9 фарсахов, а от Самарканда до рабата Абу Ахмада 4 фарсаха, можно предположить, что от рабата Абу Ахмада до Хараканы было 5 фарсахов, т.е. примерно 30 км, что соответствует расстоянию от караван-сарая Кичкинакурган до городища Кургантепа в Галляарале (рисунок).

Итак, из рабата Абу Ахмад караваны двигались до Катвандизы или Хараканы. Последняя обычно локализуется на месте городища Кургантепа. Городище Кургантепа - самый крупный и известный памятник в Галляаральском районе Джизакской области. Общая площадь городища, включая цитадель, шахристан и ремесленный пригород, достигает 90 га. В результате исследований городища получены материалы, отражающие основные этапы его обживания, начиная с эллинистического и кончая поздним средневековьем. По данным арабских источников, Харакана располагалась в 5 фарсах от Дизака, 9 фарсах от Замина и на таком же расстоянии от Самарканда [Материалы..., 1973. С. 21]. По данным Ибн Русте (первая половина X в.), от Замина до Дизака - один день пути, от Дизака до Хараканы - также день пути. В анонимном источнике X в. «Худуд ал-Алам» Харакана названа процветающим уструшанским селением [Hudud al-Alam, 1970. P. 115]. Поскольку в источниках отмечается, что каждый город Уструшаны «... являлся центром большого рустака» [Бетгер, 1957. С. 22], то можно предположить, что он являлся центром рустака Харакана. Сообщается также, что возле города находился рабат (караван-сарай). Однако есть и другая точка зрения: по мнению Ю.Ф. Бурякова, на месте городища Кургантепа находился город Катвандиза, что означает «Крепость в Катванской степи». И действительно, месторасположение памятника соответствует указаниям источников. Да и сами внушительные руины памятника отвечают этому названию. Кроме того, расстояние от Кургантепа до городища Калиятепа, где обычно помещают средневековый Дизак, в два раза меньше, чем указано в источниках.

¹ О караван-сарая Кичкинакурган готовится отдельная статья.

Еще один караван-сарай под названием Сарбазтепа или Канчикартепа располагается на правом берегу Сангзара в 1750 м от городища Кургантепа. Имеет прямоугольную в плане форму размером 75x60 м, высотой до 4 м. По углам прослеживаются башни. Внутренняя часть понижена. Стены, видимо, были возведены из пахсы, по крайней мере, нижняя их часть. Примерно посередине западной стены имеется бугор, возвышающийся над уровнем стен на 1-1,5 м. Судя по планировке, перед нами достаточно крупный караван-сарай. Бугор вытянут в сторону дороги, указывая на то, что портал караван-сарая был выдвинут из плоскости стен. Учитывая достаточно внушительные размеры, наличие ворот со стороны дороги и материалов саманидо - караханидского времени, расположение его непосредственно на средневековой трассе, можно предположить, что перед нами один из рабатов, упоминаемых арабскими источниками. Скорее всего, это был рабат, располагавшийся около Хараканы [Gritsina, Grenet, 2005. P. 37-39].



Далее путь следовал вдоль Сангзара и через Джизакские железные ворота выводил в степной рустак Фекнан с центром в городе Дизаке. Дизак, вероятно, являлся третьим по величине и значению городом Уструшаны, хотя следует оговорить, что один из обстоятельных средневековых авторов ал-Мукаддаси, приводящий достаточно подробные сведения о крупнейших городских пунктах Уструшаны, Дизак только упоминает, не приводя других сведений [Mukaddasi, 1994. P. 240]. В «Худуд ал-Алам» он назван селением, в котором имеются проточные воды [Hudud al-Alam, 1970. P. 115]. Согласно ас-Самани, Дизак или Дизак-у-Сабат - большое селение на пути в Шаш, выше Самарканда [Камалиддинов, 1993. С. 99]. Предполагается, что саманидский Дизак находился на месте городищ Калиятепа или Урда. Однако материалы этого времени здесь пока не

найлены [Пардаев, 2000. С. 120-129]. Не исключено, что раннесаманидский Дизак мог располагаться на одном из многочисленных памятников, разбросанных в округе Калиятепа, в том числе и на Ташлимазаротатепа, расположенном в 28 км (по прямой) от городища Кургантепа в Галяарале и приблизительно в 5-7 км к юго-востоку от городища Калиятепа. Памятник представляет собой внушительный холм, примерно 110 м в диаметре и высотой более 20 м. В настоящее время занят под кладбище. Прилегающая территория частично застроена, частично распахана. Подъемная керамика относится к раннему и развитому средневековью. Памятник находился на большой караванной дороге, проходящей через Замин в Фергану и Шаш.

Из Дизака караваны двигались далее на северо-восток в сторону Шаша. На этом пути располагался еще один караван-сарай под современным названием Кукрабаттепа. Он находится в 7-8 км к северо-востоку от городища Калиятепа, имеет квадратную в плане форму размером 65х65 м, высотой до 3 м. На памятнике найдены фрагменты керамики IX-XI вв. и жженые кирпичи саманидского формата. Маловероятно, чтобы здесь находился рабат Худайсар, характеризующийся источниками как самый большой и известный в Мавераннахре. Скорее всего, это был один из рабатов, упоминаемый источниками: вероятно, рабат Хасана, построенный в X в. неким Бадром ибн Кушайром [Негматов, 1953. С. 246]. Согласно ас-Самани, он располагался в Дизаке или в непосредственной близости от него. На этом пути вплоть до переправы через Сайхун – Сырдарью источники не упоминают промежуточных пунктов, за исключением двух колодцев и христианского селения Винкерд. Однако местонахождение последнего пока проблематично. Из Дизака, согласно Ибн Русте, караваны могли двигаться также и в Замин [день пути] и далее в Шаш или Фергану [Волин, 1959. С. 342].

Из рабата Са'да караваны следовали в Бурнамад. Сопоставляя сведения источников с археологическими данными, наиболее приемлемой, с нашей точки зрения, является локализация искомого рустака в бассейне Раватсая. Именно вдоль него проходил наиболее древний и короткий путь от Хушуфагна через Бурнамад к Замину. Основную часть рустака занимали горы. Лишь на востоке он представлял собой возделанную равнину, что соответствует и указаниям источников. Эта степная часть рустака уже непосредственно соединялась с коренными уструшанскими землями. Далее караваны по пустыне следовали к Замину. Археологические данные полностью подтверждают наблюдения арабских дорожников о малочисленности селений Бурнамада. С точки зрения отмеченного, локализация Бурнамада между Замином и Дизаком, предложенная в свое время В.В. Бартольдом и Н.Н. Негматовым, представляется в принципе правильной [Бартольд, 1963. С. 130; Негматов, 1953. С. 246-247]. Наши исследования лишь конкретизировали его местонахождение. Помещение рустака Бурнамад в верховьях Сангзара [Ахунбабаев, 1994. С. 17-18], где мы помещаем рустак Бангам, противоречит данным письменных источников, так как здесь нет путей к Замину по пустыне, везде горная местность, да и реальные расстояния больше тех, которые приводят источники [Буряков, Грицина, 2006. С. 151-152]. Примерно в центре рустака находится современное селение Паймарт, сохранившее в своем названии средневековое название рустака: Паймарт – Бурнамад [Грицина, 2000. С. 152]. В селении имеются гурхона и мечеть Парпиата или суфия ал – Ахмад ибн Абдухамид Газзали (умер в 1122 г.). Мечеть возведена на месте домусульманского культа – причудливой формы скального останца со сквозным отверстием. Здесь до сих пор возжигается огонь и приносятся жертвоприношения [Грицина, 2000. С. 143]. Комплекс сложился постепенно, после погребения суфия. Видеть на месте мечети караван-сарай, упоминаемый письменными источниками и расположенный между Самаркандом и Худжандом, нам представляется маловероят-

ным, так как для этого нет никаких оснований, в том числе и археологических. К тому же на этой дороге нами отмечено еще несколько караван-сараяв, о чем будет указано далее.

Самым большим по площади памятником верховий Раватсая является городище Кургантепа, которое располагается в селении Аоб. В своей основе это достаточно крупный замок с прилегающей территорией (100x35 м). Цитадель расположена в северо-западной части. Общая площадь памятника составляет не менее 4 га. Керамики много. Есть красноангобированная и лепная, которую можно отнести к раннему средневековью, хотя в основном - это фрагменты посуды X-XII вв. Учитывая время функционирования, размеры и месторасположение памятника, можно предположить, что именно здесь мог располагаться административный центр рустака Бурнамад.

Непосредственно в конусе выноса Раватсая зафиксирован целый ряд памятников. Из них обращают на себя внимание Маликотатепа в селении Учкыз и Кургантепа в селении Рават. Первый имеет типичную для караван-сараяв планировку почти квадратной формы. Здесь местными жителями найден целый хум, который датируется X-XI вв. Встречаются жженые кирпичи саманидского (23x23x4 см) и прямоугольные карахандского времени. Кургантепа имеет прямоугольную в плане форму, вытянутую с востока на запад высотой до 5 м. Размеры его по подошве составляют 70x120 м. По периметру просматриваются стены. Подъемная керамика относится к раннему средневековью, но в основном - к X-XIII вв. Встречается и более поздняя. Не исключено, что здесь также мог располагаться караван - сарай.

Далее караваны двигались вдоль предгорий Туркестанского хребта. Примерно в трех фарсах от Кургантепа - административного центра рустака Бурнамад - находится Гиштлимазаротатепа - самый крупный по площади памятник, расположенный на правом берегу Джантутсая в селении Коштал. Он состоит из двух частей, разделенных между собой дорогой и арыком. Восточная часть памятника подквадратной формы, размером 85x80 м, высотой до 2 м. По углам просматриваются башни. Примерно посередине южной его половины высится холм до 2 м высотой, а северную, более возвышенную часть, занимает впадина. Керамика поливная и неполивная X-XII вв. Много обломков жженных кирпичей (?x24x6 см). Скорее всего, мы имеем дело не с одним, а с двумя разными по своим функциям памятниками, разделенными средневековой дорогой. Судя по планировке, восточная часть - это остатки караван-сарая X-XII вв.

Караван-сарай Турткультепа находится к востоку от селения Пшагар и также привязан к большой торговой трассе, ведущей из Согда через Замин в Шаш и Фергану. Значительные размеры (это самый крупный из всех известных караван - сараяв в Мавераннахре), наличие материалов саманидского времени, монументальность архитектуры, отсутствие других рабатов к северу от него, расположение на границе исконно уструшанских земель (подобные крупные караван - сараи обычно возводились на границах владений) и расположение в непосредственной близости от «вражеской страны» дают основание для отождествления его с рабатом Худайсар [Грицина, 2000. С. 177; Буряков, Грицина, 2006. С. 147-150].

Следующий памятник Турткультепа располагается на правом берегу Аччисая. Имеет почти квадратную форму размером 95x90 м. Наиболее возвышена северная часть памятника. В северо-западном углу высится холм размером 30x25 м, высотой до 2 м. Высота памятника с северной стороны - до 9 м. Керамика относится к развитому средневековью, среди которой встречаются и черепки более ранней посуды. Типологически определяется как караван-сарай на перекрестке большой торговой трассы и дороги, идущей вглубь горного средневекового рустака Бескун. Характерная особенность его -

наличие холма в одном из углов – может говорить о том, что возведен он был не по регулярному плану, а пристроен к усадьбе, раннесредневековой в своей основе. Как видно, он сильно напоминает Кургантепа в селении Рават.

Замин в иерархии городов в IX-X вв., по сообщениям средневековых географов, занимал второе место после столицы. В соответствии с этим и сведений о нем приводится больше, чем об остальных городах. И, тем не менее, они скупы и отрывочны [Древний Заамин, 1994. С. 20-21]. С Замином-Сарсандой средневековых географов отождествляется городище Кургантепа (Урда) в Заамине. Ибн Хордадбех не только приводит скупые строки о расстояниях касательно Замина, но и выделяет специальные главы «Дорога из Замина до Фаргоны» и «Дорога из Замина до Шаша», подчеркивая его особенность тем, что «Замин – место пересечения двух дорог: в аш-Шаш и к тюркам и в Фергану» [Khordadbeh, 1889. P. 20-21]. Эту же особенность подчеркивали Кудама ибн Джафар и ал-Факих [Волин, 1959. С. 206]. Наиболее полные сведения о Заамине приводят Ибн Хаукаль и ал-Мукаддаси [Бартольд, 1963. С. 224]. Отметим еще одну деталь, приведенную в анонимном сочинении «Худуд ал-Алам». Если Ибн Хаукаль отмечал отсутствие стен вокруг Замина-Сарсанды, то, как следует из этого источника, цитадель-крепость города, наоборот, была сильно укреплена [Hudud al-Alam, 1970. P. 115]. Непонятно, на каком основании О.Г. Большаков пишет, что новая часть города была окружена стеной [Беленицкий, Бентович, Большаков, 1973. С. 192], что явно не согласуется с данными источников. Источники также отмечают, что в городе было много рабатов [Камалиддинов, 1993. С. 100].

Средневековый Сабат, центр одноименного степного рустака Уструшаны, являлся ближайшим от Замина пунктом на большой торговой трассе, ведущей из Согда в Худжанд, Фергану и далее в Китай. Кроме того, из Сабата шел путь в Шаш через Хавас. Этим путем пользовались и караваны, шедшие из Ферганы в Шаш. По данным Ибн Хордадбеха и Ибн ал-Факиха, он находился в двух фарсах от Замина, по ал-Истахри – в трех фарсах [Материалы..., 1973. С. 21]. Согласно ал-Идриси, «Сабат – городок с рынками, в которых много (разного рода) товаров» [Идриси, 2003. С. 52]. Часть средневековых дорожников называют Сабат в числе городов Уструшаны (Истахри, Ибн Хаукаль, Йа'кут). Однако, по сведениям ал-Мукаддаси и Кудамы, он представлял крупное селение [Волин, 1959. С. 206]. Сплошное обследование бассейна Ходжамушкентская и проведенные автором раскопки на городище позволили отождествить его с Сабатом средневековых источников [Грицина, 2000. С. 40-49].

Из Замина караваны могли следовать до Хаваса. От него - по Хавасской дороге через Куркет в Худжанд и Фергану. Из Хаваса в Шаш вели две дороги. Одна, более короткая и без промежуточных пунктов, вела к Хушкету, локализованному нами на месте городища Нурата в одноименном селении [Грицина, 1992. С. 36-41]. От Хушкета переправлялись к Бенакету. Другая дорога выводила непосредственно к Сырдарье, где находилась переправа. Здесь по обоим берегам зафиксированы поселения, связанные с обслуживанием караванов. Далее караваны уже по правому берегу двигались к Бенакету. Существовала и еще одна дорога, шедшая по левому берегу Сырдарьи. На этом пути находится караван - сарай Калатепа (см. рисунок). Основу памятника составляет подквадратная планировка размером 55x42 м, высотой до 5 м. По углам его прослеживаются башни, а в центре – понижение. Вся подъемная керамика сформована на гончарном круге и представлена фрагментами кувшинов, котлов, крышек, ручек от различных сосудов. Сосуды украшались гребенчатым и штампованным орнаментами в виде лепестков и пуансонов. Поливная керамика украшалась орнаментом из черной краски по белому фону. Керамика датируется X–XII вв. Вероятно, здесь находилась еще одна пе-

реправа, о которой в свое время предполагал М.Е. Массон. Своеобразным преемником его уже в послемонгольский период являлся Мурза – Рабат у бывшего поселка Обетованного [Массон, 1935. С. 17]. Караваны также могли следовать до Хушкета по левому берегу к переправе в Бенакет.

К сожалению, нам мало что известно по письменным источникам о саманидском Бенакете. В конце VII – начале VIII в. безымянный “правитель Банака” чеканил собственную монету [Ртвеладзе, 1987. С. 168-169]. Согласно ал-Мукаддаси, в Бенакете “жили смутьяны, крепостной стены нет. Мечеть расположена на территории базара” [Mukaddasi, 1994. P. 247]. Позднее город славился так называемыми “туркестанскими” тканями [Бартольд, 1963. С. 295]. То, что Бенакет не имел стен, - это результат политики Саманидов, которые являлись гарантами безопасности городов: уструшанские города Замин, Сабат, Дизак также в это время не имели стен. Не было стены и вокруг Хушкета. Хотя следует оговорить, что Бенакет уже в XI в. был окружен мощной стеной и площадь его достигала нескольких сот гектаров [Буряков, 2000. С. 33]. От Бенакета через крупнейшие города Шаша Хараджет, Худайнкет, Нукет, Балаян и Нуджет дорога выводила к столице области – Бинкету [Буряков, 1975. С. 13, рис. 1].

Использованная литература

Ахунбабаев Х.Г. Рустаки и селения Самарканда на пути в Шаш и Фергану // Города Центральной Азии на Великом шелковом пути. Тезисы докладов конференции, посвященной 60-летию проф. Ю.Ф. Бурякова. Самарканд, 1994.

Бетгер Е.К. Извлечения из книги «Пути и страны» Абу-л-Касыма ибн Хаукаля // Труды САГУ. Археология Средней Азии. Ташкент, 1957.

Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. М., 1963. Т. 1.

Беленький А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973.

Буряков Ю.Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса (историко-археологический очерк Чача и Илака). Ташкент, 1975.

Буряков Ю.Ф. Керамическое производство средневекового Чача по материалам Канки и Шахрухии // Средняя Азия. Археология. История. Культура. Материалы Международной конференции, посвященной 50-летию научной деятельности Г.В. Шишкиной. М., 2000.

Буряков Ю.Ф., Грицина А.А. Мавераннахр на Великом шелковом пути. Самарканд; Бишкек, 2006.

Волин С.Л. Переводы Ибн Русте, Кудама и других арабских географов // Рукопись. Архив ИВ АН РФ, Ф.93, оп. 1, д. № 21. Л., 1959.

Грицина А.А. Археологические памятники Сырдарьинской области. Ташкент, 1992.

Грицина А.А. Уструшанские были. Ташкент, 2000.

Древний Заамин (история, археология, нумизматика, этнография). Ташкент, 1994.

Идриси. Ал-Идриси. Китаб нузхат ал-муштак фиктирак ал-афак (развлечение истомленного и странствование по областям (Вселенной). Пер. Закирова Ш. // Материалы по этнической истории тюркских народов Центральной Азии. Ташкент, 2003.

Камалиддинов Ш.С. «Китаб ан-Ансаб» Абу Са’да Абдулкарима ибн Мухаммада ас-Самани как источник по истории культуры Средней Азии. Ташкент, 1993.

Массон М.Е. Проблема изучения цистерн – сардоба. Ташкент, 1935.

Материалы по истории киргизов и Киргизии. Вып. 1. М., 1973.

Негматов Н.Н. Историко-географический очерк Уструшаны с древнейших времен по X в. н.э. // МИА, М.; Л., 1953. № 37.

Пардаев М.Х. Калиятапа шахар ёдгорлиги ва унинг стратиграфиясига доир айрим мулохазалар // ИМКУ. Вып. 31. Самарканд, 2000.

Ртвеладзе Э.В. Древние монеты Средней Азии. Ташкент, 1987.

Ibn Khordadbeh. Abu'l-Kasim Obaidallah ibn Abdallah. Kitab al-Masalik Wa'l-Matnalik. Quae cum versiont gallica edidit, indicibus et glossario instruxit M.J. de Goeje. Leiden: Brill, 1889.

Gritsina A.A., Grenet F. Trip to Ustrushana. Bulletin International Institute for Central Asian Studies. Vol. 1. Samarkand-Bishkek, 2005.

Hudud al-Alam. The regions of the World. A persian geography. 372 A.H. - 982 A.D. Translated and explained by V. Minorsky. London, 1970.

Muqaddasi. Al-Muqaddasi. The best divisions for knowledge of the regions. A translation of Ahsan al-Taqasim fi Ma'rifat ai-Aqalam. Translated by Basil Anthony Collins/ Reviewed by Muhammad Hamid al-Tai. Garnet, 1994.

A.A. Грицина

Суғддан Шошга борадиган савдо–карвон йўлидаги шаҳарлар ва карвонсаройлар

Сўнги йилларда Суғддан Уструшона орқали Шошга борадиган катта савдо магистрал маршрутларини янада ойдинлаштиришга имкон берадиган янги археологик материаллар тўпланди. Бу йирик савдо йўли ўрта асрларда яшаган муаллифлар (Ибн Хордадбех, IX аср; ал–Истахрий, X–аср ал-Муқаддасий, X аср; Ибн-Ҳавқал, X аср) томонидан бир неча марта тилга олинган. Мақолада муаллиф бу йўл ёқасидаги айрим рустоклар, шаҳар ва қишлоқларнинг ўрнини аниқлаш борасидаги ўз фикрларини билдирган ҳамда янги очилган карвонсаройларда топилган археологик материалларнинг илмий муомаласини киритган.

A.A. Gritsina

Towns and caravan-serays in the Great trade route from Sogda to Shash

Rather abundant scientific material has been collected during last years, that makes possible to define concretely the ways of movement of caravans by so called Great trade joute from Sogda to Shash through Ustrushana. This way is repeatedly mentioned by medieval authors (Ibn Khordadbeh (IX c), al-Istahri (X c), al-Mukaddasi (X c), Ibn Khaukal (X c.) and others). The author of the paper proposes his own version of localization of some populated areas and districts and bring into use some data of investigation of new-discovered caravan-serays.

Б.Х. Матбобоев
(Ўзбекистон)

ФАРҒОНА ВА ЧОЧ ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА: ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ АНЪАНАЛАРИ

Археологик ва ёзма манбаларга кўра, Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар жамияти тизимларида чуқур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий туб ўзгаришлар кузатилади. Ушбу жараён дастлаб антик давр ниҳоясида кушонлар салтанати, Даван (Давань) ва Қанғ-Кангуй (хитойчада Кандзюй) каби конфедератив давлатлари таназзули, кидаритлар (кидарийлар), хионитлар (хионийлар), эфталитлар (эфталийлар), сўнгра арабларни Сирдарё ва Амударё оралиғидаги деҳқончилик ҳудудларига бостириб кириши вақти билан бир даврда рўй беради. Албатта, буларнинг барчаси Ўрта Осиё халқлари тарихида айниқса, моддий маданиятда ўз изларини қолдирган. Кейинги йилларда Фарғона водийси ва Чоч (Тошкент воҳаси) илк ўрта асрлар даври тарихи тўғрисида муҳим археологик ва ёзма манбалар тўпланди. Бу манбалар Фарғона ва Чочнинг илк ўрта асрлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолати тўғрисида баъзи бир хулосаларни чиқаришга имкон беради.

Хўжалик юртиш усуллари. Фарғона водийсини илк ўрта асрлардаги хўжалик ҳаётини акс эттирувчи археологик объектларни солиштириб ўрганишга кўра деҳқонлар ва чорвадорларнинг ўзаро муносабатлари ўрганилаётган даврда динамик равишда ривож топади. Бироқ, Фарғона кўчманчи-чорвадорлари ҳақида гап кетганда бир жараёнга эътибор бериш керак. Бу уларнинг хўжалик машғулоти билан боғлиқ бўлиб, мазкур воқелик этнография маълумотлари билан танишиш давомида кўзга яққол ташланади. Маълумки, қадимдан водий чорвадорлари Ўрта Осиёни бошқа ерларидан бир оз фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятларига эга бўлган. Этнографик маълумотларга кўра, ярим кўчманчи аҳоли асосий машғулоти чорвачилик билан бир қаторда деҳқончилик, хусусан, лалмикор деҳқончилик билан ҳам шуғулланган. Масалан, Кўкон хонлиги даврида водийни тоғ ҳудудлари билан деҳқончилик воҳалари оралиғидаги айрим ҳудудларда (тоғолди, адир) деҳқончилик қиладиган ярим кўчманчи

аҳоли яшаган [1]. Бу жараён илк ўрта асрларда ҳам кузатилган ва у кўпгина шу давр қабристон материаллари таркибида ҳам яққол кўзга ташланади. Кейинги пайтда қўлга киритилган археологик материаллар Фарғона водийсида илк ўрта асрларда қуйидаги хўжалик юритиш усуллари бўлганини кўрсатмоқда: **1) Дехқончилик.** Воҳа дехқонларини ғалла, пахта, ипак ва бошқа озик-овқат махсулотлари етказишгани ҳақида ашъвий далиллар бор. Бундай анъанавий хўжалик юритиш водийда узоқ тарихга эга, яъни милoddан аввалги II минг йиллик ўрталаридан - илк дехқончилик маконлари пайдо бўлгандан бошлаб давом этиб келмоқда. **2) Хунармандчилик.** Бу асосан шаҳар аҳолиси ва айрим қишлоқлар ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, водийда илк ўрта асрларда жуда ривожланган. Ёзма манбалар водийда VII-VIII асрларда 100 дан ортиқ шаҳарлар бўлганлигини хабар берадилар. Шаҳарларда асосан хунармандчилик ва айрим олинган шаҳарларда қишлоқ хўжалик товарларини қайта ишлаш мавжуд бўлган. Бу хўжалик юритиш усули олдинги - антик давр шаҳар ҳаёти учун ҳам қайд этилган. Масалан, Хитой ёзма манбаларида Ючен (Ўзган яқинидаги Шўрабашот ёдгорлиги) шаҳар ҳокими тўғрисида маълумот бор [2]. **3) Чорвачилик.** Бу хўжалик тури билан кўчманчилар шуғулланиб, улар тоғ ва адирлардаги яйловларда хўжалик юритишган; чорваларга яйлов қидириб бир жойдан иккинчи ерга кўчиб юришган, археологик топилмаларга кўра майда ва йирик шохли (қўй, мол, эчки) ва транспорт ҳайвонлари (от, эшак, туя) боқишган. Бундан ташқари улар ҳаётида овчилик ва ҳарбий жанговарлик фаолияти катта роль ўйнаган. Бу гуруҳ учун этнографиядаги вертикал [3], яъни пастдан юқорига, юқоридан пастга кўчиб юриш (балки, тоғлар (юқори) - чўллар, воҳалар (қуйи) хос бўлган. Географик шароитлардан келиб чиқиб, улар ҳаётидаги кўчиб юриш кўлами (амплитуда кочевания) Қозоғистон ва Сибирь кўчманчиларига нисбатан камроқ кузатилади. Уларнинг бир қисми қишки манзилларида қолиб, яйлов чорвачилиги ва парранда етиштириш билан ҳам шуғулланганлар. Чорвадорлар тоғолди, адир ва кўрик ерларда тирикчилик қилиб, лалми экинлар буғдой, арпа, тарик кабиларни кўшимча равишда етиштирганлар. Баъзи ҳолатларда айрим суғориш мумкин бўлган жойларда бу гуруҳ майда ёки лалми дехқончилик билан шуғулланганлар. Ушбу гуруҳда ўтроқлашиш жараёни жуда осон кечиб, улар тез орада ўтроқ дехқончилик билан шуғулланиб кетганлар.

Ҳар учала гуруҳга хизмат қилган жамиятдаги яна бир қатлам савдогарлар роли ҳам сезиларли бўлган. Қитъалараро савдо йўли – Ипак йўли ривожланган ва унинг янги тармоқлари очилиб, фаолият кўрсатган. Ёзма маълумотларга кўра, VII-VIII асрларда Фарғона ва Чоч ҳукмдорлари Хитой императорига юқори сифатли шиша, машҳур қирмизи ранг отлар етказиб берганлар [4].

Юқорида келтирилган бундай мураккаб хўжалик юритиш жараёни ҳар икки Фарғона ва Чоч ўлкалари учун характерли эди. Чунки уларнинг кўп укладли хўжалиги бир-бирларига жуда ўхшаб кетган. Улардаги жамиятнинг ижтимоий таркиби эркин жамоа ишлаб чиқаришга асосланган дехқон ва чорвадор хўжаликлари, хунармандлар, савдогарлардан иборат эди. Дехқончилик маданияти таъсирида кўплаб чорвадорлар аста-секин ўтроқлаша борганлар. Шунинг учун бўлса керак, айрим чорвадорлар қишлайдиган худудларда уларнинг тураржой қолдиқлари ҳам топилган [5]. Бу жараён V-VIII асрлардаги Фарғона чорвадорлари ҳаётида яхши кузатилади. Жумладан, зироатчилар ва чорвадор-кўчманчи аҳоли моддий маданиятида кўп ўхшашликлар қайд этилади. Бундай ўзига хос хўжалик юритиш алоқалари шимол, шимоли-ғарбда Фовасой ва Сумсарсой ҳавзаларидаги мазорлар - қурум ва муғхоналар [6], жануби-ғарб ва жанубда - Боркорбоз, Хонқиз II, Қайрағоч, Қора Мўйноқ, Ворух, Чорку I, II, Исфара, Қалантархона (ёрма ва лаҳад гўрлар), шарқда бўлса Кеден, Қоражар, Қоракўлжа каби

археологик ёдгорликлари материаллари таркибида кузатилади [7]. Бу фарғонача хўжалик юритиш усули водий аҳолиси ўртасида мавжуд бўлган хўжалик тафовутларини секин-аста йўқолиб боришига, илк ўрта асрлар ниҳоясига келиб, бир бутун суғорма деҳқончилик ва шаҳар хунармандчилигига асосланган ҳукмрон хўжаликка айланишига олиб келди. Хўжаликнинг иқтисодий асосини эркин жамоа ишлаб чиқариши ташкил этган. Деҳқончилик эркин деҳқон жамоалари – кашоварлар, деҳқонзодалар ва кадиварлар меҳнати асосига ўтади. Эндиликда деҳқончилик, чорвачилик ва хунармандчиликда асосий маҳсулотларни айнан эркин жамоачилар ишлаб чиқарганлар ҳамда улар жамиятнинг ўзагини ташкил этган [8]. Айтилганларга қўшимча этиш керакки, келтириб ўтилган мазор-қўрғонлар гуруҳи чорвадорлар қолдирган ёдгорликлар деб ҳисобланади. Булардан келиб чиқиб ва этнографик маълумотларни ҳисобга олиб, деҳқонлар ва кўчманчи-чорвадорлар ягона бошқарув ва маъмурий тизимга эга бўлган, деган фикрни илгари суриш мумкин [9].

V-VI асрлардаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар. Маълумки, V аср бошларида Ўрта Осиёнинг сиёсий харитасидаги йирик давлатлар таназзулга юз тутиб емириладилар. Манбалардаги 435 йилдан кейинги маълумотларда Кушон империяси, Кангуй, Даван каби конфедератив давлатлар номи учрамайди, улар тарих саҳнидан кетадилар. Бунгача Даван ва Кангуй атамалари ёзма манбаларда охириги марта учрайди. Жумладан, Хитойнинг Илк Цинь (351-394) подшолигининг Илк Лян ери ҳукмдори Фу Цзянь биографиясида ёзилишича, уни ҳузурига 379 йили Даван ва Кангуйдан элчилар келадилар [10]. Ана шу йирик давлат бирлашмалари ўрнида кўплаб майда ер эгаликлари (мулклар) пайдо бўлади (аниқроғи «давлатча»лар - *Б.М.*). Таъкид жоизки, худудий жиҳатдан водийга яқин бўлган Шарқий Туркистонда (Шинжон) ҳам майда ва мустақил давлатчалар тизими бўлган [11]. Ўрганилаётган даврда Ўрта Осиёда ер эгаликлари («давлатчалар») сони 15 та эди, кейинроқ улар кўпайган [12]. Бу мулклар асосан майда воҳаларда таркиб топган шаҳарчалар асосида пайдо бўлиб, уларга атрофдаги ерлар ҳам қарар эди. Ана шундай ер эгалигида ўзини маҳаллий ишлаб чиқариш (иқтисодий) маркази вужудга келди ва охир-оқибатда у шаҳар тусига кириб боради [13].

Ана шу ер эгаликлари (мулклар ёки воҳа давлатлари)да асосан шаҳар ва қишлоқ аҳолиси яшаган. Улар сўнгги антик ва илк ўрта асрларда ижтимоий ўзгаришларга учраган ҳамда жамиятнинг ижтимоий таркибига таъсирини ўтказган. Жумладан, V-VIII - асрлардаги археологик ёдгорликларни рўйхатига асосан тузилган харитага кўра, илк ўрта асрларда шаҳарлар сони антик даврга нисбатан майда шаҳарлар ҳисобига ортади. Бу даврда қишлоқлар (42,60%) ва қасрлар, қалъа-қўрғонлар сони (12,59%) ҳам ортади. Яъни, антик даврга нисбатан илк ўрта асрларда эркин деҳқон хўжаликларининг бадавлат табақаси – деҳқонзодалар мулки асосида қад кўтарган қасрлари теварагида таркиб топган шаҳарлар сони кўпаяди. Бундан келиб чиқадики, қишлоқ жамоалари ичида мулкий табақаланиш жадал кечган, майда мулк эгалари кашоварларнинг бир қисми мулксиз кадиварларга, улар ҳисобига бойиб бораётган кечаги кашоварларнинг бошқа бир қисми эса бадавлат деҳқонзодаларга, яъни мулкдор феодалларга айланиб борган [14]. Мулкий табақаланиш ва тенгсизлик ҳосиласи сифатида жамиятда ижтимоий қарама-қарши гуруҳлари пайдо бўлади. Жамиятда қулчилик бўлгани ҳақида ёзма маълумотлар бор. Бу ҳақда VIII аср бошларидаги шартномада (Самарқанд шартномаси ҳам дейилади) қайд этилишича, Фарғона арабларга 200 минг драхм (дирхам) миқдорида моддий бойлик ва қуллар етказиб бериши кўзда тутилган [15].

Б. Абдулгазиеванинг Фарғона водийсининг бир қисми – Қорадарё юқори ва қуйи оқимлари ёдгорликлари асосида билдирган фикри: яъни антик даврда қишлоқлар сони ортиши ва шаҳарлар камлиги; илк ўрта асрларда қалъа-қўрғонлар ҳамда шаҳарлар

сонини ортиши хусусияти [16] бизнинг материалларимизда ўз тасдиғини топмади. Тўғри, юқорида келтириб ўтганимиздек, антик давр учун шаҳарлар 16 та эди [17] илк ўрта асрларда улар 22 тага етди. Улардан фақат иккитаси илк ўрта асрларда пайдо бўлади. Айнан антик давр охирларида водийдаги Учқўрғон I (майdonи 12 гектар), Қайновот (15 га), Қорадарё (10 га), Жиланди (7 га), Шимолий Куршоб (5 га), Янгибозор (10 га), Мозортепа (12 га), Каламиштепа (12 га), Оқтепа (12 га) каби шаҳарлар таназзулга юз тутадилар ва илк ўрта асрларда йирик шаҳарлар камаяди. Бироқ, қишлоқлар улushi антик даврдагидан кам эмас эди (42,60%) ва айрим қишлоқлар баъзи товарларни ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашадилар. Хуллас, илк ўрта асрларда Фарғона водийсида ҳар бир ирригация райони ва воҳасида қишлоқ ҳокимликлари ҳамда айрим йирик шаҳарлар асосида эса шаҳар-давлатлар ташкил топади. Уларни бошқаришда маликлик бўлган. Буни V-VI асрларга тааллуқли, деб топилган танга ва ундаги ёзувни «малиги Фарғона Чеш (Чиш)», деб ўқилишидир [18].

Сиёсий жиҳатдан V-VI асрлар Фарғона тарихида нотинч давр эди. Ёзма манбалардаги машҳур Даван давлати тарих саҳнасида кетади. Хусусан, хитойча Бейши номли манбани 97-боб биринчи қисмида, 436 йилда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни баёни берилганда, Даван давлати тилга олинмаган. Бундан бир оз сўнг - 510 йили Ўрта Осиёда (эҳтимол Фарғонада ҳам) эфталитлар давлати пайдо бўлади. Балки эфталитларни Ўрта Осиё худудларига бостириб кириши юқорида тилга олинган йирик давлатлар емирилишини тезлаштирган бўлиши мумкин. Бу вақтдаги нотинчлик тўғрисида ўша Хитой манбалари хабар берадилар. «Юань-вэй (386-550/557) ва Цзинь (265-480) сулоласи ҳукмронлиги даврида Фарбий ўлкалар бир-бирлари комига тушдилар. Уларда кечаётган воқеаларни тушуниб бўлмади» [19]. Ўша бир-бирларини ютиб юбораётган ўлкалар (мулклар) ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар кам учрайди. Манбаларда қуйидаги ўлкалар қайд этилган: Чжеше (олдинги Қанғли), Шаркий Цао (Уструшона), Сивань-цзинь (Самарқанд), Фарбий Цао (Иштихон), Ньюми (Бухоро воҳаси) Цзяшени - Кушания (Кеш), Ноше-боло (Нахшаб) ва бошқалар. Қўшимча қилиб айтамикки, қўшни Чочда бешта [20], Суғдда (Кан) бир неча (9 та) ер эгаллиги бўлиб, уларда Чжао'у (Жабғу) уруғи авлодлари ҳокимлик қилишган.

Номлари зикр этилган манбаларда Фарғона «Лона», «Полона» номи билан тилга олинади (Бейши, биринчи бўлим). Хитойнинг Шимолий Вэй давридаги (384-534) «Вэйшу»да таъкид этилишича, 436 йили элчи Дунь Вань «Полона»-олдинги Давань давлатигача борган [21]. Демак, бундан маълум бўляптики, Полона-бу алоҳида давлат ва у олдинги Даван (Фарғона) ерларида жойлашган.

V-VI асрларда Фарғонадаги сиёсий вазият ҳақида ёзма манбаларда маълумот кам. Фақат шу давр воқеаларига бағишланган манбада бир хабар бор. «Лона - бу қадимги Даван, қароргоҳ - Гуйшань, Қашғар шимоли-ғарбида, Дайдан 14450 ли. да жойлашган. Тхайхо ҳукмронлигини учинчи ёзида, 479 йилда ҳоким чопар билан қирмизи ранг зотдор отлар (улар «қон билан терлайдиган» (потокровные) дейилади) жўнатди, шу вақтдан эътиборан, совға-салом билан элчилар юбориб турилди» [22].

Демак, Ўрта Осиёни бошқа худудларидаги материалларни ҳисобга олиб, ёзма манбаларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, Фарғона - Давань подшолиги емирилгач, бир неча майда ер эгалликларига бўлиниб кетган. Ана шу ер эгалликларини энг йириги ёзма манбалар хабар берган Полона (Лона) эди. Археологик материалларни таҳлил этиш, ёзма манбаларни диққат билан ўрганиш ушбу сатрлар муаллифига водийда илк ўрта асрларда еттита катта ер эгаллиги мавжуд бўлганлиги ва улар жойлашган ўрнини аниқлашга имкон бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Батраков В.С. Характерные черты сельского хозяйства Ферганской долины в период Кокандского ханства // Труды САГУ. Новая серия. Вып. LXII. Гуманитарные науки. Книга 8. Ташкент, 1955.
2. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.; Л., 1950.
3. Марков Г.Е. Скотоводческое хозяйство и кочевничество. Дефиниция и терминология // Советская этнография. 1981. № 4.
4. Шефер Э. Золотые персики Самарканда. М., 1981.
5. Заднепровский Ю.А. Ранние кочевники Кетмень-Тюбе, Ферганы и Алая // Археология СССР: Степная полоса Азиатской части СССР в скифо-сарматское время. М., 1992.
6. Спришевский В.И. Каменные погребальные сооружения "мугхона" I-IV вв. н.э. Рукопись. Архив Музея истории народов Узбекистана. Ташкент, 1957. Шифр 14; Баратов С.Р. Культура скотоводов Северной Ферганы в древности и раннем средневековье (по материалам курумов и мугхона); Рукопись дис... канд. ист. наук. Архив Института археологии АН РУз. Самарканд, 1991.
7. Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы. М., 1972; Заднепровский Ю.А. Археологические памятники южных районов Ошской области (середина I тыс. до н.э. - середина I тыс. н.э.). Фрунзе, 1960.
8. Аскаров А.А. Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // ЎИФ. № 6. 1994. 33-35-бетлар; Заднепровский Ю.А. Археологические памятники южных районов Ошской области (середина I тыс. до н.э. - середина I тыс. н.э.). С.52.
9. Марков Г.Е. Скотоводческое хозяйство и кочевничество. Дефиниция и терминология... С.93.
10. Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. - VII в. н.э. (историко-географический обзор по древнекитайским источникам). М., 1989.
11. Малявкин В.Г. История Восточного Туркестана в VII-X вв. // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. М., 1988.
12. Мандельштам А.М. О сложении таджикской народности в Среднеазиатском Междуречье // СА. XX. 1954. С. 76.
13. Дьяконов М.М., Мандельштам А.М. Средняя Азия в III-V вв. // Очерки истории СССР. М., 1958.
14. Аскаров А.А. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида қадимги Фарғона // Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари. I жилд. Фарғона, 2000; Аскаров А.А. Қадимги Фарғона тарихидан лавҳалар // Археология и история Центральной Азии. К 70-летию со дня рождения академика АН Республики Узбекистан Ю.Ф. Буякова. Самарканд, 2004.
15. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. М., 1970.
16. Абдулгазиева Б. Восточная Фергана в древности и раннем средневековье (система расселения, районирование и типология). Текст и альбом дис... канд. ист. наук. Архив Института археологии АН РУз. Самарканд, 1988.
17. Горбунова Н.Г. Поселения Ферганы первых веков нашей эры (Некоторые итоги исследования) // СА. № 3. 1977.
18. Лившиц В.А. Письменность Древней Ферганы(?) // Народы Азии и Африки. № 6. 1968.
19. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.-Л., 1950. Т. 2.
20. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2.
21. Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. - VII в. н.э. (историко-географический обзор по древнекитайским источникам).
22. Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2.

Б.Х. Матбабаев

Фергана и Чач в раннем средневековье: тенденции социально-экономического развития

В статье на основе изучения археологических и письменных источников устанавливаются хозяйственные типы в раннесредневековой Фергане. Отмечается многоукладность хозяйств Ферганы и Чача в канун арабского нашествия. Показывается, что эти регионы состояли из нескольких землевладений, которые возникали на базе земледельческих оазисов.

В.Н. Matbabayev

Ferghana and Chach in Early Medieval Period: the socio-economic development trends

The article reveals the husbandry types in early medieval Ferghana based on studies of archaeological and historical sources. It is noted, that Ferghana and Chach had multi-type economies on the thresholds of the Arab invasion. These regions were composed of several land-use areas, originated on the basis of sedentary oases.

ҚАДИМГИ ЧОЧДАГИ УРБАНИСТИК ЖАРАЁНЛАР ТАРИХИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Тарихий ҳодисалар ва воқеаларнинг тарихий аниқлигида, тарихий-маданий тараққиёт босқичларида шундай жиҳатлар борки, уларни бир-бири билан мантикий таққослаш, қиёсий солиштириш асосида ўрганиш, қўйилган масалага кўпгина ойдинликлар киритиши тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган. Чунончи, Ўрта Осиё умуман, дунё тарихида рўй берган урбанистик (шаҳар маданияти ва шаҳарсозлик) жараёнлар хусусида турли даврларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил этиш ва қиёслаш бу жараёнларни чуқур ва ҳар томонлама таърифлаш имконини беради. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё турли қадимги тарихий-маданий вилоятларидаги урбанистик жараёнлар тарихини ҳақиқий манбалар - археологик ва ёзма манбалар асосида таҳлил этиш жамиятда рўй берган қадимги тарихий-маданий жараёнларни англаб етишда бекиёс аҳамият касб этади. Чоч воҳасидаги урбанистик жараёнлар тарихи ҳам бундан мустасно эмас.

Фикримизча, тарих фанида урбанистик жараёнларни тадқиқ этишнинг нисбатан кенг камровли бўлиши учун давлатчилик тараққиёти босқичларини ҳар томонлама тадқиқ этаётган пайтимизда, унинг ажралмас қисми сифатида шаҳарларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Чунки шаҳарлар шаклланиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари фақат бутун жамият ривожини билан боғлиқ бўлган урбанистик жараёнлар тартибида аниқланади. Урбанистик муносабатлар ривожланиш жараёнида айрим вазифалар ўзгаради, айримлари йўқолади, айримлари мураккаблашиб, нисбатан юқори даражага кўтарилади.

Қадимда, айниқса, Ўрта Осиё мусулмон Шарқида ўзининг табиий бойликлари билан машҳур бўлган, асосий ҳудудларини Тошкент воҳаси ташкил этган қадимги Чоч ўрта Сирдарё хавзасида жойлашган. Уч томондан қорли “осмон тоғлари” – Тяньшань, Чотқол ва Қурама адирлари билан ўралган воҳа Сирдарёнинг ирмоқлари Чирчиқ ва Оҳангарондан сув ичувчи ҳосилдор ерлари ва боғлари билан шуҳрат қозонган. Тоғолди ҳудудларидаги тоғлар, адирлар, яйловлар йил давомида ҳайдама ва ярим кўчманчи чорвачилик учун қулай шароит яратган эди. Чотқол ва Қурама тоғларидаги фойдали қазилмалар конлари олтин ва қумуш, мис ва темир, қимматбаҳо тошларига бой бўлган Яксарт-Сирдарё қадимдан воҳалардаги ўтроқ халқлар ва Буюк даштдаги кўчманчи қабилалар ўртасидаги маданий ва этник алоқаларда воситачи вазифасини ўтаган. Чоч ушбу алоқаларнинг энг фаол зонасида жойлашган.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, сўнгги бронза ва илк темир давридаёқ Тошкент воҳасида кўчманчи чорвадорлар кўрғонлари билан биргаликда, аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланган қишлоқлар ҳам пайдо бўлади. Оддий суғориш усулларида фойдаланган бу аҳолининг маданияти дастлабки очилган қишлоқ номи билан Бургулик (Бурканлик) маданияти деб юритилади. Ҳозирги кунга келиб, Чирчиқ ва Оҳангарон хавзаларида ушбу маданиятга оид 25 дан зиёд ёдгорлик очиб ўрганилган¹ Бургулик маданиятининг йирик қишлоқларидан бири Тошкентнинг жануби-ғарбий

¹ Буряков Ю.Ф. К истории урбанистических процессов Древнего Чача // Древняя и средневековая урбанизация Евразии и возраст города Шымкент. Шымкент, 2008. С.72.

чеккасидаги Жун дарёси ирмоғи бўйида очилган Шоштепа ҳисобланиб, бу ерда ҳам суғорма деҳқончилик учун қулай шароит мавжуд эди.¹

Кўчманчи чорвадорлар маданиятлари тадқиқотчиларининг маълумот беришларича, милоддан аввалги VI-IV асрларга келиб, иқтисодий зоналарнинг кенгайиши билан боғлиқ ва чорвачилик хўжаликларидида иқтисодий фойданинг тезроқ ривожига имкон яратган Марказий Осиёнинг шарқий районларидаги катта демографик ўсиш – сак-усун қабилалари иттифоқининг кучайишига, улар ҳаракатларининг кенгайишига, уларнинг Ўрта Осиё халқлари билан алоқаларининг жадаллашувига сабаб бўлган эди.

Антик даврга келиб, Ўрта Осиёнинг катта ҳудудларини Александр Македонский босиб олиши ва унинг вафотидан сўнг Салавкийлар давлатининг пайдо бўлиши муносабати билан йирик сиёсий воқеалар бўлиб ўтади. Антик давр тарихчилари Сирдарё-Яксартни ўтроқ аҳоли ва кўчманчилар ўртасидаги чегара сифатида изоҳлайдилар. Хусусан, Страбон маълумотларига кўра, “Яксарт суғдийлар ва кўчманчиларни ажратиб туради”².

Воҳанинг жануби-ғарбий қисмида, Тошкентдан 70 км узоқликда, Сирдарёнинг қирғоғида уч қатор ҳимоя деворлари билан ўралган йирик кўҳна шаҳар харобалари очиб ўрганилган. Тарихий-илмий адабиётларда бу кўҳна шаҳар Қанқа номи билан машҳурдир. Кўҳна шаҳарнинг энг қадимги асоси – майдони 6,5 гектар бўлган қалъаси эллинистик дунёда машҳур эллинистик ҳарбий қурилиш услублари асосида бунёд этилган. Мустаҳкам қалъа деворлари табиий пойдевор (фундамент) устига тўғри бурчакли хом ғишт ва пахсадан қад кўтарган. Қанқанинг режавий тузилиши, ҳимоя иншоотлари милоддан аввалги IV-III аср Ўрта Осиёнинг Бактриядан Хоразмгача бўлган деҳқончилик маданиятларининг эллинистик меъморчилигини эслатади.³ Аммо, эллинистик анъаналарнинг таъсири Чочда узоқ чўзилмаган ва мустаҳкам асосларга эга эмас эди.

Милоддан аввалги III асрнинг охири-II асрда иқлимнинг ўзгариши натижасида йирик дарёлар ва қўллар сувларининг камайиши Осиёнинг шимолий ва шарқий минтақаларида яйловлар учун курашларнинг кучайишига ва воҳага кўчманчилар ҳамда Яксариятнинг қуйи оқимларидаги ўтроқ аҳолининг кириб келишига олиб келди. Аҳолининг катта гуруҳи ўзларининг моддий маданияти билан, фанда Қовунчи маданияти деб ном олиб, Тошкент воҳасига кириб келади. Бу маданият Ўрта Осиёнинг шимолий районларига хос бўлган, зироаткор-чорвадорларининг меъморчилик анъаналарини ўзида акс эттирган, жумладан, урбанистик хусусиятга эга бўлган маданият эди.

Воҳа урбанистик жараёнлари билан шуғулланган тадқиқотчилар Қовунчи маданияти ривожини қуйидаги учта босқичга ажратадилар:

1. Қовунчи I-милоддан аввалги II-милодий I аср бошлари. Бу давр шимол ва жанубдан кириб келган қабилаларнинг ўтроқлашуви, иқтисоднинг деҳқончилик ва чорвачилик укладининг шаклланиши, Қанқа доирасида урбанистик жараёнларнинг пайдо бўлиши даври эди.

2. Қовунчи II-милодий I аср бошлари - III асрнинг охири. Бу давр деҳқончилик иқтисоди, тоғ-кон хунарманчилиги, шаҳар маданияти, Чоч мулкининг ривожланиш даври эди.

¹ Шоштепа ҳақида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Филанович М.И.Ташкент: зарождение города и городской культуры. Ташкент: Фан, 1983. С. 38-62.

² Страбон. География в XVII книгах (Пер. и коммент. Г.А. Стратановского. М.: Наука, 1964.

³ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент: Фан, 1982. С. 103-106.

3. Қовунчи III аср охирлари - V аср. Чочнинг Қанқанинг вориси сифатида мустақил мулкка айланиш даври.

Тадқиқотларнинг тизимли таҳлили шуни кўрсатадики, Қовунчи маданияти белгилари Тошкент воҳасининг 100 дан зиёд қишлоқларида, 13 та шаҳар пунктларида, кўплаб кўмиш маросимига оид мажмуаларда аниқланган. Айниқса, Чоч мулкларининг Қанқа таркибига кириши урбанистик жараёнларнинг ривожини учун катта аҳамиятга эга бўлади. Таъкидлаш лозимки, Буюк ипак йўлининг қадимги савдо йўналишлари асосан Ўрта Осиёнинг жанубидан ўтган.¹ Аммо, Хан хонадони тарихи маълумотларига кўра, шимолӣ йўл Тяньшань тоғлари орқали ғарбга – Даван, Қанғуй, Яншай ва Янцига олиб борган.² Айнан мана шу даврга келиб, Қанқа йирик шаҳар сифатида шаклланадики, савдо алоқалари устида жойлашганлиги кўхна шаҳар ривожини учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Савдо-иқтисодий алоқаларнинг кенгайиб бориши Қанқанинг сиёсий таъсири ўсишига олиб келди-ки, бу давлат ўзининг гуллаб-яшнаган даврида Оролбўйидан жанубий Уралбўйигача бўлган худудларда ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Қанқа ҳукмдорларининг қишки қароргоҳи бўлган Қанқа (Хитой манбаларида Юни) муҳим иқтисодий ва сиёсий марказ сифатида, урбанистик белгиларни мужассамлаштирган пункт сифатида шаклланади.

Археологик манбаларнинг маълумот беришича, воҳадаги шаҳар марказлари асосан маданиятлар ва маҳсулот алмашувида воситачи вазифасини бажарган Сирдарё бўйлаб шаклланади. Мисол учун, пойтахт Қанқадан жанубда, Сирдарё қирғоғида, савдо йўлидаги Тошкент мулкларига ўтувчи муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган кечувни назорат қилувчи йирик қалъа - Банокат пайдо бўлади. Шаҳарнинг тўртбурчак режавий тузилиши, ички йўлақлари бўлган икки қаторли қалъа девори ҳимоя иншоотлари ва девор олди хандақлар антик давр меъморчилиги билан ўхшашлик топади.

Воҳа иқтисодий салоҳияти кучайганлигини шунда ҳам кузатиш мумкинки, антик даврнинг охирларига келиб, пойтахт Қанқадан шарқий томонда, Чотқол ва Қурама тоғлари адирларида фойдали қазилмалар қазиб олиш бошланади. Чунончи, Кучбулоқда олтин, Лашкеракнинг ғарбий қисмида кумуш, Шавозсойда темир, Унгуриликонда ферузани қайта ишловчи конлар пайдо бўлади. Бу даврга келиб, воҳада шаҳар пунктлари тизими шаклланадики, бунинг бир неча сабаблари бор эди.

Маркази пойтахт Қанқа бўлган шаҳарларнинг бир гуруҳи Сирдарё бўйлаб барпо этилади ва улар маданиятлар, маҳсулотлар ва этносларнинг ҳаракатлари ва алмашинувида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Пойтахтдан жанубда Сирдарё қирғоғида йирик қалъа Банокат (Шарқия кўхна шаҳри) шаклланиб, Суғддан Тошкент воҳасига келувчи стратегик муҳим кечувни назорат қилади. Банокатдан жануброқда, айнан Сирдарё қирғоғида яна бир кўхна шаҳар - Далварзинтепа харобалари очилганки, у ердан бир гуруҳ қадимги Чоч тангалари топилган. Бу кўхна шаҳар Даван – Фарғонага боровчи кечув жойида жойлашган.³

Оҳангарон воҳасидаги тоғ-кон бойликларини қайта ишлаш муносабати билан тоғлар этакларида бир неча шаҳар марказлари пайдо бўлади. Тункет, Туккет, Намудлиғ, Кухисим каби шаҳарлар металл хом ашёси эритиш ва қайта ишлов бериш билан боғлиқ эди.

¹ Пьянков В.И. Средняя Азия в античной географической традиции. Источниковедческий анализ. М., 1997. С. 37-42.

² Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т.2. М.: Л., 1950. С. 150, 184, 186.

³ Бураков Ю.Ф. О локализации Древнего Хаса // Материалы по истории Узбекистана. Ташкент, 1966. С. 46-48.

Бу шаҳарлар ўрта асрлар даврига келиб янада ривожланади ва улардан бири, аниқроғи, Тункент, ўрта асрлардаги мустақил вилоят бўлган Илокнинг пойтахтига айланади.

Шаҳарларнинг яна бир гуруҳи айнан воҳа зонасида шаклланадики, археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, милодий I-II асрларда Чирчиқ дарёси воҳасидаги ва кўчманчи дашт чегараларидаги ерлар жаддаллик билан ўзлаштирилиб борилади. Бу ҳудудларда шаҳарлар ва қишлоқлар шаклланиб, уларнинг нисбатан қадимгироқ гуруҳи Солар, Жун, Кўлқудук каби каналларнинг табиий ирмоқлари бўйларида пайдо бўлади. Юқорида эслатилган ва Бургулик маданияти сўнгги даврида ҳам мавжуд бўлган Шоштепадан шарқда Кугаиттепа, Мингўрик, Тавкаттепа, Бўзғонтепа қабилар бунёд этилади. Улардан нисбатан йириги Солар бўйидаги Мингўрик ҳисобланади. Шаҳарнинг майдо-ни даставвал унча катта бўлмасдан, кейинчалик 35 гектаргача кенгаяди. Кўхна шаҳарнинг тадқиқотчилар томонидан очилган меъморий режаси тантанали маросимлар жойи, тураржойлар, диний иншоотлардан иборат бўлиб, улар паҳса ва ўлчамлари Қовунчи маданий қурилишларига хос бўлган ғиштлардан бунёд этилган.¹

Қовунчи II даврининг охирига келиб, шаҳар ва қишлоқлар жадал ривожланди. Хусусан, уларнинг шаклланишига турли меъморчилик анъаналарининг таъсири кузатилди. Айнан мана шу даврга келиб, воҳанинг “Чоч” деган номи пайдо бўладики, у Хитой манбаларида “Ши”, “Чжеши” шаклида эслатиб ўтилади. Бу ўринда “Чоч” атамасининг маъносига тўхталиб ўтадиган бўлсак, кўпгина тадқиқотчилар уни турлича талқин этадилар.

Тошкент воҳаси тарихи бўйича узоқ йиллар самарали тадқиқотлар олиб борган академик Ю.Ф. Буряков бу атаманинг маъносини беришга ҳаракат қилган. Олимнинг тадқиқотларига кўра Хитой талқинида “Ши” атамаси “тош” деган маънони беради. Шунинг учун ҳам кўпчилик тадқиқотчилар бу сўздан “тош қалъа”, “тош йўл”, “тош дарвоза” каби маъноларни излайдилар. Аммо, бу маънолар илмий жиҳатдан тўла асосланмаган. Чунки воҳада на тош деворлар, на тош йўллар ва на тош иншоотлар аниқланмаган. Манбаларнинг қайта таҳлилларига эътибор берадиган бўлсак, қадимги турк тилида “Чоч”, “қимматбаҳо тош” деган маънони беради. Милодий биринчи асрлардан бошлаб, Чотқол ва Қурама тоғларидан олтин, кумуш, темир ва айниқса, қимматбаҳо феруза тошлари қазиб олинганлиги эътиборга олинган бўлса “Чоч” сўзи “тош қалъа” эмас, балки, “қимматбаҳо тош ўлкаси”, аниқроғи, “феруза ўлкаси” деган маънони бериши мумкин.² Назаримизда, ушбу таклиф илмий жиҳатдан анча асослидир.

Антик давр давлатлари жумладан, Қанқа давлатининг инқирозга учраши билан Чоч тарихида янги босқич бошланади. Милодий III–IV асрларда навбатдаги экологик зарба бошланиб, у Чоч, Қашқадарё, Зарафшон воҳаларига кўчманчи қабилалар ҳаракатининг янги тўлқинини келтириб чиқарди ва бу ҳудудларда мустақил мулклар шаклланди. Айрим ёзма манбалар бу даврдаги Чочни “қадимги Қанқа вориси” сифатида изоҳлайдилар. Бу даврдаги шаҳарлар тараққиёти ҳам Чочнинг мустақил равишда ривожидан далолат беради.

V асрда Чоч, Ўрта Осиёнинг катта қисмидаги кўчманчилар районлари ва урбанизациялашган воҳаларни ўз ичига олган Эфталитлар давлати таркибига кирган эди. Чоч ҳукмдорлари шимолий ҳудудлардаги Фарғона ва Чоч мулкларига бўлган ерларга даъвогар бўлган Эрон сосонийлари билан муваффақиятли курашлар олиб бордилар.

¹ Буряков Ю.Ф. О исторической типологии средневекового Илака // СА. 1972. № 2. С. 48-53; Древности Ташкента. Ташкент: Фан, 1976. С. 49-52; Алимова Д.А., Филанович М.И. История Ташкента (с древнейших времен до наших дней). Ташкент: Фан, 2007. С. 96.

² Буряков Ю.Ф. Чач в свете новых письменных и археологических источников // Қадимги Ўрта Осиё тарихидаги лавҳалар. Тошкент: Фан ва технология, 2008. С. 101-130.

Қанқанинг вориси, мустақил мулк сифатида Чоч Эфталитлар давлати таркибида ўзининг иқтисодий ҳаёти, савдо-сотиғи ва маданий алоқаларининг фаол ривожланишини давом эттиради. Манбаларнинг маълумот беришича, бу даврда чочликлар арпа, буғдой, тарик каби маданий экинлар экиб, жангларда ҳам иштирок этадиган отлар етиштирганлар.

Воҳада суғорилиш иншоотлари тизимининг янги кўринишлари шакллана бошлайди. Чирчиқ сув тизими ҳавзасида йирик Зах канали қазилиб, унинг бошида кейинчалик шаҳарга айланган Паргуш қалъаси бунёд этилади. Солар, Жун, Куркулдиқ ва ўнг қирғоқ Чирчиқдаги Хонариқ каби каналлар табиий ирмоқларга айланиб¹, улар бўйларида шаҳар қалъалар қад кўтаради.

Тарихий манбалар ва моддий маданият буюмлари Чоч аҳолисининг мафкуравий маданияти ва диний ҳаёти ҳақида бой маълумотлар беради. Хитой манбалари ибодатхоналардаги Чоч аҳолисининг, хусусан, ҳукмдорлар ва амалдорларнинг ибодат ва топиниш маросимлари ҳақида маълумот берса², археологик манбалар уларни яна бир марта тасдиқлайди. Ўрта Осиёнинг бошқа кўпчилик тарихий-маданий вилоятларида бўлгани каби Чочда аждодларга топиниш оловга топиниш билан боғланиб келган.

Хуллас, қадимги ва ўрта асрлардаги Чоч воҳаси Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий-маданий вилоятлари қатори урбанизациялашган минтақага кириши илмий жиҳатдан тўла асосланган ҳамда фандаги бу ютуқлар Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлаш учун бекиёс имкониятлар очиб беради.

Б.Ж. Эшов

Некоторые вопросы истории урбанистических процессов в Древнем Чаче

В статье рассматриваются процессы урбанизации Древнего Чача, а также причины и факторы, влиявшие на их эволюцию.

B. Eshov

Some questions of the history of urbanization's process of Ancient Chach

In given article are considered processes of urbanization of Ancient Chach, as well as reasons and factors, influenced upon their evolution.

М. Маҳкамов
(Ўзбекистон)

ҚАДИМГИ ЧОЧ-ИЛОҚ УРБАНИЗАЦИЯСИ ТАРИХИДАН

Қадимги Туроннинг иккинчи йирик сув манбаи ҳисобланган Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида шаклланган Чоч – қадимда Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларидаги йирик мулклардан бири бўлган. Чирчиқ ва Охангарон воҳасидаги унумдор ерларни ўз ичига олган Тошкент воҳаси унинг маркази эди. Бу воҳа уч томондан, шимоли-ғарб, шарқ ва жануб томондан Ғарбий Тяньшань, Чотқол ва Қурама тоғлари билан ўралган. Чочнинг тоғлари турли қимматбаҳо маъданларга бой бўлиши билан бирга чорвачиликнинг ривожини учун ҳам қулай эди.

Географик жиҳатдан Чоч Марказий Осиё халқларининг савдо-иқтисодий ва маданий-этник чорраҳасидаги қулай жойда жойлашган бўлиб, бу ҳудуд зироаткор эллатлар ва кўчманчи қабилалар яшайдиган даштлари яқинидаги фаол алоқалар зонаси

¹ Дадабаева Г. История орошения правобережной части Чирчикской дельты (с древнейших времен до начала XVIII в.): Автореф. дис... канд. ист. наук. Ташкент, 1974. С. 13-14.

² Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах... Т. 2. С. 272-273, 282.

эди. Иккинчи томондан, Чотқол, Қурама ва Қорамозор тоғларидан қазиб олинадиган маъданларнинг, аввало, қимматбаҳо тошларнинг кўплиги ҳам воҳага хос хусусият эди. Чунончи, олтин, кумуш ва феруза Чочнинг Шарқ ва Европа мамлакатларига чиқазадиган асосий хом ашёси ҳисобланган.

Чоч-Илоқ воҳасининг қадимги тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда дастлабки зироаткорлар тахминан бундан уч минг йил илгари пайдо бўлади. Мил. авв. IX-VII асрларда ҳозирги Туябўғиз сув омбори ўрнида илк деҳқонларнинг манзилгоҳлари мавжуд эди. Уларнинг моддий маданияти Бургулик (Бурканлик) сой бўйидан илк маротаба аниқланиб, шу ном остидаги маданият сифатида фанга киритилган¹.

Илк ёзма манбалар Сирдарё-Яксарт ҳавзасини деҳқончилик аҳолиси ва кўчманчилар ўртасидаги чегара сифатида изоҳлайди. Страбоннинг маълумот беришича, Яксарт суғдийлар ва кўчманчиларни ажратиб туради². Дионисий Перигет эса Суғдиёна ортида Яксарт оқими бўйлаб саклар жойлашганлиги ҳақида ёзади³.

Мил. авв. I мингйиллик Тошкент воҳасидаги кўчманчи аҳоли ҳақида маълумотларга эга бўлсак-да, Охангарон ва Чирчиқ воҳаларида Бургулик маданияти мисолида ўтроқлашган чорвадорлар масканлари кузатилади. Бу маданиятга оид тураржойлар ертўла ва ярим ертўлалардан иборат бўлса, моддий маданият буюмлари кўлда ишланган сопол идишлар, бронза меҳнат қуроллари, жанговар қуроллар ва тақинчоқлардан иборат⁴. Уларнинг моддий маданияти ғарбда Сирдарёнинг чап қирғоғи, шарқда Етти-сув, Олтой ва Сибиргача бўлган ҳудудлардаги маданият билан ўхшашлик топади.

Бургулик маданиятининг сўнгги босқичида Тошкент воҳасининг жануби-ғарбидаги ярим ертўлалар ўрнида мустаҳкам қалъа ва қалъа деворларига эга бўлган шаҳар қад кўтаради. Ушбу кўҳна шаҳарнинг деворлари ва миноралари квадрат шаклидаги ғиштлар ва пахсалардан бунёд этилади. Кўҳна шаҳарнинг режавий тузилиши, мудофаа иншоотлари услублари ва бу қатламдан топилган сопол буюмлар қадимги деҳқончилик маданиятининг Ғарб антик меъморчилик анъаналарини эслатади. Бундан хулоса чиқарган Ю.Ф. Буряков, ушбу кўҳна шаҳарни манбаларда эслатилган ва мил. авв. IV-III асрлар қалъаси Яксарт орти Антиохияси билан боғлайди⁵.

Юқорида эслатганимиздек, антик давр муаллифлари Яксарт-Сирдарёни суғдийлар ва саклар ўртасидаги чегара сифатида тасвирлаб, ўтроқ суғдийлардан фарқ қилган ҳолда, сакларнинг кўчманчи турмуш тарзида ҳаёт кечирганлигини таъкидлайдилар. Археологик маълумотлар натижаларига кўра, кўчманчи саклар ўтроқлашиб, Бургулик маданиятига асос соладилар. Аммо, мил. авв. III асрга келиб, бу маданият қишлоқлари бўшаб қолади. Чунки айнан мана шу даврда Евроосиё даштларидаги халқларнинг катта кўчишлари (миграция) бўлиб ўтади ва бу миграция жараёнлари Ўрта Осиё ҳудудларига янги қабилаларнинг кириб келишига сабаб бўлади.

Ёзма манбалар маълумотларига кўра, Сирдарё-Яксартнинг юқори оқими бўйлаб Тошкент воҳасига қадимги дунёнинг кучли уюшмаларидан бири бўлган даҳлар конфедерациясига кирувчи қабилалар гуруҳи кириб келади. Бу конфедерацияга кирувчи айрим қабилалар Сирдарёнинг қуйи оқимларида, Қадимги Хоразм цивилизацияси таъсирида бўлмагани боис, мил. авв. IV-II асрлардаёқ улар шаҳар маданиятидан хабардор эдилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Тошкент воҳасига кириб келган кўчманчилар

¹ Филанович М.И. Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. Ташкент, 1983.

² Страбон. География в 17 книгах // Пер. и коммент. Г.А. Стратановского. М., 1964. XI. 8.8.

³ Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э. – VI в. н.э.). Ташкент, 1940. С. 23.

⁴ Дуке Х. Туябугузские поселения Бургулюкской культуры. Ташкент, 1982.

⁵ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982. С.103-106.

тўлкини Бургулик маданияти қишлоқларига чек қўяди¹. Шу билан биргаликда, бу ҳудудларда кўп сонли аҳолининг ўз маданияти, деҳқон-чорвачилик кўринишидаги анъаналари асосидаги ўтроқлашув жараёнлари бўлиб ўтади.

Бу воҳага илк шаҳарсозликни Сирдарё-Яксартнинг қуйи оқимларидан чиққан, ўзлари билан хом ғишт ва пахса қурилиши анъаналарига эга аҳоли олиб келди. Нисбатан қадимги шаҳарлардан бири Сирдарё-Яксартдан 80 км узоқликда, унинг ўнг қирғоғида бунёд этилган Қанқа шаҳридир. Айрим тадқиқотчилар бу кўҳна шаҳарни Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида деб ҳисоблайдилар. Ҳозирги Тошкент шаҳри ҳудудларида ҳам мил. авв. II асрга келиб, шаҳар - манзилгоҳига асос солинади. Тошкент ҳудудидаги халқа деворлар билан ўраб олинган Шоштепа айнан мил. авв. II асрга оиддир.

Хитой манбаларидан “Катта Хан сулоласи тарихи” маълумотларига кўра, Тошкент воҳаси Юни ёки Юйничен номи остида тилга олинади². Йоша (Яксарт) дарёси бўйидаги бу мулк ярим кўчманчи Қанғ иттифоқининг бешта кичик мулки таркибида бўлган. Қанғ таркибида Юни кўплаб мустақамланган қишлоқлари ва шаҳарлари бўлган урбанизациялашган мулклардан бири ҳисобланган.

Тошкент воҳасининг Қанғ таркибида бўлиши ички иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига туртки бўлган бўлса, унинг қарвон савдо йўллари туташган жойда жойлашганлиги урбанизация жараёнларининг ривожини учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йўл Хитой ва Шарқий Туркистондан Ўрта Осиё воҳалари орқали Яқин Шарқ, Кавказ, Жанубий ва Шарқий Европага олиб борган. Илк босқичларда асосий трассалар Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида шаклланган бўлса-да, айтилган вақтда, ўша илк шаклланган даврдан бошлаб, савдо йўлининг тармоқларидан бири Сирдарё орқали ўтган. Бу йўллар маданиятлар алмашинуви ва иқтисодий алоқаларда катта аҳамиятга эга бўлиб, бу ҳолатни Тошкент воҳасидаги урбанизация жараёнларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Урбанизациянинг илк босқичларида Юни мулкининг нисбатан йирик илк шаҳарлари Қанқа, Шоҳруҳия қабилар бунёд этилади. Юни мулкининг пойтахти Юйничен шаҳрини айрим тадқиқотчилар ҳозирги Тошкент ўрнида жойлаштирадилар³, айримлари Йоша-Яксарт воҳасидаги Қанқа ўрнида деб биладилар⁴. Фикримизча, иккинчи тахмин тўғри бўлиши мумкин. Чунки ёзма манбалар ҳам бу даврга оид шу ҳудудлардаги ягона шаҳар маркази ҳақида маълумотлар беради. Айнан мил. авв. I асрдан бошлаб, бу кўҳна шаҳар кенгайиб боради ва Қовунчи маданияти даврига келиб, майдони 150 гектарга етади. Қанқа Бақтрия ва Суғднинг шаҳарлари каби чунончи, қуйи ва ўрта Сирдарё хавзасидаги энг йирик шаҳарлардан бири эди.

Айрим тадқиқотчилар Қанҳани Қанғ ҳукмдорларининг қишки қароргоҳи бўлган деб ҳисоблайдилар. Хан сулоласи Хитой солномалари маълумот беришича, “Қанғ ҳукмдори Қанқага тез-тез ташриф буюришдан мамнун бўлган”⁵.

Сосонийлар даври манбаларида Тошкент воҳаси Чоч (Чочистон) номи билан тилга олинади. Бу воҳа кўп қиррали иқтисодиёт ва урбанизация жараёнларининг ривожини учун қулай ҳудуд ҳисобланган. Шу билан бирга муҳим савдо-иқтисодий алоқалар ва

¹ Мукминова Р.Г., Филанович М.И. Ташкент на перекрестке истории. Ташкент: Фан, 2001. С.13.

² Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2. М.-Л., 1950. С.184.

³ Массон М.Е. Прошлое Ташкента. Ташкент, 1954. С. 107; Филанович М.И. Зарождение и развитие города и городской культуры Ташкента. Ташкент, 1983. С. 35, 174-176.

⁴ Буряков Ю.Ф. Чач в свете новых письменных и археологических источников // Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. Тошкент, 2008. 104-бет.

⁵ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах.... Т. 2. С. 184.

этник кўчишлар чоррахасида жойлашган. Минтақа тоғлари турли фойдали қазилмалар ва маъданларга, аввало, олтин ва кумуш ҳамда фойдали минералларга ниҳоятда бой эди

Археолог М.И. Филанович ёзма ва моддий маълумотларни қиёсий ўрганиши асосида мил. авв. I аср охирларида Тошкент ўрнида шаҳар мавжуд бўлганлиги ҳақида хулоса чиқаради. Унинг фикрича, бу даврда шаҳар Мингўрик ҳудудларидан чиқиб, анча кенгайди. Пойтахт кўчишининг асосий сабабларидан бири – Буюк ипак йўли асосий тармоқларидан бири йўналишининг шимол томонга ўзгариши ҳисобланади. Хитой манбаларида ҳозирги Тошкент ўрнидаги шаҳар Ши номи билан тилга олинади. Манбалардан маълумки, бу мулк келиб чиқиши маҳаллий қабилалардан бўлган зодагонлар томонидан бошқарилган.

Ши даставвал Қанғ таркибига кирган бўлиб, III-VI асрнинг бошларида бу давлат кичик мулкларга бўлиниб кетгач, Ши-Чоч унча катта бўлмаган мустақил давлатга айланади. Аммо, орадан кўп ўтмасдан Ўрта Осиё ҳудудларида улкан давлатга асос солган эфталитлар томонидан босиб олинади.

Чоч воҳасининг қадимги ажралмас қисми ва мулки Оҳангарон водийсидаги Илоқ эди. Мустақил сиёсий уюшма сифатида Илоқ илк ўрта асрлар, яъни VII асрга оид манбаларда эслатилади. 630 йилда Чоч орқали ўтган Хитой миссионер-буддавийси Сюан-Цзяннинг маълумот беришича, Илоқда “ўз ҳарбий гуруҳларига эга бўлган зодагонлар вакиллари кўп, улар ўзаро урушлар олиб борадилар ва асосан Турк хоқонига бўйсундилар”¹. Афтидан, айнан мана шу даврдан бошлаб, Илоқдаги “ҳукмрон деҳқон”ларнинг салоҳияти иқтисодий ҳаётда, биринчи галда, олтин ва кумуш конларига сафарбар этилади. Илк ўрта асрлар Оҳангарон водийсида тоғ-кон ишларининг жадал ривожланиши шаҳарсозлик маданиятига ҳам таъсир этди.

Таъкидлаш лозимки, маъданлар қазиб олишнинг кенг кўламда бўлиши Араб халифалиги учун ҳам муҳим эди. Чунки араблар Мовароуннаҳрни босиб олгач, VIII асрдаёқ мулклардан марказий ҳокимият фойдасига махсус солиқлар жорий этилган. Қизиғи шундаки, ушбу мулклар орасида Чоч-Илоқ ва унинг кумуш конлари алоҳида солиқ тўловчи мулк сифатида ажратилган. Маълумотларга кўра, Чоч мулки 180 минг дирҳам солиқ тўлаган бўлса, унинг конлари уч марта ортиқча, 607 минг дирҳамгача солиқ тўлаган².

Асосий конлар Оҳангарон дарёси ҳавзасида жойлашган бўлиб, улардаги қазилмалар Илоқ тоғ-кон ҳунармандчилигининг асосини ташкил этган.

IX-X асрларга оид араб географларининг асарларида Илоқнинг Чочдан мустақил сиёсий вилоят бўлганлиги нисбатан аниқроқ кузатилади. Аммо, ҳар иккала вилоят ушбу манбаларда биргаликда, ягона тарихий-маданий ва сиёсий уюшма сифатида эслатилади. Булар орасида X асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган йирик араб географларидан бири Истахрийнинг маълумотлари айниқса, диққатга сазовордир. Унинг таъкидлашича, Мовароуннаҳрда Чоч ва Илоқ вилоятлари мавжуд бўлиб, ҳар иккала вилоятнинг худуди 2-3 кунлик йўл ва “бутун Мовароуннаҳрда аҳоли сонига кўра бу вилоятларга тенг келадиган вилоят йўқ”. Истахрий асарининг араб тилидаги матнида берилишича, “бу вилоятларда қишлоқлар, ўзлаштирилган ерлар ва жомеъ масжидлари (арабларда мачитлар шаҳарларнинг асосий белгилари ҳисобланган – М.М.) жуда кўп ва улар текисликда жойлашмаган, яйловлари ва чорвалари ҳам жуда кўп. Чочда (арабчада – Шош) ва

¹ Буряков Ю.Ф., Касымов М.Р., Ростовцев О.Р. Археологические памятники Ташкентского оазиса. Ташкент: Фан, 1992. С. 49.

² Давидович Е.А. О загадочных дирхамах Мусейяби и Титрифи. Из истории монетного дела в Средней Азии IX-X вв. // Труды XXV Международного конгресса востоковедов. М.: Наука, 1960. С.90.

Илоқда дарвозалари, деворлари работлари ва қалъалари бўлган шаҳарлар кўп, каналлар шаҳарлар ичидан оқиб ўтади”.

Истахрий ўз асарида ҳар иккала вилоятнинг умумий чегараларини бериб, барча шаҳарларни санаб ўтади ва Туркистонда Шошдан катта вилоят йўқлигини таъкидлайди. Унинг ёзишича, “Шош ва Илоқ қўшилган бўлиб, улар ўртасида ҳеч қандай бўлиниш йўқ. Қурилишлар, боғлар, бўстонлар Илоқдан то Чоч воҳасигача (форс матнида) узлуксиз чўзилиб боради. Илоқда олтин ва кумуш конлари жойлашган”¹.

Орадан ярим аср ўтгач, бу минтақани яхши билган яна бир араб географи Абулқосим ибн Ҳавқал Истахрий маълумотларини деярли тўлиқ такрорлайди. Чоч ва Илоқ ҳақида гапирар экан Ибн Ҳавқал бу вилоятларда бой шаҳарлар кўплигини таъкидлайди².

Чоч-Илоқнинг шаҳар маданияти ривожини асосан, тоғ-кон металлургияси ишлаб чиқариши билан боғланади. Воҳадаги шаҳарларнинг нисбатан тўлиқ рўйхати ва уларнинг таснифи, шаҳар маданиятининг гуллаб-яшнаши X аср географлари томонидан (10 дан 17 тагача шаҳар марказлари) эслатилади³.

Тадқиқотчилар томонидан айрим шаҳар марказлари Тункет, Абрлиғ, Намудлиғ, Кухисим кабиларни ўрганиш бўйича махсус тадқиқотлар ўтказилган.

Айрим шаҳарлар тадқиқотчи минтақадаги кон марказлари ҳақида олинган янги маълумотлар натижасида Илоқ шаҳарсозлигини янги асосларда ўрганиш ва уни Чоч – Илоқ урбанизацияси ривожланишидаги ўрнини белгилаш имконини берди.

Юқоридагилардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, воҳада илк шаҳарсозлик Сирдарёнинг маданий зонасида шаклланади: Бу сиёсий–иқтисодий ҳамда этномаданий алоқаларда катта аҳамият касб этади. Чирчиқ ва Оҳангароннинг ўрта оқимларида Чоч ва Илоқнинг асоси бўлган шаҳарсозлик маданияти жадал ривожланишида тоғ соҳаси билан боғлиқ хунармандчилик ва воҳадаги зироатчилик муҳим ўрин тутган.

М. Махкамов

Из истории урбанизации Древнего Чача-Илака

В статье рассматривается образование земледельческой культуры оазиса Чач-Илака и влияние этого процесса на развитие городов. Показаны роль и место урбанизации Чач-Илака в древней истории Средней Азии.

М. Makhkamov

From the history of ancient Choch-Ilak's urbanization

In given article is considered formation of early agriculture in the Chach-Ilak oasis and influence of this process on development of the cities. Also is illuminated place of the urbanization processes in Chach-Ilak in ancient history of Central Asia.

Ғ. Бобоёров
(Ўзбекистон)

ЧОЧ – ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИНИНГ БОШҚАРУВ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИ СИФАТИДА

Ҳар қандай давлат уюшмаси, у хоҳ ўтроқ этнослар томонидан барпо этилган бўлсин, хоҳ унга кўчманчи қабилалар асос солган бўлсин, ўз бошқарув марказини ҳар томонлама қулай жойда ташкил этишга уринган. Ўз географик жойлашувига кўра Еттисув худ-

¹ Истахри. Китаб масалик ал-мамалик. Материалы по истории кыргызов и Кыргызстана. Бишкек, 2002. С. 24, 33-35.

² Бетгер Е.К. Извлечение из книги «Пути и страны» Абул-Касыма ибн Хаукаля // Труды САГУ. Вып. Ташкент, 1957. С.22-24.

³ Буряков Ю.Ф. К исторической топографии средневекового Илака // СА. 1972. № 2. С. 51-62.

ди шундай ҳудудлардан бири ҳисобланиб, Ғарбий Турк хоқонлигининг асосий бошқарув маркази вазифасини бажаришдан олдин ҳам бу ер милоддан аввалги мингйилликнинг сўнги асрларида Усун каби нисбатан йирик кўчманчи давлат уюшмасининг, кейинроқ эса бир қатор катта-кичик қабила уруғлар томонидан ташкил этилган этно-сиёсий уюшмаларнинг бошқарув маркази вазифасини бажариб келган. Бундан ташқари, Чочнинг шимоли-шарқда жойлашган ва унга кўшни ўлароқ, мазкур ҳудудда кечган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ушбу воҳага ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаган.

Ҳозирги кун тарихшунослигида Еттисув Ғарбий Турк хоқонлигини 560-700 йилларда Ашина сулоласи бошқарган пайтда ҳам, 699-756 йиллар оралиғида Турғаш хоқонлиги ҳукм юритган паллада ҳам, ҳар иккала сулоланинг бошқарув маркази вазифасини бажариб келганлиги хусусида фикрлар муқимлашган. Ҳақиқатан ҳам, бу ердаги пойтахт шаҳарлардан бири - Суяб Ашина сулоласининг, Навокат эса Турғаш хоқонлигининг бошқарув маркази бўлганлиги масаласи ҳам ўша давр ёзма манбаларидаги маълумотлар, ҳам археологик тадқиқотлар асосида ўз тасдиғини топган¹. Бироқ, асосан хитой ва юнон (Византия) тилларидаги манбалар, қисман эса араб-форс тилли манбалардаги баъзи маълумотлар Ғарбий турк хоқонларининг ўз қароргоҳлари сифатида нафақат Еттисувдаги шаҳарларни танлашгани, балки вақти-вақти билан ўз бошқарув марказларини Юлдуз водийси (Шарқий Туркистон) ва Чоч воҳасига кўчиришганидан дарак беради. Кейинги йилларда аниқланган нумизматик материаллар ҳам бу масалани ҳал этишда муҳим ўрин тутаяди.

Гарчи, хитой йилномаларида Ғарбий турк ҳукмдорлари ўз қароргоҳини уч маротаба Чоч шимолидаги мавзеда қуришгани ҳақида эслатилган ёки араб географлари асарларида воҳанинг қадимий ҳарбий қалъа шаҳри сифатида Жабғукат номи учраши тадқиқотчиларга яхши маълум бўлса-да, бу ер хоқонлигининг сиёсий марказларидан бири бўлганми ёки аксинчалиги масаласи шу пайтгача эътибордан четда қолиб келган.

Аввало, бу масалани тадқиқ этишдан олдин, уни ҳал этишда ёрдам берадиган ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳолатга назар ташласак. Маълумки, 552 йилда Олтой тоғларининг жанубий этакларида Ашина турклари ўз хўжайинлари Жуан-жуан хоқонлигига қарши бош кўтардилар ва ушбу давлатни ағдариб, қисқа муддат ичида унинг қўл остидаги ҳудудлар устида, маркази Ўрхун водийси (Мўғулистон) бўлган Турк хоқонлигига асос солганлар. Орадан кўп ўтмай эса ушбу хоқонлик Эфталитлар давлатига барҳам бериб, ўз ҳудудларини Амударёгача кенгайтиради ва, пировардида, Узоқ Шарқдан то Шимолий Кавказ ҳамда Шимолий Қора денгиз бўйигача бўлган ҳудудлар битта давлат қўл остида бирлаштирилади. Айнан шу пайтдан бошлаб, хоқонлигининг Олтой тоғидан бошланувчи ғарбий қисмида, марказ (Ўрхун водийси) га бўйсунувчи Ғарбий қанот ташкил этилади ва унинг маркази дастлаб Юлдуз водийсидаги Оқтоғ, кейинроқ эса Еттисувдаги Суяб шаҳри бўлиб қолади. Кейинчалик ушбу қанот замирида Ғарбий Турк хоқонлиги вужудга келади.

Гарчи, Ғарбий Турк хоқонлигининг чегаралари Қора денгизнинг шимоли, Хуросон, Шимолий Ҳиндистон, Тибет ҳудудларигача бўлган кенг ҳудудни ўз ичига олган империя бўлиши билан бирга, ўзининг марказий ҳудудига эга эди. У Еттисув ва атрофлари ҳамда Юлдуз водийси билан кифояланиб, шарқда тахминан Олтой тоғининг ғарбий этаклари ва Олтой тоғларигача, ғарбдан Талас дарёси ҳавзалари, жануб ва жануби-ғарбдан Чоч – Фарғона – Қошғар – Куча – Янки (Қорашаҳр) – Гаочан (Турфон)

¹ Clauson G. A k-BeshIm Sûyâb // Asia Major, vol. 4, 1961, p. 1-13; Кармышев А.М. Раннесредневековый монетный комплекс Семиречья // История возникновения денежных отношений на территории Кыргызстана. Бишкек, 2002. С. 20.

хукмдорликлари, яъни Тангригоғ (Тяньшань)нинг шимолий этаклари билан ўралган эди. Қолган ҳудудлар, аниқроғи Шарқий Туркистон, Амударё – Сирдарё оралиғи, Хуросон, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистондаги воҳа хукмдорликлари хоқонликнинг бевосита эмас, билвосита ҳудудини ташкил этиб, улар дастлабки пайтларда асосан хоқон томонидан юборилган ноиб – тудунлар назоратидаги маҳаллий сулолалар томонидан бошқарилган. Ҳатто, Исфижоб (Сайрам), Фороб (Тарбанд) каби Сирдарёнинг ўрта ҳавзасидаги кичик хукмдорликлар ҳам ўз географик жойлашувига кўра, одатда, Етгисувга нисбатан кўпроқ Чочга яқинлашар, ҳатто вақти-вақти билан Чоч хукмдорлиги таркибига кирар эди¹.

Энди, Чоч воҳасининг бир муддат Ғарбий Турк хоқонлиги бошқарув марказларидан бирига айланиши масаласига келсак. Ғарчи, хитой йилномаларида воҳа хоқонликнинг марказий ҳудуди сифатида тилга олинмаган бўлса-да, юқорида қисқача тўхтаб ўтганимиздек, Чоч бир неча мартаба хоқонлик ўз қароргоҳини барпо этган жой сифатида қайд этилганининг гувоҳи бўламиз. Хоқонликнинг асосчиларидан бири Истами ябғу (560-576) VI асрнинг 60-йилларида, ғарбда Эфталитларга қарашли ҳудудлар ичида илк ўлароқ, Чоч воҳасини қўлга киритган² палладан то шу асрнинг охиригача хоқонлик ва воҳа орасида бирор-бир жиддий воқеа содир бўлганига доир маълумот учрамайди. Бирок, VII аср бошларига келгач, Чоч ва хоқонлик орасида жиддий воқеалар содир бўла бошлайди. Дарвоқе, хитой йилномаларида қайд этилишича, 605 йилда Ғарбий Турк хоқонлиги амалдорларидан бири, кейинчалик хоқон бўлган Шегуй (611–618) Чочдаги маҳаллий хукмдорни ўлдириб, бу ерни улус (удел) сифатида тўғридан-тўғри ўз тасарруфига олади ва бошқарувга бевосита хоқонликнинг бошқарувчи хонадонидан бўлмиш Тегин Тяньчи (Теле Тяньчи; 605–609)ни тайинлайди³. Шу ўринда Чоч тарихи билан боғлиқ яна бир масалага тўхталиб ўтиш лозим. Шегуй хоқон бўлишидан анча аввал, яъни 611 йилгача хоқонлик бошқарувида *шад* мартабасини эгаллаб турган пайтда, Чоч воҳасини ўз чекига тушган улус (удел) сифатида олган эди. Хоқонлик бошқарув тизимида мавжуд таомилга кўра, *шад* унвони хоқоннинг ўғиллари ва жиянларига, яъни шаҳзода - тегинларга берилар ва улар ўз қўшинига эга бўлар ҳамда бирор ўлканинг бошқарувига тайинланардилар⁴. Қисқаси, 605 йилда Чочнинг маҳаллий хукмдори хоқонликка тобе бўлишига қарамай, Шегуй шад билан низолашиб қолгач, бу ер Шегуйга улус қилиб берилганмиди ёки ундан аввалроқ ҳам воҳа ушбу шаҳзодага қарашли улус эдими, деган масала муаммолидир. Айнан шу йилларда воҳада хоқонликнинг бошқарувчи хонадони – Ашина сулоласига мансуб Тегин Тяньчидан бошланувчи ва то VII асрнинг ўрталаригача бош сулола мақомида бўлиб келган Чоч Тегинлари (605-750) хукмронлигининг илк йиллариданок, воҳа Ғарбий хоқонликнинг марказий бошқаруви билан бевосита алоқадор бўла бошлаганди⁵. Жумладан, Тан-шу йилномасида қайд этилишича, Ғарбий Турк хоқони Чуло (Чура; 603–610) ўз давлати ҳудудида яна иккита “кичик хоқон” тайинлаб, улардан бирининг қароргоҳини Ши-го (*луз*. Тош давлати)нинг шимолида таъсис қилади ва бутун Ху ўлкаларини, яъни ўтроқ хукмдорликларни ушбу

¹ Согдийские документы с горы Муг // Чтение. Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии Лившица В.А. М., 1962. С. 82; Sims-Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygys. 1. Almaty, 2006. P. 103-107.

² Буряков Ю.Ф. К истории раннесредневекового Чача // O'zbekiston tarixi. 2002. №3. С. 12.

³ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.; Л., 1950. Т. 2. С. 313; Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux. СПб., 1903. P. 141.

⁴ Togan I., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler. Eski T'ang Tarihi (Chiu T'ang-shu). Ankara, 2006. S. 80.

⁵ Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв.). Ташкент, 2007. С. 46-49.

“кичик хоқонлик” воситасида бошқара бошлайди¹. Ушбу “кичик хоқонлик”нинг айнан қачон, Чуло хоқон бошқарувининг қайси йилида ташкил қилингани аниқ бўлмаса ҳам, унга асос солинган вақт тахминан 605 йилдан кейинги саналарда, Чуло ва Шегуй орасига нифоқ тушиб, давлатнинг ғарбий қисмларида ҳокимиятни мустақамлашга эҳтиёж сезилган бир пайтга тўғри келса ажабмас. Муҳими бу эмас, янада аҳамиятлироғи хитой йилномаларида “Чуло хоқон Чочнинг шимолида “кичик хоқонлик” таъсис қилди”, деб қайд этилар экан, воҳанинг айнан қайси жойини назарда тутганлигидир. Боиси, қадимдан Чочнинг худуди анъанавий тарзда шимоли-шарқда Тароз, шимоли-ғарбда эса Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари, аниқроғи, Тарбанд (Фороб/Ўтрор-Шавғар) гача бўлган худудларни ўз ичига олар, шимолий худудлари деганда эса Исфижоб (Сайрам) каби вилоятларни ҳам ўз ичига олувчи Тарбанд ва Тароз оралиғидаги вилоятлар тушуниларди. Бунинг мозийси, ҳатто, милоддан аввалги даврларга бориб тақалардики, манбалардан хитойликларга енгилган Хун шаньюйи Чжичжи Қанг ҳукмдоридан ёрдам сўраб, милоддан аввалги 40-йилларда ўз аскарлари учун Талас дарёси бўйида қалъа қурдиргани маълум². Дарвоқе, VIII асрнинг ўрталарида ҳам Да-ло-сы (Талас/Тароз)³ шаҳрида Чоч ҳукмдорлари мунтазам равишда ўз гарнизонини сақлагани Тан-шу йилномасида қайд этилган⁴. Тарозни Чочга тегишли деб билиш анъанаси, эҳтимол, Қанг давлати (мил. ав. III – мил. III аср.) нинг ушбу мавзени ўз худудига олган даврлардан бери давом этиб келган шекилли, маълум маънода унинг ворислари бўлмиш Чоч ҳукмдорлари доимо бу ерга ўз эътиборларини қаратиб келишган.

Афтидан, ўтмишда Чочнинг шимоли-шарқдаги чегараси Тароз шаҳри ва атрофларига бориб туташганлигидан хитой муаррихлари ҳам хабардор бўлса керак. Аксарият ҳолатларда Тароздан шарқда, Мерке атрофидаги Мингбулоқни ҳам Чочнинг шимолида жойлашган мавзе сифатида кўрсатишган. Жумладан, Тан-шу йилномасида Ғарбий Турк хоқонлигининг энг қудратли ҳукмдорларидан бири Тун ябғу-хоқон (618–630) ўз ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ, қароргоҳини воҳанинг шимолидаги Цянь-Цюань (Мингбулоқ) мавзесига кўчиргани ва бу ердан туриб вассал Ғарбий ўлкалар устидан назоратни кучайтиргани таъкидланади⁵. Тун ябғу-хоқоннинг сиёсий марказ моҳиятидаги қароргоҳини Еттисувдан Чоч воҳасига кўчиришдан мақсади, ҳар ҳолда воҳанинг стратегик жиҳати билан боғлиқ бўлса керак. Чунончи, Чоч ўзининг жуғрофий жойлашувига кўра Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий қисмидаги кўчманчи-чорвадор элатлар билан минтақанинг жануби-ғарбий қисмидаги ўтроқ-деҳқон халқлар орасида сиёсий-маданий ва тижорий алоқалар учун кўприк вазифасини ўтарди. Айниқса, бу худуд хоқонлик таркибига киргач, воҳада тижорий ҳаёт гуркираб ўса бошлаши, хоқонларнинг эътиборини тортмасдан қолмасди. Шу билан бир қаторда Чоч воҳасида қароргоҳ қуриш ҳам кўчманчилар устидан, ҳам ўтроқ воҳалар устидан назоратни янада қулайлаштиришга олиб келарди. Тун ябғу-хоқон ҳам Чочнинг бу каби жиҳатларини назарда тутгани учунми, хитой йилномаларида қайд этилишича, у ўз қароргоҳини Мингбулоқда барпо этгач, бу ердан туриб қўл остидаги вассал ҳукмдорликлар бошқарувчиларининг ҳар бирига *элтабар* унвонини тақдим этади ва уларни назорат қилиш учун бирор нафардан *тудун* юборади. Бинобарин, Турк хоқонлигида юқори да-

¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений... Т. 1. С. 279; Таşağıl А. Gök-Türkler. I, 2. Baskı, Ankara, 2003. S. 89

² Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений... Т. 2. С. 93; Зувев Ю.А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. Алматы, 2002. С. 93.

³ Талас/Тароз – Н.Я. Бичурин баъзан ушбу шаҳар номини Хынлос шаклида келтиради (*қар.* Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений..., II. С. 314).

⁴ Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue..., p. 144.

⁵ Бичурин Н.Я. Собрания сведений... Т. 2. С. 283.

ражали унвонлардан бири *элтабар* “бирор эл ёки давлатнинг бошқарувчиси”¹, *тудун* эса “бўйсундирилган ўлкалардан солиқ йиғишни ташкил этувчи ва маҳаллий ҳукмдор устидан назорат қилувчи”, яъни ноиб маъносида қўлланиларди². Демак, тобе ҳукмдорларга ҳам юқори унвон бериш, ҳам улар устидан бирор назоратчи тайинлаш каби ислоҳатларни амалга ошириш билан Тун ябғу-хоқон вассаллар устидан назоратни янада мустаҳкамлаш ниятида бўлган ва ўз қароргоҳини айнан Чочга кўчирган.

Дарвоқе, Чочнинг ўзига хос жиҳатлари Тун ябғу-хоқондан олдин ўтган ҳукмдорларнинг назаридан ҳам четда қолмаган эди. Аввало, у ўз қароргоҳини Чочнинг шимолига кўчириш билан, ўзидан бирмунча муддат олдин Чуло хоқон (603-610) томонидан амалга оширилган ишни айнан такрорлайди. Аҳамиятлиси шундаки, Чоч воҳаси Ғарбий Турк хоқонлиги учун қарийб яна ярим аср давомида стратегик аҳамиятини йўқотмаган бўлса керак, 651-657 йилларда хоқонликнинг Ашина сулоласидан бўлган сўнгги мустақил ҳукмдори, Истами ябғунинг бешинчи бўғин авлоди бўлмиш Ишбара хоқон (Ашина Хэлу/Улуғ) ҳам ўз қароргоҳи сифатида Мингбулоқни танлагани маълум³.

Шунингдек, воҳанинг маркази Бинкент (ҳоз. Тошкент) шаҳрининг яқингинасида *Жабғукат* номли шаҳар қад кўтарган бўлиб, тадқиқотчилар унинг пайдо бўлишини хоқонлик билан алоқали ҳисоблайдилар. Бунинг асосида эса бир томондан археологик тадқиқотлар натижасида шаҳарнинг айнан VI-VII асрларда барпо қилингани⁴, қолаверса бошқа ёқдан ушбу шаҳар номининг луғавий жиҳатдан “Жабғу шаҳри”, яъни “Ҳукмдор шаҳри” маъносини билдириши каби омиллар ётади. Маълумки, туркий халқларда қадимдан пойтахт ёки қароргоҳ шаҳар номини ҳукмдорнинг унвони билан аташ анъана эди. Жумладан, Хазар хоқонлиги (650-965) нинг пойтахти Хонбалиқ (“Хон шаҳри”) деб номланган бўлса, кейинчалик мўғуллар Хитойни эгаллагач, бу ернинг пойтахти Пекинни ҳам анъанага мувофиқ худди шундай ном билан атай бошлашганди. Демак, Чоч воҳасидаги шаҳарнинг *Жабғукат* деб аталишида ҳам қадимги туркий анъана ётади, деб айтишга асос бор. Гарчи, бир қатор тадқиқотчилар *Жабғукат*ни Тун ябғу-хоқоннинг қишлоқ қароргоҳи бўлган, деб ҳисоблашса-да⁵, ушбу шаҳарнинг ундан анча олдин, Ғарбий Турк хоқонлигининг бош ҳукмдорлари *ябғу/жабғу* унвони билан ҳукм юритаётган пайт – VI аср охирида худди шу мақсадда барпо этилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Айнан шу пайтларда *жабғу* унвони бир муддат Ғарбий Турк хоқонлигининг бош ҳукмдорларига нисбатан қўлланилгани ва улардан бир нечтаси айнан Чоч воҳасига ташриф буюрганликлари назарда тутилса, *Жабғукат*нинг хоқонлик билан алоқали равишда пайдо бўлгани масаласида шубҳага ўрин қолмайди. Шу ўринда араб географлари асарларида учрайдиган “*Жабғукат – чиройли шаҳар бўлиб, қадимда Чочнинг ғарбий лагерини – лашкаргоҳи эди*” шаклидаги маълумот ушбу шаҳарнинг нима мақсадда барпо қилинганини янада ойдинлаштиради⁶. Бундан ташқари, араб географ-

¹ Togan I., Kara G., Baysal C. Çin kaynaklarında Türkler. Eski T'ang Tarihi..., S. 85.

² Толстов С.П. К истории древнетюркской социальной терминологии // ВДИ. 1938. № 1–2. С. 72–81.

³ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений... Т. 1. С. 289; Тазағил А. Gök-Türkler. II, Ankara 1999. S. 71.

⁴ *Жабғукат* – ушбу шаҳарнинг ўрни ҳозирги Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқида, Дўрмон қишлоғидан қарийб 4 км масофада жойлашган Оқ ота ёдгорлигига тўғри келади, деб ҳисобланади (Буряков Ю.Ф. Историческая топография Ташкентского оазиса. Ташкент, 1975. С. 74–75).

⁵ Байтанаев Б.А. Вопросы локализации Нуджикета // Новые исследования по археологии Казахстана. Труды научно-практической конференции «Маргулановские чтения - 15». А-А., 2004. С. 67–70, прим. 25.

⁶ al-Istakhri, Abu Ishak al-Farisi, *Viae regnorum*, ed. M.J. de Goeje, BGA, pars 1. Lugduni-Batavorum: E.J. Brill, 1967, P. 345; *Hudud al-'Alam, the regions of the world, a persian geography, translated and explained by V. Minorsky*. London, 1970, P. 117, 357.

лари асарларида Жабғукат билан деярли ёнма-ён жойлашган *Хотункат*¹ номли шаҳарнинг қайд этилиши, ҳатто, ушбу шаҳар номининг хитой йилномаларида улардан ҳам анча олдин, 640 йилларда Ғарбий турк хоқонларидан бири Эл-Билга Тулу хоқон (Иби Дулу кехан; 638–642) нинг Чочга қочиб, Кохотун-чэн² (луғ. “Хотун шаҳри”) га сиғиниши муносабати билан учраши ҳам диққатга сазовордир. Аҳамиятлиси шундаки, ушбу шаҳар номи остида ҳам қадимги туркий анъана – давлат бошқарувида бош ҳукмдор - хоқон билан биргаликда, доимо унинг аёли *хотун* унвонли малика жой олиши анъанаси ётганлигини кўриш мумкин. Бу, аввало, қадимдан туркий халқлар кенг тарқалган ҳудудларда *Хотун-балиқ* (“Хотун шаҳри”), *Хотунсини*, *Хотун-арт*, *Хотунсув* номли топонимларнинг учрашида ўз тасдиғини топса, иккинчидан, Хотункат шаҳрининг айнан Жабғукат шаҳри билан ёнма-ён жойлашган шаҳар сифатида эслатилишининг ўзиёқ, унинг хоқонлик билан алоқали равишда қад ростлаганини кўрсатади. Шунингдек, археологик тадқиқотлар ушбу шаҳарнинг ҳам VI-VII асрларда вужудга келганини тасдиқлаши, Хотункатнинг хоқонлик билан боғлиқлиги борасида шубҳага ўрин қолдирмайди. Демак, Жабғукат-Хотункат параллели – бу хоқонлик сиёсий марказида ҳукмдор ўрдаси (ёки чодир) билан ёнма-ён малика ўрдасининг жой олиши анъанасининг Чоч воҳасида ёнма-ён жойлашган шаҳар мисолида акс этишидир, деб ҳисоблаш мумкин. Шу тариқа воҳада Хотункат шаҳрининг мавжудлиги ҳам Чоч бир муддат Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув маркази бўлганига яна бир далил бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, X аср араб географлари Шошнинг пойтахти Бинкетдаги маҳалла, кўча ва дарвозалар номларини қайд этар эканлар, уларнинг орасида Кўйи Хоқон номи учрайди³, “Хоқон кўчаси” маъносидаги ушбу жой номининг пайдо бўлиши ҳам, бизнингча, Ғарбий Турк хоқонларининг Чочдаги фаолияти билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Агар Чоч воҳасида VI-VII асрлар мобайнида зарб қилинган тангаларнинг салмоқли бир қисми Ғарбий Турк хоқонлигига тегишли бўлиб чиқмаганида эди, воҳа хоқонликнинг бошқарув марказларидан бири бўлгани ҳақидаги масала етарлича тасдиқланмасдан қолаверарди. Кейинги йилларда Тошкент воҳасидан топилаётган нумизматик материалларни синчиклаб ўрганишимиз натижасида ушбу хоқонлик томонидан қарийб 20 типдаги суғдий ёзувли тангалар зарб қилингани аниқланган бўлиб, уларнинг 3 та типиди “жабғу”, 5 та типиди “жабғу-хоқон”, 5 та типиди эса “хоқон” унвони ўрин олган, қолганлари эса анэпиграфик (4 та тип) ва ёзувлари ҳалигача тўлақонли ўқиб чиқилмаган (2 та тип) тангалардан иборат. Аҳамиятлиси шундаки, ушбу тангалар орасида 2 нафар ҳукмдор исми учраб, улардан бирида 576-583 йилларда Ғарбий қанот ҳукмдори бўлган, 600-603 йилларда эса Шарқий қанотни ҳам эгаллагач, Турк хоқонлигининг бош ҳукмдорига айланган Гарду хоқоннинг номи, иккинчисида эса 618-630 йиллардаги ҳукмронлиги давомида Ғарбий Турк хоқонлигини энг қудратли давлат-

¹ *Хотункат* – ушбу шаҳарнинг ўрни ҳозирги Тошкент шаҳрининг шимоли-шаркида, Дўрмон қишлоғидан 4 км жанубда жойлашган, Оқота тепалигининг жанубидаги Туғайтепа ёдгорлигига тўғри келади (Буряков Ю.Ф. Историческая топография... С. 73–74).

² Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений... Т. 2. С. 288; Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue..., p. 58. Бичурин ушбу шаҳар номини асл ҳолатида келтирмай, ўгириб “город Ханьша” тарзида берган. Бу эса О.И. Смирнова каби баъзи тадқиқотчиларни истисно қилганда, аксарият тадқиқотчиларни мазкур шаҳар номининг Хотункат билан алоқадорлиги ҳақида фикр юритишларидан чалғитган (*қар.* Смирнова О.И. Тюркологические заметки // СНВ. Вып. 10. М., 1971. С. 65).

³ Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра. Соч. М., 1963. Т.1. С. 228; Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. Тошкент, 1988. 43-бет.

га айлангирган Тун ябғу-хоқоннинг номи акс этган¹. Энг муҳими шуки, Турк хоқонлигининг марказлари бўлмиш на Ўрхун водийсида ва на Еттисувда хоқонлик билан алоқадор тангалар топилмагани боис, шу пайтгача тадқиқотчилар орасида “хоқонлик танга-пул тизимига эга бўлмаган” мазмунидаги фикрлар ҳукмрон эди. Ниҳоят, Тошкент воҳасидан Ғарбий Турк хоқонлигига тааллуқли юзлаб нусхада мазкур мис тангаларнинг топилиши бу масалага ойдинлик киритиши баробарида, ушбу хоқонликнинг давлат сифатида шаклланиш жараёнларини ҳам акс эттирганлиги аниқланди. Яъни, Ғарбий хоқонликнинг шаклланиш жараёнларини изчил ёритиш имконини бермайдиган ёзма манба маълумотларини Тошкент воҳасининг нумизматик материаллари тўлдирадиган моҳиятдадир. Дарвоқе, Ғарбий Турк хоқонлиги ўзининг шаклланиш жараёнларида учта босқични босиб ўтган бўлиб, илк босқичда у Турк хоқонлигининг Ғарбий қаноти бўлиб, бошқарувчилари *ябғу* унвонига эга бўлишган ва марказий ҳокимият мавқеидаги Шарқий хоқонликка бўйсунилган, яъни *Ябғулик* даври (VI аср 60-йиллари ва охиригача чораги); иккинчи босқичда эса Ғарбий қанот ўз сиёсий фаолиятида деярли мустақил бўлиб, Шарқий хоқонликка номигагина бўйсунувчи сиёсий бирлик ўлароқ, ҳукмдорлари *ябғу-хоқон* унвонида ҳукм юритишган, яъни *Ябғу-хоқонлик* даври (VI аср охиригача – VII аср 30-йиллари); ниҳоят учинчи босқичда Шарқий Турк хоқонлигига 630 йилда Хитойнинг Тан сулоласи томонидан барҳам берилгач, мазкур хоқонликнинг вориси сифатида Ғарбий қанотнинг мустақил давлат – хоқонликка айланиши ва унинг бошқарувчилари олий ҳукмдор маъносидаги *хоқон* унвони билан ҳокимият юргиза бошлаган давр (VII аср 30-йиллари–VIII аср иккинчи чораги) ни ўзида намойён қилган. Бинобарин, Чоч, нафақат ўз тангаларида акс эттирган *жабғу* → *жабғу-хоқон* → *хоқон* каби унвонлар узвийлиги, балки иконографик, палеографик ва тамгалар шакли (𐰉 – 𐰊 – 𐰋) сингари хусусиятлари билан ҳам юқорида келтирилган Ғарбий Турк хоқонлигининг шаклланиш босқичларини очиқ беради. Ўз навбатида Чоч бир муддат ушбу хоқонликнинг бошқарув марказларидан бири бўлиб туриши баробарида, хоқонлик учун ўша давр одатига давлат аломатларидан бири ҳисобланувчи танга-пул зарб қилишга мос ҳудуд бўлиб хизмат қилди.

Хуллас, бир-биридан фарқли тиллардаги ёзма манбалар маълумотлари ва нумизматик материаллар Чоч воҳаси маълум вақт мобайнида Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказларидан бирига айланганидан дарак беради. Воҳанинг шимолидаги Мингбулоқ мавзеси қарийб юз йил давомида вақти-вақти билан Ғарбий Турк хоқонлигининг ёзги қароргоҳи бўлиши билан биргаликда бошқарув маркази вазифасини ҳам ўтаган, воҳанинг марказий қисмидаги Жабғукат шаҳри эса хоқонликнинг қишки қароргоҳи вазифасини бажарган. Бунда, энг аввало, воҳанинг ҳам стратегик, ҳам иқтисодий жиҳатдан муҳим жойда жойлашгани катта роль ўйнаган.

Г. Бабаяров

Чач как один из центров управления Западно-Тюркского каганата

В статье предпринята попытка обоснования, на основе нумизматических данных и сведений письменных источников того, что Чачский оазис определенное время являлся одним из центров управления Западно-Тюркского каганата. В качестве доказательства исследователь приводит сведения из китайских хроник.

G. Babayarov

Chach is One of the Centers of Governance of the Western Turkic Qaghanate

In this article the author tries to give arguments on the base of numismatic data and information that Chach oasis for certain period was one of the centres of governance of the Western Turkic Qaghanate. Being related to Qag-

¹ Бабаяров Г., Кубатин А. К вопросу монетного чекана Западно-Тюркского каганата (на основе нумизматических материалов Ташкентского оазиса) // Тюркология. Туркестан (Казахстан). 2005. №6. С. 97-105; Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса. С. 9, 11-12.

hanate, Arabian geographers inform that there was a city of Jabghukath near the capital of Shash, Binkath and there were the gates Binkath's Kuy-i Xaqan ("the street of Xaqan"), and also the mintage of the specific coins of the Western Turkic Qaghanate with its high-rank titles such as *Jabghu*, *Jabghu-qaghan*, *Qaghan* in legends exactly in the territory of Chach oasis, etc.

М.М. Хатамова
(Ўзбекистон)

ЧОЧ ТУРК ХОҚОНЛИГИ ТАРКИБИДА: ШАҲАР МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АЙРИМ САБАБЛАРИ

Ашина қабиласи томонидан барпо этилган Турк хоқонлиги ўзининг ҳарбий ва иқтисодий қудрати туфайли қисқа фурсатда Марказий Евросиё минтақасининг йирик империяларидан бирига айланади. Гарчи, минтақанинг бу янги ҳукмдорлари ўзларигача бўлган давлат уюшмаларидан бири Жуан-жуан хоқонлиги (402-555) дан бепоеён дашт ҳудудларини куч билан тортиб олишга муваффақ бўлсалар-да, фақат шунинг ўзи билан чекланиб қолмасдан, бирин-кетин дашт ҳудудларига чегарадош воҳаларни ҳам қўлга кирита бошлади. Ушбу воҳалардаги ҳукмдорликлар эса қадимдан асосан ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзи устувор бўлган кўплаб катта-кичик шаҳар ва қишлоқларга эга эдилар. Айнан шунинг учун ҳам, турк хоқонлари ўз давлат чегараларини кенгайтира бошлаган дастлабки пайтларданок, ана шу воҳаларни бўйсундиришни ўзларининг энг асосий вазифалари этиб белгилашади.

Лекин турклардан аввал минтақанинг жануби-ғарбий воҳа ҳудудларида Эфталитлар ҳукмронлиги ўрнатилган эдики, бу ҳудудларни уларнинг қўлидан тортиб олиш хоқонлик учун Жуан-жуанларни енгганчалик осон кечмаган кўринади. Чунки турк қўшинларининг эфталитлар билан ҳарбий тўқнашуви бу ердаги кўплаб шаҳарларга салбий таъсир кўрсатгани ҳақидаги маълумотлар манбаларда сақланиб қолган.

Ана шундай воҳалардан бири бўлган Чочни хоқонлик қўшинлари ўзларининг ғарбга юришлари давомида биринчилардан бўлиб қўлга киритган эдилар. Бу пайтда Чоч ҳукмдорлиги шимолда Ўтроқ (битиктошларда Кангу Тарман), Исфижоб (Сайрам) атрофлари, шарқда Илоқ (Оҳангарон) водийси, жанубда Сирдарёнинг ўрта ҳавзалари ҳамда жануби-ғарбда Усрушона ўлкаси билан чегараланувчи ҳудудларни ўз ичига оларди. Афтидан, 560 йиллардан эътиборан хоқонликка бўйсунувчи маҳаллий сулола томонидан бошқарилган Чоч, VII аср бошларига келиб, бир қатор сиёсий курашлар учун сахна бўла бошлайди. Хусусан, Хитой йилномалари 605 йилда хоқонликнинг асосчиларидан бири Истами ябғу авлодидан бўлмиш бўлажак хоқон Шегуй (611-618) томонидан Чочнинг маҳаллий ҳукмдори ўлдиртирилиб, ўрнига Ашина уруғидан Дэлэ Тяньчи (Тегин Тяньчи) нинг бошқарувга тайинлангани хусусида хабар беради¹.

Бугунги кунда Чоч тарихига оид кўплаб янги тадқиқот ишларининг яратилаётгани ижобий ҳолдир, албатта². Хусусан, ёзма манбалар ва нумизматик материаллар асосида

¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2. М.; Л., 1953. С. 273, 288; Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turcs). Occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 4. СПб., 1903. Р. 140-142; Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск, 1989. С. 166, 270, коммент. 638.

² Буряков Ю.Ф., Филанович М.И. Чач и Илак // Средняя Азия в раннем средневековье. Археология. Средняя Азия и Дальний Восток в эпоху средневековья. М., 1999. С. 78-92; Буряков Ю.Ф. К истории раннесредневекового Чача // Ўзбекистон тарихи. 2002. № 3. С. 10-20; ўша муаллиф. Палеоэкологические и этнические процессы в контактных зонах Средней Азии в древности и средневековье (на примере бас-

Чоч воҳасининг Турк хоқонлиги билан боғлиқ сиёсий ва ижтимоий тарихи янгилаш илмий қарашлар асосида ёритилмоқда¹. Бироқ, воҳанинг шаҳар маданияти ва умуман, урбанизация жараёнлари масаласида эса ҳалигача аввалги қарашлар устуворлик қилиб келмоқда.

Тошкент воҳасининг урбанизация жараёнларига энг кўп эътибор қаратган археолог олим Ю.Ф. Буряков ўзининг узоқ йиллик изланишлари давомида воҳадаги шаҳар маданиятининг ривожланиб боришини 5 та босқичга ажратади. Жумладан, у VI аср ўрталаридан то VIII аср ўрталаригача бўлган давр билан белгиланувчи *Мингўрик босқичи*да воҳада шаҳар маданияти ўзининг энг юқори чўққисига чиққанини эътироф этади². Ҳақиқатан ҳам Чочда бу даврга оид жами 293 та манзилгоҳ (шулардан 32 таси шаҳар) археологлар томонидан қайд этилган бўлиб, бу аввалги даврларга нисбатан шаҳарларнинг сони 2,5 баробарга кўпайганини кўрсатади³.

Шаҳар маданиятидаги бу тарздаги кескин ўзгариш қандай омиллар билан боғлиқ эди, деган савол ўйлашимизча, ҳаммасидан муҳим бўлиб, нима сабабдан VI–VIII асрлардан аввал ҳам, кейин ҳам воҳада шаҳарларнинг бунчалик юксак даражадаги ўсиши бошқа кузатилмади? Бу каби саволлар узоқ вақтдан бери мутахассисларнинг диққатини тортиб келаётгани учун ҳам унга ҳар ким ўзича жавоб беришга ҳаракат қилган. Улар орасида қулай географик жойлашув, дашт ҳудудларига яқинлиги туфайли савдо ва иқтисодий алоқаларнинг жадаллашуви, Буюк ипак йўли тармоқларидан бирининг шу ердан ўтиши ва у билан боғлиқ тарзда тижорат марказларининг вужудга келиши, тоғ-кон саноатининг юксалиши, марказлашган давлат уюшмасининг вужудга келиши, чорвадорларнинг ўтроқлашуви, ҳукмдор марказларининг айнан шу ҳудудларда жойлашуви каби қатор омиллар кўрсатилади⁴. Буларнинг ҳаммасига бирма-бир тўхтаб ўтирмаган ҳолда, фақат улардан бири, бизнинг назаримизда, энг асосийларидан ҳисобланувчи сиёсий жараёнлар, аниқроғи, давлатчилик ва урбанизация жараёнларининг боғлиқлиги

сейна Яксарга) // *International Journal of Asian Studies*, vol. 8, Seoul-Tashkent, 2003. С. 69-82; Буряков Ю.Ф., Грицина А. Мавераннахр на Великом Шелковом пути. Самарканд-Бишкек: ИСАС, 2006; Мукминова Р.Г., Филанович М.И. Ташкент на перекрестке истории (Очерки древней и средневековой истории города). Ташкент: Фан, 2001; Ходжаев А. Наиболее ранние сведения китайских источников о государстве Шаш (Ташкент) // *O'zbekiston tarixi*. 2005. № 1. С. 3-17; Ртвеладзе Э.В. История и нумизматика Чача (вторая половина III - середина VIII в. н.э.). Ташкент, 2006; Шагалов В.Д., Кузнецов А.В. Каталог монет Чача III–VIII вв. Ташкент, 2006; Исаков М., Камолитдин Ш., Бабаяров Г. Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача (III–VIII вв.). Серия «Рабочие документы ИФЕАК». Вып. 26. Ташкент, 2007; Kamoliddin S., Babajar G. Some Notes on the Titles of the Pre-Islamic Rulers of Chach // *Archivum Eurasiae Medii Aevi*. Tom 15 (2006/2007). Wiesbaden, 2007. P. 71-92.

¹ Бобоёров Ф. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихида Чоч воҳасининг тутган ўрни (Илк ўрта асрлар мисолида) // *Ўзбекистонда миллий давлатчилик назариясининг тарихий-фалсафий ва ҳуқуқий асослари*. Илмий-назарий мақолалар тўплами. Тошкент, 2005. 49-57-бетлар; ўша муаллиф. Чач в эпоху Тюркского каганата (по нумизматическим данным) // *Ўзбекистон тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда*. Ташкент, 2005. С. 203-205; ўша муаллиф. Древнетюркские монеты Чачского оазиса VI–VIII вв. Ташкент, 2007.

² Буряков Ю.Ф. Динамическая и статистическая модель процесса урбанизации по материалам Ташкентского оазиса // Аскарлов А.А., Буряков Ю.Ф., Квирквелия О.Р., Радзилиловский В.В. Теоретические и методологические проблемы исследования в археологии. Ташкент: Фан, 1988. С. 128, 134.

³ Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития ... С. 167-168.

⁴ Маргулан А.Х. Из истории городов и строительного искусства древнего Казахстана. Алма-Ата: Наука, 1950. С. 28; Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития ... С. 47, 50; Байпаков К.М. Средневековая городская культура Южного Казахстана и Семиречья. Алма-Ата: Наука, 1986; ўша муаллиф. Средневековые города Казахстана на Великом шелковом пути. Алма-Ата: Гылым, 1998; Байпаков К.М., Шарденова З.М., Перегудова С.Я. Раннесредневековая архитектура Семиречья и Южного Казахстана на Великом шелковом пути. Алма-Ата, 2001. С. 26.

омилига ўз эътиборимизни қаратсак. Чунки юқорида келтирилган сабабларнинг аксарияти бевосита марказлашган кучли давлатнинг вужудга келиши билан боғлиқдир.

Маълумки, суғорма деҳқончилик, демографик ўсиш, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, тижорат ва урушлар каби бир қанча сабаблар туфайли вужудга келган илк шаҳарлар кейинчалик дастлабки давлатлар кўринишини ола бошлаган. Шу пайтда пайдо бўлган шаҳар ва давлат ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳалигача давом этиб келмоқда. Чунки шаҳарлар ҳар қандай давлатнинг нафақат иқтисодий асосини, балки сиёсий ва маданий даражасини ҳам кўрсатиб берувчи энг муҳим белгилардан саналади. Бу борада цивилизация назариётчиларининг у ёки бу халқнинг цивилизацияга мансублигини аниқлашда энг муҳим белгилардан бири сифатида шаҳарни олишгани ҳам бежиз эмас¹. Шундан келиб чиқиб, масалани шу тарзда қўйсак: Турк хоқонлигининг минтақада, хусусан, Чоч воҳасидаги ҳукмронлиги бу ердаги шаҳар маданиятига қандай таъсир кўрсатди? Юқорида кўриб ўтганимиздек, воҳа хоқонлик таркибида бўлган даврда шаҳарларнинг ўсиши ўзининг энг юқори даражасига чиққан. Демак, аввалдан айтиш мумкинки, бу жараёнлар шаҳарларга ижобий таъсир кўрсатган. Лекин бундай ижобий ўзгаришлар қандай омиллар эвазига рўй берди ва унда хоқонликнинг роли нималар билан белгиланади? Қуйида айнан шу масалаларни таҳлил этамиз.

Турфон ва Олтойда моҳир металлурглари сифатида ном чиқарган туркларнинг Ашина уруғи ўз хоқонликларининг пойдеворини ташкил этувчи ҳарбий юришлар муваффақияти ҳамда барқарор иқтисодиётни энг аввало, тоғ-кон саноати билан боғлиқ ишлаб чиқариш орқали таъминлар эдилар. Буни жуда яхши англаган турк хоқонлари доимо биринчи навбатда тоғли ҳудудларни ўзлаштириш билан тоғ-кон ва металлургия саноатини йўлга қўйиш ҳамда шу йўл билан ўзларининг стратегик мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилганлар. Бу эса ўз-ўзидан Чоч воҳасининг тоғли зоналарида кўплаб янги манзилгоҳларнинг вужудга келишига олиб келган. Мутахассисларнинг эътирофи этишича, бу даврда воҳа шаҳарларида, айниқса, металлургия ва металлга ишлов бериш, қурол-яроғ ва эгар-жабдуғ тайёрлаш каби ҳунармандчилик соҳалари жадаллик билан ривожланган². Демак, воҳа шаҳарсозлиги тараққиётида қадимдан асосий роль ўйнаб келган металлургия саноати турк хоқонларининг мақсадли сиёсати туфайли янада тезлашади.

Чоч воҳасида илк ўрта асрлар, яна ҳам аниқроғи, VI аср охирларида вужудга келган Жабғукат ва Хотункат шаҳарлари ҳам тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, Турк хоқонлиги билан боғлиқ равишда қад кўтарган бўлиб, улар хоқон ва унинг аёли – хотуннинг маълум вақтларда истиқомат қилишлари учун мўлжалланган сиёсий марказлари эди³. Қолаверса, баъзи тадқиқотчилар воҳанинг шимолий ҳудудларида шаҳарларнинг ўсиши ва воҳа марказининг Қанқадан араб манбаларида *Мадина аш-Шош* деб тилга олинувчи Мингўрик шаҳрига кўчирилишини хоқонликнинг воҳадаги ноибни – турк тудунининг Сирдарёнинг ўрта ҳавзасидаги туркий қабилалар билан алоқаларни янада кучайтиришга қаратилган фаолияти билан боғлайдилар⁴. Туркиялик

¹ Чайльд Г. Прогресс и археология. М., 1949. С. 29; Массон В.М. Первые цивилизации. Л., 1989. С. 8.

² Буряков Ю.Ф. Из прошлого Чаткало-Кураминского промышленного района (К истории горной металлургии средневекового Илака): Автореф. дис... канд. ист. наук. Ташкент, 1966; ўша муаллиф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. М., 1974; ўша муаллиф. Генезис и этапы развития ... С. 140.

³ Бабаяров Г.Б. Древнетюркские монеты ... С. 29; Байтанаев Б.А. Вопросы локализации Нуджикета // Новые исследования по археологии Казахстана. Труды научно-практической конференции «Маргулановские чтения-15». Алма-Ата, 2004. С. 67-70, прим. 25.

⁴ Буряков Ю.Ф. Археологические материалы к этнической истории бассейна Средней Сырдарьи в древности и средневековье // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. Ташкент: Фан, 1986. С. 61.

санъатшунос олима Э. Эсин эса 605-819 йилларда турк тудунларининг ўрда шахари Юнусобод Оқтепаси бўлган, деб ҳисоблайди¹. Бироқ, бу соҳа мутахассислари ушбу масалада бирор-бир фикр-мулоҳазаларни билдиришмаган бўлиб, фақат ушбу ёдгорликни илк ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг барча воҳаларига хос бўлган зодагон қасри сифатида баҳолашган². Демак, ушбу масала, қолаверса, воҳадаги яна бир туркий сулола бўлмиш Чоч Тегинларининг шаҳар марказлари қаерда жойлашганини аниқлаш кейинги муҳим вазифалардан саналади.

Бироқ, нима учун Чоч, Суғд, Усрушона каби ўлкаларда айнан VI–VIII асрларга келиб, қаср-цитаделлар этагида сарой иншоотларини бунёд этиш одатга айлангани ҳақидаги савол ҳалигача очиқ қолмоқда³. Бу ҳол ўша даврга тааллуқли ёзма манбалар ва моддий-ашёвий буюмларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, айниқса, турк-суғд анъаналарининг синтези натижасида шаклланган минтақанинг тасвирий санъат ёдгорликларида яққол намоён бўлади⁴. VI–VIII асрларга оид ҳукмдор саройларига ишланган бундай деворий расмлар (Афросиёб, Панжикент, Қалъаи Қаҳқаҳа, Шахристон, Қува, Ажинатепа кабилар) да ўша давр турк сиёсий ҳокимиятининг изларини кўришимиз мумкин. Мазкур санъат асарларида аён ва жангчилар тасвирлари қадимги туркийларга хос бўлиб, бу уларнинг кийим-кечаклари, қурол-яроғлари ва ҳ.к.ларида аниқ кўзга ташланади⁵. Ушбу маълумотлар, гарчи, келгусида янада кўпроқ тадқиқотларни талаб этишига қарамай, турк хоқонлари ва уларнинг жойлардаги бошқарувчилари ўзларига сиёсий ва маъмурий марказ сифатида танлаган жойларда янгидан ёки аввалги кичик манзилгоҳлар ўрнидан йирик шаҳарлар қад кўтарган, деган дастлабки хулосаларни илгари суриш имконини беради (масалан, Фарғонадаги Косон шаҳар харобасининг шарқий қисми VI–VIII асрларда қад кўтарган).

Энди, қўйилган масала билан боғлиқ яна бир муаммога ўтсак. Жуда кўпчилик палеоурбаноологлар VI–VIII асрларда минтақада шаҳарларнинг раванқ топишини халқаро савдо йўлининг жадал ривожланиши билан боғлайдилар⁶. Агар эътибор берилса, Турк

¹ Esin E. Orduğ (Başlangıçtan Selçuklulara kadar Türk Hakan şehri) // Tarih araştırmaları dergisi. Ankara Üniversitesi Dil-Tarih-Coğrafya Fakültesi, 6 (10-11), Ankara, 1972. S. 135-215.

² Филанович М.И. Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. Ташкент: Фан, 1983. С.117-118.

³ Филанович М.И. Взаимодействие элитных субкультур Согда и Чача в раннем средневековье // Самарканд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Самарканд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий симпозиум материаллари. Тошкент-Самарканд: Фан, 2007. С. 66.

⁴ Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: Гюль Э.Ф. Диалог культур в искусстве Узбекистана. Античность и средневековье. Ташкент: PRINT-S, 2005.

⁵ Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. Ташкент: Фан, 1975. С. 106-109; Литвинский Б.А., Соловьев В.С. Средневековая культура Тохаристана (в свете раскопок в Вахшской долине). М.: Наука, 1985. С. 145-146; Распопова В.И. Поясной набор Согда VII-VIII вв. // Советская археология. М., 1965. № 4. С. 78-91; Аржанцева И.А., Иневаткина О.Н. Еще раз о росписях Афрасиаба: новые открытия, которым четверть века // Центральная Азия. Источники, история, культура. Материалы Межд. науч. конф., посвященной 80-летию Е.А. Давидович и Б.А. Литвинского. М.: Вост. лит., 2005. С. 118-144; Arzhantseva I., Inevatkina O. Afrasiab wall-paintings revisited: new discoveries twenty-five years old // Royal Nauruz in Samarkand Proceedings of the Conference Held in Venice on the Pre-Islamic Paintings at Afrasiab. Rivista Degli Studi Orientali. Nuova Serie Vol. LXXVIII, Supplemento № 1 (2004). Ed. M. Comparetti, E. de la Vaissiere. Pisa-Roma, 2006. P. 185-211.

⁶ Байпаков К.М. Средневековые города Казахстана на Великом шелковом пути. Алма-Ата: Гылым, 1998; Buryakov Y.F., Vaipakov K.M., Tashbaeva K.H., Yakubov Y. The cities and routes of the Great Silk Road (on Central Asia documents). Tashkent: ICAS, 1999; Байпаков К.М., Шарденова З.М., Перегудова С.Я. Ранне-средневековая архитектура Семиречья и Южного Казахстана на Великом шелковом пути. Алма-Ата, 2001. С. 30; Буряков Ю.Ф., Грицина А. Мавераннахр на Великом шелковом пути. Самарканд-Бишкек: ICAS, 2006.

хоқонлиги даврида Буюк ипак йўлининг шимолий тармоғи, яъни Сирдарё–Тяньшань–Олтой қисмлари жанубий тармоққа нисбатан анча ривожлангани кўзга ташланади. Бунинг сабаби, энг аввало, Эрон Сосонийлари билан ўзаро дипломатик муносабатларнинг бузилиши оқибатида хоқонлар томонидан суғдий Маниах бошчилигидаги савдо ва дипломатик элчилик ҳайъатининг Византия империясига янги йўл орқали юборилиши бўлди. Ушбу элчилик миссияси Еттисув орқали Сирдарё ва Оролбўйи, у ердан Манғишлоқ орқали Каспийбўйи ва ундан Шимолий Кавказга, Кавказ тоғларидан эса Византия империясининг пойтахти Константинопол шаҳри (Истанбул)га етиб борганди. Бу ҳол, ушбу йўл бўйлаб жойлашган эски шаҳар ва манзилгоҳларнинг янада тараққий этишига, янги тижорат марказларининг эса тезлик билан қад кўтаришига сабаб бўлди. Чоч воҳаси ҳам айнан Шимолий йўл бўйидаги муҳим аҳамиятга эга ҳудудлар қаторига кирар эди.

Қолаверса, айнан шу ҳудудлар, аниқроғи, Олтой, Еттисув ва Чочда турк хоқонларининг марказ қароргоҳлари жойлашган эдики, бу ҳолат мазкур воҳалардаги шаҳарсозликнинг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатмай иложи йўқ эди. Ваҳоланки, Кушонлар ва ундан кейинги хоқонликкача бўлган давлатларнинг ҳукмронлиги даврида Амударё ва унга туташ ҳудудлардан ўтувчи Жанубий тармоқ анча тараққий топганди. Маълумки, Кушонлар, Хионитлар, Кидаритлар, Эфталитлар каби давлатларнинг сиёсий марказлари асосан Жанубий йўналиш бўйлаб жойлашган эди. Турк хоқонлигининг ғарбий қаноти марказлари эса, аксинча, Шимолий тармоқда ташкил топганди. Демак, давлатларнинг сиёсий марказлари халқаро савдо ва иқтисодий ҳаётга таъсир этибгина қолмай, урбанизация жараёнларида ҳам сезиларли роль ўйнаган. Шу ўринда, асосий бойликлар сиёсий марказга қараб оққанлигини назарда тутиш зарур.

Чоч воҳаси турк хоқонларининг танга зарб қилдирадиган марказларидан бири ҳам бўлган. Буни сўнгги пайтларда Тошкент воҳасидан топилаётган кўпчилик тангаларнинг шу даврга оидлиги тасдиқлайди. Ушбу қимматли нумизматик материалларга таянган ҳолда, турк хоқонлари аввалги эски қарашлардан фарқли ўлароқ, ўзларининг тангапулларини зарб эттиришгани ҳақидаги хулосалар ҳозирда тобора ўзининг илмий тасдиғини топмоқда¹. Бизга яхши маълумки, давлатларнинг зарбхонаси қайси шаҳарда ёки шаҳарларда жойлашган бўлса, ўша шаҳар ва унинг атрофидаги ҳудудлар жадаллик билан тараққий этиб борган. Афсуски, ҳозирча Турк хоқонлигининг зарбхонаси айнан қайси шаҳарда жойлашгани аниқланмаган бўлса-да, топилаётган нумизматик материалларнинг аксарияти Чочдан чиқаётганлиги сабабли ҳам, бундай марказ Чочда бўлган, дейиш учун тўла асос бўлади.

Хуллас, юқоридаги барча маълумотлар бизга VI–VIII асрларда минтақа шаҳар маданияти, хусусан, Чоч воҳаси шаҳарлари тараққиёти асосан Турк хоқонлигининг шаҳарсозлик сиёсати билан боғлиқ эди, деган янги хулосани илгари суриш имконини бермоқда. Хўш, турк хоқонларининг ҳамда уларнинг қўли остидаги воҳаларнинг бундай шаҳарсозлик сиёсатидан манфаатдорлиги нимада эди? Хоқонлар учун, албатта, бундай манфаатлар биринчи навбатда юқорида кўриб ўтилган ҳарбий ишлаб чиқариш, хунармандчилик, тижорат ва сиёсий-молиявий марказлар билан белгиланса, уларнинг тобелари учун эса энг аввало, бу минтақанинг ягона марказлашган давлат қўли остида бирлаштирилиши бўлди.

¹ Қаранг: Бабаяров Г.Б. Древнетюркские монеты Чачского оазиса VI–VIII вв. Т., 2007; ўша муаллиф. Türk Kültürünün esas temelleri: Köktürklerde para sistemi // Bilim ve Utopya. Şubat, 2005 (İstanbul), Sayı 128, s. 16-24; Исхаков М., Камолитдин Ш., Бабаяров Г. Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача (III–VIII вв.). Серия «Рабочие документы ИФЕАК». Вып. 26. Ташкент, 2007.

Марказлашган ҳокимият минтақада осойишталикни таъминлайди, бу эса ўз-ўзидан иқтисодий ва маданий тараққиётнинг жадаллашувига олиб келди. Хусусан, улкан мамлакатнинг иқтисодий қудратини таъминловчи омиллардан бири тижоратга давлат томонидан ҳомийлик қилиниши (давлат протекцияси) турк хоқонларининг халқаро савдо битимларини тузиши, янги тижорат йўлларига асос солиши ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаши кабиларда ўз ифодасини топган. Буларнинг барчаси эса азалдан тижоратга мохир суғдий савдогарларнинг қарвон йўллари бўйлаб ўз тижорат факторияларига асос солишлари учун қулай имконият яратарди. Шунинг учун ҳам Марказий Евросиё минтақаси тарихи билан шуғулланувчи кўплаб олимлар воҳаларнинг Турк хоқонлиги таркибида бўлган қарийб икки аср вақт давомида уларда нафақат ижтимоий-сиёсий жараёнлар, балки, этник-маданий жараёнларнинг жадаллашуви ҳам кузатилганини ёзишди. Шу ўринда турколог олим Л.Н. Гумилевнинг “фақатгина сиёсий бирлашув тижорат қарвонлари, гуллаб-яшнаган боғ-роғлар, хунармандчилик устахоналари билан тўла шаҳарларнинг хавфсизлигини таъминлай олиши мумкин эди. Ашина уруғидан бўлган турк хоқонлари мамлакатда зарур осойишталикни таъминлайди”, деган фикрига кўшилмай иложимиз йўқ¹.

Хуллас, Турк хоқонлигида мавжуд шаҳар маданияти жаҳон тарихшунослиги учун деярли янги мавзулардан бири бўлгани сабабли ҳам, ҳали бу мавзуда қилиниши керак бўлган масалалар анчагина. Бироқ, ҳозирдан шунга айтиш мумкинки, Чоч воҳасида минтақанинг бошқа воҳалари каби қадимданок туркий халқларнинг роли катта бўлган. Бунинг биргина исботи воҳанинг энг қадимий номларидан бири – Чоч сўзининг қадимги туркий тил асосидан ясалиб, “тош” (феруза тоши) маъносини билдиришидир. Агар, шу маълумотдан келиб чиқиб, унга бошқа ёзма, археологик ва этнографик-фольклор манбалари ҳам жалб этилса, Тошкент воҳасининг қадимги ва илк ўрта асрлар даври тарихини қайтадан кўриб чиқишга тўғри келиши ойдинлашади. Мана бу масала энди келажакдаги тадқиқотчилар олдига турган энг долзарб масалалардан биридир.

М.М. Хатамова

Чач в составе Тюркского каганата: некоторые причины развития городской культуры

В статье проанализированы некоторые аспекты развития городской культуры Тюркского каганата на примере Чачского оазиса. В частности, рассматриваются градостроительная политика тюркских каганов, связанная с реформами в горнорудной промышленности, политические и административные центры каганов и их заместителей, торговля и монетное дело. Обосновывается, что в период господства Тюркского каганата в регионе были обеспечены необходимые условия для развития городской культуры оазиса в результате создания централизованного государства.

М.М. Khatamova

Chach in structure of Turkic Khaghanate: some reasons of development of urban culture

In the article the author has tried to analyze some aspects of development of urban culture of Turkic khaghanate based on an example of Chach oasis. In particular, the town-planning policy of Turkic khaghans is considered in such areas as the reform of mining, political and administrative centers of khaghans and his representatives, trade and coinage. However, the most important is that during the domination of Turkic khaghanate in the region necessary conditions for development of urban culture of an oasis was supplied as the result of creation of the centralized state.

¹ Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М., 1993. С. 152-153.

ЧОЧ ВА СУҒД: САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ТАРИХИДАН (ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ МИСОЛИДА)

Ўрта Осиёнинг Хитой ҳамда Шарқий Осиё худудидаги бошқа давлатлар билан қадимги даврлардаёқ вужудга келган ижтимоий-сиёсий, маданий ва савдо-иқтисодий алоқалари илк ўрта асрларда, айниқса, VI-VIII асрларда ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. Савдо - иқтисодий алоқалар ривожиди, энг аввало, Ўрта Осиёнинг ривожланган худудлари – Суғд ва Чоч мулкликлари муҳим ўрин эгаллайди.

Суғд – Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг қадимги урбанизациялашган макони ҳисобланиб, ўз таркибида Зарафшон дарёси юқори ва ўрта оқимидаги деҳқончилик воҳаларини ишғол этган Самарқанд Суғди, дарёнинг қуйи оқимида, шимолда Қизилқум саҳроси ва ғарбда Амударёга қадар чўзилган, ярим даштликлар билан чегараланган Бухоро Суғди, шунингдек, Қашқадарё воҳасида Жанубий Суғд ерларини ташкил этади. Манбаларда минтақанинг мазкур даврдаги Шарқ, хусусан, Хитой билан савдо-иқтисодий алоқаларида суғдийларнинг фаол иштироки таъкидлаб ўтилган. Жумладан, америкалик хитойшунос Э. Шефер бу даврда Евроосиё қарвон савдоси йўлларида тужжорларнинг халқаро сўзлашув тили суғдий бўлганлигини таъкидлайди¹. Бу бежиз эмас эди, чунки “... Ғарбда ва Узоқ Шарқда тараққий этган буюк цивилизациялар ўртасидаги ҳар томонлама (шу жумладан, савдо-иқтисодий алоқалар ҳам – А.А.) алоқаларнинг ривожланишида Ўрта Осиё аҳолиси – бактрийлар, парфияликлар, хоразмийлар ва албатта, энг аввало, суғдийлар муҳим ўрин тутадилар”². Савдо-иқтисодий алоқаларда Суғд тужжорлари Ғарб ва Шарқда ишлаб чиқарилган ўз даврининг энг харидоргир маҳсулотлари билан бир қаторда маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланган турли ҳунармандчилик маҳсулотлари билан ҳам савдо-сотик қилганлар. Зеро, “...улар (суғдийлар) Шарқий Туркистон воҳалари ҳамда Хитой шаҳарларига суғд цивилизациясининг кўплаб маданий ютуқларини ҳам олиб келганлар, бу ерларда ўз тамаддунларини яратганлар”³. Булар орасида пахта хомашёсидан тайёрланган маҳсулотлар бўлганлиги шубҳасиз. Чунки, “...V-VI асрларда Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё худудларида катта майдонларга ғўза экилган. Марказий Осиёнинг пахта толаси Хитойда ҳам машҳур бўлган”⁴.

Минтақанинг мазкур даврдаги Шарқ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларида кўчманчи қабилалар билан олиб борилган савдо-сотик муҳим ўрин тутди. Бу жараёнда савдо-сотикнинг энг қадимги даврда шаклланган маҳсулот айрибошлаш тури кенг ёйилган эди. Жумладан, минтақанинг шимоли-шарқий сарҳадлари билан туташ худудларда яшаган кўчманчи қабилалар орасида Суғд ҳунармандлари томонидан тайёрланган, Ўрта Осиёнинг қушон-сосоний жамияти ихтироси бўлмиш ҳайвон суяги

¹ Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. М.: ГРВЛ, 1981. С. 27.

² Ртвеладзе Э.В. Самарқанд на Великом шелковом пути // Самарқанд шаҳрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент-Самарқанд, 2007. 109–112-бетлар.

³ Ўша жойда.

⁴ Мусаев Н. Ўрта Осиёда деҳқончилик маданияти ва аграр муносабатлар тарихидан. Тошкент, 2005. 75-бет.

ёки шохлари билан безатилган мураккаб шаклдаги камонлар¹, баланд, оқ рангли жун (кигиз) бош кийимлари² харидоргир бўлган. Ўз навбатида, Хитой манбаларида келтирилишича, суғдийлар кўчманчи қабилалардан ҳарбий кийим-кечакнинг атрибути ҳисобланган этикларни³ айрибошлаганлар. Ўтроқ аҳоли ва чорвадор қабилалар ўртасидаги йирик савдо-иқтисодий алоқалар асосан Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқий туманларида амалга оширилган. Бу алоқаларда Чоч мулклиги алоҳида аҳамиятга эга эди.

Чоч – ўтроқ аҳоли ва кўчманчи қабилаларнинг фаол алоқалари зонасидаги қулай географик ареалда – Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси ҳудудини ишғол этган бўлиб, қадимги даврлардан оқ Марказий Осиё халқларининг савдо-иқтисодий ва маданий-этник алоқалари ривожига ўзига хос “кўприк” вазифасини ўтаган. Антик давр манбаларига эътибор берадиган бўлсак, айнан Сирдарёнинг ўрта ҳавзаси ўтроқ аҳоли ва чорвадор кўчманчи қабилалар ўртасидаги муайян муносабатлар макони бўлган. Жумладан, Страбон, “Яксарт суғдий ва кўчманчиларни ажратиб туради”⁴ деса, Дионисий Периегит эса “Суғдиёнадан сўнг Яксарт оқими бўйлаб камон билан жанг қиладиган, беҳато отувчи энг моҳир камончилар бўлган саклар яшайдилар”⁵ деб маълумот берадилар. Ушбу маълумотларнинг ўзиёқ Чоч дашт кўчманчиларининг деҳқончилик воҳалари аҳолиси билан ҳар томонлама алоқалари жуда қадимги даврларга бориб тақалишини ифода этади. Бундан ташқари, Чочнинг Фарғона билан ҳам ўзаро алоқалари кучли бўлган. Бу ҳудудларда истиқомат қилган кўчманчи чорвадорлар мазор-қўрғонларида ҳам деҳқончилик, ҳам чорвадор қабилаларга оид турли ашёларнинг учраши⁶ мил. авв. I минг йиллик ўрталарида улар ўртасида ўзаро маҳсулот айрибошлаш савдосининг ривож топганлигини тасдиқлайди. Айрибошлаш савдосининг ривожига “Дашт йўли” муҳим аҳамиятга эга бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу жараёнда кўчманчи чорвадор қабилалар тери, мўйна, жун ва жун маҳсулотлари ҳамда гўшт-сут маҳсулотлари эвазига ўтроқ аҳолидан ҳарбий курол-яроғ ва от анжомлари, газлама ва кийим-кечак, зеб-зийнат буюмлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари айрибошлаганлар⁷. Географларнинг тадқиқотларига кўра, айнан Чочнинг кўчманчи қабилаларга туташ ҳудудларидаги кўчманчилар терини ишлов берилмаган ҳолда олиб келар, кейин эса улар ўтроқ аҳоли томонидан қайта ишланар эди⁸.

Мазкур давр арафасида Марказий Осиёда содир бўлган экологик инқироз (мил. II-IV асрлар) Сирдарёнинг ўрта ҳавзасидаги ижтимоий-иқтисодий, умуман, урбанизация жараёнларида муҳим босқични вужудга келтирди. Бундай вазият асосий хўжалиги чорвачилик бўлган кўчманчи қабилаларнинг шарқдан ғарбий ҳудудларга оммавий кўчишига сабаб бўлади, жумладан, Қуйи Сирдарё ҳудудларидаги қабилалар ҳам Юқори Сирдарёга, ундан эса ғарбга – Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари йўналишида кўчиб ўтадилар.

¹ Коробкова Г.Ф. Древний и средневековый Самарканд на Великом шелковом пути // Самарканд шахрининг умумбашарий маданий тараққиёт тарихида тутган ўрни. Тошкент-Самарканд, 2007. 104-109-бетлар.

² Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. С.267.

³ Ўша асар. 148-бет.

⁴ Страбон. География в XII книгах. М., 1964. Т. XI. С. 8.

⁵ Древние авторы о Средней Азии (VI в. до н.э.-VI в. н.э.). Ташкент, 1940. С. 23.

⁶ Горбунова Н.Г. Роль традиционных путей передвижения скотоводческих племен и сезонных перекочевок в сложении торговых путей в древности // Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. Ташкент, 1990. С. 33-35.

⁷ Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. Тошкент, 2008. 111-бет.

⁸ Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. М.: Наука, 1970. С. 113-123.

Натижада милодий III асрга келиб қадимги йирик давлатлардан бири бўлган Қанг инкирозга учрайди ва Қанг иттифоқи таркибидан алоҳида мустақил мулкликлар ажралиб чиқади. Айнан мана шу даврда Ўрта Сирдарё ҳавзаси тарихий харитасида Чоч мулки ва шу номли пойтахт пайдо бўлади¹. Чоч мулклигининг тараққий топишида Марказий Осиёда ушбу даврда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳам асосий ўрин тутди. Жумладан, Хитой империясининг ғарбий ҳудудларда ўз таъсир доирасини кенгайтиришга бўлган жиддий интилиши Ғарб, хусусан, Ўрта Осиё билан савдо-иқтисодий алоқалар ривожига ҳам муҳим омил бўлди. Милодий 121 йилда хунн қабилалари устидан йирик ғалабага эришгач, империя Ғарбий ўлкаларни фаол “ўзлаштириш”га киришади. Бу мақсадни амалга ошириш учун Хитой императорлари томонидан Ғарбий ўлкаларга йилига беш-олти, баъзи йилларда ўн мартадан кўпроқ йирик (таркибида бир неча юз киши) ва кичик (юздан ошқ киши) элчилик миссиялари юборилган². Шубҳасиз, бу элчилик миссияларининг олдида қўйилган энг муҳим вазифалардан бири – Ғарбий ўлкалар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш имкониятларини ўрганишдан иборат эди. Бу жараён минтақанинг шимоли-шарқий ҳудудлари, яъни, деҳқончилик воҳалари аҳолиси ва чорвадор қабилалар ўртасидаги энг муҳим ареал – Сирдарё ўрта оқими ҳавзасида “асосий фаолияти деҳқончилик ва чорвадор қабилаларнинг савдо-иқтисодий алоқаларига қаратилган”³, Чоч мулклиги тараққиётида тараққиётида муҳим омил бўлди.

Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзаси, шунингдек, унинг ўнг ирмоқлари – Чирчиқ ва Оҳангарон воҳалари уч томондан ўзига хос, тақасимон шаклда осмонўпар Тяньшань тоғининг ғарбий тизмалари – Чотқол, Қурама ҳамда Қурама тизмасининг Сирдарёга қадар чўзилган тармоғи Қорамозор тоғлари билан ўралган. Географик жиҳатдан Фарғона ва Талас воҳаларига ўтиш учун жуда қулай доволарга эга бўлган Чоч тоғ ёнбағирлари нафақат йирик, балки кичик туёқли чорва моллари, балки зотдор отлар етиштириш учун ҳам анча қулай бўлган. Милодий III асрдан эътиборан Сирдарё водийсига туташ бўлган текислик ва тоғолди ҳудудларида янги ерлар, шунингдек, Оҳангарон воҳасининг жанубий ҳудудлари ҳам фаол ўзлаштирилади⁴. Бу эса чорвадор аҳоли ўртасида ўтроқ турмуш тарзига ўтиш кучайганлигидан далолат беради. Ҳудудда урбанизация жараёнларининг кучайиши ўз навбатида шаҳар ва шаҳар типигаги йирик хунармандчилик ва савдо-сотик марказларининг вужудга келишига олиб келди. Жумладан, Оҳангарон воҳаси бу даврда Чочнинг иқтисодий округи ҳисобланиб, воҳанинг турли ҳудудларидан кўплаб фойдали қазилмалар – Лашкарак кон ҳудудида – кумуш, Қизиллмада – олтин, Кўкрелда – мис, Шовғазда – темир хомашёси қазиб олинган. Бундан ташқари махсус, металлни қайта ишлаш марказлари – Тункат (Илок), Туқкат (Кулота), ҳозирги Ангрен шаҳри яқинида Номсизтепа, Қўрғонтепа ва Киндиктепа каби йирик ишлаб чиқариш ва савдо-сотик манзиллари ривож топади⁵. Шунингдек, Чоч тоғларидан Шарқ мамлакатларида “бахт ва ғалабаларга ёрдам берувчи”⁶ ҳамда “кўз тегишидан, ёвуз руҳлар ғазабидан, турли захарли ҳашаротлар ва илон-чаёнлардан ас-

¹ Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. 50-бет.

² Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Ч. II. Алматы, 1998. С.154.

³ Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. 94-бет.

⁴ Ўша асар. 94-бет.

⁵ Ўша асар. 112-бет.

⁶ Беруни Абу Райхан. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). Пер. и прим. прим. Беленицкого А.М. Л., 1963. С.158.

ровчи тумор”¹ сифатида юқори қадрланган фируза (хитой манбаларида “сэ-сэ”) тоши кўплаб қазиб олинган. Тадқиқотчилар фикрича, фируза қазиб олинган асосий кон Қорамозор тоғининг шимолий қисмида, Унгурлисойнинг ўнг қирғоғида жойлашган, бундан ташқари Илок худудида ҳам бир неча – Оқтепа, Гулдуран, Фирузакон каби унча катта бўлмаган конлардан ҳам юқори сифатли фируза қазиб олинган². Фируза Чочнинг нафақат Шарқ мамлакатлари билан олиб борилган савдо-сотикда, балки, Суғд шаҳарлари билан ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларида ҳам асосий маҳсулотлардан бири бўлган. Жумладан, Ерқўрғон шаҳри ибодатхонаси харобаларида (мил. III-V асрлар қатлами) олиб борилган тадқиқотлар вақтида топилган олтин тақинчоқ қисми(кулон)ни айнан, фируза тоши безаб турганлиги аниқланган³.

Хулоса қилиб айтганда, илк ўрта асрлар даврига келиб Чоч мулклиги ўз тараққиётининг юқори босқичига кўтарилди, пойтахт йирик хунармандчилик ва савдо-сотик марказига айланади. Чочнинг халқаро қарвон савдоси чорраҳасида жойлашганлиги мулкликнинг биринчи навбатда, Шарқ мамлакатларининг ғарбий ўлкалар билан олиб бориладиган савдо-иқтисодий алоқаларда фаол иштирок этишини таъминлади. Милодий III-IV асрлардаёқ Шарқий Туркистон худудларида ўз савдо колонияларига эга бўлган Суғд тужжорлари билан биргаликда чочликлар ҳам қизғин савдо-иқтисодий алоқалар олиб борадилар. Хусусан, “Эски суғд хатлари”га кўра “Чочликлар (микдорига кўра – А.А.) Самарқанд ва Бухоро савдогарларидан кейинги учинчи ўринни эгаллайдилар”⁴. Турк хоқонлиги ва Суғд юқори табақасининг муштарак манфаатлари Суғд тужжорларининг шарқий йўналишдаги савдо-иқтисодий алоқаларда етакчи ўринни эгаллашига замин яратган эди⁵. Бу алоқаларда фаол иштирок этган Чоч ва чочликлар Суғд цивилизациясининг Узоқ Шарқ мамлакатларига кенг ёйилишида муносиб ўрин эгаллайди.

А.Р. Абдуқаюмов

Чач и Согд: из истории торгово-экономических отношений

В статье рассматривается развитие ремесла и торгово-экономических связей Чача с Согдом. Определяется роль Чача в международных торгово-экономических связях и распространении согдийской цивилизации на Востоке в раннем средневековье.

A.R. Abdukayumov

Chach and Sogd: trade-economical realitions in yearly middle ages

The article considers the problem of development craftsmanship and trading-economical realitions of Chach with Sogd, also mean of Chach in the international trading-economical realitions and transformation of Sogdian civilization.

¹ Семенов А.А. Из области воззрений мусульман Средней Азии на качество и значение некоторых благородных камней и минералов // Мир Ислама. Вып.1.СПб., 1912. №3. С. 298.

² Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака V - начала XIII в. М.,1973. С.43-45.

³ Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистана VII в. до н.э. - VII в. н.э. Самарканд; Ташкент, 2000. С.95; Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. Тошкент, 2008. 109-бет.

⁴ HennIng W. Mitteliranisch der Orientalistik.1. Abteilung.4. Band. Iranistik. Leiden; Koeln, 1958. P.55.

⁵ Абдуқаюмов А.Р. Суғд шаҳарларида пул хўжалиги ва товар-пул муносабатлари // ЎзМУ хабарлари, 2008. 2-сон. 14-18-бетлар.

К РАННЕЙ ИСТОРИИ ЧАЧА (Новые нумизматические и эпиграфические источники)

В последнее десятилетие значительно расширился круг источников по дотоле неизвестной политической и династийной истории Чача первых веков нашей эры. Среди ранее известных – это весьма краткие сведения в «Цянь ханьшу».

Второй источник – эпиграфический – надпись Шапура I (241–272 гг.) на так называемой «Каабе Зороастра» (SKZ – 1), относящаяся к 262 г.

Третий источник – нумизматический – монеты раннечачского правителя второй половины III в. н.э. Вануна (Ванона), известные еще с 20-х годов XX в., но легенда на которых прочитана совсем недавно.

К прежде известным источникам по истории Чача первой половины I тыс. н.э. сейчас прибавились два новых – эпиграфический и нумизматический, – в отношении чтения некоторых мест и легенд в данной статье высказаны мои предположения.

Монеты Zbb'γγ(a) – правителя Чачаннапа (земли, страны, народ чачцев)

В недавно изданном каталоге монет Чача А.В. Кузнецова и В.Д. Шагалова особый интерес представляют монеты, выделенные авторами каталога в первую группу, первый период, первый вариант. Всего ими учтено 10 экз. этих монет (причем многие из них – с пробитыми круглыми отверстиями).

Вес целых монет 3,7 г, диаметр 2,2 – 2,28 см.

Л.ст. В линейном круге погрудное изображение правителя влево (голова в профиль, грудь в фас). У него своеобразная прическа волос, ниспадающих с макушки отдельными прядями до плеч и с завитками на концах прядей. Над лбом волосы подхвачены гладкой лентой – диадемой, концы которой, завязанные за головой двумя петлями, опускаются до плеч двумя рубчатými лентами. Перед лбом – украшение в виде полумесяца, которое, вероятно, прикреплено к диадеме.

У правителя ярко выраженная цилиндрическая деформация головы, высокий покаты́й лоб, выступающий вперед большой нос без переносицы, миндалевидной формы глаза, полные губы, острый подбородок с бородкой, состоящей из двух прядей волос. Шея правителя украшена гладкой гривной, иногда показан верхний край одежды, скрепленный посередине круглой фибулой.

Об.ст. В линейном круге, в центре монетного поля, – династийный знак (тамга) с овальной средней частью и отходящими от нее отростками с загнутыми концами, двумя внизу и одним вверху, вокруг нее курсивная согдийская легенда.

В.Д. Шагалов и А.В. Кузнецов отметили, что монеты этого варианта отличаются от монет других вариантов раннечачских монет рядом признаков – более тщательным изображением правителя, соотношением штемпелей л.ст. и об.ст., легендой, в которой они насчитывают якобы 24 буквы, в отличие от легенды на последующих вариантах, состоящей из 16–17 букв¹.

Обратимся к легенде. Отметим, что она содержит 18 букв, а не 24, как считали В.Д. Шагалов и А.В. Кузнецов. По их мнению, легенда на всех монетах выполнена в зер-

¹ Шагалов В.Д., Кузнецов А.В. Каталог монет Чача. III–VIII вв. Ташкент, 2006. С. 30–33.

кальном отражении¹. Это не так. Легенда на монетах выполнена в прямом написании – справа налево.

По прорисовке я дал несколько неправильное ее чтение: «с'с'пп'рп'с хwβ MR'Y wnpw», что и было опубликовано в книге вышеназванных авторов².

Благодаря любезности А.В. Кузнецова, мне удалось изучить сами монеты, в результате чего было выявлено имя иного, чем Wnpw, правителя Чача.

Легенда, как я полагаю, начинается с 11 часа с имени правителя и включает, помимо него, название страны (или государства) и титул.

Первое слово – персональное имя – состоит из шести букв.

Первая буква имеет вид прямой, с небольшим наклоном короткой черты. Скорее всего, это буква «Z», а не «п», которая на раннечачских монетах в слове «wnpw» всегда дается с округлой левой частью и более длинная. Такую же форму имеет буква «Z» в согдийских надписях из Культобе.

Вторая и третья буквы в этом имени – одинаковой формы – это «β», поскольку аналогичную форму имеет конечная буква «β» в слове «хwβ». Четвертая буква – а – форма ее обычная для «'» во всех согдийских надписях.

Две последние буквы совершенно одинаковы по форме и полностью аналогичны букве «g» в надписи № 4 на кирпиче из Культобе (строка б)³. Исходя из приведенных аналогий, возможно транскрибировать это имя как «Zbb'gg».

Три других слова легенды достаточно хорошо известны из легенд на раннечачских монетах – это с'с'пп'рп'с хwβ. Следовательно, вся легенда на этих монетах читается как «Zbb'γγ с'с'п рп'с хwβ» – «[Эта монета] Заббага – правителя народа, страны чачцев (Чачаннапа)».

Наиболее близкие аналогии имя правителя на раннечачских монетах «Zbb'γγ» = Заббагг находит в скифо-сарматском имени Ζαβαγῖος, зафиксированном в надписях из Северного Причерноморья⁴. Различаются эти имена наличием удвоенных «β» и «γ» в согдийской передаче, в отличие от греческого написания данного имени с одинарной передачей указанных букв. Подобное расхождение объясняется, возможно, более точным воспроизведением данного имени в согдийской графике, учитывавшей особенности его произношения.

Исторический контекст согдийских надписей из Культобе

Согдийские надписи, открытые на поселении Культобе, в долине р. Арысь (Шымкентская область Республики Казахстан), как уже отметил Н. Симс-Вильямс, осуществивший блестящий их перевод, имеют чрезвычайно важное значение для истории согдийских поселений на севере Средней Азии, взаимоотношений между главными согдийскими городами, согдийского языка и письменности⁵. Но не менее важное значение имеют они для древней истории Чача и Испиджаба, на территории которого они и найдены.

Здесь мне, как специалисту, много лет занимающемуся древней историей Чача⁶, хотелось бы высказать ряд суждений по поводу перевода некоторых слов в надписи, их местонахождения, датировки, исторической интерпретации.

¹ Там же.

² Там же. С. 33.

³ Sims–Williams N., Grenet F. The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygys. 2006. N 2.

⁴ Грантовский Э.А. Ранняя история иранских племен Передней Азии. М., 1970. С. 216; Zgusta. Die Personnamen griechischer Stadt die nordlichen Schwarzmeer Kustë. Praga, 1955. 95.

⁵ Sims–Williams N., Grenet F. Op. cit. P.25.

⁶ Ртвеладзе Э.В. История и нумизматика Чача. Ташкент, 2006. С. 3–44.

Прежде всего – о кирпичках, на которые были нанесены надписи и которые Н. Симс-Вильямс и Ф. Грене называют *plaque*¹ (в русском переводе это слово означает пластинка, табличка, плакетка). По их мнению, они были размещены в крепостной стене цитадели Культобе.

Кирпичи из Культобе представлены двумя видами:

1. Специальные лекальные кирпичи (на них нанесены надписи №2 и №4).
2. Плоские кирпичи (с надписями №1 и №3).

Лекальные кирпичи в строительной практике Средней Азии применялись для выкладки арок входов зданий или ворот в крепостях и городах.

Лекальные кирпичи, аналогичные кирпичам из Культобе, обнаружены нами при раскопках комплекса ворот на городище Кампыртепа. Среди них как целые (размеры: длина 76 см, ширина 15–16 см, толщина 6,5 см), так и фрагменты. Как и на кирпичках из Культобе, на них до обжига были нанесены надписи, но иной письменности и языка – кхароштии и гандхари². Эти надписи датированы нами, исходя из археологостратиграфических данных, II в. до н.э.

Очевидно, что лекальными кирпичами с нанесенными на них согдийскими надписями была обложена арка ворот цитадели Культобе, причем самым нижним кирпичом, с которого начиналась вся надпись, был, вероятно, кирпич с надписью № 2 (по классификации Н. Симса-Вильямса)³.

Второй вид кирпичей из Культобе – плоские кирпичи. Из них, по-видимому, был выложен пояс над аркой, наподобие тому, как сходного характера надписи были размещены над входами в различного рода сооружения эллинистического времени или на порталных рамах средневековых мавзолеев.

Традиция нанесения надписей на воротах крепостей и городов в Среднюю Азию пришла из Эллинистического Востока⁴, тогда как в ахеменидское время такая практика совершенно отсутствовала.

Таким образом, в Средней Азии – в Северной Бактрии и на территории историко-культурной области Испиджаб, вероятно, составлявшей в тот период часть Чача, – наука располагает конкретными примерами существования такой традиции, дополненными сведениями письменных источников о наличии химьяритской надписи на Кешских воротах в Самарканде.

Обратимся теперь к надписи №2. Она нанесена на лекальный кирпич, от которого, судя по размерам лекального кирпича из Кампыртепа, осталось немногим более половины. Следовательно, и надпись на нем сохранилась лишь частично. Надпись состоит из четырех строк, причем только первая строка уцелела полностью, тогда как начала во второй, третьей и четвертой строках полностью утрачены, а ведь там могли находиться одно и даже несколько слов, чтение которых могло бы несколько иначе раскрыть содержание этих надписей.

Поэтому при восстановлении некоторых лакун в надписи №2 мы исходили из этих положений, а также из предложенного здесь прочтения третьего слова в первой строке этой надписи.

Данное слово, согласно реконструкции Н. Симса-Вильямса, состоит из четырех букв, причем чтение первой буквы не вызывает сомнения – это "w". Две последние бу-

¹ Sims–Williams N., Grenet F. Op. cit. P. 96, 97 и далее.

² Материалы этих исследований не опубликованы, поскольку раскопки на данном памятнике не завершены.

³ Sims–Williams N., Grenet F. Op.cit. P. 96.

⁴ Кошеленко Г.А. Греческий полис на Эллинистическом Востоке. М., 1979. С.109–111.

квы он не разобрал, тогда как вторую букву он предположительно считает буквой "β", основываясь на наличии короткой черты, отходящей якобы от основной формы буквы. Однако эта черта на иллюстрации не столь отчетлива, чтобы признать ее за часть буквы. Скорее всего, это дефект – выпуклость кирпича или отпечаток растения, как это зачастую представлено на кирпичах из Кампыртепа. Тогда вторая буква может быть только "n": в таком начертании она представлена на монетах Чача, битых от имени "wnwn". Это не может быть "w", как предполагает Н. Симс-Вильямс¹ (по его мнению, если это не "β", то "w"), так как правый ствол у нее выше, чем левый.

Четвертая буква в этом слове, судя по ее очертаниям на иллюстрации, также "n". Исходя из этого, можно предположить, что третье слово в первой строке в надписи №2 передает имя правителя Чача – wnwn, зафиксированное на ранних монетах Чача.

Основанием для подобного восстановления данного слова служит следующее: оно состоит из четырех букв, как и имя wnwn, первая буква в нем "w", вторая – вероятнее всего "n", а четвертая – предположительно также "n".

Можно полагать далее, исходя из размеров кирпичей, возможного наличия дополнительных слов в строках 2–3 и имени "wnwn" в первой строке, следующее восстановление и перевод надписи №2²:

1. (ZNH) (k)nth wn.(n)
2. [.....] (c)'c'nn'pc
3. [xwβ] (s)p'dny SWRH
4. [...] (H)WH

“Этот город Вануна, правителя страны чачцев, лично командующего армии...”

В сентябре 2008 г. мне удалось исследовать данную надпись, выставленную в экспозиции Исторического Музея г. Алматы. Первая буква, бесспорно, "w", вторая – имеет полукруглое очертание, свойственное букве "n", с отходящей влево от верхней ее части небольшой чертой, далее имеется естественное углубление. Начертание "n" такого типа является весьма редким, но, тем не менее, отмечено в "Старых письмах" и в других согдийских надписях³. Третья и четвертая буквы в этом слове весьма неотчетливы. Примечательно, однако, что слово "w(n)w(n)" имеется также в первой строке надписи №5. Н. Симс-Вильямс отмечает, что данное слово является как относительным прилагательным, так и персональным именем⁴. В связи с нашей гипотезой о наличии имени "Wnwn" в надписи № 3, можно полагать, что и в надписи №5 это слово употреблено в качестве персонального имени.

Вероятно, город на месте Культобе принадлежал чачскому правителю (хвабу) Wnwn, который был также "генералом армии Чачского народа", как полагает Н. Симс-Вильямс, или командующим объединенной армии правителей Самарканда, Киша, Нахшаба и Nawak-me [than] (предположительно – Бухары), направленной для охраны северной границы конфедерации согдийских владений от набегов кочевых народов.

Слово wnwn зафиксировано в согдийской легенде на ранних монетах Чача. Одни исследователи видят в нем прилагательное "victorus" – "победоносный", другие – персональное имя Wnwn. В.А. Лившиц полагает, что правильная его транскрипция Wanun

¹ Sims–Williams N., Grenet F. Op.cit. P. 106.

² Возможно, что после имени Wnwn было помещено словосочетание "сын такого-то", как это нередко бывает в надписях.

³ Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Ташкент, 2008. Табл. XI.

⁴ Sims–Williams N., Grenet F. Op.cit. P. 104.

(Wanōn), рассматривая его как “суффиксальный гипокристик от двухсоставного имени с компонентом Wanīn во второй части его сложения”¹.

Впервые правильную транскрипцию и перевод этой легенды опубликовал Й. Йошида² по фотографиям из моей статьи, в которой я дал неправильную транскрипцию данной легенды³. Однако независимо от Й. Йошида (статью которого я тогда не знал), я пришел к правильному пониманию этой легенды, чтение которой дал в двух вариантах: “правитель страны Чачан – Wnwn” и “чачского народа правитель Wnwn (Ванван)”⁴.

Я полагал, что сочетание “с’с’н пр” – Чачаннап, которое дословно переводится как “чачский народ”, “чачская община”, “чачская страна”, является официальным названием чачского или чачаннапского государства. Название “с’с’н пр” устойчиво отмечается в легендах на монетах, в надписях на серебряных сосудах и, как теперь выявлено, на кирпичках арки ворот города, находившегося на месте Культобе.

Теперь о датировке этих надписей. Если правильно наше предположение о наличии имени Wnwn в надписи, то следует обратиться к датировке чачских монет с его именем. Эти монеты были датированы мною, исходя из явных сасанидских параллелей, временем Шапура I (241 – 271), т.е. серединой – второй половиной III в. н.э.⁵, и эта датировка наиболее вероятна, чем предлагаемые I – II вв. н.э. или IV – V вв. н.э.

Что касается исторической интерпретации, то, исходя из нумизматических данных и сведений надписей из Культобе, можно предположить, что в первой половине III в. н.э. или его середине бывшая кангюйская конфедерация распадается. Взамен нее возникает конфедерация согдийских владений и городов, которую Ф. Грене называет тетраполисом, тогда как более правильно называть ее пентаполисом, где ведущее место занимал Чач.

Это прослеживается по следующим основаниям:

Маълумки, Яхё Ғуломовнинг ташаббуслари билан 1966 ташкил этилган Тошкент археологик гуруҳининг тадқиқотларидан шу нарса маълум бўлдики, бундан уч минг йиллар илгари аجدодларимиз Чирчиқ дарёсини тўсиб, кетмон, белкурак билан ариқ қазиб, Тошкентга сув олиб келиб, Шош воҳасини обод қилганлар.

Маълумки, Шош воҳаси, Бинкат ва унинг атрофлари тоғ олди ҳудудлари бўлиб, ерининг аксарияти ўр, қир ва тепаликлардан иборат анча мураккаб тузилишга эга бўлган.

Шу боис афсоналарда айтилишича, Тошкент-Бинкат етти сой ва етти қирлик устида қад кўтарган. Қадимги Бинкат қалъаси ҳам шу тепаликлардан бирининг устига бино қилинган. Таъкидлаш лозимки, Бинкат Урта Осиёдаги бошқа шаҳарларга қараганда сувга сероб ва боғ-роғларга бурканган шаҳар бўлган². Бу эса қадимги Чирчиқ дарёсидан бош олган Бўзсув ва унинг Зоғарик, Кайковус, Салор, Бўржар, Қорасув, Дарҳон, Анҳор, Жўнарик, Кичикқўриқ (Қичқирик), Човли ва бошқа ариқ каналларининг оқар суви туфайлидир.

Шуни таъкидлаш керакки, Тошкентда шунингдек, қадимги Бинкатда суғориш шаҳобчалари жуда яхши йўлга қўйилганлигини ёши улуғлар яхши биладилар. шаҳарда оқар сувли, ҳовузи бўлмаган маҳалла ёки гузар бўлмаган. Бу ҳовузлар аҳолини сув билан таъминлабгина қолмай жазирама ёз чилласида шаҳар ҳароратини меъёрлаб турган.

Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, шаҳарда 500 дан ортиқроқ ҳовуз бўлган экан. Баъзи ҳовузларнинг номлари халқ орасида ҳамон сақланиб қолган, улар Сассик ҳовуз, Катта ҳовуз, Ҳовузбоғ, Лангар ҳовуз ва бошқалардир³.

У ёки бу текислик сув сатҳидан баландликда жойлашган майдон, маҳалла, шаҳарнинг шахристон ёки қаср, ўрда аркига туташ идишларда сув сатҳи бир текисликка кўтарилади деган физика қонунияти бўйича Кўтарма ва Қайнама деган сув иншоотлари ўтказилган ёки чархпарак сув узаткичлари ўрнатилган.

Шарқда қадимданок мироблар сувни сунъий йўл билан пастдан юқорига чиқариш усулини кашф этганлар. Сувни юқорига чиқаришнинг энг қадимги усули Мисрнинг шадуфлари бўлиб, улар қадимги Миср (Месопотамия)да ва Ҳиндистонда кенг тарқалган эди. Улар устунга дастак боғлаб ҳавозага ўхшатиб ясалади ва одатда, дарё, канал соҳили ёки қудуқ тепасига қурилади. Дастакнинг бир томонига оғир тош ёки оғир буюм, иккинчи томонига эса қовға (пақир, меш) ўрнатилган бўлиб, одатда у теридан ясалган. Сув ботириб олувчи дастак қовға мешни ботириб сув олади ва уни юқоридаги тарновли ҳовузчага тўқади, ундан сув экинзорга оқади. Маълумотларга кўра шадуф ёрдами билан бир соатда икки метр баландликка 3400 л, уч метр баландликка 2700 л, тўрт метр баландликка 2050 л, беш метр баландликка эса 1800 л сув чиқарилган экан.

¹ Муҳаммаджонов А.Р. Қадимги Тошкент ... 40-42; 66-67 - бетлар.

² Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома. Тарихий-топонимик лавҳалар. Биринчи китоб. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. 124-бет.

³ Муҳаммадкаримов А. Кўрсатилган асар. 124-бет.

Юқорига сув чиқаришнинг шадуф тизими Хиндистонда "денсли" номи билан тарқалган. Шунингдек, Хиндистонда "рати"деб юритиладиганлари ҳам кенг тарқалган бўлиб, булар Миср "атуэ"сига ўхшашдир.

Шундай қилиб, Шарқда сувни юқорига кўтариш тизимининг хилма-хил усуллари кашф этилган ва кундалик ҳаётда кенг фойдаланилган.

Ўрта Осиё, Хусусан Ўзбекистонда сувни юқорига чиқаришнинг ўзига хос чархпалак, кайнама тўғон ва туташ идишлар усулидан кенг фойдаланилган.

Яҳё Ғуломовнинг "Хоразмнинг суғорилиш тарихи" деган китобида Хоразмда канал ва ариқлардан далаларга сув чиқаришнинг энг оддий усуллари "сепма", "депма" ва "нова"лар ҳақида анчагина маълумотлар бор.

Бундан ташқари Ўрта Осиёда суғориладиган ерларга сув чиқаришнинг жуда кўп усуллари бўлган¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, Бинкат қалъаси шаҳарнинг энг баланд қисмида шаҳарнинг Регистон майдонидан камида 10-15 метр баландликда, шаҳристон эса ундан пастроқ сатҳда жойлашган бўлса керак. Энг пастда эса ички ва ташқи работлар ўрин олган.

Бинкат шаҳрининг работлари ва атрофидаги ерлар хонодонлар, экин майдонлари Бўзсув каналидан сув олган Кайковус, Зоғарик, Солар, Қорасув, Жўн, Дархон, Човли, Анҳор, Кўкча, Жарарик, Хўжапархон, Тезарик, Қайирма, Дамаччи, Тарновбоши, Лабзак, Регистон, Қичкирик (Кичикқўрик), Оққўрғон, Дарвозакент ва бошқа ариқ ва каналлар сувидан фойдаланганлар.

Бинкат қалъаси ва шаҳристон бозор майдони, ариқ ва каналлар сатҳидан баландда жойлашганлиги учун қалъа остидан оқиб ўтадиган Регистон ариғидан сув чиқаришнинг имкони бўлмаган.

Аммо ўз вақтида Бинкат қалъаси ва шаҳристон сув билан тўла таъминланган эди.

Савол туғилади, сув арк ва шаҳристонга қаердан чиққан. Бу муаммо кўпдан бери археологлар диққатини ўзига жалб қилиб келган. Аммо бу муаммонинг ечими ҳал бўлмай келар эди. Бу муаммо бизнинг ҳам диққат эътиборимизни ўзига жалб қилиб келарди.

1968 йилнинг қиш ва илк баҳор ойларида Тошкент археологик экспедициясининг Ғ.Дадабоев, Ў.Алимов ва А.Кабиров иштирокидаги кичик гуруҳи Тошкент шаҳри ва унинг атрофларидаги Зоғарик, Ҳасанбой, Қичкирик, Кайковус, Хўжапархон, Жарарик, Чукурсой (Қорақамиш), Дамаччи каби ирригация тармоқлари ва шахобчалари бўйлаб жойлашган Хўжанд тепа, Закат тепа, Сир-кечар ота, Чингизтепа, Шохнишинтепа (Шаршин тепа), Қулоқчин тепа, Чиғатой, Сағбон октепаси, Белтепа, Бўстон тепа ва Мўғулдархон тепа каби археологик ёдгорликларда қазув-қидирув ишлари олиб борилган эди.

Қидирув-қазув ишлари даврида биз Эски жўва бозори худудида икки ер ости сув иншооти қолдиғига дуч келдик. Бу иншоотларнинг бири бозорнинг шимолида ҳозирги Шарқ ресторани яқинида, иккинчиси эса "Кўкалдош" мадрасасининг орқа томонидаги тепаликнинг ғарбий ён бағрида бўлиб, ҳозир у ерда бозор милиция бўлимининг идораси жойлашган.

Маълумки Эски жўва бозорига кириш бўсағасида «4-поликлиника» деган тиббий марказ бор. Бир вақтлар шу тиббий марказдан унча узоқ бўлмаган жойда автобусларнинг бекати бўлар эди.

Мазкур жойдан уч-тўрт қадам нарида эни-бўйи 2,5 - 3 метр, чуқурлиги тахминан 1,2 - 1,5 метр келадиган, қавланган жойга кўзимиз тушди. Чуқурни синчиклаб кўздан кечирар эканмиз, унинг шимол томонида катта -кичиклиги ҳозирги ғиштлардан ихчамроқ,

¹ Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, Тошкент: Ўқитувчи, 1959. 258-275 - бетлар; Кабиров А. Всемирная история. Ташкент: Укитувчи, 2001. С. 48.

сарғиш, пишган ғишлар тизилмасига кўзимиз тушди. Қурилманинг юқори қисми ко- нуссимон, ўткир бурчакли, икки ёни ва паст томони текис, тўртбурчак қилиб терилган. Қурилманинг баландлиги тахминан 70 - 75 см, эни эса 45 - 50 см атрофида. Жануб то- монида қурилманинг излари кўзга ташланмади афтидан қурилманинг бу қисмини қазувчилар бузиб юборган бўлса керак. Қурилманинг шимол томони тўғри Кайковус ариғи томон, жануб томони эса ҳозирги болалар дунёси магазини ва Хожа Аҳрори Вали масжиди томон йўналган.

Тахминимиз бўйича бу қурилма ер ости сув иншоотининг қолдиғи бўлиб, шак- шубҳасиз, бу иншоот Бинкат қалъаси, шаҳристони ва работлари бино бўлган даврда, яъни ГХ-Х асрларда қурилган бўлса керак. Бу ер ости сув иншооти Ҳазрати Имомга ўтишдаги Қози кўча йўналиши бўйича Кайковуснинг чап соҳилигача давом этган бўлса керак.

Албатта бундай ер ости сув иншоотининг бошланишида тинитгич ҳовуз бўлган бўлиши керак. Кайковусдан қурилмага ўтгач лойқа сувни мироблар тинитиб, сўнг тиниқ сувни ер ости сув иншоотига ўтказганлар. Кайковуснинг ер ости сув иншоотига уланадиган жойи, албатта, Бинкат арки ва шаҳристонидан анча баландда бўлганки, сув ерости қурилмасидан оқиб бориб, фикримизча шаҳристон ёки арк ҳовлисидаги ҳовузга бемалол куйган. Бинкат арки билан Кайковус оралиғидаги масофа 1,5 км. Қадимги мироблар Урта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудида баланд ва паст жойларга сув чиқариш учун тоғ дарёлари ва сой сувларидан усталик билан фойдаланганлар. Бунга соҳибқирон Амир Темур даврида Оқсаройга сопол қувурлар қурилмаси орқали чиқарилган сув ин- шооти мисол бўла олади. Буни ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди.

Демак, Бинкат қалъаси ва шаҳристонида Кайковус анҳоридан сув чиқарилгани аниқ. Бу фикрни исботи сифатида шуни айтиш мумкинки, кунларнинг бирида гуруҳимиз би- лан Кўкалдош мадрасаси ёнидан Чорсу бозорига кирадиган йўлдан бозор сари ўтиб бо- рар эдик. Дафъатан кўзимиз кўчанинг ўнг томонидаги дўнглик ёнбағрида йўналиши ғарб томонга қаратиб қурилган ер ости сув иншоотига тушди.

Бу иншоот ғишлари Кайковус томон қурилган иншоот ғишларига айнан ўхшаш. Унинг ичи ахлат уюми ва тупрок билан тўлган эди. Мазкур иншоот Бинкат арки ва шаҳристонидаги ҳовуз ва ортиқча сувларни ташқарига чиқиб кетишига мўлжалланган қурилма бўлса керак.

Бинкат қалъаси, шаҳристонида ер ости сув иншоотидан келиб ҳовузга куйилган сув- нинг ортиқчаси ва хонадонлардан чиққан чиқинди сувлар ташқарига чиқиб кетиш учун мўлжаллаб қурилган мазкур ер ости иншооти орқали пастдаги Регистон ариғига оқизилган бўлиши керак.

50-60 йилларгача Эски жўва бозори ўртасидан чучук сувли булоқ қайнаб турар эди.

Бинкат қалъаси, шаҳристони, ички ва ташқи работи Кайковус анҳоридан бош олган катта-кичик ариқлар, булоқлар ва ер ости сув иншооти орқали оби-ҳаёт билан таъмин- ланган. Маълумки, яширин ер ости сув иншоотларининг хўжалиқдан ташқари жуда катта мудофаа аҳамияти ҳам бўлганки, Бинкат душманлар гомонидан қамал қилинган вақтда аҳоли сув танқислигига учрамай, ер ости сув иншооти сувидан фойдаланиб шаҳарни маълум муддатга қадар мудофаа қила олган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ер ости иншоотининг бош канал ва анҳорлардан сув олган жой кўпчиликдан, айниқса, душманлардан сир тугилган.

Шундай қилиб, IX-X қад кўтарган, кейинчалик ҳам Бинкат шаҳри арк, шаҳристон, работ ва унинг атрофидаги ерлар кейинги асрларда ҳам Бўзсув шоҳ каналидан бош ол- ган Кайковус, Қичкириқ каналларидан чиқарилган ирригация шахобчаларидан келади- ган сув билан суғорилган.

А.К. Кабиров

Некоторые размышления о водоснабжении средневекового Бинката - Ташкента

Данная статья посвящается проблеме обеспечения водой населения Бинката-крепости города Ташкента в средневековый период. Автор на основе различных письменных источников, археологических данных и собственных исследований описывает своеобразные методы в строении гидросооружений в средневековом Ташкенте.

А.К.Кабиров

Binkat- the problem of provision with water in medieval Tashkent

This article is devoted to the problem of provision with water the population of Binkat - the fortress of Tashkent in Middle Ages. Author on the basis of written source, archeological data and own researches described methods of building hydraulic work in medieval Tashkent.

*У.Р. Халмуминов
(Узбекистан)*

КАНКА - ОДИН ИЗ КРУПНЫХ ЦЕНТРОВ ЖЕЛЕЗОРУДНОГО ПРОИЗВОДСТВА МАВЕРАННАХРА

В сложении городов, росте их экономического потенциала и общем процессе урбанизации общества громадную роль сыграло применение металлов. Известно, что освоение качественно новых технико-технологических приемов обработки сырья, термической плавки, литья,ковки способствовало резкому ускорению появления качественных орудий труда и роста производительности труда, а также количественному росту производства продукта, революционному прорыву в экономике. Ведущую роль в этом играло железо - один из наиболее жизненно важных металлов, необходимый во всех видах экономики: в мирной деятельности, как основа орудий производства и ремесла, и сельского хозяйства, в военном деле – для наступательного оружия и для оборонительного доспеха, конской упряжки, техники.

Появление металла способствует формированию многих новых ремёсел, как напрямую связанных с обработкой металла: изготовление орудий труда, оружия, предметов быта и т.д., так и косвенно основанных на орудиях труда из металла: строительство и плотницко–столярное ремесло, обработка кости, кожи, камня, изобретение колеса и круга и развитие с их помощью гончарного, горнорудного, водоподъемного, ткацкого, прядильного и многих других производств. Профессионализация ремёсел и рост обмена продукции резко подняли роль городов как центров производства обмена и регулирования связей и ускорили процесс урбанизации общества. Результаты геологических исследований, археологические материалы, связанные с горным делом, и анализ письменных источников позволяют сегодня судить о богатстве отдельных регионов сырьевыми ресурсами. Разработка запасов способствует появлению специализированных поселений, перерастающих в городские центры, или разрастанию профессиональных кварталов в ранее сформировавшихся городах¹.

Наряду с анализом процесса металлургии в городе важно выявить источники сырья, пункты его промежуточной переработки и пути транспортировки сырья, полуфабрикатов и продукции. В Средней Азии железо начинает использоваться с первой половины I тыс. до н.э. Античные источники упоминают среди восточного оружия и доспехов предметы из этого региона, в частности, парфянские доспехи. Но наиболее полные све-

¹ Буряков Ю.Ф., Кошлаков И.О., Радилловский В.В. Роль сырьевых ресурсов в урбанизации Средней Азии // История и перспективы развития горнорудной промышленности Средней Азии. Худжанд, 1994. С. 24.

дения относятся к средневековой эпохе, особенно восточных географов IX–X вв., сообщающих о железе Уструшаны и Ферганы, об оружии из хорошей стали и других изделиях. При геологоразведочных работах зафиксированы месторождения железа с высокопроцентными рудами. Валовые запасы их, однако, очень незначительны¹, и в наше время они промышленного значения не имеют. Древние же горняки могли выбирать железо, имевшее небольшие запасы, лишь бы оно обладало необходимыми свойствами.

В южных районах Средней Азии, по геологоразведочным и археологическим данным, пункты древней добычи железорудного сырья фиксируются в юго-западной части Гиссарского хребта. В Кугитангтау, Байсунтау, Сурхантау и Бабатаге имеются рудопроявления полиметаллов, но наиболее широко распространены железорудные месторождения, также эксплуатировавшиеся в древности. Здесь выделена рудная зона среднегорья, в которой выявлено несколько горнопромышленных районов, наиболее активно функционировавших в средние века. Это Бабатаг, где следует отметить работавшие на железо Гавиркан, Канокан². В Байсунтау наиболее чёткие следы железорудного металлургического производства сохранились в районе к. Вахшувар, шлаковые поля которого тянутся двухкилометровой полосой. Л.И. Ремпелем здесь прослежены скопления мощностью до 3 м, включающие тысячи керамических труб. Это сопла для поддува воздуха с помощью мехов в горн при сыродутной плавке железа. Они лежали вперемешку с металлургическими шлаками железными крицами. Над древним селением металлургов на 100-150 м поднимается скала и над ней крепость правителя – Кагана. Поблизости железорудное месторождение Аулата. Отмечен мазар Ходжа-Кочкорон, вокруг которого разбросаны железные крицы, шлаки, формы для отливки³.

В долине Тургандарьи, к северу от Дербента – добыча и переработка железа в Гамбузе, в районе Шаргуни-Такчаяна – также железа, в районе Хандиза – полиметаллов. В Кугинганском районе Е.Б. Пругером обследовался район Чуянкана, направленный на извлечение железа и меди, и Пашхурда – на железо и соль. Здесь выделены участки Чуянбулак I-II, шлаковые поля которых охватывают участки 100x100 м и 105x40 м⁴. При последующих работах в Кугингтау в его центральной части, входящей в зону Сурханского заповедника, зафиксированы три рудопроявления: Тиллякан (участок Занкан), Чуянкан и Янгикан. В Тиллякане отмечаются небольшие разведочные производственные разработки, в Чуянкане – 13 карьеров и крупные штольни, связанные с извлечением железной руды и полиметаллов, а к северу обнаружены остатки плавки – круглая в плане плавильная печь со следами поддува на разных уровнях, шлаки. В целом на этих участках открыты 23 крупные и мелкие рудоразработки и 25 скоплений шлаков, позволяющие считать данный участок крупным древним металлургическим районом⁵.

Одним из первых центров Среднеазиатского Междуречья, в котором было обращено внимание на этот аспект развития городской экономики, был Термез. Так, уже на первом этапе изучения города геологом П.Н.Князевым и археологами М.Е. Массоном и В.А. Шишкиным в приамударьинской его части было обращено внимание на громадный квартал металлургов площадью в 10 га. Это говорит о том, что древняя столица

¹ Пругер Е.Б. Древние горнопромышленные объекты Юга Узбекистана // Материалы по истории, географии и археологии. Сб. научных трудов ТашГУ. Вып. 630. Ташкент, 1986. С. 28-34.

² Наследов Б.Н. Металлопромышленные ресурсы Средней Азии. Ташкент, 1931. С.25-26. Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан. Древность и средневековье. Ташкент, 1990. С. 172.

³ Ремпель Л.И. Народная архитектура предгорной зоны Узбекистана // Искусство зодчих Узбекистана. Вып. 4. Ташкент, 1990. С. 175.

⁴ Пругер Е.Б. Древние горнопромышленные объекты Юга Узбекистана...

⁵ Буряков Ю.Ф., Рузанов В.Д. Древние рудники и памятники металлургии в горах Кугитангтау // ИМКУ. Вып.28. Самарканд, 1997. С. 175-178.

Чача была крупным металлургическим центром, цветных металлов и железа. Ведущий профиль его – железная металлургия, время деятельности предварительно отнесено от античности до средневековья¹. При изучении его в последние годы уделено внимание изучению производственной направленности железоделательного ремесла: горнякам, металлургам, кузнецам, потребителям, в раннеисламский период (IX – начало XIII в.), а также стратиграфии мастерских. Среди находок интересны тигли для плавки стали².

В Согде, в Самарканде крупное металлическое производство пока не выявлено, хотя небольшие мастерские по плавке и обработке железа и ювелиров были зафиксированы в восточной и южной части Афрасиаба³, а в квартале IX–X вв. н.э. в северной части города предполагается мастерская по изготовлению доспехов. Самые крупные металлообработывающие мастерские в Центральном Согде раскрыты в небольшом предгорном раннесредневековом городке Пянджикенте вдоль улиц, ведущих от южных городских ворот к центральной части города. В восточной и юго-западной частях шахристана раскрыты следы производства, связанного с обработкой железа. Наиболее крупные скопления мастерских (домницы по очистке железа, кузнечные мастерские по изготовлению товарного железа, в основном, двух видов: прутьев и округлых заготовок, возможно, из тигельной стали и цветных металлов) располагались в специально выстроенных для них помещениях, примыкающих к богатым домовладениям с выходом на улицу, особенно вдоль одной из главных магистралей торгово-ремесленного района города с концентрацией мастерских. Были мастерские и у крепостных ворот, и вне города. В них открыты горны и тигли для плавки, инструментарий мастеров для кузнечной обработки, формы для литья, исходное сырьё, готовая продукция, склады и торговые лавки, выходившие на базарчик⁴.

Второй крупный центр по переработке железа исследуется в столице Ферганы – Ах-сикете, располагающемся на правом возвышенном берегу Сырдарьи ниже слияния рек Нарын и Карадарья. Здесь открыты не только кварталы металлургов IX – XII вв., связанные с получением железа, но и громадные мастерские по производству высококачественных сталей, содержащие и огромное количество огнеупорных сосудов – тиглей для плавки стали, производственные отходы, и отдельные изделия. Исследование показало, что здесь производилась восточная сталь – булат, использовавшаяся для производства высококачественного холодного оружия, доспеха, инструментария⁵.

Довольно интересный пункт работы согдийских металлургов был зафиксирован также в столице Южного Согда, где изучался городской квартал мастеров по обработке железа, - на городище Еркурган. Располагался он в юго-восточной части городища между внутренней и внешней крепостными стенами. Здесь раскрыта улица, связывающая внутренний город с внешним, и вдоль неё вскрыто 7 хозяйств металлургов с мастерскими – горнами, сырьём – железными прутьями, аналогичными пянджикентским, железные шлаки, каменные тёрки, керамический лепной сосуд с остатками железистого шлака на дне.

Стратиграфические раскопки показали, что зарождение квартала металлургов в данной части города относится к рубежу н.э., а расцвет – к его позднему этапу – V–VI вв.

¹ Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия – Тохаристан. Древность и средневековье. Ташкент, 1990.

² Ремпель Л.И. Народная архитектура предгорной зоны Узбекистана. Ташкент, 1990.

³ Тереножкин А.И. Вопросы историко-археологической периодизации Древнего Самарканда //ВДИ. 1947.№ 5.С. 132.

⁴ Распопова В.И. Металлические изделия раннесредневекового Согда. Л., 1980. С. 139: Ее же. Металлические изделия из Пянджикента. СПб., 1999. С. 60.

⁵ Пругер Е.Б. Древние горнопромышленные объекты Юга Узбекистана. С. 28-34.

н.э. Найдено 89 монет, из которых 49 экз. извлечены с полов помещений и улицы и относятся к нахшебскому чекану V–VI вв. н.э.¹ Железообрабатывающее производство Эркургона сопровождалось вспомогательными – ткацким, костерезным, использованием цветных металлов.² Вывоз железных изделий, как продукта товарного производства из горного согдийского селения Вешист в районе Кштута известен по документам архива Деваштича.³ М.А. Бубновой в горах этого района отмечены древние выработки, в которых, по определению геологов, добывали железо.⁴ В литературе отмечены железные рудопроявления в Согде в Ухумских горах. Пять рудопроявлений железа со следами древних промышленных работ выявлено на Нуратинском хребте. Наиболее крупное из них – Ахангараутское, вдоль Фиджакской – правой составляющей Каттаинсая, отработано тремя подземными выработками объёмом более 8 тыс. Труды. Второе – Ходруд или Хазретикан и Зак в правобережье Ходрудсая, включает 4 выработки объёмом около 20 тыс. т. Вблизи него – плавильное поле с металлургическими шлаками. Небольшие следы рудодобычи отмечены на рудопроявлении Фучжак вдоль левого берега Каттасая.

В целом это мелкие рудопроявления, разработка которых имела местное, узколокальное значение.⁵ Тем больший интерес представляет, на наш взгляд, неизвестное ранее железорудное месторождение Западного Согда Темиркан, сведения о котором получены благодаря содействию геолога Д.А. Ахмедова. Месторождение располагается в Зерабулакских горах. Здесь, на южных склонах гор Джинкыра в долине Калтасая, известняки которого включают лимонитизированные 4 древних щелевидной формы, выработки в 15–20 м друг от друга, направленные на открытую добычу линзовидных рудных тел, приуроченных к трещинам, оперяющим разломы. Глубина выработок до 7 м, содержание окиси железа в руде по материалам опробования – 80 %. На северном склоне этих гор, в 1 км южнее центрального Лапаса – месторождение Кызыл Гур. Здесь в лимонитизированных известняках и дроблёных сланцах, пропитанных гидроокисями железа, следы открытого извлечения. Датировка отсутствует, пробы показывают от 8 до 11,5% железа.

На восточных границах Согда с поры раннего средневековья выдвигается в качестве значительной железорудной базы район Мальгузарских гор в Уструшане, известный в восточных хрониках как рудная база Минк. Исследование этого района позволило выделить четыре горно-металлургические зоны, объединяющие рудные и плавильные пункты: в Туркестанском хребте – это Лятабандская зона на юго-востоке Бахмальского района и Бахмазарская зона на юге Бахмальского района. В Мальгузарском хребте – Шайбекская зона на востоке Бахмальского района, Мыкская зона – на юге Зааминского района. Здесь в процессе археологических исследований выявлен крупный металлургический центр с прямым циклом производства от извлечения руды до изготовления готовой продукции из чёрного металла. При горном замке Мык, у его подножия, в посёлке металлургов на площади более 1 га в слоях VII – середины XII в. найдены обломки железистых шлаков, футеровка железо-восстановительных и кузнечных горнов, товарный полуфабрикат железа, что говорит об узкой специализации этого района в получе-

¹ Кабанов. Нахшебские монеты V–VI вв. // ВДИ. 1961. № 1. С. 143.

² Пырин В.А. Предварительные результаты изучения квартала металлургов Эркургона. Отчёт хранится в архиве ИА АН РУз. Рукопись.

³ Массон М.Е. Из истории горной промышленности Таджикистана. Л., 1934. С. 51.

⁴ Там же.

⁵ Пидаев Ш.Р., Лериш П., Папахристу О.А. Новые данные о раскопках в Старом Термезе // Археологические исследования в Узбекистане – 2000 г. Самарканд, 2001. С. 110–112.; Папахристу О.А. Сосуды-тигли из Старого Термеза для производства знаменитых восточных тигельных сталей // Термиз шахрининг жаҳон цивилизациясидаги тутган ўрни. Тошкент-Термиз, 2001. б. 70–73.

нии важного для средневековой эпохи металлургического продукта. Это способствовало формированию на территории Уструшаны такого известного всему восточному миру ремесленного центра, как Марсманда, и позволило определить специфику Северо-Западной Уструшаны как древнего железорудного бассейна не только этой области, но и всего Мавераннахра¹.

Большую роль в развитии горно – металлургического ремесла сыграл Чач и его рудная область Илак, включавший в свой состав основные участки Чаткало-Кураминского хребта. В отличие от Уструшаны он был известен по данным восточных источников как крупный горно-металлургический центр, поставлявший, в основном, благородные металлы - золото и серебро, и отчасти цветные и самоцветы. Вероятно, сравнительно с этими минералами извлечение железа велось здесь не столь концентрированно, поэтому оценке их древними историками, и изучению современными исследователями уделялось не столь значительное внимание. Между тем, систематические археологические и геологоразведочные исследования позволили выявить здесь и пункты специализированного извлечения железной руды, обладающей природной тугоплавкостью, скопления шлаков и пункты плавки этого металла.

В бассейне Чирчика – это плавильные пункты в Шахджуваре, Богбустане в долине Коксу. Обильно выступающие на поверхности железные шляпы по Пскему и Чаткалу, осыпавшиеся в саи окатанные гальки магнетитовых руд, богатых железом и легко добывавшихся в речных отложениях, также составляли значительную часть сырьевой базы ремесленников- металлургов. Не случайно здесь наряду со специализированными пунктами обработки руды, такими, как Шахджувар, Богбустан, открыты единичные плавильные печи, как в пещере Пальтау с сопровождающим материалом XI – XII вв.

Более значительны железорудные пункты долины Ахангарана. Это выработки Шаугазсая, печи Башучбау и Катгасая, в притоках Каракиясай, Дрешсае, Адрасмане, Долонабулаке, Майдантале, Джусалы, Кызылунгуре в верховьях Чушкабулака, Такели, Чокадамбулаке². В современных условиях пункты этих первичных руд считаются мало мощными. Вместе с тем, геологи отмечают, что на их выходах в зоне железных шляп региона возможно значительное повышение мощности поверхностью рудного тела по отношению к мощности первичных руд месторождения³.

Подобный характер образования железорудных месторождений в виде губчатых шляп облегчал добычу руды, но в настоящее время затрудняет выявление пунктов древних рудоразработок, так как следы их сохраняются незначительно. Тем большую ценность представляют хорошо сохранившиеся пункты добычи и плавки этого металла. Один из древнейших пунктов по добыче и плавке руды подобного типа открыт в Южном Чаткале, в верховьях правого притока р. Ахангаран – Шаввазсая. На его правом берегу, в устье притока Ашибулакская, геологами при строительстве базового посёлка были потревожены плавильные горны, найдены скопления шлаков, посёлок металлургов. При археологическом исследовании выявлены скопления горнов и жилые дома, основное поселение металлургов в устье правого берега Ашибулакская, пункт 2. Все это свидетельствует о том, что древняя столица Чача была крупным металлургическим центром, цветных металлов и железа. Не выявлены большое поселение и плавильные печи в низовьях Ашибулакская на его левом берегу, пункт 3, также на левом берегу сая в 0,5 км - плавильные печи, и пункт 4-в 1км выше по правому берегу Шаввазсая – пла-

¹ Якубов Ю. Паргар в VII-VIII вв. н.э. Душанбе, 1979. С. 94-95.

² Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. М., 1974. С. 95-96.

³ Папахристу О.А. О стали и мечех «салмани» //Археология, нумизматика и эпиграфика средневековой Средней Азии. Самарканд, 2000. С. 113-114.

вильные горны и печь для выжигания древесного угля. Жилища рудокопов и металлургов частично концентрировались у впадения Ашибулакская в Шаввазсай и поднимались уступами по берегам этих рек. Раскрыты каменные стены домов, наборы орудий труда, инструментов – каменные рудотерки и молоты, комплексы керамики.

Выделено несколько этапов жизни поселения металлургов – от IV–V до XII в. н.э. На склоне предгорий вскрыты крупные плавильные горны цилиндрической формы диаметром около 2 м, стены которых были сложены из специальных лекальных кирпичиков из огнеупорной глины, оплавившихся в процессе работы.

В пункте 2 м, являвшемся продолжением первого пункта на другом берегу сая, раскрыты полуземлянка, жилая и производственная, печи оплавленные, железная крица губчатой формы и фрагмент керамического тигля с прикипевшим железным шлаком. Не здесь ли проводилась плавка в тигле с изготовлением в качестве конечного продукта высококачественной стали, аналогичной Ахсикетской?

В других пунктах объекта – горны цилиндрической формы со стенками из лекального кирпича (глина огнеупорная), фрагменты железных криц, керамические сопла и печь углежого с очень высоким дымоходом. Данный пункт железа – наиболее крупный в Чач-Илаке – функционировал с поры Каунчи II, для которой у нас не столь много материалов. Очень важная находка, хотя и единичная, фрагмента тигля. Металлурги отмечают два этапа в получении железа: сыродутная плавка в домницах с получением крицы губчатого железа, которая уже являлась товарным сырьём. И на втором этапе – ковка с получением чистого железа или литье в тигле, как это было в Ахсикете, с получением стали.

Располагающийся глубоко в Южном Чаткале пункт этот, однако, был связан горными путями с городскими центрами Чач-Илака. Один из путей вел через Бошкызылсай в долину Междуречья с городами Фарнкетом, Зеранкетом, Намадванакон и Хисараком, второй чётко выводил через золотой рудник Кызылалму к Абрлыгу, Намудлыгу, Кухисиму¹, откуда путь шёл через упоминающийся в источниках перевал в Фергану, к Ахсикету. Следует отметить, что через Среднюю Азию проходило несколько трасс транзитной торговли от Китая, Индии до Южной Европы, Византии. В составе объектов продажи упоминаются многие товары: от знаменитого шёлка до металла и оружия. Источники упоминают, что, возможно, из Китая попало в Среднюю Азию производство чугуна, трансформировавшееся в плавку сталей.

Для IV – VI вв. н.э. отмечают активную роль тюрков в производстве железа, у которых авары брали дань железом и железной продукцией, которая шла на вооружение войска и в торговлю. Византийские источники сообщают, что тюркский каган Истеми предлагал византийскому послу в 568 г. н.э. покупать тюркское железо. Известно, что тюрки имели рудники по добыче железной руды, горны для плавки, торговали полуфабрикатами и готовыми изделиями. По археологическим источникам мы видим функционирование рудников и плавильных горнов в Чаче с IV–VI вв. н.э., в Уструшане – с периода раннего средневековья, металлургические кварталы Термеза – с поры поздней античности и громадное производство стали в средневековом Термезе, Ахсикете, его производство в Папе, Куве, Чаче, Семиречье. Всё это говорит о том, что Мавераннахр был крупным центром Востока по извлечению железа и стали и производству орудий труда, оружия и доспехов.

При проведении археологических исследований в 2008 г. на городище Канка древней столице Чача мы нашли: а) обломки футировки кузнечных горнов, б) железные

¹ Буряков Ю.Ф., Рузанов В.Д. Древние рудники и памятники. С. 175-178.

крицы, в) наковальню и симобкузача. При раскопках в 1969-1972 гг. караван – сарая Канки во дворе были найдены выполненные из железа детали конского снаряжения. Они включали набор крупных железных пряжек и овальной, и прямоугольной форм с медными кольцами, являвшиеся частью конской упряжки, возможно, подпруги.

Вместе с ними найдены фрагмент железной оси колеса и железной чеки, конская подкова, железная цепь, гвозди с широкими плитками, железные детали вооружения, однолезвийный меч со слегка изогнутым профилем, острым рабочим краем со следами деревянного крепления, наконечники стрел, широкие с листовидным шагом и узкие – с пулевидным и грани. Они найдены в слое с медной литой монетой плохой сохранности со следами животного – это тип тюркских монет Чача VII в.н.э. Здесь же найдены монеты с нагрудным изображением царя и царицы, правителя и на обратной стороне тамги и следов согдийской надписи¹.

На наш взгляд, древняя столица Чача была крупным металлургическим центром по переработке цветных металлов и железа.

У.Р. Халмуминов

Қанғ – Мовароуннахрнинг йирик темир кон саноати маркази сифатида

Мақола Чочнинг қадимий пойтахти Қанқа шаҳри харобаларидан топишган қора металл шаҳарнинг илк ўрта асрларнинг йирик саноат маркази сифатида фаолият юритганлиги ҳақида маълумот беради.

U.R. Khalmuminov

Kanka – the important centre of Iron industry of Tarnsoxiane

In article is considered about discovery remains to black metallurgy historical capital of Chach city Kanka. In her to lead speech as about biggest industrial centre nearly middle ages.

*А.А. Абдураззоқов
(Ўзбекистон)*

ҚАДИМГИ ЧОЧ ЁДГОРЛИКЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛГАН КИМЁВИЙ-ТЕХНОЛОГИК ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ

1966 йил 1 февралда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих ва археология институти таркибида махсус илмий лаборатория ташкил этилди. Унга республика миёнада очилаётган археологик ёдгорликларда топилаётган ноёб санъат асарлари, турли хунармандчилик маҳсулотлари ва меъморий ёдгорликларни табиий фан усуллари ёрдамида ўрганиш, уларни таъмирлаш ва сақлаш усуллари яратилиши ва зарурий амалий ишларни бажариш юклатилган эди. Мазкур мақола шу илмий лаборатория, кейинроқ (1970 йилдан) Ўз ФА Археология институти бўлимининг илмий ходимлари томонидан Тошкент шаҳрида олиб борилган илмий изланишлар таҳлиliga бағишланади. Бу марказнинг ташкил этилиши ўша даврларда Ўзбекистон археологиясида кузатилаётган кенг қўламли қазилма ишлари, йирик археологик кашфиётлар билан боғлиқ эди. Булар қаторига Қадимги Кува шаҳристонида очилган будда ибодатхонаси, у ерда топишган одам ва от ҳайкаллари, керамика ва шишасозлик устахоналари, ноёб ва нафис идишлар, айниқса, Самарқанднинг қадимги ўрни – Афросиёбда тўрт деворида турли тарихий воқеа ва лавҳалар тасвирланган ҳоким саройини киритиш мумкин.

Лаборатория ходимларининг бу вақтдаги вазифаларидан бири – бу қисқа вақт ичида жаҳон реставрация талабларига тўла-тўқис жавоб берадиган қадимги обидаларни

¹ Абдуллаев К.А. Исследования городища Канка. Ташкент. 1975.

таъмирлаш ва сақлаш усуллари яратиш эди. Бу соҳадаги ишлар илк бор 1967-1969 йилларда Тошкент темир йўл вокзали яқинидаги VII асрга мансуб бўлган Минг-Ўрик қасрининг тураржой хоналари деворларига чизилган геометрик безак нусхаларини қотириш усулларида бошланди. Бу ерда бир қанча кимёвий моддаларни (препарат К-4, ПБМА ва ПБМК-5 сополимерини) безак туширилган майдонларга шимдириш орқали уларни таъмирлаш талабларига жавоб бериш масаласи ўрганилди, айрим майдонлардан намуналар олинди, шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа ёдгорликларида олинган синов натижалари асосида таъмирлашнинг янги усули яратилди¹. Уни қўллаш натижасида қадимги санъат асарларига кимёвий моддаларнинг чуқур сингиши сабабли анча юқори каттиқликка, бўёқлар ёрқинлиги ва рангининг асл ҳолатини сақлаб қолишга ва ташқи муҳитни бузувчи омилларга чидамлилиги таъминланди.

Таъмирлаш соҳасидаги йирик муаммолардан яна бири – бу республикада худудида очиладиган лойдан бунёд этилган археологик ёдгорликларни сақлаш усуллари яратиш ва шу йўл орқали уларни очиқ осмон остидаги музейларга айлантириш эди. Маълумки, республикада вилоятларида 5391 та археологик ёдгорлик мавжуд бўлиб, уларни ер остидан очилиши аста-секин емирилиб йўқ бўлиб кетишига олиб келар эди. Шу сабабли бу масала ҳеч кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланарди. Бу соҳадаги илмий изланишлар лаборатория шароитида олинган натижаларни дала шароитида синашдан иборат бўлди. Бундай амалий ишларни республикада турли вилоятларида иқлим шароитлари ҳар хил бўлганлиги сабабли маълум ёдгорликларни танлаб олиб ўша ерларда ўтказишга қарор қилинди. Бундай изланишлар 1979-1980 йилларда Тошкент вилояти Тошкент абразив заводи яқинидаги Оқтепа ёдгорлигида бошлаб юборилди.

Бу ёдгорлик илк ўрта асрлар йирик қалъалик қўрғонларидан бўлиб, у V-VIII асрларга мансуб ҳашаматли бинолар, ибодатхона ва хўжалик иншоотларидан иборат бўлган. Бурчакларида донжон-миноралари бўлиб, улар айланма йўлаклар билан бирлаштирилган. Асосий ишлар айланма йўлаклар ва учта хўжалик бинолари - донхоналарда олиб борилган. Ҳамма хоналарнинг тушиб кетган деворлари ва айрим тоқчалар қайта тикланиб ТДИ 65:35 мономерини ксиллолдаги эритмаси сепиб чиқилди. Деворларга қуёш нурлари яхши тушиб турганлиги сабабли қотириш жараёни яхши кечди. 1979 йили ҳаммаси бўлиб 25 кв.м майдон кимёвий қотирилди. Шу йили тажриба майдони янада кенгайтирилди. Донхоналарнинг ташқи хоналари девори уч қисмга бўлиб чиқилди ва уларда дон амалиётида қўлланилиб келинадиган учта қотириш усуллари синовдан ўтказилди. Биринчи майдонга–ТДИ 65:35 ксиллолли эритмаси, иккинчисига этилсиликатга гидролиз спирти ва хлор кислотаси қўшилган (65:34:1 нисбатларда) Ироқ ва Италия мутахассислари таклиф этган таркиб ва учинчисига–суюқ шиша эритмаси. 1980 йили синов майдонлари қайта кўздан кечирилди. Юқоридаги икки таркиб бир қишнинг ўзидаёқ батамом бузилиб, тўкилиб кетган бўлса, ТДИ 65:35 билан ишлов берилган деворлар анча яхши сақланган ва бу усулни анча самарадорлиги аниқланган. Шу сабабдан тажриба ишлари янада кенг майдонда давом эттирилди. Эски ва янги очилган хоналарда тушиб кетган жойлар қайта тикланиб уларнинг усти ва айниқса, деворларнинг тароксимон қирралари қайтадан тикланиб, сомонли лойлар билан суваб чиқилди.

Тикланган донхонанинг шимолий деворида тажриба ишлари давом эттирилиб, қотирувчи таркибларни ишлов беришнинг янги тартиблари ва усуллари синовдан ўтказилди. Улар ичида қуйидаги вариантлар мавжуд:

¹ Абдуразақов А.А., Зайнутдинов С.С. Способ покрытия пористых поверхностей. А.с. № 212410 от 13.XII.1967.

1. ТДИ 65:35 тримерли эритмасининг 65 фоизли ацетон эритмасига 5 фоиз катализатор-триэтиламин қўшиб шимдирилганда девор сатҳи юқори қаттиқликка эришиши маълум бўлди, лекин рангини бироз қорайиши аниқланди;

2. ТДИ 65:35 тримерини ўзининг мономериди ёритиш орқали юқори қаттиқликка ва рангини анчагина очилишига эришилган бўлса-да барибир деворлар сарғишроқ кўринишга эга. Бу вариант таъмирлаш ишларининг заҳарлик даражасини анча камайишига олиб келди;

3. Деворнинг қолган қисми илгариги вариант – ТДИ 65:35 мономерини ксилолдаги эритмаси билан шимдириб чиқилди. Бунинг натижасида қиёсий ўрганиш имконияти туғилди.

1983-1984 йилларда Оқтепадаги тажриба ишлари янада кенгайтирилди. Олдинги қотирилган деворлар ҳолати синчиклаб ўрганилиб чиқилгандан кейин янги хоналарда, асосан, эски вариантлар ва бир қатор янги қотириш усуллари ўрганилди. Девор юзларини сақланиши қоникарли даражада бўлмай, кўпгина жойларида уқаланиб, тўкилиб кетаётган қатламлар мавжудлиги учун тажриба ишлари асосан икки вариантда олиб борилди. Биринчисида, девор юзларига аввал 5 фоизли глицериннинг сувдаги эритмаси ва маълум вақт ўтгандан кейин 30 фоизли диизоцианатнинг М-ксилолдаги эритмаси ва 1 фоиз катализатор қўшиб шимдирилди. Иккинчисида эса, бунинг тескариси – аввал деворларга 30 фоизли толуилендиизоцианатнинг М-ксилолдаги эритмаси ва катализатор аралашмаси ва сўнгра 5 фоизли глицериннинг сувдаги эритмаси берилган. Тажрибалар биринчи вариантни анча афзалликларини-қаттиқлиги, рангларни ўзгармаслиги ва чидамлилиги қоникарли даражада эканлигини кўрсатди. Лекин, иккинчи вариантда девор юзларида очроқ рангдаги доғлар пайдо бўлиб, ёдгорлик кўринишини анча ўзгартирди ва шу сабабли уни амалиётга тавсия этилмади. Шундай қилиб, 85 кв.м. майдонда олиб борилган таъмирлаш ишлари 5 йилдан кейин кузатилганда очиқ ҳавода, турли об-ҳаво шароитида турганига қарамай, деворлар турғунлиги, ранги, доғлар, туздан емирилган майдонлар, микроорганизмларнинг салбий таъсирлари кўринмади. Шундай қилиб, 1979-1980 ва 1983-1984 йилларда Оқтепа шахристони қалъасида 600 кв.м. дан ортиқ майдондаги қадимги деворлар кимёвий қотирилди ва улар устида назорат давом эттирилмоқда.

Бу йилларда лойли археологик ёдгорликларни қотириш орқали сақлаб қолишнинг янги усуллари яратиш ва такомиллаштириш ишлари давом эттирилди, хусусан 2,4 толуилендиизоцианат ва уни изомерларидан бўлган ТДИ 65:35 синондан ўтказилиб яхши натижалар олинди. Модел намуналарда–лессли кубикларда ва эритмаларда реакция механизмлари ва ҳосил бўлувчи маҳсулотлар инфрақизил спектроскопия усулида ўрганилди. Олиб борилган комплекс таҳлиллар шуни исботладикки, лойли археологик ёдгорликларни қотиришда ароматик диизоцианатлардан фойдаланганда, қадимги деворларда уларнинг димерли, тримерли ва бошқа полимерлари ҳосил бўлиб, таркибида уретанли, мочевишли, биуретли ва аллофенатли гуруҳлари юзага келди.

Қотирилган материаллар таркибидаги мавжуд бўлган намлик миқдорига қараб озод изоцианат гуруҳларига эга бўлди. Бу гуруҳлар девор ғовакликларида тўпланади. Ҳаво ҳарорати, куюш нурлари ва ташқи об-ҳаво омиллари таъсирида уларнинг ўзаро бирикиши ва полимер ҳосил қилиши давом этиб, қаттиқлашиш даражаси янада ўсиши аниқланди. Бунинг натижасида мустақкам хемо, нур ва ёруғлик, намлик ҳамда бактерияларга чидамли, Марказий Осиё иқлимига бардош бера оладиган композициялар ҳосил бўлади.

Турли воситалар ёрдамида қотирилган лойли намуналарни иссиқлик ва намликка бўлган чидамлилигини ўрганишга бағишланган тажрибалар диизоцианат мономерла-

рининг учта вакили – ГМД, П-102 ва ТДИ 65:35 ёрдамида олинган қотирувчи моддаларни 25-250°C да 1 ойдан 4 ойгача чидамли эканлиги ва уларни ташқи кўринишида ҳеч қандай ўзгаришлар кузатилмаганлигини кўрсатди. Қотирилган намуналарни 60°C ҳароратда ва 60 фоизли ҳавони нисбий намлигидан 1440 соат ушланганда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлиги аниқланди. Қотирилган кубикларни махсус прессларда мустаҳкамлик (сиқишга чидамлик) даражаси ўрганилганда уларнинг ҳаммасида юқоридаги шароитларда (60°C – температура ва 60 фоиз - ҳаво намлиги) 100 соат ушлангандан кейин дастлабки кўрсаткичга қараганда, анчагина юқорилашганлиги маълум бўлди. Шу воситалар ёрдамида қотирилган намуналарни совуққа чидамлик даражаси – 15 цикл ва тузлар эритмасида ушланганда – 160 суткага бемалол бардош бера олиши аниқланди.

1984 йили Тошкент шаҳридаги Шоштепа ёдгорлигида ҳам таъмирлаш-қотириш тажрибалари олиб борилди. Бу ёдгорлик Тошкент вилоятида яшаган қадимги ўтрок қабилалар томонидан қурилган қароргоҳлардан бўлиб, мил.авв. II-I асрларга мансуб эди. Олдинги йил тажрибаларини эътиборга олиб бундай қотириш ишлари 100 кв.м майдонда – ёдгорликни шарқий қисмида – арки аълони ташқи деворида ўтказилди. Бунинг учун аввал 5 фоизли диэтиленгликолнинг сувли эритмаси ва маълум вақт ўтгандан кейин толуилендиизоцианатни 65:35 изомерига триэтиламин катализаторини қўшиб шимдирилди. Бу объект 1988 йили қайта қузилганда натижалар аъло даражада эканлиги маълум бўлди.

Бундай тажрибалар Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида жойлашган Қанқа шахристонидида ҳам олиб борилган. У ерда хомғиштдан қурилган пештоқли йўлакчи биноларнинг очилиши муносабати билан пештоқларни таъмирлаб қотириш ишлари олиб борилди. Бундай консервация 30 фоизли ТДИ 65:35 мономерида 70 фоиз ксилол ва катализатор-триэтиламин қўшилган эритмани шимдириш орқали амалга оширилди. Булардан ташқари бу жараён бошқа жойдаги 10 кв.м майдонда ТДИ 65:35 ва 5 фоизли турли спиртлар ва катализаторлар ёрдамида амалга оширилди. Булардан ташқари шу ёдгорликда топилган ва жиддий бузилишларга учраган меҳроб ҳам таъмирдан чиқарилди. Уни қотиришда лабораторияда яратилган кимёвий усуллардан кенг фойдаланилди.

Шундай қилиб, Тошкент воҳаси ёдгорликларида олиб борилган илмий-тажрибалар катта муаммоларни ҳал қилишга йўл очди ва дунёда илк бор лойдан қурилган қадимги иншоотларнинг сақлаш усулларини яратиш имконини берди¹.

Йирик иншоотларда олинган натижалар археологик топилмаларни сақлаб қолишда ҳам кенг қўлланилди. Бундай амалий ишлар 1987 йилда Тошкент воҳаси Шохжувартепа бинолари ичида ётган XI-XII асрлар лойдан ишланган қирқма безак тахтачаларини сақлаб қолишда фойдаланилган. Улар, асосан, оч қизил ва кўкиш кулранг лойлардан ишланган бўлиб, юзларига ўсимликсимон, геометрик ва эпиграфик кўринишдаги нақшлар туширилган. Лойлар кимёвий таҳлил қилинганда улар бир хил таркибли эканлиги ва оч қизил ранг эса бино ичида ёнғин содир бўлганлигини маълум қилди. Бу тахтачаларни қотиришда асосан ТДИ 65:35 мономерида глицерин ва катализатор-триэтиламин қўшилган эритмалар шимдирилган. Тескари томонига лабораторияда ПБМА полимерини 20 фоизли эритмаси дока билан ёпиштирилган.

¹ Абдураззаков А.А. и др. Способ закрепления пористого материала. А.с. № 325822 от 12.X.1971; Абдураззаков А.А. и др. Способ закрепления древних пористых материалов. А.с. № 938526 от 23.II. 1982; Абдураззаков А.А. и др. Способ закрепления древних пористых материалов. А.с. № 1330952 от 15.IV. 1987; Абдураззаков А.А. и др. Способ закрепления древних пористых материалов. А.с. № 1580780 от 22.III.1990.

Таъмирлаш лабораториясининг илмий йўналишидан яна бири – археология қазилма ишлари даврида топилган қадимги ва ўрта аср топилмаларининг кимёвий-технологик жиҳатларини ўрганиш бўлди. Бу соҳада еростидан топилган металл, керамика ва шишадан ишланган хунармандчилик маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш қолдиқлари ўрганилди. Олинган натижалар Тошкент воҳасининг шишасозлик соҳасида алоҳида ўрни борлигини аниқлади. Бу ерда шиша мунчоқлар мил. авв. II - милодий I асрларда учраган бўлсада ишлаб чиқариш илк ўрта асрларда (VI-VIII аа.) йўлга қўйилганлиги ва ўрта асрларда жуда кенг тарқалганлиги маълум бўлди. Ўрта аср шишалари воҳанинг 30 дан ортиқ ёдгорликларида топилганлиги, мўғул истилоси даврида бироз инкирозга учраса-да бу хунар милодий XVI-XVII асрларгача муттасил ривожланиб борганлиги аниқланди. Воҳанинг 9 та ёдгорлигида топилган 79 та шиша намуналарини ўрганиш орқали VII-VIII асрлардан то XIV-XVI асрларгача 6 та кимёвий таркибли шиша маҳсулотлар тарқалган бўлиб, уларнинг асосий қисми (61 таси) битта гуруҳга – 6 таси кимёвий оксидли таркибга мансуб эканлиги аниқланди. Олинган бу маълумотлар Тошкент воҳасини Марказий Осиёнинг йирик шишасозлик марказларидан бири эканлигидан дарак беради¹.

Бундай тадқиқотлар меъморий ёдгорликлар ашёлари устида ҳам олиб борилди. Жумладан вилоятда жойлашган Зангиота макбараси (XV а.)нинг ва Қозоғистон худудининг Жамбул шаҳридаги Ойша Биби (XII а.) ёдгорликлари безак тахтачалари ва уларнинг юзларидаги сир-глазурлар таҳлил этилди.

Лаборатория иш фаолиятида амалий ишлар–топилмаларни сақлаб қолиш ва таъмирлаш катта ўрин эгаллайди. 1968 йили 250 дан ортиқ тангалар, йирик бронза идишлар ва Қанқа шаҳристонида топилган мис муҳрлар кимёвий усулларда тозаланиб музейларга топширилди. Бундай ишлар ҳажми кейинги йилларда янада кенгайтирилди.

Шундай қилиб, Тошкент воҳаси ёдгорликларида таъмирлаш соҳасида қизиқарли ва сермазмун тадқиқотлар олиб борилган ва амалиётга жорий этилган.

А. Абдуразақов

**Анализ химико-технологических и реставрационных работ,
проведенных на памятниках Древнего Чача**

В статье излагаются результаты химико-аналитических и реставрационных работ, проведенных специальной лабораторией, организованной в 1966 году в составе Института истории и археологии АН РУз, а затем ставшей в 1970 году Отделом реставрации Института археологии АН РУз.

А. Abdurazzaqov

Analysis of chemical-technological and restoration works, conducted on the sites of Ancient Chach

The article presents the results of chemical-analytical and restoration works, conducted by special laboratory, established in 1966 as a part of the Institute of History and Archaeology of the Academy of Sciences of Uzbekistan, which later, in 1970, became the Department of Restoration of the Institute of Archaeology of the Academy of Sciences of Uzbekistan.

¹ Abdurazakov A.A. Medieval Glasses from the Tashkent Oasis Journal of Glass Studies, New-York, USA, 1969. Vol.XI. Pp. 31-36; Абдуразақов А.А. Древние и средневековые стеклянные изделия из городов и селений Ташкентского оазиса // Города Центральной Азии на VШП. ТД. Самарканд. С. 8-9.

КОНСЕРВАЦИЯ ДРЕВНИХ ПАМЯТНИКОВ СЫРЦОВОЙ АРХИТЕКТУРЫ В ТАШКЕНТЕ И ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

Изучение древнейшей истории города Ташкента началось со второй половины XIX в. С этого время археологические раскопки неоднократно проводились на различных памятниках, таких как Шаштепа, Актепа Юнусабадское, Актепа Чиланзарское, Кугайттепа, городище Мингурюк и др. В Лозаннской хартии было указано, что археологическое наследие представляет собой основной источник сведений о человеческой деятельности в прошлом. Поэтому защита и правильное обращение с ним являются жизненно важными для того, чтобы дать возможность археологам и другим ученым изучить и интерпретировать его в интересах и для выгоды будущих поколений [1].

В 70-80-х годах прошлого столетия Институтом археологии АН РУз археологические исследования проводились, в основном, на двух памятниках Ташкента – памятнике Актепа Юнусабадском и городище Шаштепа. В процессе раскопок были вскрыты целые комплексы с хорошо сохранившейся планировочной структурой. Поэтому было решено начать реставрационно-консервационные работы на некоторых вскрытых участках памятников с целью их дальнейшей музеефикации и для публичного посещения. Была составлена программа консервационных работ, которая включала в себя как частичную реставрацию, так и химическую обработку сырцовых стен помещений.

Исследования показали, что древние архитектурные памятники города Ташкента были возведены из крупноформатного сырцового кирпича, пахсовых блоков на строительных растворах из глины и лесса. В качестве гидрофобизирующих и пластифицирующих компонентов, обеспечивающих долговечность древних растворов, применялись растительные и животные клеи, растительная зола и др. Однако разрушительное влияние времени приводит к тому, что частично разрушенные в уже далекие времена остатки древних зданий, сооруженных из таких неводостойких и хрупких материалов как глина и лесс, после вскрытия в процессе археологических раскопок начинают интенсивно разрушаться.

К тому времени у реставраторов Института археологии был уже накоплен положительный опыт по разработке и практическому внедрению методов консервации сырцовых археологических объектов (проведена реставрация и химическая консервация оборонительной стены VI-V вв. до н.э. на городище Афрасиаб [2]). В результате проведенных исследований и последующего тестирования на экспериментальных участках в качестве консервантов выбрана группа мономеров из класса диизоцианатов. Проведенные лабораторные испытания показали хорошие результаты. Мономеры полимеризуются внутри лесса в естественных условиях. Скорость образования закрепленного слоя достаточно большая. Также было установлено, что глина играет роль активного наполнителя, то есть вступает в химическое взаимодействие с диизоцианатом. Поэтому получаемое покрытие отличается высокими физико-химическими характеристиками. Прочность образцов на сжатие возрастает в 3-4 раза. Обработанные сырцовые материалы почти не изменяются под воздействием ультрафиолетовых лучей, перепадов влажности и температур, противостоят биодеструкции. В процессе реакции полимеризации выделяется углекислый газ, благодаря которому сохраняется пористая структура объекта. Это очень важно для обеспечения свободной миграции почвенных солей и влаго-

обмена, которые происходят в естественных условиях на древних памятниках архитектуры. Цвет и фактура закрепленных образцов остаются естественными [3].

Первые работы по сохранению уникальных памятников сырцовой архитектуры Ташкента были проведены на археологическом объекте Актепа, что расположен на территории г. Ташкента, в микрорайоне Юнусабад. В течение ряда лет Институтом археологии АН РУз там проводились комплексные реставрационно-консервационные работы. В их основе лежал принцип – путем незаметного и минимального вмешательства предотвратить разрушение вскрытых участков древней архитектуры. Для реставрационных работ использовались традиционные материалы и технологии – сырцовые кирпичи, аналогичные древним образцам по своему размеру и составу, а также глиносаманная штукатурка. Работы продолжались в течение шести полевых сезонов. За это время были проведены ремонтно-восстановительные работы в трех хозяйственных помещениях (хранилищах), в помещении виноделов и некоторых других участках памятника.

В процессе работ восстанавливались отдельные обрушенные участки на руинированных стенах помещений. Это давало возможность предохранить стены сооружений от дальнейшего разрушения, выявить частично утраченную планировочную структуру помещений и восстановить первоначальную толщину стен. Для сохранения уцелевших сырцовых кирпичей от разрушения проводилась обмазка поверхности стен глиносаманной штукатуркой.

Очень важное место в консервационных работах занимает гидроизоляция гребней и оснований стен, мест сбора и стока атмосферных осадков. Для проведения гидроизоляции гребней стен использовалась рулонная толь с последующей заливкой ее глиняным раствором. Толь, вводимая как изоляционный слой, в сочетании с глиняной обмазкой должна выполнять в данном случае функцию защитного покрытия.

После восстановительных работ была также проведена химическая обработка поверхности стен помещений для придания им водостойкости. Для этого использовались растворы диизоцианатов. Одновременно на тестовых участках проводились экспериментальные работы по апробации методов, используемых в других странах, а также новых методик, разработанных в лаборатории Института археологии АН РУз. Для наблюдения за результатами экспериментов ежегодно проводился мониторинг обработанных участков. Многолетние наблюдения показали, что положительный эффект в стабилизации сырцовых сооружений достигается при использовании в качестве консервантов растворов толуиленизоцианата.

Однако здесь мы столкнулись с негативным воздействием антропогенного фактора. Поскольку памятник не был музеефицирован (и при этом он расположен в густонаселенном жилом массиве), то люди нанесли ему значительный ущерб, взбираясь и расхаживая по гребням стен, разжигая костры внутри помещений и т.д. В результате этого гидроизоляционные обмазки гребней древних стен были нарушены, отбиты куски ремонтной штукатурки. Просачивающаяся в образовавшиеся трещины вода привела к разрушению и обвалу отдельных участков стен. Поэтому для сохранения вскрытых участков здесь необходимо провести очередные ремонтно-восстановительные работы и музеефикацию памятника с решением вопросов охраны, дальнейшего содержания и использования памятника.

Аналогичные консервационные работы проводились также на другом археологическом объекте – городище Шаштепа, которое расположено в южной части современного Ташкента на берегах протока Джун. В восточной части памятника после тщательной зачистки стен была проведена химическая консервация внешней стены цитадели с ис-

пользованием растворов диизоцианатов и многоатомных спиртов. Мониторинг, проводившийся в течение пяти лет, показал, что состояние обработанных участков в целом удовлетворительное. Цвет и фактура сырцового кирпича остались естественными. Здесь также был заложен тестовый участок, на котором проходили апробацию новые варианты методики по консервации памятников сырцовой архитектуры.

Небольшие консервационные работы были проведены на городище Канка в Ташкентской области. В полевом сезоне 1984 года здесь были вскрыты помещения коридорного типа с арочным перекрытием из сырцовых кирпичей. После тщательной зачистки поверхностей стен проводилась их консервация с использованием составов на основе диизоцианатов и технического ксилола. Общая площадь обработанных участков составила 70 м². Последующие наблюдения показали, что отсутствие охраны на памятнике и не контролируемое посещение его местными жителями привело к частичному разрушению обработанных участков.

В последние годы накоплен значительный опыт по консервации и музеефикации древних памятников сырцовой архитектуры Центральной Азии. Крупномасштабные консервационные работы проведены на буддийском комплексе Фаяз-тепа (Узбекистан), городище Отрар (Казахстан), на некоторых памятниках в Иране. Основываясь на результатах предшествующих работ и наблюдению за "жизнью памятников" вырабатывается новое понимание и подходы к процессу консервации археологических памятников. Наиболее актуальными и основными принципами становится минимальное вмешательство, обратимость применяемых в консервации материалов. Немаловажное значение придается тщательному изучению древних строительных материалов конкретного памятника, их совместимость с современными консервационными материалами и составами, которые будут использоваться при реставрации конкретного археологического объекта.

Важное место в процессе сохранения древних памятников занимает также научная документация по консервации. В 16-ой статье Венецианской Хартии говорится: "... Во всех работах по сохранению, реставрации или раскопкам всегда должно быть включено составление документации в форме аналитических и критических отчетов, иллюстрированных чертежами и фотографиями. Каждая стадия работ по очистке, укреплению, реконструкции и объединению, также как технические и формальные черты, определенные и процессе работ должны быть тщательно зафиксированы..." [4].

Изучая и анализируя результаты первых экспериментальных консервационных работ, проведенных на археологических памятниках Ташкента и Самарканда, убеждаешься в сложности задач, связанных с вопросами сохранения археологических объектов сырцовой архитектуры, находящихся под открытым небом. Программа проведения этих работ зависит от индивидуальности каждого памятника, в частности, от физического состояния самого объекта и условий окружающей среды, в которой находится конкретный памятник. Однако никакие консервационные работы не помогут сохранить памятник, если он не будет своевременно музеефицирован, т.е. взят под защиту и охрану. Только таким образом мы можем продлить жизнь археологических памятников, каждый из которых является бесценным объектом нашего культурного наследия.

Использованная литература

1. Лозанская хартия. 1989 г. Хартия о защите и менеджменте археологического наследия.
2. А.А.Абдуразаков. Реставрационные работы на археологических памятниках Узбекистана // ИМКУ. Вып. 17. Ташкент, 1982.
3. Реутова М.А. Реакция уретанообразования в составе лессовых композитов и разработка методов консервации археологических объектов // Автореферат канд. дисс. Ташкент, 1989.

4. Венецианская Хартия 1964 г. Международный Конгресс архитекторов и инженеров исторических памятников. Венеция. 31.05.1964.

М.А. Реутова

Тошкент ва Тошкент вилоятининг қадимги меъморчилик ёдгорликларини консервация қилиш
Мақолада Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг қадимги хом ғиштлардан қурилган ёдгорликларини таъмирлаш услублари ёритилган. Шоштепа, Юнусобод Оқтепаси, Қанқа шаҳар ҳаробаларидаги археологик қазишмаларда олиб борилган таъмирлаш ва сақлаб қолиш ишлари тафсилотига эътибор қаратилган.

М.А. Reutova

Conservation of ancient sites made of mud-architecture in Tashkent and Tashkent Oasis

The description of methods and results of restoration and conservation works fulfilled for saving of ancient monuments of the earthen architecture in Tashkent city and the Tashkent district is given. The works were done in the eightieth years of the last century on the dug out sites of ancient settlements Shashtepa, Aktepa Junusabadskoe and Kanka.

*Д. Мақсудова
(Ўзбекистон)*

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ УРБАНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ КОСМИК СУРАТЛАР ОРҚАЛИ ЎРГАНИШ

Қадимдан ҳозирги кунга қадар Марказий Осиё халқлари суғорма деҳқончилик орқали озиқ-овқатга бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириб келган. Деҳқончиликка бундай боғлиқлик натижасида, аҳоли айнан ўша қишлоқ хўжалиги билан мунтазам шуғулланадиган ерларда жойлашган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, унинг сиёсати ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тубдан ўзгарди ва бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнлари тўғридан-тўғри ёки баъзи воситалар орқали аҳоли ўсишига, давлат сиёсати ва анъанавий ердан фойдаланиш тажрибаларига таъсир этди. Аҳоли сонининг ўсиши ва яшаш жойларининг кенгайиб бориши баъзи ҳолларда, қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг камайишига ҳам олиб келди. Ўзбекистон учун бу жиддий ҳолдир, чунки қишлоқ хўжалигига яроқли суғориладиган ерлар чекланган.

Ўрганилаётган ҳудуд Тошкент вилояти бўлиб, ер майдони 15600 км кв., ва аҳолиси 2400000 дан ортиқ. Бошқарув маркази Тошкент шаҳри, аҳолиси 2156300 киши. Шимол ва шимоли-шарқдан Чотқол тоғ тизмалари ўраб туради, вилоятнинг асосий қисми жануб ва жануби-ғарб томони эса денгиз сатҳидан 400-600 м баландликда бўлган адир ва текисликлардан иборат. Иқлими континентал, киши нам, шу билан бирга юмшоқ, ёзи иссиқ ва қуруқ. Ўртача ҳарорат ёзда 26,8 ва қишда 1,3 даража атрофида¹. Ҳудуднинг асосий дарёси Сирдарё бўлиб, Чирчиқ ва Оҳангарон ирмоқлари шу ҳудудда Сирдарёга келиб қуйилади. Дельталардаги чўкиндилар органик бирикмаларга бой бўлган калин тупроқ қатламини ҳосил қилади ва континентал шароитда ушбу ҳудудларда унумдор тупроқли ва чучук сувга имконияти бўлган оазислар вужудга келади. Бу тупроқлар табиий қуруқ ва шўрланмаганлиги сабаб, деҳқончилик билан мунтазам шуғулланиш ва доимий яшаш учун жуда қулай шарт-шароит яратади.

Ушбу тадқиқотда 1989 ва 2000 йилдаги космик суратлар маълумотларини Масофадан зондлаш (*Remote Sensing*) ва Гео-ахборот тизими (*Geographic Information system*)

¹ Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари давлат қўмитаси ахборотномаси. Тошкент, 2003; Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш бўйича 2000 йил учун миллий ҳисобот. Тошкент, 2001.

технологиялари орқали кузатиб таҳлил қилинган. Ушбу икки давр учун маълумотлар тўпламининг етарлилиги уни муҳокама қилишда муҳим омилдир.

Тошкент вилоятида шаҳарларнинг кенгайиб бориши мавзуси халқаро ва маҳаллий матбуотда қисман ёритилган. Бундай илмий мақолаларнинг камлиги ушбу мавзунинг ёритиш гео-маълумот таҳлили олиб бориш каби маълум жараёни талаб этади. Хариталаш ва ўрганилаётган ҳудудга доир даврий жиҳатдан кетма-кет олинган космик суратларни масофадан зондлаш орқали таҳлил қилиш шулар жумласидандир. Хуллас, бундай тадқиқотлар гео-ахборот тизимига асосланган таҳлилларда маълум компьютер дастурларидан, *Жойни аниқлаб берувчи глобал тизим* (GPS) бирликларидан ва мавжуд қоғоз хариталарни рақамли хариталашдан фойдаланишни тақозо этади. Шунга қарамадан, масофадан зондлаш орқали шаҳарларнинг ер юзасида эгалланган қисмини таснифлаш халқаро миқёсда, кенг ўрганилган. Бу мавзудаги муҳим тадқиқотлардан бири, куруқ иқлим шароитида аҳоли яшайдиган ҳудудлар ер юзаси кўринишини таснифлаш натижаларини маълумотлар тўпламидан фойдаланган ҳолда текширишдир¹. Бу тадқиқотда гео-ахборот тизими ва масофадан зондлаш таҳлилларини бирга қўллашнинг афзалликлари ҳақида фойдали мулоҳазалар айтиб ўтилган. Сўнгги пайтда айрим мақолаларда аҳоли яшаш жойларида ўсимлик қопламани фарқлашнинг янги усуллари-дан фойдаланиш ҳақидаги тавсиялар ҳам ёритилган².

Шуларга таянган ҳолда, гео-ахборот тизими ва масофадан зондлаш таҳлиллари асосида танланган ҳудудни ўрганишга киришилди. Тошкент вилояти учун гео-ахборот тизими маълумотлари тўлиқ бўлмаганлиги сабабли, *ArcGIS 9.2* дастуридан фойдаланиб, янги қатламлар тузилди: 1:500000 масштабдаги топографик харита рақамлаштирилди, растр ва шейпфайлларга айлантирилди, шу асосида вилоят чегараси (*полигон*), туманлар чегаралари (*полигон*), шаҳар ва қишлоқлар (*нуқталар ва полигон*), дарё ва суғориш каналлари (*чиизиқли*) шейпфайллари ишлаб чиқилди. Ҳамма хариталар WGS 1984 бошланғич нуқта ва Universal Transverse Mercator 42 шимолий минтақа координата тизимига гео-боғланган.


Таҳлилда *University of Maryland Global Land Cover Facility*нинг веб-саҳифасида берилган ҳудудга доир даврий жиҳатдан кетма-кет олинган космик манбалардан фойдаланилган (<http://glcf.umiacs.umd.edu>): 1989 ва 2000 йилда олинган *Landsat TM* суратлари. Буларнинг ҳар бири 7 бэнддан иборат бўлиб, тиниклиги 28,5 м/пиксел. Landsat TMнинг ҳис қилувчи экранлари кўзга кўринадиган, инфрақизилга яқин ва ўрта инфрақизилдан радиотўлқингача бўлган тўлқин узунликлари ёрдамида ер юзасини кўрсатиб беради. Ушбу суратлар ҳам WGS 1984 бошланғич нуқта ва *Universal Transverse Mercator 42* шимолий минтақа координата тизимига гео-боғланган. Уларни кўриб чиқишда *Erdas Imagine* (тасаввур дастури)дан фойдаланилди. Космик суратлар таҳлили пайтида Тошкент вилоятидаги асосан қишлоқ хўжалиги ерлари эгаллаган ҳудудлар қолдирилиб, тоғли қисм олиб ташланди ва харита янгидан рақамлаштирилди. Чунки баландлик қисмида қишлоқ хўжалиги майдонлари деярли кўзга ташланмайди, космик суратлардаги ҳар иккала йил учун аҳоли турар жой майдонлари ҳисоблаб чиқилганда сезиларли ўзгариш бўлмаган.

Таснифлаш жараёнининг биринчи босқичида ер юзаси қоплами бир нечта синфларга бўлинган, “энг кўп ўхшашлик” қонунияти орқали таснифланган ва аҳоли турар жойла-

¹ Dillabaugh et al. Landsat urban mapping based on a combined spectral-spatial methodology. In Remote Sensing of Environment., 2004; Ellis et al. Measuring long-term ecological changes in densely populated landscapes using current and historical high resolution imagery. In Remote Sensing of Environment. 2006.

² Mesev V. Remote sensing of urban systems: Hierarchical integration with GIS. In Computers, Environment and Urban Systems. 1997.

ри, экин майдонлари аниқлаб олинган. Синфларни янада аниқ бўлиши учун ушбу синфга тегишли 10 та жойдан кичик худудлар ажратиб олинган ва уларнинг аниқлилик даражаси текширилган. Таснифлашнинг 2-босқичида “кластерлаш” усулидан фойдаланиб аҳоли турар жойларининг ер юзаси кўринишидаги аниқлик 80 фоизгача оширилган. 3-босқичда эса 5x5 пикселли ҳаракатланувчи ойна орқали сурат таҳлил қилиниб, ҳар бир пикселни “шовқин”дан тозалаш жараёни амалга оширилган. Кўпгина синовлардан сўнг, ер юзаси кўринишининг кониқарли таснифига эга бўлинди. Ушбу таснифга асосланиб, ҳар бир синф эгаллаган худудни ҳисоблаш учун *Erdas Imagine* файлини *ESRI GRID* ва полигон шейп-файлларга айлантирилди. Сўнгги босқичда ҳар бир худуд ҳисоблаб чиқилди. Фазовий ва спектрал таҳлиллардан кўринадики, 1989 йилда аҳоли яшаш жойлари худуди 43860 гектарни ташкил этган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 60874 гектарни ташкил этган (*расм*).



Тошкент воҳасида тураржой худудининг кенгайиши таснифланган сурат (чапда 1989, ўнгда 2000 йил).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, 10 йил ичида тахминан 16000 гектар ер аҳоли яшаш жойларига айлантирилган. Натижада, қишлоқ хўжалиги ер майдонлари қисқарган. Бу умумий майдоннинг 5 фоизини ташкил этади, бизнингча, бунга жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ерлари нафақат шаҳарларнинг кенгайиши оқибатида, балки шўрланиш, эрозия ва деградация оқибатида йўқотилишини ҳам назарда тутиш керак.

Д. Максудова

Исследование процесса урбанизации Ташкентского оазиса по космическим съемкам

В статье рассматриваются вопросы урбанизации Ташкентского оазиса и в период с 1989 по 2000 гг. Автор попытался рассчитать расширение урбанизированной зоны, используя новейшие технологии ГИС и Дистанционного зондирования. В результате данного исследования выявлена скорость трансформации сельскохозяйственных земель в зону городской застройки.

D. Maksudova

Studying the urban processes in the Tashkent Oasis using satellite imagery

The article deals with issues of urban development in Tashkent Province during 1989-2000. Author tries to calculate residential expansion using the newest GIS and Remote Sensing technologies. As a result of the study the rate of transformation of agricultural lands into urban use is revealed.

ТОШКЕНТ ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ

ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И ИСТОРИОГРАФИЯ ГОРОДА ТАШКЕНТА

SOURCE STUDIES AND HISTORIOGRAPHY OF TASHKENT CITY

О. Бўриев
(Ўзбекистон)

XIV–XV АСРЛАР МАНБАЛАРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

Тошкент шаҳри ва вилоятининг ўрта асрлардаги тарихи ёзма ёдгорликларда маълум даражада ўз аксини топган ва XIV–XV асрлар манбаларида ҳам бу ҳақда озми-кўпми маълумот учрайди; кўпроқ тарихий асарларда, у ёки бу воқелик баёнида сўз юритилади ва улар мазмун жиҳатдан анча тарқоқ. XIV–XV аср бошларига оид давр учун Амир Темур салтанати ва XV аср биринчи ярми учун Мирзо Шоҳрух ҳукмдорлиги хусусида сўз юритилган тарихий асарлар муҳим ўрин эгаллайди. XV аср иккинчи ярми учун тарихий асарлар билан бир қаторда, ўша даврга тегишли вақф ҳужжатлари, агиографик ва бошқа турли мазмундаги асарлардан маълумот олиш мумкин.

XIV аср иккинчи ярмидаги кечинмаларда Тошкент ҳақида маълумотлар Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхоннинг Мовароуннаҳрга юриши, Амир Темурнинг юртни мўғуллар истилосидан озод қилиш учун олиб борган курашлари, ўлканинг мудофаа қувватини ошириш ва Хитойга борадиган савдо йўлини тиклаш мақсадида Мўғулистонга юришлари воқеалари баёнида қайд этилган.

Амир Темур бевосита Тошкент шаҳрининг ўзида ҳам бир неча марта бўлган. Шаҳарни кўрғон билан ўраб , унга ўн иккита дарвоза ўрнатган, сафарларидан бирида бетоб бўлиб, то тузалгунига қадар ушбу шаҳарда қолгани ҳам маълум.

Соҳибқирон кечинмалари орасида 766/1365 йили Тошкент билан Чиноз оралиғида юз берган “Лой жанги“ воқеалари Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида айниқса батафсил ёритилган¹. Унда, бир томондан, Амир Ҳусайн ва Амир Темурнинг биргаликдаги лашкари ва иккинчи томондан, Мўғулистон хони Илёсхожахоннинг лашкари, май ойи бўлишига қарамасдан қаттиқ ёмғир ёғиб ерлар лой бўлган оғир бир шароитда жангга киришадилар. Соҳибқирон Амир Темур лашкарнинг сўл қанотида мардонавор ҳужумлар олиб боради ва душманни мағлуб қилиб, чекинишга мажбур қилади. Бироқ Амир Ҳусайннинг калтабинлиги ва унинг бошчилигидаги лашкарнинг сусткашлиги туфайли, улар ғалабани бой берадилар ва жата лашкари устун келади.

Шу даврда Тошкент вилоятида кечган муҳим воқеалардан бири - бу Амир Темур томонидан Шоҳрухия шаҳрининг барпо этилишидир. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарида ёзишича, соҳибқирон Амир Темур ўз вақтида Чингизхон лашкари

¹ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома (фотофаксимил нашр). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи А.Ўринбоев. Тошкент, 1972. 110б–113а варақлар.

томонидан бутунлай хароб қилинган Фанокант (Банокат) ўрнида янги шаҳар барпо этишини буюради. Унинг қўл остидагилар мазкур фармонга мувофиқ янги шаҳар қуриб, уни мустақкам қўрғон билан ўрайдилар ва ўша атрофда яшовчи аҳолини у ерга кўчирадилар. Амир Темур мазкур шаҳарни ўғли Мирзо Шохрухга атагани сабабли, у “Шохрухия” деган ном билан шухрат топади¹.

Тошкент вилоятида Оҳангарон водийси, Сайхун (Сирдарё) соҳиллари ва Фарак (Чирчик) дарёсининг қуйи ҳавзасида ўтлоқлар, тўқайзорлар кўп бўлганлиги сабабли, кўпинча соҳибқирон Амир Темур ўз лашкари билан қишлоғи шу ерда ўтказгани ҳам маълум. Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида 800 (1397) йилнинг қишида, Амир Темур Тошкент вилоятининг Чинос (Чиноз) қишлоғида қишлаб турганида, бу ерга Хитой подшоси элчилари келиб Соҳибқирон ҳузурида бўлгани, тортиқлар келтирганлари, яхши қабул қилингани ва қайтишга рухсат этилгани ҳақида ёзилган². Али Яздий “Зафарнома”сидаги бу хабар Амир Темур давлати билан Хитой ўртасидаги элчилик муносабатлари тарихидан сўзловчи ўша давр мусулмон манбаларидаги ягона маълумотдир.

Бу ҳақда хитой манбаларида ҳам қайд этилган. Амир Темур салтанати йиллари Хитойда, асосан, Мин сулоласининг дастлабки вакили император Чжу Юаньчжан (бошқа исми Тайцзу, лақаби Хунью, 1368–1398) ҳукмронлиги вақтига тўғри келади. Хитойнинг XIV-XVII асрлар оралиғидаги тарихи анча мукамал акс этган солнома – “Мин ши лу” (“Мин сулоласи императорлари ҳукмронлиги ҳақидаги ҳаққоний хотиралар”)да тарихий кечинмалар йилма-йил ёзилган бўлиб, унда 1388–1398 йиллар оралиғида Хитойга Мовароуннаҳрдан тўққиз марта элчилар келганлиги ва шундан 1395 йилгача бевосита Амир Темур номидан олти марта элчилар ташриф буюргани қайд этилган³.

Хитойнинг Амир Темур ва Темурийлар давлати билан элчилик алоқаларида, асосан, иккита дипломат – Фу Ань (вафоти 1429) ва Чэнь Чэннинг хизматлари катта. Чунки улар ўз сафар хотираларини ёзганлар ва бу маълумотлар хитой солномаларига киритилиб, қимматли тарихий манба бўлиб қолган. Чунончи хитой солномаси “Мин ши”да ёзилишича, Хитой императори 1395 йили Фу Ань бошчилигида Самарқандга Амир Темур ҳузурига элчилар юборган ва улар орқали император муҳри босилган махсус мактуб ҳам йўллаган.⁴ Бошқа бир солнома - “Мин ши лу” да эса, Фу Ань бошчилигидаги элчилар 1395 йили Хитойдан қайтаётган Амир Темур элчилари билан ҳамсафар бўлганлари айтилган⁵. Мазкур элчилик юқорида Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида Хитойдан ташриф буюрган ва Амир Темур Тошкент вилоятида, аниқроғи Чинозда турганида қабул қилган элчилар вақтига бирмунча мос келади. Демак, XIV аср охирида Мовароуннаҳр билан Хитой ўртасида анчагина мунтазам савдо-элчилик алоқалари бўлган ва унинг шимолий бир тармоғи Тошкент шаҳри ва вилояти орқали ўтган. Тошкентнинг мазкур савдо-элчилик алоқаларида муҳим ўрни бор.

Амир Темурнинг Хитойга юриши ва Ўтрорда вафоти воқеаларида ҳам Тошкент

¹ Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар. 466б–467а варақлар.

² Шарафуддин Али Яздий. Ўша асар. 295а варақ.

³ Буриев О., Колганов А. Об одном участке Великого шелкового пути // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Ташкент: Фан, 1990. С.107; Каримова Н.А. Взаимоотношения народов Центральной Азии и Китая в XIV-XVII вв. Ташкент, 2005. С. 106.

⁴ Каримова Н.А. Ўша асар. 106-107 - бетлар.

⁵ Watanabe Hiroshi. An Index of embassies and tribute missions from Islamic countries to Ming China as Recorded in the Ming Shih In Classified According to Geographic Asia // Memoirs of the Research department of the Toyo Bunko. – Tokyo. 1975. N 33. P.285-347.

вилояти лашкарининг бир қаноти қишлоқ учун ўрнашган жой сифатида маълум.

XV асрнинг биринчи ярми, яъни Мирзо Шоҳрух салтанати ва Мирзо Улуғбекнинг Мовароуннаҳрда ҳукмдорлиги кечинмалари, Ҳалил Султоннинг қисқа муддат Самарқанд тахтида ўтириб, бу ўлкани бошқаргани ва унга қарши юзага келган ички зиддиятлар баёнида Тошкент шаҳри ва вилояти тилга олинган. Бу ерлар Мирзо Улуғбек тасарруфида бўлган. Худди шу йилларда Темурийлар давлатининг халқаро муносабатлари, жумладан, Хитой билан савдо-элчилик алоқаларида Тошкент ва қарвонларнинг Сирдарёдан ўтишида асосий жой саналмиш Чиноз ҳамда Шоҳрухия Буюк Ипак йўлидаги муҳим савдо шаҳарлари саналган.

XV аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда бошқарув тизими Амир Темурнинг бошқа ўғли Мироншоҳ авлодлари, аниқроғи Султон Абусаид ва унинг ўғиллари ҳукмига ўтади. Унда Тошкент вилояти дастлаб Султон Абусаид, унинг вафотидан кейин, аввалига катта ўғли Султон Аҳмад мирзо (ваф. 899/1493-1494), сўнгра кичик ўғли, яъни Фарғона ҳукмдори Умаршайх мирзо (ваф. 899/1493-1494) тасарруфида эди.

Худди шу даврда Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон зурриётидан бўлмиш Юнусхон (873/1468-1469 - 892/1486-1487) темурий ҳукмдор Султон Абусаиднинг саъй-ҳаракати билан Мўғулистонда хонлик тахтини эгаллади¹. Шундан сўнг мазкур давлатнинг сиёсий мавқеи кучайди. Юнусхон учта қизини Абу Саиднинг учта ўғли – Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо, Умаршайх мирзога турмушга бергани эса, ўз навбатида Темурийлар ва Мўғулистон ҳукмдорлари ўртасида қариндошлик ришталари янгилашиши ва мустақамлашувига олиб келди.

“Бобурнома” даги маълумотларга кўра Султон Аҳмад мирзо Тошкент, Шоҳрухия ва Сайромни эгаллаб, кейинроқ уни Умаршайх мирзога беради². Кейинчалик Шоҳрухия учун низо келиб чиқади; 890/1485 йили Темурий шаҳзодалар - Андижондан Умаршайх мирзо ва Самарқанддан Султон Аҳмад мирзо, шунингдек Мўғулистон хони Юнусхон Тошкентдан йўлга чиқиб, Шоҳрухияга келадилар. Улардан ҳар бири Шоҳрухияни эгаллашни ва Тошкент вилоятида ўз мавқеини кучайтиришни мақсад қилган эди. Темурийлар салтанати маънавий ҳамда сиёсий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган Хожа Аҳрор Валий Самарқанддан етиб келиб, учала ҳукмдорни ўз ҳузурига чорлайди ва томонларни яраштиришга эришади; 890/1485 йили Шоҳрухияда тузилган ушбу сулҳ шартига кўра Тошкент вилояти Юнусхонга берилади. Мазкур воқеа мавлоно Сайид Муҳаммад Қозининг (ваф. 922/1516) “Силсилат ул-орифин” асарида батафсил ёритилган, деб ёзади Мирза Ҳайдар³. Бу воқеа Али Сафийнинг “Рашахот айн ал-ҳаёт” асарида ҳам қайд этилган. Дарвоқе, Тошкент шаҳри Хожа Аҳрор Валийнинг туғилиб-ўсган жойи саналади ва ўша давр вақф ҳужжатларида келтирилган маълумотларга кўра, кейинчалик ҳам унинг Тошкент вилоятида вақф жойлари - қишлоқлар, экин ерлари, боғлар ва бошқа кўчмас мулклари бўлган. Мазкур вақф ҳужжатларида Тошкент вилояти ҳудудида бир қанча жой номлари ҳам санаб ўтилган ва улар тарихий-топонимик тадқиқот нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

Юнусхон вафотидан (892/1486-1487) сўнг, 893/1487-1488 йили Умаршайх мирзо ва Султон Аҳмад мирзо Тошкент вилоятини қайтариб олиш учун қўшин тортадилар. Умаршайх қўшини Тошкент вилоятидаги Уштур кўрғонини эгаллайди. Султон

¹ Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди /Введение, перевод с персидского Урунбаева А., Джалиловой Р.П., Епифановой Л.М. Примечания и указатели Джалиловой Р.П., Епифановой Л.М. Ташкент, Фан, 1996. С. 107-111.

² Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчилар: Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев. Тошкент, 1960. 75-бет.

³ Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. С. 139-140.

Маҳмудхон лашкар тортиб, қаттиқ жангдан сўнг, кўрғонни қайтариб олади (892/1486-1487)¹.

Шу йили Самарқанддан Султон Аҳмад мирзо Тошкентга юриш қилади. Шоҳибек (Шайбоний) унинг лашкарида эди, у ўз қўшини билан Султон Маҳмудхон томонга ўтиб кетади. Султон Аҳмад мирзо енгилб, Самарқандга қайтади ва унинг Тошкент вилоятини олиш учун ҳаракати амалга ошмайди².

Тошкент вилояти ўша пайтдан бошлаб, то Шайбонийлар ҳукмронлиги ўрнатилгунга қадар, Мўғулистон таркибига кирган. Уни дастлаб Юнусхон, вафотидан кейин эса ўғли Султон Маҳмудхон бошқарган. Бошқача қилиб айтганда, Тошкент шаҳри қисқа муддат, аниқроғи 890 / 1485 – 908 / 1502-1503 йиллар оралиғида, хоннинг қароргоҳи шу ерда бўлгани учун, Мўғулистоннинг сиёсий-маъмурий пойтахти мақомини олди³. Султон Маҳмудхон юриш қилиб Туркистон шаҳрини эгаллагач, мазкур маъмурий–худудий бирликнинг чегараси шимоли-ғарб томонга кенгайиб, Сирдарёнинг қуйи ҳавзасини ҳам қамраб олган.

Тошкент шаҳрида Заҳириддин Бобур ҳам бўлган. Аниқроғи “Бобурнома” да 907/1501-1502 йил воқеалари баёнида Заҳириддин Бобур Тошкентга улуғ хон тоғаси Султон Маҳмудхон хузурига ёрдам олиш ниятида келгани ва маълум вақт шу ерда яшагани айtilган.

Заҳириддин Бобур 1511 йили охирги марта Мовароуннахрни олишга жазм қилиб, баҳорда Ҳисорни, ёзда Бухорони, октябрь бошида Самарқандни эгаллайди. “Тарих 917/1511 да Самарқандни олдим”⁴, - деб ёзади Бобур бу ҳақда. Мазкур сиёсий ўзгаришларда Тошкент вилояти ҳам Бобур ихтиёрига ўтган ва у Тошкент шаҳрини бошқаришни амир Аҳмад Қосим кўхбарга, Сайромни - Каттабекка топширган. Бироқ 1512 йил баҳорида Кўли Маликдаги жангда Убайдулла Султон бошлиқ шайбонийлардан енгилди ва Ҳисор томон чекинади. Ўша йилнинг кузида Ғузур ва Қаршини эгаллашга муваффақ бўлади, лекин кузда Ғиждувондаги жангда яна мағлуб бўлиб, узил-кесил Кобулга қайтади. Бобур Самарқанддан кетгач, шайбонийлар лашкари Тошкентни қамал қилади ва Бобур тарафдорлари шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўладилар⁵.

Келтирилган маълумотлардан XIV–XV асрлар манбаларида Тошкент шаҳри ва вилоятининг ўзига хос сиёсий ҳолати, маъмурий мақоми, иқтисодий равнақи ва халқаро мавқеи бўлгани кўринади.

А.Р. Муҳаммадҷонов
(Ўзбекистон)

ТОШКЕНТ МАҲАЛЛА - КЎЙЛАРИНИНГ АЙРИМ ТАРИХИЙ НОМЛАРИ СЕМАНТИКАСИ

Пойтахтимизнинг тарихий манзарасида асрлар оша қад кўтарган сон-саноксиз тураржойлар топонимиясида ўзига хос бениёз маъною сифатларни англатувчи турли фонетик шакллардаги атамалар қайд этилади. Уларда нафақат шаҳар ва унинг теварак-

¹ Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. С. 143.

² Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. С. 143-144.

³ Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. С. 377.

⁴ Заҳириддин Бобур. Бобурнома. Тошкент, 1960. 237-б .

⁵ Мирза Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. С. 347.

атрофи табиати, хусусан пасту баландликлардан иборат ер сатҳи ёки шаҳарликларнинг оби ҳаёт манбаи анҳору суғориш тармоқлари, балки шаҳар маъмурий қисмларининг кўрки бўлган даҳа, маҳалла-қўй, иморату иншоотлари ва уларда ўз инъикосини жилололаган шаҳарсозлик маданиятининг умум тадрижий даражоти ҳам беқиёс маъною мазмунда ифодаланади.

XIX асрда Тошкентда яшаган муаррих Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” (Тошканднинг энг янги тарихи) номли китобида ёзилишича, XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаҳар тўрт даҳа (туман)дан иборат мустақил жумҳурият асосида маҳаллалар кенгашида сайланган оқсоқоллар томонидан бошқарилган.

Дастлаб шимолий даҳа Қаффоли Шоший; жанубийси – Занги ота; шарқийси – Шайхонтохур; ва ғарбийси – Шайх Зайниддин номлари билан таъриф этилса-да, шаҳар аҳли ўртасида улар аксарият Себзор, Бешоғоч, Шайхонтохур ва Кўкча (Коҳча) деб юритилган.

Бу даврда Тошкентда шаҳарликлар томонидан тан олиниб сайланган ҳокими мутлақ ҳали қарор топмаган эди. Шу боисдан шаҳар тўрт мустақил даҳаларга ажратилиб бошқарилган. Ҳар бир даҳанинг бошқарув маъмурияти жамоатчилик асосида сайланган оқсоқоли, қозиси, раиси, муфтийси, имому сўфилардан иборат бўлган.

Шаҳар мудофааси, бозор, хусусан нарх-наво масалалари чор ҳокимлар томонидан биргаликда ҳал этилган. Шунинг учун ҳам бу давр Тошкент шаҳри тарихида “Чор ҳокимлик” номи билан шуҳрат топган.

Мазкур даҳалар бошлиқлари ўртасида, шубҳасиз, бош ҳукмдорликни қўлга киритиш учун ўзаро келишмовчиликлар ва тўқнашувлар бўлиб турган. Низолар кескинлашиб, шаҳарни бошқариш эса даҳа оқсоқоллари қўлидан-қўлига ўтиб турган. Кўпинча Себзор даҳаси билан Кўкча даҳаси бирлашиб, Шайхонтохур даҳасига қарши олишув бошлаган. Бундай вазиятларда шайхонтохурликлар билан бешоғочликлар бирлашган. Ўзаро низо кескинлашган вақтларда шаҳар марказидан оқиб ўтадиган Лабзак ариғининг (ҳозир Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи) икки томони кураш майдонига айланган. Шу боисдан Лабзак сувининг номи шаҳарликлар орасида “Жангоб” ва мазкур сув тармоғининг икки ёқаси эса “Жангоҳ”, яъни жанг майдони, беллашадиган қумлоқ, яланглик номи билан донг чиқарган.

Муҳаммад Солихнинг таърифлашича, Чор ҳокимлик даврида Шайхонтохур даҳасида Юнусхўжа бинни Ҳидоятхўжа, Бешоғоч даҳасида Дониёрхўжа, Кўкча даҳасида Исҳоқхўжа ва Себзор даҳасида Шохбек (Шербек)лар ҳокимлик қилганлар. Ҳар бир даҳада ўнлаб маҳалла, бир нечта масжид ва мадраса, ҳаммом ва бозорлар бўлган. Масалан, Себзор даҳасида 38 та маҳалла, 3 та мадраса ва 10 та масжид қад кўтарган. Себзорликлар асосан этикдўзлик, бўёқчи-нилчилик ва бўзчилик билан кун кечиришган.

Бешоғоч даҳаси 32 та маҳалладан иборат бўлиб, унда 3 та мадраса ва 68 масжид фаолият кўрсатган. Бешоғоч даҳаси боғу роғлари, эгарчи ҳунармандлари, “қизил иш” (от ёпунчиғи) тикувчилар ва ғиштчилари билан шуҳрат топган. Шайхонтохур даҳасида 48 та маҳалла, 6 та масжиду 3 та мадраса бўлиб, аҳолиси эгарчилик ва бўзчилик билан шуғулланган. Кўкча даҳасида 31 та маҳалла, 3 та мадраса, 51 та масжид бўлган. Кўкчалликлар кўнчилик ва этикдўзлик билан ҳаёт кечиришган.

Бу даврда Тошкентнинг тўрт даҳаси 12 та дарвозали мудофаа девори билан ихота қилинган. Улар Қиёт, Турк, Ўзбек, Қанғли, Бешоғоч, Тахтапул, Қорасарой, Чигатой, Суьбониён (Сағбон), Кўкча, Камондарон ва Қатағон каби номлар билан юритилган.

Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, ҳар бир дарвозани кўриклаш ва унда посбонлик қилиш айрим қабилалар зиммасига топширилган.

Асрлар оша шаҳар майдонининг кенгайиши оқибатида дарвозаларни ўрни силжиб, ҳатто сони ҳам, номи ҳам ўзгариб турган. Тошкент шаҳрининг сўнгги девори XIX аср бошларида беклар беги ҳокимлиги даврида қайта тикланиб, унинг теваарак - атрофи бўйлаб Кўймас, Қўқон, Қошғар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешоғоч каби номлар билан ифодаланган дарвозалар ўрнатилган. Турли томонларда жойлашган шаҳар, эл-юрт ва музофотлардан Тошкентга ташриф буюрган савдогару элчи, дарвешу мусофирлар каби келиб кетувчилар, ҳар бир дарвозадан шаҳар маркази – бозор томон йўналган. Кўча-кўйлар орқали шаҳарга кириб борган. Шаҳарнинг марказий бозори Эски Жўва (аслида-Иско Жўба), яъни юқори катта (жаҳон) бозори деб юритилган.

Мазкур савдо-сотик маскани бетараф сершовкин ўзаро мулоқот макони бўлиб, шаҳар даҳаларининг тала-тўпалон олишув ва курашлари вақтида ҳам қизгин савдо давом эта берган. Кўча-кўйлар туташган чорраҳалар гузар деб юритилган. Гузарлар маҳалла-кўйларнинг гавжум маркази ҳисобланган. Чунки чорраҳа гузарларида маҳалладошларнинг кундалик эҳтиёжига хизмат қиладиган нонвойхона, баққоллик, қассоб дўкони, масжид, чойхона, ҳовуз, сартарошхона, ямоқчилик дўкони каби корхоналар, баъзиларида эса ҳатто мўрча (хаммом) ҳам жойлашган.

Археологик қазилардан аён бўлишича, илк бинокорлик, яъни дастлабки рамзий шаҳарсозлик маданияти ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги икки минг йилликнинг иккинчи чорагидан то мазкур мил. авв. биринчи минг йилликнинг охиригача давомида шаклланган. Мазкур тарихий босқичда гарчи катта-кичик илк “шаҳарча” сифатидаги масканлар қад кўтарган бўлса-да, аммо қадимги ерли аҳоли тилида “шаҳар” шаклида талаффуз этиладиган сўз, яъни турдош жой номининг ўзи ҳам ҳали пайдо бўлган эмасди. Бундай умум турдош атама “Маскат”, яъни катта тураржой, ёки “димас” – катта қишлоқ жой. Шунингдек, “пирмаст”, яъни катта девор ёки қўрғон ва қалъа маъноларини англатувчи шаклларда ифода этилган. Шу боисдан ёзма манбаларда қадимги даврда Самарқанд ва Марғилон шаҳарлари Маскат, Тошкент (Тошкат) эса Тошқўрғон ёки Тошқала баъзан Кўймас, яъни катта маҳалла номлари билан тилга олиниши тарихан айна ҳақиқий манзарани намойиш этади.

Қадимий кўҳна шаҳарлар: Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Шаҳрисабз (Кеш) ва Марғилон (Марғинон)ларнинг тарихий топографияларини қиёслашдан аён бўлишича, барча йирик шаҳарларда маҳалла-кўю кўчалар, тураржойлару устахоналар, бозору расталар, ибодатхоналару мадрасалар билан бир қаторда шаҳар ҳокимияти учун махсус қароргоҳ (иморат)лар ҳам қад кўтарган. Шаҳар ҳаётини бошқарувчи ҳукмдорнинг саройи бино қилинган, тарихий маскат – катта қишлоқ аҳоли истиқомат қиладиган оддий умум тураржой маъносини йўқотиб, ҳукмдор шоҳ қарор топган, яъни турадиган “баланд жой” мазмунидаги “шаҳристон”, яъни шоҳ>ўр>истон шаклидаги атама билан юритилиб кетган. Мазкур тарихий атама маълум ҳудудий бошқарув тузуми, иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётнинг маркази каби тушунчаларни умумлаштирган турдош ном бўлса-да, бироқ ҳар бир шаҳарнинг географик ўрни, хўжалиги, касб-ҳунари ва маънавий ҳаётининг ўзига хослиги, ҳатто айрим сифатлари билан ҳам, ниҳоятда, сермазмун бекиёс топонимлар билан ифодаланган.

Тарихий жараёнлардан аён бўлишича, деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликларидан ҳунармандчилик алоҳида мустақил касб-ҳунар тарзида ажралган, шаҳристон сахнида, Хиванинг Ичанқалъасидек қисмида кўю-кўчалар асосида маҳалла-кўйлар шаклланиган. Чунки мазкур шаҳристон кўйларида азалдан ҳунар аҳли яшаб, устахоналари муҳим қарор топган. Шу боисдан ўрта асрларгача (IV-VIII) шаҳарларнинг шаҳристон қисмидан ўтказилган кўй, кўча ёки гузарлари бир хил талаффузда, яъни бир шаклда кўй

деб юритилган. Сўнгра VIII аср бошларида, араб тилига таржима этилиб, “маҳалла”, яъни ўзбекча “жой” ва “ўрин” маъноларини англатувчи атама билан аталиб кетган. Шаҳар майдонини кенгайтиши билан маҳалла, кўй ва кўчаларнинг сони ҳам, номланиши ҳам ортиб борган. Бундай маъно жиҳатдан синонимик номлар – маҳалла-кўй шаклида ўзбек тилининг ноёб қадимги қадрияти сифатида ҳамон, кексаларимиз иборасида кўлланилиб келмоқда.

Тошкентнинг 22 асрлик ўтмиши давомида кечган шиддатли тарихий жараёнлар оқибатида мазкур кўча шаҳримизнинг ўтмиш географияси ҳам, топографияси ҳам, ҳатто унинг дастлабки номланиши ҳам деярли ўзгариб кетган бўлса-да, бироқ кейинчалик ҳозирги Тошкент шаҳри ҳудудида шаклланган маҳалла-кўйлар, биноу иншоотлар, илмгоҳлару зиёратгоҳларнинг атамаларида узоқ ва яқин ўтмишнинг тарихий манзараси маълум даражада ўз ифодасини сақлаб қолган. Масалан, XX аср бошларида айрим маълумотлар бўйича Тошкент шаҳрида ҳаммаси бўлиб 281 маҳалла, 180 мавзе, 283 масжид, 26 мадраса бўлган. Ҳозирги вақтда Республикамиз шаҳарларида ўн мингдан ортиқ, пойтахтда эса 474 та маҳалла мавжуд. Шаҳар бўйлаб уч мингга яқин кўча-кўйлар тармоқ отган.

Ўтмишда Тошкентнинг тўрт даҳаси чегаралари уларни узунаси ёки кўндаланг кесиб ўтган марказий кўю кўчалари бўйлаб белгиланган. Маҳаллалар эса гузарлари билан ажралиб турган. Маҳалла гузарлари орқали йўналган кўчаю кўйлар бўйлаб қатор иморату иншоотлар, масжиду мадрасалар қад кўтарган, баъзан эса айрим майдонлар ҳам ястанган. Тошкент шаҳри ва атрофида қайд этилган топономия хилма-хил ва ниҳоятда, микро топонимларга бойдир. Масалан, XX аср бошларида шаҳарда 500 тагача ҳовуз, 1500 бозору расталар, 5000 га яқин дўкон, 40 та қабристон, қарийб 200 боғ ҳовли-мавзелар бўлган.

Шаҳар маҳалла-кўйлари номланиши жиҳатидан ниҳоятда курама. Улар тизимида турк-ўзбек, суғд, форс-тожик, баъзан ўзбек-мўғул, турк-тожик, араб-форсий бирикмалар асосида шаклланган урбоним, гидроним, ороним ва этнонимлар қайд этилади. Масалан, кўча-кўйларнинг айрим тарихий номларида шаҳар табиий манзараси акс этган: Арпапоя, Бўрижар, Бўз, Жаркўча, Зах, Лабзак, Пастак, Сарикўл, Тошариқ, Хадра, Шўртепа, Ўркўча, Чуқуркишлоқ, Чуқурсой, Ўртатўқай, Яланғоч, Регистон, Қумлоқ, Чангалзор, Ингичка кўриқ Қурқават (Кўриқ работ) каби атамалар умум турдош номлар асосида шаклланган оронимлардир.

Тошкентнинг сув манбаларини англатувчи гидронимларнинг аксарияти, гарчи ўзбек ва туркий сўзлар асосида юзага келган бўлса-да, аммо улар тизимида арабий, форс-тожик ва айрим мўғулча бирикма атамали гидротопонимлар ҳам шаклланган. Масалан, Бўзариқ, Дамариқ, Дархон (Тархон) ариқ, Йўлариқ, Лабзакариқ, Мозорариқ, Нишабариқ, Терсариқ, Тошариқ (Тагитош), Чангалариқ, Қувур (Кубур) ариқ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шаҳар топонимиясида касб-хунар атамалари билан юритилган маҳалла-кўй ва мавзелар алоҳида ўринга эга. Уларнинг каттагина қисми арабий, форс-тожик атамалар асосида шаклланган. Улар асосан бозор, хунармандчилик расталари ҳамда турли хил устахоналар жойлашган маҳалла-кўй номлари сирасига оиддир. Масалан, Атторлик, Базозлик, Дехрез (Дароз), Заргарлик, Кўнчилик, Маҳсидўз, Мисгарлик, Нонвойгузар, Парчабоф, Табибкўча, Такачи, Темирчи, Чилангар, Эгарчи, Ўқчи ва Хизматчи каби топонимларда шаҳар хунармандчилиги ва унинг турли соҳалари ҳамда жойлашган манзиллари яққол ифода этилади.

Қадимдан Тошкент жаҳон бозори карвон йўлларининг чорраҳасида жойлашгани туфайли ички ва ташқи савдо бозорида муҳим ўринга эга бўлган. “Тарихи жадидаий

Тошканд” номли китобнинг муаллифи Муҳаммад Солиххўжа Регистон майдонида ястанган Эски Жўва номли бозорнинг шаҳарни асосий савдо маркази сифатида таърифлаб, “унинг дўкон-расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этади. Рамазон ойида бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади” у “бозори шаб” деб юритилганини таъкидлайди. XIX асрнинг охири - XX аср бошларида Тошкентда бозор расталарининг сони 1.500 тага етган. Улар рўйхатидаги Атторлик, Базозлик, Бандак (паранжи) бозори, Дўппибозор, Ипакбозор, Калавабозор, Кетмонбозор, Майизбозор, Мошфурушлик, Сабзибозор, Сўкфуруш, Тузбозор, Унбозор, Ковушбозор, Кўрпабозор, Гуручбозор, Каппон (улгуржи) бозор, Бедабозор, Болтабозор, Булғорбозор (тери), Бўйрабозор, Гулбозор, Кўмирбозор, Носвойбозор, Пахтабозор, Пичокбозор, Сандикбозор, Саҳҳоббозор, Сомонбозор, Ходабозор, Тамакибозор, Товокбозор, Чиннибозор, Этикбозор, Юганбозор, Қандалокбозор, Қассоббозор, Қозокбозор, Қулфбозор, Қўйбозор, Ғўзабозор, Қаймоқбозор каби атамалар Тошкент тарихда ички ва ташқи савдо муносабатларда ҳар томонлама кенг ривож топиб, жаҳон савдосида ўз ўрни билан шуҳрат топганлигидан далолат беради.

Тошкент шаҳрининг топонимиясининг маълум бир қисми халқ, элат, қабила, уруғ-аймоқ ёки уларнинг айрим гуруҳ ва тўплари номлари билан боғлиқ этноурбонимлар билан ифодаланган. Уларнинг аксарияти маҳалла-кўй, кўча ва дарвозалари атамалари қаторида қайд этилади. Бундай нуфузли номлар Ўзбек, Тожиқ, Турк, Қашқар маҳаллалари ёки Эрон, Жухудраста, Қозокбозор, Қирғизкўприқ, шунингдек, Ёбу, Қалтатой, Қиёт, Мўғол, Мўғулча, Турктепа, Нўғойкўрғон, Нўғойтўпи, Чимбой, Чигатой, Чувалачи, Қанғли (Қани), Қорамурт каби шаклларда тилга олинади.

Бундай этноурбонимларнинг аксарияти Тошкентнинг эски шаҳар қисми атрофида қайд этилган. Бундай тарихий топографик манзара, шубҳасиз, аввало ўрта асрларда, қатор туркий қабилаларни ўтроқлашиб, Тошкентдек бағрикенг шаҳар атрофида жойлашганидан далолат берса, қолаверса ўтроқ шаҳарликлар бундай жанговар кўшимча кучдан мудофаа мақсадида фойдаланганлар. Шаҳар дарвозаларининг номланишидан аён бўлишича, уларга дарвозаларда посбонлик қилиш топширилган. Масалан, Кўйимас дарвозасини қиёт қабиласи ҳимоя қилган. Қиётликлар Анҳор сувининг ўнг соҳилида, ҳозирги Мустақиллик майдони рўпарасида жойлашган шу номдаги маҳаллада яшаганлар. Кўкча Ёбу, Чигатой (Кўшчи Ота) дарвозасини муҳофазаси чигатойликлар зиммасига юклатилган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Қорасарой, Бешоғоч ва Камолон (Камондорон) дарвозалари ҳам мазкур номлардаги уруғ ва қабилалар номлари билан юритилган. Бундай шакллардаги этноурбонимлар Тошкентда нафақат ўтроқ хунарманд ва чорвадор аҳоли қоришиб ҳаёт кечирганидан, балки у чегарадош кўшни мамлакат аҳолиси билан ҳам ўзаро савдо ва маданий алоқада бўлганидан далолат беради. Шу боисдан бўлса керак унинг маҳалла-кўй ва кўчалари ўзбек ва туркий атамалар қаторида форс-тожиқ, арабий, баъзан икки тилдаги кўшалок бирикма сўзли номлар ҳам учрайди. Масалан, Дероз (Дегрез) – чўянгар, яъни чўяндан қозон, омовчи тиши, узанги, ҳаввонча (келича), ўғир каби асбоб-ускуна ва буюмлар ясовчи; Мерганча (мўғулча) сарбоз, ўқчилар маҳалласи; Бўржар тошқин ўпирган жарлик; Дўмвиробод аслида Дамгирработ йўлдаги дам оладиган кўноқ; Парчабон атлас ва кимхоб тўқувчилик; Посира беватан, ялангоёқ корранда; Сағбон бозор аҳли; Хадри адирлик; Эски Жўва аслида Иско Жўба юкори, яъни Катта бозор демакдир.

Шунингдек, Қорёғди урбоними қор ёғишини англатмайди. Ҳатто у халқимиз томонидан хотира куни тарзида ўтказиладиган анъанавий урф “қор ёғди” мотам маросимида ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқдир.

Мазкур атама арабча “Қария” ва форс-тожикча “ди” шаклларидаги қишлоқ маъносини англатувчи икки тилдаги бирикмали синонимик урбонимдир. Шунга ўхшаш Қурвақавот атамаси ҳам аслида Қурукравот, яъни Қуруқ даштдаги работ ёки қўноқ маъносини англатган.

Хуллас, йигирма икки асрлик ўтмишда содир бўлган улкан тарихий жараёнлар оқибатида илк бор қад кўтарган Тошкент шаҳри худудининг тарихий географияси, хусусан топографияси билан бир қаторда унинг Чоч, Чочкат, Шош, Мадинат-уш-Шош деб юритилган қадимий номлари ҳам ўзгариб, тарих саҳифаларида қолдирилган. Бирок шундай бўлса-да, қўхна шаҳарнинг пойдевори асосларида янгидан барпо этилган Бинкат, яъни Тошкентнинг ниҳоятда бой ва серқирра топонимиясида шаҳар тарихининг ҳаётий манзарасининг жилоси маълум даражада сақланиб қолган. Унинг маҳалла-қўйлари урбоними, гидроними, этнотопоними ва оронимларида на фақат тошкентлик аждодларнинг тили, ижтимоий, маиший ва маънавий ҳаётининг айрим муҳим жиҳатлари, балки уларнинг ички ва ташқи дунё билан олиб борган серқатнов ўзаро муносабатларининг аниқ излари ҳам ўз инъикосини топган.

*Ф. Максудов, Г. Бабаяров
(Ўзбекистан)*

К ЭТИМОЛОГИИ ТОПОНИМА ЧАЧ

В последнее время в отечественной печати все чаще стали появляться статьи, посвященные этимологической связи древнейшего названия Ташкента – топонима Чач со значением «камень». Данная проблематика дискутируется в нашей стране сравнительно с недавнего времени, однако в зарубежной литературе вопросам этимологии Чача уделялось большое внимание уже с начала XX в. Ввиду отсутствия всестороннего этимологического анализа, научные споры по этому поводу до сих пор продолжаются.

Известно, что название Ташкентского оазиса в китайских источниках V века н.э. встречается в форме «*Ши-го*», что означает «каменное государство». Исходя из этого, Э. Шаванн приходит к выводу, что данный топоним связан с тюркским словом *таш* «камень»¹. С мнением о связи китайского термина *Ши* и значения «камень» соглашаются такие исследователи, как Е. Пуллейблэнк, А. Аальто, К.Е. Босворт, К. Пужоль². Не отрицает мнения Шаванна, что китайский термин являлся калькой, и М. Компаретти³.

Однако другая группа ученых считает неприемлемым тождество терминов Чач – Ши («камень») – др. тюрк. *таш* (К. Ширатори, Й. Маркварт⁴), основываясь на факте, что китайцы культуру Ташкентского оазиса считали согдийской, т.е. восточно-иранской. До настоящего времени исследователями не прослежена этимологическая связь

¹ Chavannes E. Documents sur les Tou-Kiue (Turks) occidentaux. СПб., 1903. P. 140

² Pulleyblank E.G. The Consonant System of Old Chinese // AM, 1962. P. 246-248; Bosworth C.E. Chach // Encyclopaedia Iranica. Vol. IV, London, New York, 1990. P. 604-605; Poujol C. Tashkent // Enciclopedia de l'Islam. t. X.

³ Compareti M. A possible etymology for the toponym Fadi/Vardana in Chinese sources // Археология и история Центральной Азии. К 70-летию Ю.Ф. Бурякова. Самарканд, 2004. С. 180

⁴ Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorebaci. Berlin, 1901. P.154-155, n. 49; Shiratori K. A Study on Su-T'è or Sogdiana // Memories of the Research Department of the Toyo Bunko, 2, 1928. P. 132

термина Чач со значением «камень» не только в согдийском, но и в других языках иранской группы. Несмотря на это, до сих пор в литературе встречается мнение, что якобы имеется генетическое родство этого термина со значением «гора» и «камень» на местном (согдийском) языке¹.

Напротив, в западной историко-лингвистической литературе чаще встречается мнение о происхождении названия Чач от одноименного прототюркского термина, означающего «камень». В. Бангом предложено, что слово *čaš* восходит к тюркскому *taš* через дистанционную (удаленную) ассимиляцию, и он ссылается на чувашское *t'sul* < **čaš* < *taš*². Сравнивая особенности гунно-булгарских и восточнотюркских языков, О. Прицак выявил, что в языке сюнну слово *če-še*, означающее «камень» (по Вэй-шу), происходит от **ča*[l]č. Таким образом, древнейшая форма < **čalč* в прототюркском языке видоизменилась в чувашском на слово *čul*, а в других тюркских – на *taš*³. Аналогичную лингвистическую трансформацию можно наблюдать и на примере прототюркского слова **balč* > *bal/bač* > *baš* в значении «голова»⁴.

² Извлечения из «Лексикона Российского, исторического, географического, политического и гражданского» В.Н. Татищева (30-40-е годы XVIII в.) // История Узбекистана в источниках. Ташкент, 1988. Книга II. С.96.

³ Вельяминов-Зернов В.В. Сведения о Кокандском ханстве... С. 131.

⁴ Ташкент в описании Шубая Арсланова // История Узбекистана в источниках. Ташкент, 1988. Кн. II. С.108.

⁵ Ходжиев Э.Х. Экономические и политические связи Ташкента с Россией... С.10.

⁶ Дженкинсон А. Путешествие в Среднюю Азию 1558-1560 гг. // Английские путешественники в Московском государстве в XVI в./Пер. с англ. Ю.В. Готье. М., 1938. С. 184-185.

Шаҳарнинг иқтисодий алоқалари унда муайян бозор инфраструктурасининг ривожланишига олиб келган. Жумладан, шаҳарда хорижий савдогарларнинг тўхташлари учун карвонсаройлар мавжуд эди. XIX асрнинг 60-йилларида шаҳарда уларнинг сони 17 та атрофида бўлган. Турли мамлакатлар савдогарлари муайян карвонсаройларда яшаганлар. Хорижий савдогарларнинг катта қисмини ташкил қилган хиндлар Ширин Хожа Раис саройида тўхтаганлар. Шаҳар карвонсаройларидан бири “Яхудийлар карвон-саройи” номи билан маълум эди.

Тошкент йирик савдогарлар шаҳри эди. Улар шаҳар карвонсаройларида хорижий савдо аҳли билан бир қаторда ўз молларини сақлар ва улар билан улгуржи савдони амалга оширар эдилар. Хусусан, Исабек, Шохбек, Дастурхончи, Абдурасул ва Мулла Омонбой раис номи билан машҳур саройларда улгуржи савдо билан шуғулланувчи тошкентлик бой савдогарлар ўз молларини сақлаганлар¹.

Аксарият ҳолатларда карвонсаройлар маълум хил маҳсулот ёки хом ашё турини сақлаш учун ҳам омборхона вазифасини ўтаган. Жумладан, Тошкентнинг “Майиз саройи” фақатгина курук меваларни сақлашга ва улар билан улгуржи савдони амалга оширишга мўлжалланган бўлиб, унда савдогарларнинг яшаши учун шароит йўқ эди².

Карвонсаройларнинг яна шундай бир тури ҳам мавжуд бўлиб, улар одатда бошқа саройлардан ҳажм жиҳатидан кичиклиги билан ажралиб турар ва уларда асосан камбағал йўловчилар, юксиз савдогарлар, ўз туяларида савдогарларнинг юқини ташиб берувчилар тўхтар эдилар. Бундай саройлар асосан Тошкентда мавжуд бўлиб, уларда кўпинча ўз туяларини чўлда сақлаган Россияга юк ташувчилар тўхтар эдилар.³

Тошкентнинг Ўрта Осиёдаги савдо-иқтисодий алоқаларида бозорлар муҳим ўрин тутган. Уларда турли мамлакатлар савдо аҳли ўзаро мулоқотга киришган. Шаҳар бозорлари бошқа Ўрта Осиё шаҳарларида кузатилгани каби бирор турдаги маҳсулотни сотишга ихтисослашган эди. 1735 йилга оид Нур Муҳаммад Алимов кўрсатмасидан аён бўладики, Тошкентда “...ҳар бозорда бир хилдаги мол” сотилган бўлиб, “унда бошқа нарса йўқ... пахта, ипак, ... этик... ипак парчалар турли бозорларда”⁴ сотилган. Бу ўринда қайд этиб ўтиш жоизки, бозорларнинг бундай ихтисослашуви сотиладиган моллар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, уларнинг сифати яхшиланиши ва нархининг пасайишига олиб келган. XIX асрга оид аниқ маълумотларга кўра, шаҳар марказида жойлашган бош бозор “узунлигига 400 саржин, энига 100 саржин” бўлиб, 2400 дўконга эга эди. Уларда турли-туман маҳсулотлар билан савдо қилиниб, бу маҳсулот тури ушбу бозорнинг номини белгилаган эди. Булар - баққол бозори, арпа бозор, ун бозор, гўшт бозор, нонвой бозор, кафш бозор, ёғоч бозор, кўрпа-гилам бозори, темир бозори, мис бозори, шам бозори, чойпуруш-аттор бозори, чит бозори, адрас бозори, пичоқ бозори, пахта бозори, тамаки бозори, товоқ бозори, заргарлик бозори, сағри бозори ва ҳ.к. Шаҳарнинг ташқи иқтисодий алоқалари бозорлар номланишида ҳам ўз аксини топган. Маҳаллий аҳолининг дашт аҳли билан муносабатлари натижасида қозоқпуруш бозор, кўн бозор, қўй бозор ва бошқалар вужудга келган эди. Уларда шаҳарлик ва қўшни даштлик савдогарлар ўзаро савдо-сотикни амалга оширганлар.

Шаҳарда асосан кундузи, баъзан тунда ҳам савдо қилинган. Бундай савдо асосан баъзи байрамлар, ҳайит кунлари ва рўза пайтида амалга оширилган. “Тарихи жадидаи

¹ Тетевревников А.Н. Очерки внутренней торговли киргизской степи. СПб., 1867. С. 311.

² Ўша асар. 312-бет.

³ Тетевревников А.Н. Очерки внутренней торговли киргизской степи... С. 311.

⁴ Рассказ сарта Нур-Мухамета, записанный в марте 1735 года в оренбургской экспедиции, о киргизских ханах, городах Ташкент, Туркестан и разных других предметах // Материалы по истории России. Оренбург, 1900. С. 85.

Тошкент” асарининг муаллифи Муҳаммад Солиҳ XIX асрда Тошкент ҳақида ёзар экан, “Бозорнинг дўкон расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этади. Рамазон ойида, бу ерда кечаси ҳам бозор бўлади, халқ савдо-сотик, ҳар хил ўйин-кулгу қилади”, деб қайд этади¹.

Ташқи ва транзит савдо шаҳарда хорижлик савдогарлардан бож ундириш борасида муайян тартибнинг шаклланишига олиб келган. Хусусан, шаҳарга яқинлашган карвон маълум белгиланган ерда тўхтаб, ўзи ҳақида хабар бериши лозим эди. Масалан, Тошкентга Қўқон ва Бухоро шаҳарларидан келадиган карвонлар, XIX аср муаллифи А.К. Гейнснинг кўрсатишича, Қоплонбек, Чиноз ва Чирчиқ ёнида яшаган закотчилар томонидан текширилган ва карвон ҳақида шаҳарга хабар етказилган².

Бу шаҳарга хос асосий хусусиятлардан бири шу эдики, шаҳар аҳлининг кўпчилик қисми шаҳар атрофидаги ерларда деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланиш имконини берадиган ер участкаларига эга эди. Бундай ер участкалари жойлашган худудлар, одатда, “мавзелар” деб аталар эди. Бундай ерлар ёзда гавжум бўлиб, аҳоли шаҳарлардан кўчиб чиқиб бу ерларда яшар эди. Бундай мавзеларнинг катта рўйхатини келтирган Н.Г. Маллицкий улар жумласида Оққўрғон, Дархонарик, Ялонғоч, Айрилиш, Оқтепа, Юнусобод, Қорасарой, Ўнкўрғон, Ачавот, Бешқайрағоч, Қорасув, Курбақаобод ва бошқаларнинг номларини келтиради. Шу муаллифнинг кўрсатишича, шаҳарнинг Шайхонтахур қисмига 31 та, Себзор қисмига 65 та, Кўкча қисмига 45 та, Бешёғоч қисмига эса 36 та мавзе қараган³.

Тошкент аҳолиси томонидан шаҳар ва унинг атрофидаги ерларда етиштирилган деҳқончилик, боғдорчилик маҳсулотлари ва айрим чорва моллари кўп ҳолларда товар характерига эга бўлган. Бу маҳсулотлар шаҳар аҳолисининг ички эҳтиёжларини қондириш билан бирга, узоқ ва яқин худудларга, хусусан, қўшни даштга ҳам олиб борилган. Шунингдек, бу маҳсулотлар маҳаллий ҳунармандлар томонидан яратиладиган турли буюмлар учун асосий хомашё вазифасини ўтаган. Шаҳарнинг бу хусусияти унинг Марказий Осиёдаги иқтисодий мавқеини ўсишига хизмат қилган.

Шундай қилиб, XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Тошкент Ўрта Осиёда кечган мураккаб сиёсий жараёнларда муҳим ўрин тутган, турли ҳунармандчилик соҳалари, ички, ташқи ва транзит савдо ривожланган, ўзига хос савдо маданиятига эга йирик марказлардан бири эди. Турли карвон йўллари тутшиб кетган худудда жойлашган бу шаҳар Марказий Осиёда кечган сиёсий, иқтисодий жараёнларда муҳим ўрин эгаллаб, турли халқларнинг иқтисодий интеграциясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ва ўзи ҳам ривожланиб борган.

Г. А. Агзамова

Место Ташкента в политических и экономических процессах Средней Азии (XVI - первая половина XIX в.)

Доклад посвящен раскрытию роли города Ташкента в политических и экономических процессах, происходивших на протяжении XVI – первой половины XIX в. На основе разнохарактерных источников показывается статус этого центра в государстве Шайбанидов, Аштарханидов и процесс образования в Ташкенте своеобразной формы управления, которая в последней четверти XVIII столетия переросла в «город-республику». Анализируется экономический потенциал города. В частности, детально рассмотрены вопросы, связанные с состоянием различных ремесел, показаны особенности этой части

¹ Қаранг: Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. Тошкент, 1983. 40-бет; Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. Тарихий ва археологик лавҳалар. Тошкент, 1988. 59-бет.

² Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве // Гейнс А.К. Собрание литературных трудов. СПб., 1898. Т. II. С. 488.

³ Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля и маузе // В.В. Бартольд – туркестанские друзья, ученики и почитатели. Ташкент, 1926. С. 114-121.

экономической жизни города. Анализируются проблемы городской торговли, сельского хозяйства и т.д., выявлены общее и особенное с точки зрения градостроительной культуры и городской жизни Средней Азии.

G.A. Agzamova

The place of Tashkent in political and economic processes of Central Asia (the 16th - first half of the 19th century)

The report is devoted to disclosing of the role of Tashkent in political and economic processes occurring throughout the 16th – first half of the 19th century. On the basis of various sources the status of this centre in the Shajbanid's and Ashtarhanid's states and formation process in Tashkent of an original form of government which in last quarter of 17th century has outgrown in "city-republic" is shown. The economic potential of the city is analyzed. In particular, questions connected with a condition of various crafts are considered in details; features of this part of an economic life of the city are shown. And also problems of city trade, agriculture are involved in the detailed analysis, and are revealed the general and especial from the point of view of town-planning culture and a city life of Central Asia.

Ў. Султонов
(Ўзбекистон)

ЯЛАНГҚАРИ МАСЖИДИ ВАҚФНОМАСИ ХУСУСИДА

Марказий Осиё халқлари, хусусан, Ўзбекистон тарихини ўрганишда тарихий ҳужжатларнинг ўрни бекиёс. Бундай ҳужжатлар орасида вақфномалар алоҳида аҳамият касб этади. Минтақа тарихига доир айрим вақф ҳужжатлари Н.Г. Маллицкий, В.В. Бартольд, П.П. Иванов, А.А. Семенов, Р.Н. Набиев, М.Ю. Юлдашев, Р.Г. Мукминова, О.Д. Чехович, Б. Қозоқов, З. Қутибоев, Ғ. Жўраева, Э. Каримов каби бир қатор тадқиқотчиларнинг ишларида ўрганилган.

Маълумки, вақфнома, асосан мадраса, масжид, мазор, қорихона каби исломий муассасалар фойдасига белгиланган мол-мулкнинг расмий-ҳуқуқий ҳужжати¹. Вақф ҳужжатлари ўша давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тўғрисида компиляция ва панегиризмдан узоқроқ ҳолатни тасвирлаб бериши билан аҳамиятга эга. Жумладан, масжидлар вақфномалари тадқиқи уларнинг тарихи хусусида анча батафсил маълумот беради. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошган ҳолда Тошкент шаҳридаги қадимий масжидлардан бири - Ялангқари маҳалласида бунёд этилган Азизлархон эшон масжиди вақфномаси хусусида тўхталишни лозим топдик.

Ҳозирда Ялангқор² кўчаси (Чинор берккўча) 2-уйда жойлашган Азизлархон эшон масжиди 1953 йилда И.Ф. Бородина томонидан тарихий ёдгорлик сифатида қайдга олинган. Масжид бугунги кунга қадар фақат меъморий жиҳатдан В. Булатова, Л.Маньковская ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар томонидан ўрганилган³. Бироқ, тадқиқотчилар унинг қурилиш услубига асосланиб, XVIII аср ўрталарида ёки 60-70-йилларида қурилганлигини таъкидласалар-да, масжид тарихи хусусида бошқа аниқ маълумотларга эга бўлмаганлар. Биз тадқиқ этмоқчи бўлган вақфнома ва унинг атрофида юритилган мулоҳазалар айрим масалаларга ойдинлик киритади.

Мазкур вақфнома ҳижрий 1223, милодий 1808-1809 йилга тегишли бўлиб, унда масжидни қурдирган деб тахмин қилинувчи Мир Қурбоншайх азизон ўз мулки бўлган Арпаоя ва Ялангқари маҳаллаларидаги катта бўлмаган ерларни масжид фойдасига

¹ Жўраева Ғ. Вақф нима? // Шарқшунослик. 1990. 2-сон. 7-47 – бетлар.

² Масжид жойлашган маҳалла XIX–XX аср бошларига мансуб ёзма манбалар, вақф ҳужжатлари ҳамда архив ҳужжатларида “Ялангқари”, ҳозирги аҳоли тилида эса “Ялангқор” шаклида қўлланилади ва турли маънолар билан изоҳланади.

³ Булатова В., Маньковская Л. Памятники зодчества Ташкента XIV-XIX вв. Ташкент, 1983. С.53.

вақф қилингани айтилади¹. Вақфнома юпқа маҳаллий сарғиш қоғозга битилган бўлиб, 21x31,2 см ҳажмда, жами 12 қатор. Вақф ҳужжати қози Исахўжа ибн Юнусхон эшон (1240/1824), Шоҳ Бадал Муҳаммад муфти ибн Мулла Шоҳ Муҳаммад Амин (1240/1824), Муҳаммаджон муфти ибн Юнусхон Алавий ҳамда Мулла Хон муфти ибн Домулла Шоҳ Неъмат (1242/1826) муҳрлари билан тасдиқланган.

Аввало, вақфномада воқиф, яъни вақф қилувчи сифатида тилга олинган Мир Қурбоншайх азизон шахси диққатни тортади. Зеро, манбаларда масжидни қурдирган шахс тилга олинмаса-да, ҳозирда масжид жойлашган маҳалла аҳлига маълум бўлган бир нақлда масжид Мир Қурбоншайх исмли киши томонидан XVIII аср ўрталарида қурилганини таъкидлайдилар.

Мир Қурбоншайх азизон вақфномадан ташқари, яна икки манбада тилга олинган. Улардан бири Мир Қурбоншайх азизоннинг авлоди Зайниддинхон эшоннинг² тариқат силсиласидаги 1274 (1862-1863) санаси кўрсатилган муҳрида унинг насаби куйидагича кўрсатилган: “Зайниддинхўжа ибн Ҳодихўжа ибн Муҳаммадхўжа ибн Мир Қурбоншайх азизон”. Иккинчи маълумот эса, Мир Қурбоншайх азизоннинг кичик замондоши, муаррих Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида келтирилган.

Мазкур манбаларда ва нақлда келтирилган шахс вақфномада тилга олинган Мир Қурбоншайх азизон билан айнан бир шахс эканлигига шубҳа йўқ. Қизиғи, аҳоли орасида Мир Қурбоншайх азизоннинг Арабистон мамлакатидан бир неча сафдошлари билан Ўрта Осиё шаҳарларига дин тарғиботи учун келиши билан боғлиқ нақл бор³. Унга кўра, Тошкентга келган Мир Қурбоншайх азизонга ўша вақтда ялангликдан иборат бўлган Ялангқор (Ялангқари)маҳалласидан ер берилган. Мир Қурбоншайх азизон шу ерда масжид қуриб, фаолият юритган. Нақлда уйланиб, фарзандлар орттирган Мир Қурбоншайх азизон умрининг охирларида Арабистонга қайтиб кетганлиги, фарзандлари эса Ялангқари маҳалласида яшаб қолгани айтилган. Дарҳақиқат, айрим вақф ҳужжатларида кўсатилишича, Мир Қурбоншайх азизоннинг ўғиллари – Муҳаммадхўжа эшон ва Яъқубшайх Ялангқари маҳалласида, масжид жойлашган кўчада истиқомат қилган.

Лекин, “Мир Қурбоншайх”нинг Араб ўлкасидан келиши билан боғлиқ нақлнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини айтиш қийин. Чунки, ушбу маълумотни ҳозиргача бирор бир ёзма манбада учратмадик. Мазкур нақл мазмуни ёки ҳеч бўлмаганда унга яқинроқ тафсилотлар, ҳатто, Зайниддинхон эшоннинг юқорида тилга олинган тариқат силсиласида ҳам кузатилмайди. Агар, Мир Қурбоншайх азизон ҳақиқатан ҳам Араб ўлкасидан келган бўлганда, Зайниддинхон эшон шаҳардаги кўзга кўринган тариқат намояндаси сифатида ундаги деталлардан ўзининг келиб чиқиши, аجدодларининг кимлиги ҳақида ўз силсиласида бир оғиз бўлса-да, тўхталиб ўтган бўлар эди.

¹ ЎзР МДА. 1-И-жамғарма, 17-рўйхат, 32663-иш, 31- варақ.

² Зайниддинхон эшон ўз даврининг чуқур билимли кишиларидан. Н.Ликошиннинг ёзишича, имом Зайниддинхон эшон (т.й. 1833) жаҳрия тариқатига мансуб таниқли ва бадавлат эшонлардан бўлиб, Тошкентнинг ўзида 600 нафар, Тошкент вилоятида 100 нафар муриди бўлган. 1870 йилда нақшбандия-муҷаддия тариқати шайхларидан Меҳмонхон эшондан иршод олган, ўзи ҳам бир неча халфа тайёрлаган. Архив ҳужжатларида Зайниддинхон эшоннинг 1892 йилда Тошкентда юз берган вабо ғалаёни етказиларидан бўлганлигини кўрсатувчи маълумотлар ҳам талайгина. Н.Ликошиннинг таъкидлашича, бу воқеадан сўнг исёнчилар тарафдори сифатида айбланган Зайниддинхон эшон кўп ўтмай оқлангач, обрўйи янада ортиб кетган. Қаранг: Ликошин Н. Тошкент эшонлари. Ташкент, 1996. 18-бет.

³ Мазкур нақлнинг қисқача мазмуни ўзини Азизлархон эшоннинг еттинчи авлоди деб таништирган Шайхонтахур тумани Ялангқор кўчаси 25-уйда истиқомат қилувчи Абзал Исмоиловдан (т.й. 1954) ёзиб олинди. Ҳозирда Азизлархон эшон масжидига А. Исмоилов ховлисидан кирилади.

Қолаверса, Зайниддинхон эшоннинг мадрасадаги сабоқдоши ва унинг яқин таниши Муҳаммад Солиххўжа ҳам бу тўғрида ҳеч нарса ёзмайди. Аксинча, Мир Қурбоншайх азизонни асли Яланқари маҳалласидан бўлганлигига ишора қилади. Аслида, тахминан XIX асрнинг 30-йилларида туғилган Муҳаммад Солиххўжа Мир Қурбоншайх азизонни яқиндан билмаган. У ҳақидаги маълумотларни анча йиллар ўтгач, XIX асрнинг 80-йилларида суҳбатдошларидан, эҳтимол Зайниддинхон эшоннинг ўзидан эшитганлари асосида ёзган. Шу сабабли, Мир Қурбоншайх азизон ҳақидаги нақл хонадоннинг Зайниддинхон эшондан кейинги вакиллари даврида юзага келган деган фикрни ҳам айтиш мумкин.

Бевосита тарихий маълумотларга асосланадиган бўлсак, вақфномада, Зайниддинхон эшон муҳри ҳамда “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида келган Мир Қурбоншайх исмидаги “азизон” ва “азизлар” атамасига қараганда, мазкур шахс шаҳардаги яссавия тариқатига мансуб маҳаллий тасаввуф намояндalarидан бири бўлган. Сабаби ўрта асрларда яссавий шайхларга нисбатан кенг қўлланилган “азизон” сўзининг эквиваленти сифатида қўлланилган “азизлар” сўзи Тошкентдаги XVIII-XIX асрларда шаклланган аксарият яссавия тариқати билан боғлиқ мазорларда ҳам кузатилади. Қолаверса, Мир Қурбоншайх азизон авлодларидан Ҳодихон азизлар, Зайниддинхон эшон, Муҳиддинхон эшонлар ҳам жаҳрия-яссавия тариқатига мансуб бўлганлар.

Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида келтирилишича, Бешёғоч даҳасининг Яланқари маҳалласидан бўлган Қурбоншайх азизлар (яъни, Мир Қурбоншайх азизон) ушбу маҳаллада ўз масжиди бўлган ва у бешёғочлик машхур эшонлардан Юсуфхон эшон Камолоний билан бир вақтда яшаган¹. Агар, Юсуфхон эшоннинг Муҳаммад Солиххўжа ёзганидек, Қўқон хони Олимхон (1798-1810) замонидан то Муҳаммад Алихон (1822-1841) давригача ҳаёт бўлганини эътиборга олсак, Мир Қурбоншайх азизоннинг ҳам XVIII аср 2-ярми ва XIX аср 1-ярми оралиғида яшаб ўтгани маълум бўлади. Буни вақфномадаги далиллар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, вақфномада, ҳижрий 1223/1808 йил санаси кўрсатилган бўлса-да, у 1825-1831 йиллардан сўнг тасдиқланган. Сабаби вақфномадаги қозихона амалдорлари муҳрларидаги 1240/1824 ва 1242/1826 йил саналари вақфнома 1824-1842 йиллар орасида тасдиқланганини кўрсатади.

Мазкур вақфномада Мир Қурбоншайх азизоннинг марҳум сифатида тилга олинмаслиги унинг бу даврда ҳаёт бўлганидан дарак беради. Демак, Мир Қурбоншайх азизоннинг ҳақиқатдан ҳам XIX асрнинг 30-йиллари бошида ҳали ҳаёт бўлгани аниқ экан, у ҳолда масжид XVIII аср ўрталарида қурилган деган фикр ҳақиқатдан йироқ. Масжиднинг қурилиш санаси Мир Қурбоншайх азизон ўз фаолиятини йўлга қўйган пайтларга, яъни XVIII аср охирилари ёки XIX аср бошига тўғри келади.

Масжиднинг номланишига келсак, вақфномада масжид Яланқари маҳалла масжиди сифатида эслатилган. Муҳаммад Солиххўжанинг XIX аср 70-80-йиллари ўрталарига тегишли хотираларида масжид номи келтирилмаган. Унинг Азизлархон эшон номини олиши XIX асрнинг 90-йилларидан кейинги даврга мансуб архив ҳужжатларидагина тилга олинади. Азизлархон эшон масжидининг номланиши Мир Қурбоншайх азизон авлодлари - Ҳодихон азизлар ёки Зайниддинхон эшон номи билан боғлиқ. Сабаби, уларнинг иккиси ҳам халқ орасида “Азизлархон” номи билан машхур бўлган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Яланқари масжиди вақфномаси бугунги кунда сақланиб қолган Азизлархон эшон масжиди тарихига доир айрим масалаларга аниқлик киритади. Вақфномадаги ва бошқа манбалардаги маълумотлар тадқиқи эса ушбу масжиднинг таъмирлаш ишларида ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Муҳаммад Солиххўжа. Тарихи жадидаи Тошканд. ЎзРФАШИ қўлёзмаси, №11073. 282а -варак.

О вакфном документе мечети Ялангари

В статье исследуется вакфный документ мечети Азизлархан ишана, одного из историко-архитектурных объектов города Ташкента. На основе новых подходов в изучении вакфнаме, с привлечением данных других источников, а также устной информации дается новая интерпретация вопроса по истории вышеупомянутой мечети.

U. Sultanov

About the waqf document of Yalangqari mosque

The waqf document of Azizlarkhan ishan mosque, one of the historical-architectural buildings of Tashkent city is investigated in the article. On the basis of new approaches in studying waqfnamah, with attraction of given other sources, and also the oral information, new opinions in history above-mentioned mosques are expressed in the article.

Svetlana Gorshenina

Réseau Asie-imasie, FMSH, CNRS

LA VILLE DE TACHKENT EST-ELLE UNE VILLE EXOTIQUE ?

La définition de Tachkent en tant que ville exotique dans le sens même où l'«Occident» a défini nombre de villes de l'Orient ou de l'Asie ne va pas de soi. Du point de vue des pratiques exotisantes son image est loin d'être nette, même en comparaison avec ses proches voisines, qui, telles Samarkand et Boukhara, font toujours «rêver» le grand public.

Avant d'amorcer l'analyse de ce qu'on appelle les représentations (non-) exotiques de la ville de Tachkent, précisons qu'aucun objet ne possède en soi des caractéristiques exotiques ou non exotiques, mais que c'est le type de regard posé sur cet objet qui le rend exotique. Nous pouvons dire ainsi que l'*exotisme* est à la fois une disposition particulière du sujet qui perçoit et la relation que celui-ci établit avec l'objet qui est perçu. Cela signifie qu'un objet peut être transformé par un acteur en un objet exotique (= différent, étranger, bizarre, autre), c'est-à-dire qu'il peut être exotisé, et que ce processus ne peut se produire si ce n'est dans le cadre des pratiques discursives et représentationnelles.

C'est au moment clé où l'Europe «éclairée», alors à l'apogée de son histoire coloniale et impérialiste, construit des exotismes de tous types, que se produit la rencontre coloniale entre l'empire russe et les khanats de l'Asie centrale. Fidèle élève de l'Europe, l'élite tsariste applique les mêmes règles de l'exotisation à ses nouvelles colonies centrasiatiques. Dans les narrations de toutes natures (récits de voyages, correspondances privées, notes scientifiques, essais journalistiques et œuvres littéraires) le discours exotisant se forme surtout par rapport aux capitales ou aux lieux majeurs des khanats centrasiatiques, que ce soient ceux qui, comme Samarkand, sont liés à un passé glorieux, ceux qui, comme Boukhara, occupent une position majeure dans le monde de l'islam, ou ceux qui, comme Kokand ou Khiva, sont réputés pour leurs mœurs «barbares». Comme principauté ordinaire du khanat de Kokand, Tachkent échappe à cette première vague de descriptions pittoresques. Ce n'est qu'après sa prise par le général Mikhaïl G. Chernjaev (1828-1898), que la ville entre avec force dans les discours menés dans les capitales russes au sujet de l'Asie centrale. Son statut, toutefois est différent : comme siège officiel du pouvoir colonial, Tachkent se voit en effet accorder un rôle de vitrine de la présence russe en Asie et de l'empire tsariste en général qui espère se renouveler et se renforcer au travers de Grandes Réformes.

Par conséquent, dans le triangle symbolique formé par l'Europe, la Russie et l'Asie, l'élite tsariste place Tachkent du côté de la Russie et de l'Europe. Saint-Pétersbourg constitue le parallèle le plus proche de cette ville modèle projetée par les administrateurs coloniaux. L'urbanisme de la nouvelle ville russe est calqué sur celui de la Palmyre du Nord ; la

muséologie des multiples expositions turkestanaises présentées dans le monde suggère explicitement la comparaison avec Pierre le Grand du premier gouverneur général du Turkestan Konstantin P. von Kaufman¹, célébré comme ouvrier d'une «fenêtre vers l'Asie»² ; la population se définit elle-même comme «européenne» (et cet usage a survécu au-delà de la période soviétique)... Bien que ces projections idéalisantes ne correspondent pas toujours à la réalité, l'image de Tachkent, souvent farouchement critiquée³, se cristallise sous la forme de *topoi* qui font d'elle une ville «européenne». La présence à Tachkent d'une colonie russe importante résonne dans d'innombrables récits de voyages où les descriptions exotisantes restent généralement réservées à Samarkand et Boukhara. Cette même approche se reflète aussi dans le choix des sujets des cartes postales ou des photographies qui, sur le plan iconographique, valorisent l'idée du progrès et de la modernité apportés par les Russes. Dans cette situation Tachkent ne peut pas constituer ce que l'on appelle «l'Autre», un étranger total par rapport à la métropole russe. À la limite, la propagande tsariste suggère de voir la ville comme un «Autre» assez semblable.

Cependant, le discours exotisant ne disparaît pas complètement. Tandis qu'il prospère à merveille par rapport à Samarkand, Boukhara et Khiva, ce discours se concentre sur l'ancienne ville de Tachkent. Une ségrégation très visible se dessine au niveau des représentations littéraires ou iconographiques : la ville «indigène» de Tachkent est beaucoup plus proche de Samarkand ou de Boukhara que de la ville «russe / européenne». Ce n'est pas un hasard si les légendes des cartes postales se trompent souvent dans la dénomination et la localisation des monuments islamiques de ces trois villes. En même temps, le Tachkent «russe» n'échappe pas complètement à l'exotisation : d'une part, les récits des voyageurs occidentaux décrivent la société russe de Tachkent comme à peine moins exotique que la société locale, et, d'autre part, les colons russes bien installés exotisent / stigmatisent leurs compatriotes pauvres.

Pour conclure, on peut souligner que le poids administratif porté par la ville de Tachkent a contribué à ce qu'elle puisse en partie échapper au processus de l'exotisation, mais que ce phénomène s'est malgré tout manifesté à plusieurs niveaux et à des vitesses différentes. En se concentrant surtout sur la capitale, le programme de modernité du Turkestan russe et son prolongement sur les mêmes bases à l'époque soviétique dans le cadre de l'Ouzbékistan, a également privé Tachkent de beaucoup de caractéristiques traditionnellement citées comme pittoresques et exotiques.

Bibliographie

- Golender Boris**, *Okno v proshloe : Turkestan na starinnykh pochtovykh otkrytkakh : 1898-1917* [Une fenêtre vers le passé : le Turkestan dans les cartes postales anciennes : 1898-1917], Tashkent, R. Elinina, 2002, 246 p.
- Gorshenina S.**, «Krupnejshie proekty kolonial'nyx arxivov Rossii : utopichnost' total'noj *Turkestaniki* general-gubernatora K.P. fon Kaufmana [Projets majeurs des archives coloniales russes : l'utopie des *Turkestanica* exhaustifs de K.P. von Kaufmann] », *Ab Imperio*, 2007, n° 3, pp. 291-354.
- Gorshenina S., Abashin S.** (dir.), *Le Turkestan russe : une colonie comme les autres ?*, Paris, Complexes – ifeac, 2009.
- Gorshenina S.**, *Explorateurs en Asie centrale. Voyageurs et aventuriers de Marco Polo à Ella Maillart*, Genève : Olizane, 2003, 544 p
- Sahadeo Jeff**, 2007: *Russian Colonial Society in Tashkent, 1865-1923*, Bloomington: Indiana University Press.

¹ 1818-1882; en charge de 1867 à 1882.

² Voir notamment l'exposition Polytechnique de 1872.

³ Voir, entre autres, la polémique autour du roman *Messieurs les Tachkentois* [*Gospoda Tashkency*, 1869-1870] de Mikhaïl E. Saltykov-Shchedrin (1826-1889).

ХІХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСІЙ ҲАЁТИНИ ЁРИТУВЧИ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

Тошкент шаҳри ўзининг тарихий тараққиёт жараёнида узоқ ва машаққатли йўллари босиб ўтди. Шаҳар бир қанча босқинчилик тажовузлари, инкирозлар ва юксалиш давларини бошидан кечирди ҳамда ўзининг сиёсий, маданий ва савдо маркази каби хусусиятларини асло йўқотмади.

ХІХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Россия империясининг Туркистонга босқинчилик юришлари бошланди. 1865 йил июнь ойида қаттиқ қаршиликдан сўнг шаҳар аҳолиси таслим бўлди. Энди Тошкент 1917 йилгача Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурий маркази вазифасини бажариб келди. Мазкур давр оралиғида шаҳар ўзига хос ривожланиш йўлини тутди. Тошкентнинг 1865-1917 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихини ёритишда ёзма манбаларнинг ўрни бекиёс бўлиб, ушбу манбаларни туркумларга ажратган ҳолда тасниф этиш мақсадга мувофиқдир.

ХІХ аср иккинчи ярмида маҳаллий тарихчилар томонидан қатор асарлар вужудга келди. Улар орасидан Муҳаммад Солиҳнинг “Тарихи жадидаи Тошканд”, Аваз Муҳаммад Аттор Хўқондийнинг “Тарихи жаҳонномаи”, Мирзо Олим Махдум хожининг “Тарихи Туркистон” каби асарларини алоҳида қайд этиш лозим¹. Мазкур асарларда муаррихлар асосан Тошкент шаҳрининг чор қўшинлари томонидан истило этилиши билан боғлиқ тарихий жараёнларни ёритишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, тарихчи Муҳаммад Солиҳ Тошкент мудофаасида шахсан ўзи иштирок этган ва мазкур воқеаларнинг жонли гувоҳи сифатида асосан шаҳар ҳимояси, шаҳарнинг подшо қўшинлари томонидан эгалланиши каби воқеийликларни объектив равишда ҳикоя қилади. “Тарихи Туркистон” асарида муаллиф китобнинг биринчи қисмида Тошкент билан боғлиқ сиёсий жараёнларга тўхталади. Мирзо Олим хонликлар орасидаги ички низо ва қарама-қаршиликлар натижасида шаҳар душман томонидан осонгина эгалланди деб ҳисоблайди: “... бир-бирлари илан уруш талош қилишиб, вилоятни барбот бердилар, яъни русиялар ҳимоясиз қолган Тошканд шаҳрини бир неча кун қамаб, охири 1865 йилда 15 июнда субҳ вақтида Камолон дарвозасидин фатҳ қилдилар”². Шунингдек, муаррих шаҳарнинг ХХ аср бошидаги қиёфаси, бўлиб ўтган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Таъкидланаётган манбалар Тошкентнинг тўлиқ манзарасини акс эттирмайди. Шунга қарамай ушбу асарлар илмий қимматга эга эканлигини қайд этиш лозим.

Пойтахтимизнинг ХІХ аср охири - ХХ аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий тарихини кенг таҳлил этишда бошқа манбалар қаторида статистик ҳисоботлар (материаллар) муҳим ўрин тутди. Жумладан, 1866 йилда тузилган Туркистон статистик қўмитаси ўз фаолияти давомида тўплаган статистик маълумотлар асосида 1872-1879 йилларда 5 та китоб нашр этди. 1887 йилдан бошлаб, тугатилган қўмита ўрнига Сирдарё вилояти статистик қўмитаси фаолият кўрсата бошлади. Бу қўмита 24

¹ Муҳаммад Солиҳ. Тарихи жадидаи Тошканд, ЎЗР ФА ШИ, 11072-қўлёзма; Аваз Муҳаммад Аттор Хўқондий. Тарихи жаҳонномаи // Шарқ юлдузи. 1991. 8-сон; Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.

² Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. 157-бет.

йил давомида “Сирдарё вилоят статистикаси учун материаллар тўплами” номида 14 та тўплам нашр этди. Улар Тошкент ва Тошкент вилояти тарихини ўрганиш бўйича муҳим манбалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мазкур ҳисоботлар шаҳарнинг аҳоли сони ҳақида аниқ маълумотлар бериши билан ҳам қимматлидир. Жумладан, 1913 йилга келиб фақатгина Тошкентнинг янги шаҳар қисмида яшаётган аҳоли сони 82 851 нафар кишига етган¹. Улар орасида туб миллат вакиллари руслар, қозоқлар, тожиклар ҳатто мўғул, бурят, дунган ва хитойликлар ҳам пайдо бўлган. Бу вақтда шаҳарнинг эски қисмида 100 мингдан ортиқ аҳоли яшаган.

XIX аср охирида Тошкент шаҳри Туркистон ўлкасининг иқтисодий марказига айланди ва дастлабки европа типигаги саноат корхоналари ташкил топди. Шаҳар саноати ва унинг аҳоли статистик тўпламларида кенг ақс эттирилди. Дастлабки тўпламда 1885-1887 йиллар маълумотлари ўрин олган. Масалан, 1885 йилда 130 ишчи ишлайдиган 5 та пахта тозалаш заводида 311 928 та рублга тенг маҳсулот ишлаб чиқарилган эди². Ёки 1893 йил маълумотлари бўйича 8 та заводда ҳаммаси бўлиб 1.663.400 рублга тенг 263.400 пуд пахта тозаланган³.

Шаҳарда пахта тозалаш заводларидан ташқари чўян, ипак заводи, тамаки ва папирос ишлаб чиқарувчи фабрикалар ҳам фаолият кўрсатган. Саноатнинг мазкур тармоқларига оид маълумотлар статистик тўпламларида жадваллар орқали факт ва рақамларда бериб борилган. 1888 йил ҳисоботида кўра шаҳарда тамаки ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринни Первушин фабрикаси эгаллаган. Энг кўп папиросни Бубнов фабрикаси (1500000 дона) ишлаб чиқарган⁴. Тадқиқ этилаётган манбаларнинг гувоҳлик беришича, шаҳарда фабрика-завод саноати билан бир қаторда турли устахоналар: этикдўзлик, чилангарлик, дурадгорлик, бўёқчилик, ғишт терувчилар, извошчи ва бошқалар фаолият кўрсатган. 1886 йилда устахоналарнинг умумий маҳсулоти 186 086 рубль, ишчилар сони 677 тани ташкил этган⁵.

Тошкент шаҳрининг тадқиқ этилаётган даврдаги халқ маорифи аҳоли бўйича ҳам статистик ҳисоботлар муҳим маълумотларни ўзида ақс эттирган. Гарчи, мазкур маълумотлар факт ва рақамлардан иборат бўлса ҳам, ўша даврдаги шаҳар маорифини умумий манзарасини ёритишга хизмат қилади. 1886 йилги статистик маълумотларга кўра шаҳарда халқ таълимининг йўлга қўйилиши ва ривожланишига Дума ўз ҳиссасини қўшиб келган. Дума унинг фаолиятини назорат қилиш билан бирга маориф харажатларига маблағ ҳам ажратган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, 1886 йили Дума ўз бюджетидан халқ таълимига 10410 рубль сарфлаган⁶.

XX аср бошида халқ маорифи тармоқлари янада кўпайди. Шаҳарда эркаклар гимназияси, аёллар билим юртлири, хусусий мактаблар ва рус-тузем мактаблари фаолият кўрсата бошлади. Чунончи, 1911 йил маълумотларига асосан шаҳарда жами 48 та турли хил ўқув юртлири мавжуд бўлганлигини билиш мумкин⁷. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки таҳлил этилган ушбу манбаларда асосан Тошкент шаҳрининг янги қисми ҳаёти кенг ёритилган бўлиб, эски шаҳар тўғрисида баъзи ҳолларда материаллар бериб борилган холос. Шунга қарамай мазкур статистик ҳисоботлар Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганишда муҳим манбалардан бири бўлиб қолаверади.

¹ Обзор Сырдарьинской области за 1913 г. Ташкент, 1916. С. 19.

² Обзор Сырдарьинской области за 1887 г. Ташкент, 1889. С. 218.

³ Обзор Сырдарьинской области за 1893 г. Ташкент, 1897. С. 57.

⁴ Обзор Сырдарьинской области за 1888 г. Ташкент, 1890. С. 91.

⁵ Обзор Сырдарьинской области за 1886 г. Ташкент, 1887. С. 350.

⁶ Ўша жойда, 312-бет

⁷ Обзор Сырдарьинской области за 1911 г. Ташкент, 1913. С. 173.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Тошкент шаҳри Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази сифатида сиёсий ҳаётда ҳам муҳим роль ўйнади. Бу ҳақдаги маълумотлар асосан архив фондларидан ўрин олган. “Туркистон генерал-губернаторлиги канцелярияси” жамғармаси (1-фонд), “Туркистон дипломатик амалдори” жамғармаси (2-фонд) ва бошқа жамғармалардаги ҳужжатлар шундан гувоҳлик берадики, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида пойтахтимиз халқаро савдо ва дипломатик алоқалар маркази сифатида ўрин тутган. Шаҳарда Бухоро ва Хива хонликлари элчихоналари фаолият кўрсатган. Хонликлар, юқори доира вакиллари ҳам тез-тез Тошкентга сафарлар уюштириб туришган. Архив манбаларига кўра 1907 йил август ойида Бухоро амирининг ўғли Тўражон (Сайид Олимхон) Тошкентга келади ва генерал-губернаторлик вакиллари билан учрашувлар ўтказида¹. Яна бир ҳужжатда 1883 йил 20 августда Россиядан Тошкентга княз Витгенштейн келганлиги ва бу ерда Бухоро амири валиаҳди Абдулаҳадхон билан учрашганлиги ҳамда унга олтин қилич совға қилганлиги ҳақида маълумотлар берилган². Шунингдек, афғон амирлари ҳам Тошкент билан доимий алоқада бўлган. Жумладан, 1869 йили ўз юртида муваффақият қозонмаган Абдурахмон Тошкентга келиб, 1880 йилгача муҳожирликда яшайди ва кейинчалик Афғонистон амири бўлган³. 1878 йилнинг охирида Афғонистон Ташки ишлар вазири Шермуҳаммадхон музокаралар олиб бориш учун Тошкентга келганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам архив ҳужжатларида ўз аксини топган⁴.

Умуман олганда, Тошкентнинг XIX аср охири – XX аср бошларида сиёсий майдонда муҳим ўрин тутганлигини архив манбалари тўла исботлайди. Юқорида таҳлил этилган манбалардан ташқари пойтахт тарихини ўрганишда вақтли матбуотнинг ўрни бекиёсдир. Тошкентда “Туркестанские ведомости” газетаси ва унга илова тарзида ўзбек тилида “Туркистон вилояти” газетаси нашр этилган. Мазкур газеталар саҳифаларида ҳукумат ва маъмурият фармойишлари, саноат ва деҳқончиликка, шунингдек тарих, географияга тааллуқли материаллар жой олган.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкентнинг XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий тарихини ёритишда ёзма манбалар муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан мазкур манбаларни қиёсий-танқидий таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Д. Ураков, А. Ерметов

**Анализ источников по истории социально-экономической и политической жизни
Ташкента второй половины XIX - начала XX в.**

Данная статья посвящается изучению истории города Ташкента на основе анализа основных источников. В ней рассматривается политическая, социально-экономическая жизнь города Ташкента второй половины XIX века - начала XX века.

D.Urakov, A.Yermetov

**The analyses of sources on social-economic and political life of Tashkent
in the second half of the 19th and the beginning of the 20th centuries**

This article is devoted to study the history of the city of Tashkent on the base of analysis of main sources. By this analysis the author tried to reveal political, social-economic life of the city of Tashkent in the second half of 19th century and beginning of 20th century.

¹ ЎзР МДА. 1-жамғарма, 3-рўйхат, 846-иш, 3-варақ.

² ЎзР МДА. 1-жамғарма, 1-рўйхат, 2463-иш, 4-варақ.

³ ЎзР МДА. 1-жамғарма, 3-рўйхат, 389-иш, 331-варақ.

⁴ ЎзР МДА. 1-жамғарма, 3-рўйхат, 389-иш, 363-варақ.

ТОШКЕНТЛИК ОЛИМЛАРНИНГ ЎРТА АСРЛАРДА ИЛМЛАР РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Ҳозирги кунда инсоният тамаддуни жараёнида илм-фан тараққиётига Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда етишиб чиққан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Ибн Касир ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд аз-Замахшарий каби буюк алломалар улкан ҳисса қўшганлари бутун жаҳон аҳли томонидан эътироф этилиб, уларнинг илмий мероси ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда ва ундан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Ушбу буюк алломалар сирасида Тошкент шаҳри ва унинг таркибига кирувчи минтақаларда туғилиб ўсган ва вояга етган олиму фузалолар ҳам ўрта асрларда Марказий Осиё ҳудудидаги илмий анъаналарини давом эттириб, илм-фаннинг барча жабҳалари тараққиётига муносиб ҳисса қўшганликларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу борада ўрта асрларда (X - XX асрлар) тошкентлик олимлар ўз даврининг илмлари – ҳадис, фикҳ калом, тафсир, араб тили грамматикаси, шеърият, тибб, фалсафа, риёзиёт, тарих, ҳаттотлик ва бошқа соҳаларда самарали фаолият олиб борганларини қайд этиш даркор.

Илм-фаннинг қайси соҳасини олиб кўрмайлик, уларнинг ҳар бирида тошкентлик олимларнинг муваффақиятли фаолият олиб борганларини гувоҳи бўламиз. Ўрганилаётган давр олимлари бир вақтнинг ўзида бир неча илмларни эгаллаб, уларнинг ривожига муносиб ҳисса қўшганлар. Биз ушбу мақолада тошкентлик олимларнинг барча соҳалар эмас, балки баъзилари – шеърият, фикҳ, тарихнавислик, тибб ва ҳаттотликдаги фаолиятларини илмий асосда ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган мазкур соҳаларга тааллуқли қўлёзма асарлар асосида баён этишни лозим топдик.

Ўрта асрларда мумтоз адабиёт, хусусан шеъриятга тошкентлик олимлардан Абу Муҳаммад Матроний (X аср), Абу Омир Исмоил ибн Аҳмад аш-Шоший ал-Омирий (X аср), Абд ал-Карим Тошкандий (XIX аср) билан бир қаторда “Холис” таҳаллуси билан танилган ва “Юсуф ва Зулайхо” (қўлёзма №№ 9073, 8902, 9824/1, 3650/1) достонини ёзган Шоҳаким Тошкандий (XII–XIII асрлар), “Қасоид Бадр” (қўлёзма № 151), “Девони Бадр Чочий” (қўлёзма №233) ва “Қасоид Бадр Чочий” (қўлёзма № 209/6) шеърларининг муаллифи Бадриддин Чочий (XIV аср) ҳамда муаммо жанрида Абдурраҳмон Жомийдан кейинги ўринни эгаллаган, замонасининг улғу намояндалари томонидан тан олинган, Алишер Навоий илтимосига биноан “Шарҳи муаммоси Мирхусайний” (қўлёзма № 1863)ни ёзган Мавлоно Соний ибн Ёрмуҳаммад ибн Пирмуҳаммад Тошкандий (XVI аср) каби шоирлар ўзларининг яратган асарлари билан шеъриятга муносиб ҳиссаларини қўшганларини қайд этиш даркор.

Фикҳ илмида йирик асарлар яратган ва ислом оламида машҳур бўлган тошкентлик олимлар сирасида “Китоб ал-усул” муаллифи (қўлёзма № 3287/1) Исҳоқ ибн Иброҳим аш-Шоший ас-Самарқандий (X аср) ҳамда “Шарҳ рисола аш-шофеъийй фи ал-фикҳ ала мазҳабиҳи” ва “Шарҳ фуруъ фи мазҳаб аш-шофеъийй” асарларини яратган Низомуддин аш-Шоший (XIV аср)ни ўрта асрларда ал-Мустаҳзарий исми билан танилган машҳур фақиҳ Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шоший (XII аср)

билан тенг равишда зикр этиш керак.

Бир неча илм соҳасида, алалхусус адабиёт ва илм ал-жадал (диалектика)да Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил ал-Қафғол аш-Шоший (X аср), унинг фақиҳ ва муҳаддис ўғли Абу ал-Ҳасан Қосим ибн Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қафғол аш-Шоший (XI аср), олим, табиб, шоир, мусиқашунос ва хаттот Бокий жарроҳ Тошкандий (XVI аср) фаолиятлари эътиборга сазовордир. Улар сирасида XIV-XV асрларда ижод этган олим ва хаттот Жамшид Шоший (XIV аср)нинг Тафтазоний қаламига мансуб “Талмих фи кашф ал-асрор ат-тавзиҳ” (қўлёзма № 5776) китобига ёзган ҳошияси ва Маҳмуд аз-Замахшарийнинг “Кашшоф ан ҳақоик ат-танзил” (қўлёзма № 2423) асарини 1358 йилда насх хати билан кўчирган нусхаси ҳамда ушбу давр намояндаларидан яна бири, араб ва форс тилларида ижод этган олим ва шоир Ҳамидуддин Тошкандий (XV аср)нинг араб тили грамматикасига оид яратган “Ҳошият ал-ҳошият ат-талвиҳ” (қўлёзма № 3040) асари ҳам маданиятимиз тарихида алоҳида ўрин тутди.

Айни пайтда аксарият тошкентлик олимлар ўзлари учун хорижий бўлган ҳамда ўша даврнинг илм тили – араб тилида асарлар ёзганликлари ва нафақат мазкур тилни мукамал эгаллаганликлари, балки унинг ривожига катта ҳисса қўшиб, араблар учун ўнлаб асрлар мобайнида ўқув қўлланма бўлиб хизмат қилаётган дарсликлар яратган диёримиз алломаларининг анъаналарини давом эттирганларини зикр этиш айни муддаодир.

Тибб илмида ҳам кўз касаллигига оид форс тилидаги шеърий асар “Зубдаи манзума” (қўлёзма № 4935) муаллифи Шоҳ Али Каҳҳол (XVI аср), Маҳмуд ибн Чағминийнинг “Қонунча” асарини ўзбек тилига таржима қилган (қўлёзма № 11083) Шоҳўжа Ҳаким ибн Шофайзхўжа – Шоҳий (XIX аср), “Қонун ал-мабсут” (қўлёзма №№ 8921, 8922) ва “Фавоид ул-адвиййа ва мавоид ул-ағзиййа” (қўлёзма № 11256) муаллифи, машҳур табиб Боситхон ибн Зоҳидхон ибн Муҳаммад Содикхон Шошийнинг (XX аср) тибб соҳаси ривожига қўшган муносиб ҳиссаси ўзидан олдин ўтган ва замонасида фаолият олиб борган бошқа тошкентлик олимлар – Шарофуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Йусуф ал-Илоқий (XI аср), худди Ибн Сино Форобийга шогирд бўлганидек, Ибн Синога китоб орқали шогирд бўлган Муҳаммад ибн Али ал-Илоқий (XII аср) Убайдуллоҳ ал-Каҳҳол (XVI аср), Муҳаммад Йусуф Каҳҳол (XVI аср) эришган муваффақиятларига тенгдир.

Тарихнависликда тошкентлик олимлар ўзларидан олдин ўтган олимлар асарларига таянган ҳолда нафақат қадимги тарихни, балки ўзлари яшаган даврнинг тарихини ҳам муфассал ёритганлар ҳамда кейинги даврлар ва авлодлар учун муҳим тарихий маълумотларни қолдирганлар.

Шундай тарихчи олимлар ичида тошкентлик Абу Сулаймон Фахриддин Али ибн Абулфазл Довуд ибн Муҳаммад ал-Банокатий (XIV аср), Ҳофиз Кўҳакий (XVI аср), Муҳаммад Солиҳ Раҳимхўжа (XIX аср) билан бир қаторда “Тарихи Рашидий” асари (қўлёзма №№ 1430, 10191) муаллифи Мирза Муҳаммад Ҳайдар ибн Муҳаммад Ҳусайн Кўрагон (XVI аср), XV–XIX асрлар Фарғона, Қўқон тарихига оид китоб “Ансоб ас-салотин ва таворих ал-ҳавоқин” (қўлёзма № 9841) ва автобиографик асар “Байон ҳасби ҳоли Мулло Мирзо Олим Мирзо” (қўлёзма № 1314/2) муаллифи Мулло Мирзо Олим ибн Домла Мирзо Раҳим Тошкандий (XIX аср) ҳамда Қўқон хонлиги тарихига оид автобиографик “Хулосат ул-аҳвол” (қўлёзма № 2084) муаллифи, Эшон хўжа Қори Тошкандий номи билан танилган Абу Убайдуллоҳ Муҳаммад ибн Султонхўжа (XIX аср)ни зикр этиш керак.

Ўрта асрларнинг иккинчи ярмида илмий соҳаларнинг бири бўлган хаттотлик

Марказий Осиё, хусусан Тошкентда жуда тараққий этган. Ушбу соҳа ривожига ҳисса қўшган илм намояндалари ўртасида тошкентлик хаттотлар алоҳида ўрин эгаллаганлар.

Улар сирасида Абдулвадуд котиб – Абдул Вадуд ибн Хўжа Абдулвасиъ Шоший (XV-XVI асрлар), Мавлоно Обид хаттот (XVI аср), Хўжа Ибодуллоҳ ибн Одил хўжа Тошкандий (XIX аср), Сотиболди хўжа ибн Йунус хўжа Шоший (XIX аср), Абдул Ҳаким ибн Неъматбой Шоший (XIX аср), Ибн Аҳмад ар-Раъиний аш-Шотибий Шошийнинг издоши Абу ал-Қосим ибн Хайра ибн Абу ал-Қосим (XIX аср), Тўра хўжа ибн Хўжажон Тошкандий (XVIII аср), Мулло Ҳаким Тошкандий (XIX аср), Абд ал-Ҳаким хўжа ибн Искандар хўжа Тошкандий (XIX аср), Абдулҳаким ибн Искандархон Тошкандий (XIX аср), Мулло Эрғози Шоший (XIX аср), Мулло Содикбек ибн Охунд Домла Солиҳбек Аълам Шоший (XIX аср), Муҳаммад Шайх ибн Саид хожи Тошкандий (XVI аср), Муҳаммад Олим аш-Шоший ал-котиб (XIX аср), Мулло Абдуллоҳ ибн Мулло Аҳмад Солиҳ Тошкандий (XIX аср), Солиҳ хўжа Шоший (XIX аср), Ибодуллоҳ хўжа ибн Одил хўжа (XIX–XX асрлар), Муҳаммад Умар ибн Муҳаммад Мажди аш-Шоший (XX аср) каби машҳур хаттотларни зикр этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида тошкентлик қирққа яқин хаттотларнинг асарлари мавжуд. Биз улардан хаттотлар сулоласининг вакили, Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Лисон ут-тайр”, “Мажолис ун-нафоис”, “Ғаройиб ус-сиғар” асарларининг бир нечалаб нусхаларини кўчирган Муҳаммад Йунус котиб (XIX аср), Амир Хисрав Дехлавийнинг “Қиссат чаҳор дарвиш” (қўлёзма № 7385/2) асарини кўчирган Мулло Абд ат-Толибжон Тошкандий (XIX аср) ва тибб илмининг билимдони, табиблар сулоласи вакили, мохир хаттот ва тобобатга оид “Қонун ал-Мабсут” (қўлёзма № 12535/1), “Рисолайи қабриййа” (қўлёзма № 12544/3), “Ташриҳ китоб тариқ ал-илож дайн” (қўлёзма № 12535/3), “Жомиъ ал-фавоид” (қўлёзма № 12544/1) асарларини кўчирган Ҳамидхон ибн Зоҳидхон ибн Муҳаммад Содикхон аш-Шоший (XX аср) фаолиятлари ва хаттотлик санъати борасида яратган бебаҳо асарларини зикр этишни жоиз деб топдик.

Зикр этилган маълумотларга асосланган ҳолда тошкентлик олимлар ўрта асрларда илм-фаннинг барча жабҳаларида инсоният тамаддуни ривожига муносиб ҳисса қўшганлари ва баъзиларида эса, алалхусус хаттотликда улкан зафарлар қучганларини фахр билан таъкидлаш керак. Бу эса нафақат араб алифбоси, балки илм-фан тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган буюк алломалар асарлари сақланиб қолишида ҳам юксак аҳамиятга молик илмий муваффақиятдир.

Р.М. Баходиров

Вклад ученых Ташкента в развитие наук в средневековье

В статье раскрыты основные моменты вклада ученых Ташкента в развитие наук в средневековье. Автор на основе источников, хранящихся в рукописном фонде ИВ АН РУз, дает анализ работ ученых, творивших в X–XX вв. как в нескольких отраслях науки одновременно, так и в ее отдельных областях, т.е. в литературе, фикхе (мусульманское право), медицине, историографии и каллиграфии.

R.M. Bakhodirov

Contribution of Scientists of Tashkent Into the Development of Science in the Middle Ages

The article covers basic pillars of the Tashkent scientists' contribution into the development of Science in Middle Ages. Author, based on the sources – kept in the manuscripts' fund of Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan – presents an analysis of X–XX A.D. scientists simultaneous work in several areas of Science as well as in particular areas such as Literature, Fiqh (Islamic Right), Medicine, Historiography and Calligraphy.

ПЕРВЫЕ АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ НАХОДКИ В ТАШКЕНТЕ И ЕГО ОКРЕСТНОСТЯХ

Ташкент наряду с Бухарой, Самаркандом, Мервом являлся одним из центров древней цивилизации. Начало археологическим исследованиям в Ташкентском оазисе было положено еще во второй половине XIX в. российскими востоковедами, краеведами, археологами-любителями, чиновниками и коллекционерами после завоевания Средней Азии Российской империей и образования Туркестанского генерал-губернаторства в 1867 г.

На первых этапах изучение истории Ташкента носило эпизодический характер, так как, по утверждению В.В. Бартольда, даже в письменных источниках история Ташкента – Шаша в отличие от Мерва, Бухары или Самарканда недостаточно отражена. Информация накапливалась буквально по крупицам: случайные находки при каких-либо земляных работах, отрывочные упоминания в письменных источниках, мимолетные наблюдения исследователей и др.

Так, в 1886 г. в «Туркестанских ведомостях» было сообщение старшего чиновника по особым поручениям при Военном губернаторе Сырдарьинской области краеведа-любителя Е.Т. Смирнова о том, что близ Ташкента, у почтовой станции Ниязбаш при разравнивании одного из многочисленных насыпных холмов случайно найдены глиняные сосуды, наполненные человеческими костями¹. Осмотрев находку, Е.Т. Смирнов пришел к выводу, что «это, несомненно погребальные урны, принадлежащие народу, обитавшему здесь в домусульманский период, что придает находке большой археологический интерес»². Автор сообщения, описывая в деталях урну и ее содержимое, проведя опрос местного населения, пришел к предположению, что подобный способ захоронения «не практиковался ни у древних персов, исповадовавших религию Зороастра или иначе – огнепоклонничество, ни у монголов и тюрков, исповадовавших буддизм. Найденная могила напоминает скорее греческие похороны»³. Он связывал все эти находки с пребыванием здесь греко-македонцев. По приказу генерал-губернатора все найденные предметы были затем переданы в Ташкентский публичный музей.

Другая случайная находка в том же году обнаружена на так называемых «землях Никифорова» (окрестности Ташкента, ныне Мирзо-Улугбекский район, улица Буюк Ипак йўли – *Ф.Ш.*). Это были глиняные обломки с изображением двух фантастических фигур, которые Императорская Археологическая Комиссия, куда они были отправлены, признала чрезвычайно интересными и просила осуществить полное обследование той местности⁴. После этого Н.П. Остроумов – директор Ташкентской учительской семинарии, редактор «Туркестанской туземной газеты», где также публиковались статьи историко-археологического характера, впоследствии председатель ТКЛА⁵, с несколькими учителями семинарии произвел разведочные исследования местности. В

¹ Туркестанские ведомости. 1886. 6 мая. № 17.

² Там же.

³ Там же.

⁴ Никитенко Г.Н. Н.П. Остроумов и истоки археологической науки Средней Азии // Востоковедческие чтения памяти Н.П. Остроумова. Сборник материалов. Ташкент, 2008. С. 305.

⁵ Историография общественных наук в Узбекистане. Библиографические очерки / Составитель Луinin Б.В. Ташкент: Фан, 1974. С. 260-262.

результате была обнаружена пещера, где нашли человеческие кости, глиняные кувшины, чашки и глиняные оссуарии¹.

В 1887 г., проведя археологические раскопки и вскрыв 20 курганов, Н.П. Остроумов пришел к выводу, что на «Никифоровских землях» находятся сплошные могильники, которые большого научного значения не имеют², между тем их изучение могло дать историко-антропологические сведения. Впрочем, такую цель, вероятно, Н.П.Остроумов не преследовал.

В целом исследователи Ташкентского оазиса не раз сообщали Археологической Комиссии, что Ташкент и его окрестности богаты древними сооружениями различных типов и лишь тщательные археологические исследования могут дать ответы на многие интересующие вопросы. Случайные находки или покупки у местного населения предметов старины не могли влиять на научные выводы. К тому же местное население не всегда сообщало о них, особенно, если это касалось драгоценных камней, золотых, серебряных или медных монет, ювелирных изделий³.

После образования в 1895 г. в Ташкенте Туркестанского кружка любителей археологии процесс накопления материалов по истории Средней Азии, в том числе Ташкентского оазиса, стал носить систематический характер. Однако деятельность Туркестанского кружка ограничивалась лишь выполнением разведочных работ, сбором подъемного материала, небольшими раскопками. Определялось это тем, что в его составе не было ни одного профессионального археолога⁴. Раскопки проводились в основном без всякой научной методик, которая в то время и не была выработана. Большая часть этих работ касалась Ташкента. На заседаниях Кружка он часто упоминался как объект археологических наблюдений. Доклады, статьи, сообщения и отчеты членов Кружка носили также топографический, краеведческий⁵, географический⁶, этнографический⁷, лингвистический характер, и в некоторых из них предпринимались попытки описать историю города⁸.

Так, в докладе Е.Т. Смирнова, уже члена Кружка, были подробно описаны территория Ташкента и его окрестности с многочисленными буграми (тепа), которые он считал искусственными и называл насыпными, маршрутами малых и больших рек. В процессе изложения своего доклада, который был опубликован в виде очерка, автор ставил перед аудиторией конкретные вопросы: «К какому историческому периоду

¹ А. Р. Библиографический листок. Отчет Императорской Археологической Комиссии за 1882-1888 годы. СПб., 1891 г. // Туркестанские ведомости. 1892. 20 октября. № 42; Остроумов Н.П. Из поездки в селение Мамаевку // Туркестанские ведомости. 1893. № 50, 52.

² Остроумов Н.П. Из поездки в селение Мамаевку // Туркестанские ведомости. 1893. № 50.

³ Андреев М. Местности в долине р. Ангрена, интересные в археологическом отношении // Туркестанские ведомости. 1893. 16 (29) июня. № 46.

⁴ Ртвеладзе Э.В. Краткий очерк истории изучения археологических памятников Средней Азии // Историко-археологический обзор Древней Средней Азии. (Рукопись хранится у автора).

⁵ Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях города Ташкента // Протоколы Туркестанского кружка любителей археологии (Далее. – ПТКЛА). Вып. 1. Ташкент, 1896; Ташкент: Типо-литография, 1896; Кастанье Л. Отчет о поездке в Шахрухию и местность «Канка» // ПТКЛА. Год XVII. Вып. II. 1 апреля 1913 г. – 11 декабря 1913 г. Ташкент, 1913. С. 112 – 123.

⁶ Вяткин В. К исторической географии Ташкентского района // Туркестанские ведомости. 1900. № 101.

⁷ Диваев А. Промыслы и занятия туземцев азиатского города Ташкента // Туркестанские ведомости. 1901. № 33.

⁸ Малицкий Н. Несколько страниц из истории Ташкента за последнее столетие // Приложение к ПТКЛА от 16 ноября 1898 г.; Его же. К истории Ташкента под Кокандским владычеством // Приложение к ПТКЛА. 1900. № 4. Ташкент, 1900. С. 126-137; Его же. Страница из истории Ташкента в XVII столетии // Там же. С. 138-145; Диваев А. Предание о возникновении азиатского гор. Ташкента // Там же. С. 145-151; Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1911.

относится время постройки этих бугров, бугорков и насыпей? Каким народом они строились и с какой целью? Ответов на эти вопросы пока нет, очевидно же только одно, что соорудил их многолюдный и сильный народ»¹.

Анализируя исследованные им оссуарии, о которых мы упоминали ранее, Е.Т. Смирнов обратился к членам Кружка с вопросами: «Что это за способ погребения, к какому времени, к какой религии и к какому народу он относится?», и сам же высказал предположение: «Не напоминает ли он несколько способов погребения исповедников религии Зороастра, господствовавшей здесь в полной мере до периода появления буддизма, христианства и магометанства?». Это говорит о том, что автор, прежде чем приступить к исследованию, изучил все доступные для него источники, так как к теме истории Ташкента Е.Т. Смирнов возвращался не раз.

Так, в 1900 г. на 4-м заседании Туркестанского кружка Е.Т. Смирнов сделал сообщение о результатах разведывательной работы на развалинах древнего городища Канка² с детальным описанием топографического расположения местности со ссылкой на письменные источники, пути водного снабжения древнего города (находится на территории Ак-Курганского района Ташкентской области, археологические экспедиции на котором продолжают и по сегодняшний день под руководством академика Ю.Ф. Бурякова. – *Ф.Ш.*). Е.Т. Смирнов представил членам заседания образцы собранного подъемного материала: обломки стекла и глиняной посуды.

В частности, он констатировал, что «осколки стекла в большом количестве встречаются во всех древних курганах долины Ангрена», и предполагал, что «стеклянная посуда не привозилась сюда откуда-либо со стороны, а выделывалась именно местными жителями»³. При этом он указывал: «Источники свидетельствуют о том, что в очень древние времена китайцы заимствовали секрет его выделки из Средней Азии»⁴.

Классификация найденных глиняных черепков помогла определить Е.Т. Смирнову, какой посудой пользовалось население того времени, какие трубы были проложены для водоснабжения города.

В этом звене первых археологических исследований следует отметить первые раскопки на Шаштепа (п. Эркин, р-н Зангиота, Ташкентская область. – *Ф.Ш.*). В 1896 г. Н.П. Остроумов проложил на цитадели городища траншею, игнорируя кладку стен, и вскрыл три галереи и стрельчатую арку. Остатки сооружения были определены как сторожевой пост с подземным зданием⁵. Кроме того, были найдены обломки керамики, куски железа, стекла, кости животных и другие предметы. Но, к сожалению, никакой датировки ни найденным предметам, ни самому городищу дано не было.

На тот момент археология Средней Азии находилась в зачаточном состоянии и не могла ответить на все поставленные вопросы. Но на заседаниях ТКЛА часто велись дискуссии по актуальным проблемам, касающимся тех или иных находок⁶. Высказывались разные точки зрения, которые и в дальнейшем стали предметом научного обсуждения, в частности, тема оссуариев была дискуссионной на протяжении

¹⁻⁸ Смирнов Е.Т. Древности в окрестностях города Ташкента... С. 9-11.

² Смирнов Е.Т. Развалины города Канки // ПТКЛА. Приложение к протоколу. Ташкент, 1900. № 4. С. 64-184.

³ Там же. С. 174.

⁴ Там же. С. 175.

⁵ Протокол заседания от 26 августа 1896 г. // ПТКЛА. Вып. 1. Ташкент, 1896. С. 23-26.

⁶ Остроумов Н. Новые данные о глиняных погребальных урнах // ПТКЛА. Год XI. 1 января 1906 г. – 1 января 1907 г. Ташкент, 1906. С. 32-44.

многих лет¹.

Не исключено, что многие суждения были ошибочны либо спорны, но именно эти первоначальные заключения, основанные на первичных разведках, небольших любительских археологических раскопках, случайных находках, нашедшие отражение в печати, дали толчок многолетним исследованиям Ташкента.

Ф. Ш. Шамукарамова

Тошкент ва унинг атрофидаги дастлабки археологик топилмалар

Мақолада Тошкент ва унинг атрофидаги дастлабки топилмалар, археологик кузатув ва казишма ишлари ёритилган. Муаллиф XIX аср охири – XX аср бошларидаги Тошкент шаҳрини археологик ўрганилишининг дастлабки боскичлари, шаклланиши ва ривожланишини кенг кўламдаги материаллар асосида ёритиб берган.

F.Sh. Shamukaromova

First Archeological Discoveries in Tashkent and its Vicinity

In the article history of the first archeological prospecting on territory Tashkent and its vicinity is considered. Author on base of the extensive material illuminates genesis and evolution of the archeological study of the city Tashkent at the end of the 19th – the beginning of the 20th centuries.

*М.Б. Шамсиев
(Ўзбекистон)*

XVIII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ТОШКЕНТ ТАРИХИНИ ЎРГАНИЛИШИ ХУСУСИДА

Тошкент қадимдан Марказий Осиёнинг ички ва ташқи савдосида асосий ўрин тутувчи йирик савдо хунармандчилик марказларидан бири бўлган. Жумладан, Дашти Қипчоқ худудида яшовчи кўчманчи чорвадор қабилалар Россия, Шарқий Европа, Ҳиндистон ва Хитой каби йирик савдо марказлари билан доимо алоқада бўлиб келган.

X-XI асрларга оид араб манбаларидаги маълумотларига кўра Тошкент қадимдан катта шаҳар бўлиб, унинг бозорлари доимо хорижий савдогарлар билан тўлиб турган. Чунки Тошкент Ўрта Осиёнинг шимоли-шарқдаги дарвозаси ҳисобланган.² Шаҳар бозорлари маҳаллий маҳсулотлар олди-сотдисида кечган иқтисодий марказ бўлибгина қолмай, уларда транзит савдо ҳам амалга оширилган. Маҳаллий аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, хунармандчилик ва савдо ишлари билан доимий шуғулланган. Сўнги ўрта асрларга келиб, минтақада кечган турли сиёсий жараёнлар ва ўзгаришлар Тошкентнинг бу соҳадаги мавқеига таъсир кўрсатмай қолмаган. Бу манбаларда Тошкент хусусида турлича маълумотларни пайдо бўлишига сабаб бўлган. Хусусан, XVIII аср ўрталарида шаҳар ҳаёти, унда кечган иқтисодий жараёнлар борасида форс ва туркий тиллардаги манбаларимизда рус сайёҳлари ҳамда элчиларнинг кундаликларида ва ҳужжатларида турли нуқтаи назарни ифодаловчи маълумотлар мавжуд.

Тошкентнинг энг гавжум жойлари унинг бозорлари ҳисобланган. Эски Жўва, Чорсу ва Кўкалдош мадрасаси оралиғида Регистон, Чорсу ва Каппон (Ғалла) бозорлари жойлашган. Регистон бозори Ўрта Осиё хонликларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлган. Бундан ташқари Ҳиндистон, Хитой, Афғонистон, Эрон ва Россиядан келган маҳсулотлар ҳам сотилган.

Оренбург вилояти Давлат Архиви фондида сақланаётган ҳужжатларда Нурмуҳаммад Муллаалимовнинг берган маълумоти келтирилган. У берган маълумотга кўра Чирчиқ атрофидаги тоғлардан темир олинган, мис эса Самарқанддан келтирилган. Кўрғошин

¹ Бартольд В.В. К вопросу об оссуариях Туркестанского края // ИРКИСВА. СПб., 1908. № 8.

² Мукминова Р.Г., Филанович М.И. Ташкент на перекрестке истории. Ташкент, 2001. С.43.

Туркистон атрофидаги тоғлардан қазиб олинган.¹ Ушбу маҳсулотлар саноат ривожини учун энг керакли хом ашё ҳисобланган. Маълумотларга қараганда Тошкентда узок вақтлардан бери мис аралаш кумуш тангалар зарб қилиниб келинган. Албатта, бу Тошкентнинг ички ва ташқи савдосини ривожлантириш мақсадида қилинган. Лекин қалмоқлар ҳукмронлиги даврида тинимсиз урушлар ва маҳаллий аҳолининг норозиликлари туфайли бўлиб турган ҳаракатлар натижасида танга-пул зарб қилиш тўхтаб қолган.² XVIII аср бошларида Тошкент қалмоқлар қўли остига ўтиши ва у ерда қалмоқларга қарам бўлган қозоқ султонлари томонидан 1723-1758 йиллар давомида бошқарилганлиги ҳақидаги маълумотлар Э. Ҳожиёвнинг “Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан алоқаси”, Ю. Соколовнинг “Ташкент, ташкентцы и Россия”, Э.Хуршутнинг “Ши-Чач-Ташкент”, Р.Г. Мукминова, М.И. Филановични “Ташкент на перекрёстке истории” рисолаларида таъкидлаб ўтилган. Бу фикрларни тасдиқловчи факт ҳисобида Ў. Султоновнинг “Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари муҳим тарихий манба сифатида (XIX аср)”³ номли монографиясида кўришимиз мумкин. Айрим тадқиқотчиларимиз қалмоқлар босиб олгандан сўнг бошқарув ҳам уларнинг қўлида бўлганлигини таъкидлашса, айрим тадқиқотчиларимизнинг фикрича, бошқарув маҳаллий аҳоли вакиллари қўлида бўлганликларини таъкидлашади. Айнан Х.Зиёевнинг “XVIII асрда Ўрта Осиё ва Уралбўйлари” номли монографиясида 1735 йил Уфага борган тошкентлик савдогар Нурмуҳаммад Муллаалимов Оренбург экспедициясининг бошлиғи И.И. Кирилловга берган маълумотларига қараганда, қозоқ султонларига фақат солиқ тўлаб турилган, бошқарув эса маҳаллий аҳоли вакиллари қўлида бўлган⁴, деган фикрларни учратиш мумкин.

Бу вақтда Тошкент тўртта даҳадан иборат бўлган: 1. Шайхонтаҳур. 2. Себзор (Қафқол Шоший). 3. Кўкча (Шайх Зайниддин) 4. Бешёғоч (Зангиота). Булардан қадимийлари Себзор ва Кўкча ҳисобланиб, Себзор кўплаб боғлар, Кўкча кўплаб далалар, деб таърифланган.⁵ Қолган икки даҳанинг номланиши кейинги даврларга тўғри келади. Шайхонтаҳур Шайх Хованди Таҳур номидан келиб чиққан, Бешёғоч туркий ном бўлиб, ушбу ҳудудда 5 та дарахт бўлганлиги билан белгиланган.

Ҳар бир даҳа маҳаллаларга бўлинган. Маҳаллалар дастлабки аҳолининг маъмурий-хўжалик ва жамоавий ташкилоти бўлиб, ўзининг бошқарув тизимига эга бўлган. Маҳаллани сайланган оқсоқол бошқарган. Оқсоқолнинг вазифаси умуммаҳалла ер ҳудудларини ўзгартириш, сув билан таъминлаш⁶ каби вазифалардан иборат бўлган.

1740 йил Тошкентга келган рус зобити Миллернинг гувоҳлик беришича, бу вақтда Тошкентда 150 га яқин маҳаллалар бўлган.⁷ Ҳар бир даҳа обрўли хонадон вакиллари томонидан бошқарилган. О.Д.Чеховичнинг маълумот беришича, тўртта эътиборли, бой хонадон соҳиблари Шайхонтаҳур даҳасида Авлайқулихон авлодидан Бобохонтўра, Бешёғочда Аштархонийлардан Ражаббек, Кўкчада Чигатойхон авлодидан Муҳаммад Иброҳимбек, Себзорда Жўчихон наслига мансуб яна бир киши ҳоким бўлиб⁸, улар

¹ Оренбург вилояти Давлат Архиви. 1-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 70-варак.

² Ўша хужжат. 73-варак.

³ Ҳожиёв Э. Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан алоқаси. Тошкент, 1973. 8-бет; Соколов Ю. Ташкент, ташкентцы и Россия. Тошкент, 1965. С.29; Хуршут Э. Ши-Чач-Ташкент. Ташкент: Ўзбекистон. 1992. С.38.

⁴ Зиёев Х. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Уралбўйлари. Тошкент, 1973. 59-бет.

⁵ Соколов Ю. Ташкент, ташкентцы и Россия. Ташкент, 1965. С.26.

⁶ Ўша асар, 26-бет.

⁷ Ўша асар, 27-бет.

⁸ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари муҳим тарихий манба сифатида (XIX аср). Тошкент, 2007. 89-бет.

ўртасида доимо келишмовчиликлар бўлиб турган. Ўзаро келишмовчиликлар ички ва ташқи савдога ҳамда шаҳар хўжалиги ҳаётига ўз таъсирини ўтказган.

Шаҳар атрофи мудофаа девори билан ўралган бўлиб, 12 та дарвозаси бўлган. Лекин Тошкент дарвозалари юзасидан ҳам турли хил мулоҳазали фикрлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон тарихи (3-жилд) да биринчи гуруҳ олимлари 32 та, иккинчи гуруҳ олимлари 12 та ва учинчи гуруҳ олимлари 8 та¹ дарвоза бўлганлиги ҳақида маълумотлар беради. Маҳаллий манбаларимиздаги аниқ фактик маълумотлар иккинчи гуруҳ олимларининг маълумотлари асосли эканлигини тасдиқлайди.

Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида айтилишича, “Чор ҳокимлик” даврида учта даҳа ҳокимлари бирлашиб, Авлайқулихон авлодларига қарши уруш олиб борилганлиги айтилган. Узоқ вақт давом этган жанглардан сўнг Салимсоқтўра ва Бобохонтўра бошчилигидаги Авлайқулихон авлодлари бирин-кетин уч даҳани эгаллайди ва ғолиб томон талаби билан машварат ўтказилади. Бунда шаҳарда ягона ҳоким ва ягона ҳарбий бошлиқ бўлишини талаб қилишади. Машваратга кўра Девонбеги маҳалласидан бўлган Салимсоқтўра ҳарбий кўмондон, Рустам тўра оталик вазифасига, Одилтўра парвоначи, Бобохонтўра эса қўшин бошлиғи² вазифаларига, Салимсоқтўра таклифига кўра Шайх Хованди Тахур авлодларидан бўлган Юнусхўжани “вилоят волииси” этиб сайлаганлар.³

Юнусхўжа Тошкент атрофидаги йирик ва майда қишлоқларни ўз қўл остида бирлаштириб, вилоят ерларини кенгайтириш мақсадида ҳаракатлар олиб борган. У тўғрисида берилган маълумотларда Тошкентни шимоли-ғарбидаги шаҳар, қишлоқ ва Катта Жуз элатларини ўзига бўйсундириб, Россиянинг шаҳарлари билан боғлайдиган савдо йўлига эга бўлади.⁴ Бу ҳудудларни Тошкент ҳокимлигига қўшиб олиниши Тошкент савдо қарвонларининг чиқишини енгиллаштиради.

1796 йилга келиб, Чимкент, Сайрам, Олтинтепа, Қорабулоқ, Сарапан шаҳарлари ҳамда Ниёзбек ва Темир мавзелари Юнусхўжа қўл остида бирлаштирилади. Туркистон ва унинг атрофидаги то Чу дарёсигача бўлган ерларни ҳам ўз тасарруфига олади. 1800 йилга келиб, Тошкент ҳокимлигининг чегараси жануб ва ғарбдан Сирдарё бўйлаб, шимолдан Туркистон ва Қоратоғ ёнбағирлари орқали ўтган. Шарқда Сайрам тизмаси ва Угом дарёларининг ўнг соҳили, жануби-шарқда Чотқол-Қурама тоғ тизмалари ёқалаб Сангир қишлоғигача борган. Биринчи навбатда вилоят ҳудудида тинчликни ва осойишталикни таъминлаб, қўшни мамлакатлар билан эркин савдо олиб бориш сиёсатини юритган. Чор ҳокимлик даврида Оренбург, Сибирь ва Хитой билан савдо алоқаларини бухороликлар орқали амалга оширган бўлса, Юнусхўжа даврига келиб, ўзларининг савдо уюшмаларини ташкил қилган ва тошкентликлар номи остида савдо алоқаларини олиб борган.

Юнусхўжа Тошкент ҳокимлигини тўла мустақил давлат даражасига кўтариш учун ички ва ташқи савдони ривожлантириш мақсадида олд томонига “Муҳаммад Юнусхўжа Умарий” деб ёзилган, сиртига лочин ёки йўлбарс тасвири туширилган икки хил мис пуллар ва танга зарб қилдирган.⁵

Амалга оширилган тадқиқотлар ва турли кўринишдаги манба ва адабиётлардаги

¹ История Узбекистана. Т. 3. Ташкент, 1993. С. 237.

² Мукминова Р.Г., Филанович М.И. Ташкент на перекрестке истории. С. 88. Г(-) Г;

Ҳожиёв Э. Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан алоқаси. Тошкент, 1973. 11-бет.

³ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари муҳим тарихий манба сифатида (XIX аср). Тошкент, 2007. 89-бет.

⁴ Ҳожиёв Э. Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан алоқаси. Тошкент, 1973. 13-бет.

⁵ Султонов Ў. Муҳаммад Солиххўжанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари муҳим тарихий манба сифатида (XIX аср). Тошкент, 2007. 112-бет.

айрим маълумотларнинг талқини шуни кўрсатадики, сўнги ўрта асрларда айнан XVIII асрнинг иккинчи ярмидаги тарихи юзасидан баъзи масалаларни кенгрок ва аниқрок тадқиқотларни тақозо этади. Бу масала тадқиқотларининг натижалари Тошкентнинг Россия подшолиги босқинига қадар бўлган даврдаги сиёсий, иқтисодий ҳолатини очиб беришга имкон беради. Унинг маъмурий мақоми, бошқарув тизими, унда кечган иқтисодий жараёнлар, жумладан, Тошкент савдогарларининг фаолияти ҳамда минтақа ички ва ташқи савдоси муносабатларидаги роли ва ўрни каби масалаларни очиб беришда аниқликларни тақозо этади.

М.Б. Шамсиев

Об особенностях изучения истории Ташкента второй половины XVIII века

На основе анализа имеющихся сведений из местных и зарубежных источников рассматривается экономическая, социальная и политическая жизнь Ташкента во второй половине XVIII века.

М.В. Shamsiev

On Historical Study of Tashkent in the second half of the 18th Century

This article investigated economical, social, and political life of Tashkent in the second half of the 18th century the basis of the of local and foriegen sources.

*Д. Иноятова
(Узбекистан)*

ТАШКЕНТ – ЦЕНТР ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ ЦИВИЛИЗАЦИИ ЗАПАДА И ВОСТОКА

В мире существует около 200 государств и столько же столиц. История каждого государства и его столицы уникальна и неповторима. Государства и города Центральной Азии, появившиеся еще в начале первого тысячелетия до новой эры, всегда отличались высокой культурой, полиэтничностью, религиозной терпимостью, впитавшей в себя в далеком прошлом влияние различных цивилизаций. Свидетелем того являются Самарканд, Бухара, Хива, Ташкент, роль которых особенно усиливается со времен Восточного Ренессанса. Будучи центром развития ислама, духовности, культуры, образования, науки, они являлись связующим мостом между Востоком и Западом в системе общемировых интеграционных процессов.

Ташкент в сравнении с другими древними городами Средней Азии, которые до сих пор сохраняют неповторимый колорит средневековой цивилизации Востока, в большей степени подвергся европеизации. Этому способствовало, в первую очередь, завоевание региона Российской империей. С того периода Ташкент первоначально становится административным центром Туркестанской области в 1865-1867 гг., затем в 1867-1917 гг. – Туркестанского генерал-губернаторства (с 1896 г. Туркестанского края), в 1918-1924 гг. – столицей Туркестанской АССР, в 1930-1991 гг. - Узбекской ССР, а с 1991 г. – Республики Узбекистан.

С конца 1860-х годов началась реконструкция города: старые городские стены были снесены, построены новая крепость, арсенал, казармы, на выкупленной земле сооружен новый город европейского типа, где селились первыми семьи офицеров и чиновников царских учреждений, затем прибывали купцы, предприниматели, ремесленники, представители интеллигенции: ученые, врачи, учителя, юристы и другие служащие, позже крестьяне. Так, в конце 70-х годов XIX в. рядом с древним Ташкентом появляется «новый», или так называемый «русский» Ташкент. Проведение властями переселенческой политики, принятие Положения об управлении Туркестанским краем

дало право русским и иностранным подданным беспрепятственно приезжать в Среднюю Азию и заниматься здесь различными видами деятельности. В связи с этим правом в Туркестан хлынул поток европейцев и азиатов, большинство которых поселялись в административном центре – Ташкенте. За короткий промежуток времени он становится одним из самых многолюдных городов Средней Азии. Если по данным 1868 г. в Ташкенте проживало чуть более 79 тыс. чел., из них более 2 тыс. в «новом» – городе¹, то по переписи 1897г. – уже 155,7 тыс., из них в «новом» - 20 тыс. чел.² Заметим, что в «новом», кроме европейцев, проживали и представители коренной национальности: местная интеллигенция. Среди европейцев преобладали славяне (русские, украинцы, белорусы), много было немцев, татар, евреев, меньше – поляков, финнов, греков, шведов, датчан. Каждый из этих народов, привнеся с собой свою культуру, обычаи, традиции, попав в иноэтничное пространство, пытался сохранить свою самобытность. Коренное население, сохраняя духовные истоки своих предков, традиции и обычаи, проживая, в основном, в «старом» городе, не испытывали интереса к лицам европейской национальности. Однако политика империи была направлена на русификацию как местного, так и европейского населения, внедрение в регионе русской культуры. Поэтому, несмотря на сопротивление местного населения, вопреки религиозным, этническим и бытовым предубеждениям, в Ташкенте шел процесс социального сближения и взаимодействия культур между коренным и пришлым европейским населением. Этому в значительной мере способствовало то, что важнейшие открытия и результаты всех научных исследований Средней Азии сосредотачивались и обрабатывались в Ташкенте. Это привело к становлению Ташкента, как научного центра взаимодействия цивилизации Запада и Востока.

В статье мы ставим перед собой следующую цель: на примере одной из диаспор Ташкента – немецкой показать ее многосторонний интерес к исследованию края, его богатого наследия, а также её участие в становлении Ташкента, как научного и культурного центра.

Заметим, что немцы, образовавшие диаспору в Узбекистане, были, в основном, подданными Российской империи, хотя среди них и были представители германских государств. Так, в 1869 г. в Ташкенте насчитывалось три прусских подданных и один саксонский¹, а в 1877 г. – 17 подданных германских государств, 5 прусских, два саксонских и пять австрийских². По данным переписи 1897 г., немцев в Ташкенте было: 164 мужчин и 141 женщина. Они селились компактно по бывшей улице Гоголя и Наманганскому проспекту³. Вместе с военными и чиновниками сюда переселялись и их семьи. Целью переселения были служба в царской армии, работа в администрации, системе образования, науки, здравоохранения, в торговле и производственной сфере.

Первым Туркестанским генерал-губернатором был генерал-лейтенант К.П. фон Кауфман. В память о нем в 1913 г. в Ташкенте был воздвигнут памятник (скульптор Н.Г. Шлейфер), снятый в 1918 г. (ныне на этом месте стоит памятник Амиру Темуру). Главным помощником Кауфмана по организации управления Туркестаном и Ташкентом был правитель его канцелярии генерал-лейтенант К.П. Гейне. Разработанное при его участии «Положение об управлении краем» действовало почти

¹ Туркестанский сборник. Ташкент. Т. 28. С. 8, 9, 12.

² См. Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 г. Т. 86. Сырдарьинская область. С.56.

¹ ЦГА РУз, ф. И-36, оп. 1, д. 497, л. 8.

² Там же, д. 1343, л. 26-28.

³ См. Первая всеобщая перепись населения ...

без изменений на протяжении 20 лет, а улемы города приняли специальную фетву, в которой новая система управления была признана «соответствующей требованиям и духу мусульманской веры». Кроме К.П. фон Кауфмана, было еще три генерал-губернатора немца – Н.О. Розенбах (1884-1889), Флуг (1913-1914) и Ф.В.Мартсон (1914-1915), а среди помощников начальника города – А.И. Дейбнер (1873) и А.В. Фок (1896-1905). В 1878 г. в Ташкенте было введено Городовое положение, создана городская дума, в работе которой активно участвовали почетный гражданин, купец 2-й гильдии М.Р. Келлер и купец 2-й гильдии А.И. Розенфельд. Городской головой избран Д.И. Эссен. С 1907г. его заместителем избран И.И. Шнейвас. В городской управе служили А.А. Гитнер, И.И. Краузе, Ф.П. Лигер, Э.Э. Маргенрот, Г.М. Гейслер, В.С. Гейцельман.

Немцы уделяли большое внимание озеленению края, завозили семена лесных пород, создавали лесопитомники. В Ташкенте и его окрестностях старожилы помнят имена лесоводов и садоводов отца и сына Греберов, В. Гросса. Прекрасный сад при дворце князя Н.К. Романова с прямоугольной разбивкой аллеи, засаженных российскими дубами, соснами, елями, липами и другими привозными деревьями и кустарниками, был возведен И.И. Краузе.

Немалый вклад в создание генофонда европейских сортов фруктовых деревьев и винограда внес энтузиаст этого дела К. Зарринг. Им сооружена также первая плавающая электростанция на канале Боз-су. В 1906 г. было закончено строительство железной дороги Оренбург-Ташкент. Будучи первоклассным специалистом, первый начальник крупнейшей в Туркестане Ташкентской товарной станции Зарринг ввел четкий распорядок в организацию железнодорожного сообщения, получив звание “Личный почетный гражданин”.

Ташкент очень скоро превратился в значительный культурный центр. Важнейшие научные учреждения России открыли здесь свои отделения. Первое время исследовательская работа в Туркестане велась, главным образом, научными учреждениями Петербурга и Москвы, но с конца XIX в. здесь, преимущественно в Ташкенте, стали создаваться научные организации. В частности, стали функционировать различные научные общества в области образования, науки, медицины, сельского хозяйства, культуры и т.п. Во всех этих научных организациях сотрудничали представители немецкой диаспоры Ташкента. Они не только принимали активное участие в деятельности этих учреждений, но многие из них были их инициаторами, либо руководителями. К примеру, в 1869 г. по инициативе К.П. фон Кауфмана, А.В. Каульбасса, А.Л. Куна, К.В. Струве (вице-председатель), Н.Б. Тейха было образовано Среднеазиатское научное общество¹. По предложению К.П. фон Кауфмана в 1870 г. создана Туркестанская публичная библиотека, исполняющим должность заведующего в 1900 г. был А.И. Мердер.

В том же году Н.Б. Тейхом создана химическая лаборатория, в 1872 г. А.И. Вилькинсом – школа шелководства, а в 1873 г. – астрономическая обсерватория, заведующим которой был Вильд, помощником А.Ф. Шварц. По инициативе И.И. Краузе в Ташкенте в 1876 г. основан музей, куда он передал многие свои коллекции, а в 1910 г. основана энтомологическая станция.

Самым значительным и деятельным объединением городской интеллигенции, в том числе и немецкой, являлся Туркестанский отдел Русского географического общества, созданный в 1897 г. Очень скоро отдел трансформировался в центр разнообразных географических, геологических, зоологических и ботанических исследований Средней

¹ Кнауэр Н.Х. Ташкент // Немцы России: Энциклопедия. М., 2006. Т. 3. С. 518.

Азии. Из организованных им работ особенно важен был многотомный труд Аральской экспедиции (1900-1906), руководимой Л.С. Бергом. Экспедиция носила широкий комплексный характер и была выполнена на высоком для своего времени научном уровне¹.

Неоценимый вклад в развитие сельского хозяйства Узбекистана внесло созданное в Ташкенте в 1885 г. Туркестанское общество сельского хозяйства, председателем которого, начиная с 1904 г., был Р.Р. Шредер. Многие его работы получили дипломы лауреатов и победителей Всесоюзной сельскохозяйственной выставки. Всего академиком Рихардом Шредером опубликовано 250 работ, он является автором сорта хлопчатника «Шредер» (№ 1306), который лег в основу многих современных сортов этой культуры, его именем было названо Научно-производственное объединение садоводства, виноградарства и виноделия².

В середине девяностых годов XIX в. оживляется работа по изучению истории Узбекистана. Выдающийся востоковед В.В. Бартольд заложил основу всей последующей работе по изучению древней и средневековой истории Узбекистана. Благодаря ему Ташкент становился своеобразной опорной базой российской ориенталистики. В.В. Бартольд неоднократно бывал в Ташкенте, изучал историю материальной культуры народов Средней Азии, дал толчок к изучению древних памятников. Он впервые использовал и обработал с исключительной полнотой местные первоисточники, особенно средневековые, был инициатором создания Туркестанского общества любителей археологии и старины (1895-1917). Членами кружка были произведены раскопки, главным образом, в Ташкенте. В.В. Бартольд являлся одним из организаторов Туркестанского университета, читал лекции на историко-филологическом факультете и в Ташкентском восточном институте.

Обширный регион Туркестана нуждался в развитии системы образования и науки. Созданная в 1879 г. учительская семинария имела большое значение для развития образования среди европейской части населения Туркестана. Среди других преподавателей семинарии определенную роль сыграли немцы Н.К. Бетгер, Я.Я. Лютш, Э.Н. Мюллер и др. Известным учебным заведением в этот период была Ташкентская гимназия, знаменитая своими педагогами. Это - Петер Биркенталь, преподаватель физики, член церковного Совета, Эдуард Фингер – преподаватель природоведения, Людвиг Майер, братья Энгельгард – преподаватели физической культуры, Эмилия Ботт – преподавательница немецкого языка. В учебных заведениях Ташкента преподавал не один десяток представителей немецкой диаспоры, некоторые из них работали в школах и вузах Ташкента и после октября 1917 г. Особо следует отметить преподавателя русского языка и литературы Евгения Бетгера, родившегося в 1887 г. в Ташкенте в семье провизора. Выпускник Гайдельбергского университета, историк и краевед-ориенталист, крупнейший библиограф, библиотековед, он был собирателем редких рукописей. В фонде этой библиотеки хранится редчайшая «Девятая немецкая Библия», напечатанная в XV в. Будучи специалистом высокой квалификации, он оказал неоценимую помощь Государственной библиотеке им. Алишера Навои (бывшей Туркестанской библиотеке), и другим библиотекам республики в организации и каталогизации фондов, системы хранения и отыскания книг, рационального использования библиотечной площади. Значительна его роль и в подготовке национальных кадров библиотечных работников. Человек энциклопедических знаний и высокой культуры, Е.К. Бетгер отличался феноменальной библиографической памятью,

¹ История народов Узбекистана. Ташкент, 1947. Т. 2. С. 355.

² Хроника событий. Биографические справки ученых. Ташкент, 1990. С.132.

был страстным любителем художественной литературы, театра и музыки, интересным собеседником¹.

Одним из организаторов системы высшего образования в Узбекистане в 20-е годы прошлого века был проректор первого в Средней Азии Ташкентского университета академик Александр Шмидт. С его именем также неразрывно связана история современной школы востоковедения в Средней Азии: он был ректором Института востоковедения (1920), деканом восточного факультета САГУ (1924), первым членом-корреспондентом АН СССР из Узбекистана (1925). Он являлся воспитателем плеяды талантливых ученых-востоковедов в регионе, разработчиком системы описания среднеазиатских восточных рукописей, создателем очага серьезного востоковедения, основанного на строго научных методах². В этом же университете работал Лев Гентшке – доктор исторических наук, профессор, заслуженный деятель науки РУз, декан филологического, затем исторического факультетов, проректор университета, инициатор разработки методики проблемного обучения и комплексного применения технических средств обучения и т.д.³ Эти традиции сохранились и по настоящее время. В Узбекистане сложилась целая плеяда известных деятелей науки и культуры немецкого происхождения: историки – доктор исторических наук, профессор В.Л. Гентшке (несмотря на то, что она переехала в Москву, она продолжает принимать активное участие в научной жизни республики), кандидат исторических наук, с.н.с. Института истории Академии наук РУз В.А. Германов; доктор геолого-минералогических наук Т.А. Сикстель; кандидат экономических наук В.А.Ивонин; биолог А.И. Гагельганс; врачи – кандидат медицинских наук М.Н. Бендингер, Г.Н. Гиммельфарб и др.

Подводя итог, отметим, что до завоевания территории Средней Азии ни Европа, ни Российская империя, в частности, не имели глубоко научного представления о Среднеазиатском регионе. Для досконального изучения богатого наследия и цивилизации Туркестанского края сюда были привлечены талантливые ученые, специалисты, многие из которых стояли у истоков организации в крае научных направлений и институтов. Заметим, что в отличие от властей, которые, прежде всего, соблюдали колониальные интересы метрополии, учёные ехали сюда в большинстве своём добровольно, бескорыстно, добросовестно трудились, вносили свою лепту в исследование края. Приятно отметить, что местная интеллигенция, ученые региона весьма толерантно относились к европейцам, занимающимся научными исследованиями, оказывали содействие в научных изысканиях, всячески поддерживали их. Более того, они совместно с ними трудились, творили, перенимая лучший опыт друг у друга. Своим трудом они внесли значительный вклад в развитие науки, образования, культуры в республике. И именно благодаря этим усилиям Запад узнал очень многое о цивилизации Востока, как и Восток о Западе.

В данной статье на примере представителей немецкой диаспоры Ташкента мы попытались проследить некоторые аспекты их участия в научной и общественной жизни Ташкента. Немцы, проживавшие в Ташкенте, были полностью обрусевшими, говорили и писали на русском языке, в отличие от сельских немцев, которые говорили на родном языке, не знали русского языка, строже сохраняли свои традиции и обычаи. Но, несмотря на это, немецкая диаспора в Ташкенте генетически сохранила в себе

¹ Библиоковедение Узбекистана. Сборник статей, посвященных 100-летию со дня рождения Е.К.Бетгера. Ташкент, 1989.

² Хроника событий. Биографические справки ученых. С. 132.

³ ЦГА РУз, ф.И-28-55, оп. 1, д. 4, л. 7.

исконно традиционные черты своего народа: исполнительность, пунктуальность, трудолюбие, скрупулёзность и щепетильность в исследованиях. Особенно это заметно по трудам ученых – если они исследуют историю края, то делают это до мельчайших подробностей и не нужно других источников, так как автор их уже собрал, упорядочил и изложил так, что читателю становится всё понятно.

Укажем, что в данной статье из-за ограниченности объема мы назвали несколько десятков имен. Но даже приведённые нами примеры свидетельствуют о том, что почти во всех научных и общественных организациях, во всех сферах работали представители немецкого этноса, более того, они занимали высокие должности, были руководителями научных институтов, крупными учеными. Бесспорно, своим трудом, скрупулёзностью в исследованиях немцы Ташкента, как представители культуры западного мира, внесли определенную лепту во взаимодействие цивилизации Запада и Востока.

Д. Иноятова

Тошкент – Ғарб ва Шарқ цивилизацияларининг ўзаро алоқалар маркази

Мақолада Тошкентдаги немис диаспорасининг турли илмий ташкилотлардаги иштироки, уларнинг республика фан, таълим ва маданият соҳалари ривожига қўшган ҳиссалари мисоллар асосида ёритилган.

D. Inoyatova

Tashkent – the center of interaction of a civilization of the West and East

In article on an example of German Diaspora of Tashkent participation of Germans in the various scientific organizations and their contribution to development of a science, education, culture of republic of shown.

О. Бўриев, М. Усмонов
(Ўзбекистон)

ШОШ – ТОШКЕНТ ВОҲАСИ АҲОЛИСИНING ЭТНИК ХУСУСИЯТЛАРИ (IX-XII АСРЛАР)

Шош (Тошкент) воҳаси IX-XII асрларда Мовароуннаҳрдагина эмас, балки мусулмон оламида ҳам салоҳиятли ҳисобланган. Бу даврда Мовароуннаҳрнинг иқтисодий - ижтимоий ҳаёти ва аҳоли ўртасида содир бўлган этник жараёнлар Сирдарё соҳиллари ва мазкур дарёнинг шимолидаги худудлари билан узвий боғлиқ бўлган. Чунки тарихий манбаларда турли даврларда Чоч, Шош ва Тошкент деб номланган воҳа Мовароуннаҳрнинг Бухоро, Самарқанд, шунингдек Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларини Еттисув ва Шарқий Туркистон шаҳарлари билан алоқаларида муҳим ўринда турган¹.

Мумтоз сайёҳ ва географ Истахрий (850-934) маълумотича, IX-X асрларда Шош Мовароуннаҳрнинг йирик иқтисодий ва маданий вилоятига айланган. Шош шаҳарлари дашт ва тоғ туманларига бориладиган транзит йўлларда жойлашган эди. Бу карвон йўллари Бухоро ва Самарқандни, Шош ва Илоқ марказларини Фарғона водийси билан боғлаган.

Ўрганилаётган даврда воҳанинг қишлоқ аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Шош воҳаси хўжалигида чорвачилик ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳарлар ва йирик қишлоқлар аҳолиси ҳаётида ҳунармандчилик асосий ўринни эгаллаган. Шош ва Илоқ воҳаларида қадимдан ҳунармандчилик бирмунча

¹ Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. Тошкент: Академия, 2008. 166-бет.

ривожланган эди. Ўрта асрлар давомида хунармандчиликнинг турли соҳалари (кулолчилик, темирчилик, заргарлик ва бошқ.) кенг тараққий этган. Хунармандчиликка керакли хомашёларнинг кўпчилиги Шош ва Илоқ воҳаларининг ўзида мавжуд бўлган.

Бу даврда Шош воҳасида ташқи савдонинг ривож топишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти жуда катта бўлган. Ипак йўлининг тармоқлари Шош ва Илоқ воҳаларидан ўтган. Бу йўл орқали маҳаллий аҳоли шарқда Хитой билан, шимоли - ғарбда Сирдарёнинг қуйи оқимлари, Орол денгизи ва Волга бўйларидаги халқлар билан, ғарбда эса Мовароуннаҳр орқали Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва Олд Осиёдаги барча йирик мамлакатлар билан доимий алоқада бўлишган.

Манбаларда Шош вилоятида 30 га яқин, Илоқда 13 та йирик шаҳар мавжудлиги қайд этилган. Араб географлари Шошда 25 ёки 27 та, Илоқда 13 та шаҳар мавжудлиги ҳақида маълумот беришган. Истахрий Шошда 27 та, Илоқда 14 та шаҳар борлигини қайд этган. Араб географи Ал-Муқаддасий (940-1000) эса Шошда 34 та, Илоқда 14 та шаҳар мавжудлигини таъкидлаган.

Воҳанинг қулай географик ва халқаро савдо йўллари кесишган ҳудудда жойлашганлиги унинг иқтисодий-маданий жихатдан гуллаб-яшнашига ёрдам берган. IX-XII асрдаги юксалиш кенг миқёсдаги савдо-иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очган.

X аср охири - XII аср ўрталарида Шош Қорахонийлар давлати таркибига кирган. Бу даврдан бошлаб Шошда туркий тилнинг мавқеи анча ошган. XI асрдан бошлаб шаҳар яна бир янги ном билан - Тошкент деб аталган. Шаҳристон ва аркка эга бўлган бу шаҳар IX- XII асрларда нафақат воҳанинг маъмурий маркази, шу билан бирга Мовароуннаҳрнинг савдо - хунармандчилик ва маданий марказларидан бири сифатида ҳам ном қозонган эди.

1214-1215 йилларда Муҳаммад Хоразмшоҳ Шошни Қорахонийлардан тортиб олади. Қорахитойлар қўшини ҳамда найманлар хони Кучук билан жанг қилади. Шаҳарни душман қўлига ўтиб кетмаслиги учун аҳолини кўчиради ва шаҳарга ўт қўйдиради. 1220 йилда Чингизхон қўшинлари кўчманчи қабилалар ва Хоразмшоҳ қўшинларидан анча харобазорга айланган Шошни қаршиликсиз истило қилишади.

Воҳа аҳолисининг этник хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, илк ўрта асрларда Чоч воҳасига туркий этник қабилаларнинг келиши, айниқса Чочнинг Турк ҳоконлиги таркибида бўлиши, унинг маданияти ривожига катта таъсир кўрсатган. Бу жараён ушбу маконда турк-суғдий этномаданий ҳудуднинг шаклланишига олиб келган. Чоч эроний тилли аҳолининг туркийлашиш жараёни жадал кечган масканга айланади. Бу жараёнлар айниқса археологик материалларда яхши кузатилади ва ёзма манбалар орқали ҳам тасдиқланади¹.

Мовароуннаҳр ва унга туташ минтақаларда маҳаллий суғдий ва туркий (ху, ди, рунг, хунн, туро қабилалари) аҳолидан ташқари VI-VIII асрларда келиб ўрнашган туркий этник гуруҳлар шунчалар кўп эдики, уларнинг номлари ёзма манбаларда аз, уз, арғун, тухси, яғмо, дуғлат, қарлук, чиғил, халач, туркаш, қанғли, кипчоқ, ўғуз ва бошқалар кўрсатилган. Уларга қадар ҳам, масалан, хиёнийлар билан бирга хунн, аз, уз, тухси, турк, калтатой, мусобозори каби туркий қабилалар кириб келишган. Уларнинг аксарияти Ўрта Осиёнинг Амударёгача бўлган ҳудудларига жойлашиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб яшашган².

Арабларнинг Ўрта Осиёга кириб келиши туркий қавмларнинг минтақа ички туманларига жадал кириб келишини вақтинча тўхтатган. Натижада унгача бу ерга

¹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. Тошкент: Университет, 2007. 44-бет.

² Асқаров А. Кўрсатилган асар. 260-бет.

кириб келган туркий қавмларнинг маҳаллий аҳоли билан аралашуви кучайди. Айниқса бу жараён Мовароуннахрнинг шимолий ва шарқий минтақаларида яққол кўзга ташланади. Бу ҳудудда VIII-IX асрларда туркий номдаги шаҳарлар барпо этилган. Масалан, Шош воҳасининг Ангрен дарёси ҳавзасида Абрлик, Намудлик каби кон саноати шаҳарлари қад кўтарган¹.

Ила ва Сирдарё оралиғидаги минтақаларнинг энг қадимги аҳолиси хун, усун, қанғар (қанғли), печенг ва бошқалардан иборат бўлган. Буларнинг кейинги авлодлари қарлуқлар даврида ҳам (қанғар (қанғли), уйшун, печенег) сақланиб қолган эди. VI-VIII асрларда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида қанғлилар билан бижанаклар ҳам яшашиб, улар билан қабила иттифоқида кирган эди. Шу даврда ўғуз, қарлуқ, чигил, халач, яғмо қабилалари, IX-X асрларда эса қипчоқлар ва уйғурлар келиб жойлашишган².

IX-XII асрларда Шош воҳаси қишлоқ ва шаҳар аҳолиси тили жиҳатидан турк ёки тожикларга мансублиги ҳақида аниқ маълумотлар учрамайди. Лекин Сирдарёнинг ўрта оқимида қадимдан қанғарлар – қирғизлар, хунлар, усунлар каби туркий халқлар, этник гуруҳлар яшаб келишган. Кўринадик, Шош ва Илоқ воҳалари аҳолисининг аксарият қисми туркий тилли халқлардан иборат бўлган дейиш мумкин. Табиийки Чирчиқ ва Илоқ дарёлари водийларида суғдийлар ҳам истиқомат қилишган.

Шош ва Илоқ водийлари атрофларидаги тоғ ва чўлларда ўтроқ ва ярим кўчманчи турк қабилалари ўрнашган. Истахрий Илоқ (Оҳангарон) дарёси Туркистондан бошланишини қайд этган. Ибн Ҳавқал (ваф.976) ҳам бу дарёни Туркистон ерларидан оқиб келиши ҳақида маълумот берган. Илоқ дарёсининг юқори қисмлари Қурама ва Чотқол тоғларининг туташган ҳудудларидан бошланган. Демак, Қурама тоғининг юқорисидан Чотқол тоғининг ўрта қисмларигача бўлган ҳудудлар туркий қабилаларга қарашли бўлган.

Муаррих Табарийнинг (863-923) маълумотида кўра VII-VIII асрларда Шош воҳаси аҳолисининг асосий қисмини туркий қабилалар ташкил этган³. Чирчиқ (Пароқ) дарёсининг бир ўзани Бискама (Пискама) дан, иккинчи тармоғи Читгил (Чақал), Жидгил, яъни Чотқолдан иборат эди. Чотқол тоғи номини туркларнинг чигил қабиласи номидан олинган деб ҳам фараз қилинади.

“Худуд ал-олам”да (982) Пароқ (Чирчиқ) дарёсининг юқори қисми Қарлуқ тоғидан бошланади, дейилган. Маълумки, чигиллар Қарлуқ иттифоқидаги қабилалардан бирининг номидир. Манбалардаги маълумотлар Тангритоғ (Тяньшань) нинг маълум қисми Қарлуқ, Чотқол тоғи эса Чигил деб аталган бўлиши керак. Бу тоғларнинг энг юқори қисмида Ҳазлажия турклари яшаган. Араб манбаларида қарлуқлар кўпинча “Харауж”, “Харлуж” тарзида берилган.

Кўриниб турибдики, Ибн Ҳавқал ва “Худуд ал-олам” маълумотлари бир-бирини тўлдирди. Чирчиқ дарёси ирмоғидан бошланган тоғни Қарлуқ номи билан аталишига шубҳа қилмайди. Юқорида таъкидланганидек “Худуд ал-оламда” Пароқ (Чирчиқ) дарёси Қарлуқ тоғидан бошланишига асосланиб, шуни таъкидлаш жоизки, Қурама - Чотқол - Пском тизма тоғидан Тангритоғ (Тяньшань) нинг шимоли ва ғарбий қисмлари ва туркий тилли қарлуқ ва чигил қабилаларининг маълум қисми яшаган воҳанинг Пискент, Паркент туманларида ҳам қарлуқлар кўпчиликини ташкил этишган⁴.

IX асрда Келес чўлида, Оҳангарон ва Чирчиқ водийларида, Чотқол ва Угом тоғлари

¹ Аскарлов А. Кўрсатилган асар. 248-бет.

² Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. Тошкент: Шарқ, 1999. 37-бет.

³ Аскарлов А. Кўрсатилган асар. 249-бет.

⁴ Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. 141-бет.

бағирларида ўғузларнинг айрим гуруҳлари ҳамда қарлуқ қабилалари истиқомат қилишган¹. Бу этник гуруҳлар ислом динини қабул қилишгач, Сомоний ҳукмдорлари руҳсати билан водийга келиб ўрнашишган.

Ўғузлар VIII - IX асрларда Сирдарё бўйларида яшашган. IX аср охири -X аср бошларида ҳудудда биринчи Ўғуз давлати вужудга келган². Ўғузларнинг айрим гуруҳлари Келес чўли, Ангрен ва Чирчиқ дарёлари водийларида, Чотқол ва Угом тоғ олди туманларида истиқомат қилишган. Уларнинг мусулмон динини қабул қилган қисми Шош вилоятининг қишлоқ ва шаҳарларида туришган. Масалан, ўғузлар Бискент (Пискент) да қарлуқлар билан биргаликда яшашган.

Ўғуз ва қарлуқ гуруҳларининг водийга келиши билан бу ҳудудда туркий тилли аҳолининг сони бирмунча ошган. К. Шониёзовнинг ёзишича, қарлуқларнинг баъзи гуруҳлари Шош воҳасига VIII аср бошларидаёқ келишган. Қарлуқларнинг бу қисми аллақачон ўтроқлашиб, Шош воҳасидаги туркий тилли аҳолининг қадимий қатламлари билан аралашиб кетган.

Сирдарёнинг ўнг қирғоғи қуйи ҳавзасида яшовчи арғунларнинг айрим гуруҳлари VIII-XII асрларда Шош – Тошкент воҳасига кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли билан аралашган ва аксарият қисми ўтроқлашган³. Шунингдек, Шош воҳасига туркешлар ва уйғурлар ҳам келиб ўрнашишган.

IX-X асрларда маҳаллий ҳокимият форсийзабон Сомонийлар кўлида бўлса ҳам, Мовароуннахрнинг шимолий, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий ҳудудларида, жумладан Шош воҳасида ўзбек элатининг туркий асоси шаклланган эди. Бу даврда ўғузлар билан бир вақтда келган гуруҳлар ислом динини қабул қилишган бўлишсада, лекин ўзларининг этник хусусиятларини сақлаб қолишган эди⁴.

Чингизхон империяси таназулга учраб, Чигатой давлати вужудга келгач, уни ҳарбий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун ҳар бири минг уйли турк-мўғуллар қабилалари Ўрта Осиё ҳудудларига келишган. Улар барлос, жалойир, қовчин ва орлот қабилалари эди. Жумладан, жалойирлар Тошкент воҳасининг Ангрен ҳавзасига келиб ўрнашишган⁵.

Хуллас, IX-XII асрларда Мовароуннахрда иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этган Шош, Тошкент воҳасида ўзига хос, ниҳоятда қизгин этник жараёнлар содир бўлиб, туркий тилли ва форсийзабон турғун аҳоли ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи тарзда яшаб, ўзбек элатининг шаклланишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшиб, ўзбек халқининг этник таркибидаги энг асосий компонентлар сифатида салоҳиятли ўринга эга бўлишган.

О. Буриев, М. Усманов

Этнические особенности населения оазиса Шаш – Ташкент (IX – XII вв.)

В данной статье рассматривается этнический аспект населения оазиса Шаш в IX – XII вв. Авторы на основе исторической литературы анализируют расположение, состав, а также социально-экономическую жизнь населения оазиса.

O. Buriev, M. Usmanov

Ethnic peculiarity of population of Shash – Tashkent oasis (9th – 12th centuries)

In this article is considered ethnic aspect of Shash oasis's population in 9th – 12th centuries. Authors on the basis of historical literature analyze location, composition, also social – economical life of population.

¹ Ўша асар. 74-бет.

² Агаджанов С. Г. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX-XII вв. Ашхабад, 1969. С.128.

³ Асқаров А. Кўрсатилган асар. 261-бет.

⁴ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент: Шарқ, 2001. 222-223-бетлар.

⁵ Асқаров А. Кўрсатилган асар. 254-бет.

ТОШКЕНТ ҒАРБЛИК ДИПЛОМАТ НИГОҲИДА

1865 йилда рус подшоси кўшинлари генерал М.Г. Черняев бошчилигида Тошкент шаҳрини ишғол қилганларидан 8 йил ўтгач, ўлкада ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган бир давр – Кўқон ва Хива хонликларига қарши ҳаракатлар кучайган паллада – Санкт-Петербургдан Ўрта Осиёга АҚШнинг Россиядаги бош консули Евгений Скайлер¹ ташриф буюради.

Е. Скайлер Ўрта Осиё билан аввалдан 1868 йилдаёқ қизиқиб қолган эди. Ўшанда у москвалик савдогарлар билан яхши алоқалари туфайли Оренбургга ташриф буюриб, у ерда пахта савдосини ўрганган. Ўлкага келиш учун у расмий доираларнинг махсус рухсатномасини олади. Унинг саёхатини рус ҳарбий маъмурлари А.М. Горчаков, Д.А. Милютин ва К.П. Кауфман маъкуллайдилар².

Евгений Скайлер Ўрта Осиёга ташриф буюрган ғарблик саёхатчиларнинг дастлабки вакили бўлиши билан бирга АҚШ ҳукуматининг Россиядаги дипломатик вакили ҳам эди³.

Е. Скайлер Туркистонга саёхати натижаларини 1874 йил 7 мартда Санкт-Петербургдаги АҚШ элчиси Маршалл Джебеллга маълум қилган ва у ҳисобот шаклида ўша йили Вашингтонда “Қўшма Штатлар ташқи алоқалари” (“Foreign relations of the United States”) номли тўпламда расман нашр этилган.

У ўз ҳисоботида кенг қамровли масалаларни, жумладан Россия ҳукмронлиги остидаги Туркистондаги вазият, Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари билан ўзаро муносабатлари, Туркистондаги рус ҳокимиятининг Афғонистон, Қашғар ва Ғўлжага оид сиёсий нуқтаи назарларини баён этган.

1875 йил 11 февралда “Голось” газетасида “Скайлер саёхатномаси ва Туркистон бюджети” номли бош мақола эълон қилинади. У реакцион руҳда ёзилган бўлиб, рус маъмуриятининг Туркистонга ҳаддан ташқари ишонувчанлиги кескин танқид қилинади⁴.

Чунки Е.Скайлер Туркистондаги 1868-1872 йилги беш йиллик мустамлака маъмуриятининг фойда ва харажатларини таққослаб, Ўрта Осиё мулклари Россия учун 19 миллион рубл зарар келтирганига амин бўлади. У бунинг сабабларини русларнинг ўлкадаги кўплаб фуқаро маъмурияти ва ўзини оқламайдиган улкан ҳарбий кўшинларида деб билади.

Кейинроқ 1876 йилда ушбу нашр муаллиф томонидан тўлдирилиб, ўзининг Сирдарё, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Самарқанд, Зарафшон водийси, Хўжанд, Кўқон, Бухоро,

¹ Скайлер Евгений (Schuyler Eugene, 1840–1890) америкалик дипломат ва олим бўлиб, 1865 йилдан дипломатик соҳада фаолият кўрсатган. У 1867 йил 15 июлда АҚШнинг Москвадаги консули этиб тайинланади ва кейинроқ 9 йил давомида у Ревал, Санкт-Петербург ва Константинополда турли дипломатик лавозимларда ишлайди. 1880 йилда Руминияда АҚШ дипломатик ваколатхонасига бошчилик қилади. 1882 йилдан бир вақтнинг ўзига АҚШнинг Юнонистон, Руминия ва Сербиядаги бош консули вазифасини бажаради. Е. Скайлер 1884 йилда Қўшма Штатлар ташқи сиёсат маҳкамаларидан истеъфога чиқади ҳамда Жонс Хопкинс ва Корнуэлл университетларида дарс беради, мақолалар ёзиб туради.

² Дмитриев Г.Л., Деспеша Е. Скайлера и проблемк среднеазиатской политики царизма 70-х гг. XIX в. // Научные труды ТашГУ. № 517. Ташкент, 1976. С. 34.

³ Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Kuldja. Vol. I. London., 1876. P. 9.

⁴ Дмитриев Г.Л., Деспеша Е. Скайлера и проблемы среднеазиатской С. 45.

Қарши, Шахрисабз, Иссиққўл, Еттисув ва Ғулжага саёҳатлари натижасида кўрган-билганлари ҳамда эшитганлари асосида кенгайтирилиб, “Туркистон: Рус Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари” номли икки жилдли китоб ҳолида илк бор Лондон (Буюк Британия)да нашр этилади¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, асар муаллифнинг кўрган-кечирганлари ва бевосита ўзи шохид бўлган воқеа ва манзаралар асосида ёзилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, уни тарихий-географик, қолаверса саёҳатнома асар дейиш ҳам мумкин. Ваҳолонки, XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон тарихига оид бу каби салмоқли манба на Россия ва, на Ғарб муаллифлари томонидан яратилмаган.

Тошкент муаллиф саёҳати даврида Туркистоннинг сиёсий-маъмурий маркази бўлганлиги боис асарда шаҳар ҳақидаги маълумотлар батафсил ёритилган. Улар асарнинг биринчи жилди, 3–5 бобларида берилган.

Жумладан, 3-бобда Тошкентнинг умумий тарихи баён этилган. Е.Скайлер Тошкентни ўраб турган девор ва дарвозалари, шаҳарнинг умумий кўриниши ҳақида шундай ёзади: “Айтишларича, Тошкент деворларининг узунлиги ўн олти мил² ташкил этиб, 12 дарвозаси бўлган. Шаҳарни Россия қўшинлари эгаллагандан сўнг унинг учтаси олиб ташланган. Баъзи жойларда девор баландлиги ўн икки ёки ўн беш фут³ ташкил этиб, улар сувоқланган пахсадан иборат. Деворнинг пастки қисми тепасига қараганда анча қалин бўлиб, тепа қисми тўп ва замбараклар учун махсус жой ва тешиқлардан иборат. Ичкаридан тепага чиқаверишда тор йўлакча ва майдонлар бўлиб, улар аскарларнинг туриши, тўп ва замбаракларнинг жойлаштирилиши учун қулайдир. Тор кўча деворни уйлардан ажратиб туради. Девор ташқарисида, шаҳардан олти мил нарида бир неча милга чўзилган боғлар бор. Шаҳарни бир неча метр масофада яшириб турувчи, дарахтлари зич жойлашган бу боғлар, гарчи Россия босқинидан катта талофат кўрган бўлса, ўша-ўша чиройлигича турибди. Вақтида бу боғлардаги дарахтлар савдо расталари қуриш учун кесилган, кесилган дарахтлар ўрнидан қўшин армиянинг ҳарбий машғулотлар ўтказадиган тажриба майдони сифатида фойдаланилган⁴.

Ушбу бобда шаҳар аҳолиси ҳақида ҳам тўхтаб ўтган муаллиф унинг сонини аниқлаш жуда қийин эканлиги, улар тўғри рўйхатга олинмаганлигини таъкидлайди. Аммо шаҳарни яхши билган кишилар Тошкент аҳолисининг асосий қисми ўзбеклардан иборат бўлиб, унда 120 000 аҳоли бор деб ҳисоблашини, бундан ташқари тожиклар, татарлар, қирғизлар, ҳиндилар ва бошқа миллат вакиллари ҳам истиқомат қилишини ёзган⁵. Баъзи тарихий адабиётларда 1868 йилда шаҳарда 76 053 киши⁶, бошқа бирларида эса XIX асрнинг 70-йилларида шаҳарда 78 981 киши⁷ истиқомат қилганлигини назарда тутадиган бўлсак, Е. Скайлер ташриф буюрган 1873 йилга келиб, 3-5 йил ичида шаҳар аҳолиси қарийб 40 000 дан ортиқ кишига кўпайиши мумкин эмас. Бу жиҳатдан муаллиф хатоликка йўл қўйганлигини эътибордан кочирмаслик керак.

Тошкентнинг минтақа шаҳарлари ичида Ислом анъаналарини ўзида сақлаб қолган

¹ Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Kuldja. Vols. I-II. London., 1876.

² Мил – инглиз узунлик ўлчов бирлиги бўлиб, 1,06 км. га тенг. Матнда 16 фут 16,9 км. га тенглиги назарда тутилган.

³ Фут – инглиз узунлик ўлчов бирлиги бўлиб, 1 фут 0,3 метрга тенг. Бу ерда деворлар баландлиги 12-15 фут дейилганда 3,6 дан 4,5 метрлар чамаси назарда тутилган.

⁴ Schuyler E. Кўрсатилган асар. -Р. 48.

⁵ Юқоридаги асар. Р. 51

⁶ Ўзбекистон ССР тарихи. 4 томлик. 2-том. Тошкент: Фан. 1971. 126 бет.

⁷ Озодаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар (XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёти). Тошкент: ЎзФА нашриёти. 1960. 142 бет.

марказ сифатидаги ўрни масалалари, шаҳардаги мусулмон ҳаётининг ўзига хос жиҳатлари 4-бобда ёритилган.

Е. Скайлер шаҳардаги тасаввуф оқимлари ва уларнинг диний урф-анъаналари ҳақида тўхталиб, шундай ёзади: “Тарикат биродарлиги Тошкентда ҳам мавжуд бўлиб, унинг энг машҳурларидан Нақшбандия, Хуфия, Жаҳрия, Қодирия ва Чистия бўлиб, энг охиргисига Қўқон ва Хўжандда ҳам амал қилинади. Мазкур тариқатларнинг пайдо бўлиши ва уларга асос солинишини аниқлаш жуда қийин. Ҳар бир тариқатнинг ўз афсонавий тарихи бўлиб, унга қатъий ишонилади ва ҳар бири маълум авлиёлар томонидан ҳимоя қилинади. Жаҳрия биродарлиги Тошкентнинг турли жойларида кундалик тадбир ўтказиб туради. Ўрда бозори яқинидаги Эшон Соҳиб Хўжа масжидида, пайшанба куни кеч соат 9 дан жума тонги соат 5-6 ларгача бўлиб ўтган маросимнинг гувоҳи бўлдим”¹.

Тошкентда мусулмончилик қонун-қоидаларига руслар монелик қилмаганликлари, генерал Кауфман ҳар қандай миссионерлик ҳаракатини аҳоли орасида олиб борилишини рад этганлиги ва Санкт-Петербургда шу мақсадда келган бир-икки кишини дарҳол Тошкентдан чиқариб юборганлиги, чор маъмуриятининг бу ҳаракати таҳсинга лойиқ бўлиб, маҳаллий аҳоли ўз динларининг таъкиб қилинмаганидан мамнун эканликлари батафсил келтириб ўтилган².

Е. Скайлер Тошкентдаги таълимнинг бутун Ўрта Осиёдаги каби тўла диний шаклда эканлигини ёзиб, мактаблар икки хил: мактаб ёки бошланғич мактаб ҳамда мадрасадан иборат эканлигини қайд этади: “Мактабларнинг мударрисларига ота-оналар ҳақ тўлайдилар. Байрамларда, асосан, икки марта: Рамазон ва Қурбон ҳайитлари олдидан махсус совға ёки тўн берилади. Булардан ташқари, улар ҳар пайшанба куни нон ва кичик совғалар олиб турадилар. Мадраса талабалари таълим учун ҳеч қандай тўлов тўламайдилар, лекин улар ўз устозлари каби мадрасаларнинг вақф деб аталмиш мулкидан келадиган даромад ҳисобидан таъминланадилар.

Ўғил болалар 5-6 ёшларида бошланғич мактабларда ўқий бошлайдилар ва бу 7 йилга чўзилади. Улар ўқишни алифбодан бошлаб сўнг Қуръон пораларини ўтадилар. Улар орасида “Чор китоб”, “Мантик” ва “Форсийча” каби 6-7 та китобларни ўқийдилар. Бу етти китобни улар осонлик билан ўқишлари ва ёза олишлари шарт.

Мадрасада ўқиш 7 йил давом этади, аммо камдан-кам одам тўлиқ курсни битириб чиқади. Бунга эришганлар имом ёки масжид руҳонийси, мударрис, қозиларнинг котиблари (мирзо) бўлишлари ҳам мумкин...

...Бу ерда мадрасадан ташқари яна бир неча махсус мактаблар ҳам бор. Улар ибодатчиларни ўқитадиган “саловат хона”, “қори хона”лардан иборат бўлиб, ўқувчилар бу ерда Қуръонни ёд олишади. “Маснавий хона” ҳам бўлиб, у ерда шоирларнинг маснавий асарлари ўрганилади. Таълим фақат эркаклар билан чегараланиб қолмайди. Қизлар ҳам махсус мактабларда ўқиш ва ёзишга ўргатилади, улар 3 ёки 4 йил ўқийдилар, сўнг турмушга чиққунларига қадар 1 ёки 2 йил тикишни ўрганадилар”³.

5-бобда эса Тошкент бозорлари ва савдо-сотик, хунармандчилик ишларининг аҳволи таҳлил этилган.

Е.Скайлернинг Тошкентга ташрифи даврида шаҳар аҳолисининг кўпчилиги асосини деҳқонлар ва ер эгалари ташкил қиларди. Улар ердан олинаятган даромад билан тирикчилик ўтказиб, бошқа ишлар билан шуғулланмасди. Шаҳар аҳолиси орасида хунармандлар анчагина қисмини ташкил қилиб, кўнчилар ва этикдўзлар, шунингдек,

¹ Schuyler E. Кўрсатилган асар. Р. 88.

² Саидбобоев З. Тошкентда мусулмон ҳаёти // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2003, 4-сон. 215 бет.

³ Schuyler E. Кўрсатилган асар. Р. 91-94.

бўзчилар айниқса кўп эди.

Муаллиф Тошкентнинг хунармандчилик маркази сифатидаги ўрнига ҳам юқори баҳо берган. Жумладан, у бу ҳақда шундай ёзади: “Бу ерда (Тошкентда – З.С.) бошқа жойларда сингари ишлаб чиқариш бир неча тармоқларга бўлинади. Масалан, бир дўконда маҳсулот асоси қилинса, бошқалари бириктирилганлар, яна бошқалари эса дасталар, қопқоқлар ясаганлар, ён тарафда безаклар тайёрлаш дўконлари кесишган ва хоказо. Бу қатор охирида эса Россиядан келтирилган ошхона буюмлари. Барча ишлатиладиган темир буюмлар ташқаридан олиб келинган, маҳаллий буюмлар кам, фақат пичоқ ва қилич ишлаб чиқариш бундан истиснодир. Темирдан қилинган пичоқ, қайчи ва устараларнинг катта қисми сотувга берилади, гарчи кўпчилик қайчиларнинг четлари пўлатдан пайвандланган бўлса ҳам, баъзилари эса бутунлай пўлатдан қилинган. Одатда эски қиличлар баланд нархда сотилади. Пичоқлар ҳар бир осиеликнинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Пичоқларнинг ишлаб чиқариш ва сотиш ишлари билан кўпчилик шуғулланади. Дасталар одатда суякдан қилинади ва безатилади. Деярли ҳар бир пичоқ ўзининг от терисидан қилинган ғилофига эга”¹.

Е.Скайлер Тошкентни Россия ва Қошғар билан боғлаб турувчи савдо ва карвон йўллари географиясини ҳам батафсил ёзган: “Эски карвон йўлларининг қарийб барчаси Тошкентдан Петропавловск ва Троицккача борган. Уларнинг кўплари ҳозирда Оренбургга йўналган бўлиб, почта йўли ҳам шу йўналишда. 1300 милни ташкил этувчи бу йўлни 60 кунда босиб ўтиш мумкин. ...Троицкдан Тошкентгача 39 кунлик йўл қарийб 1200 милдан иборат.

Қошғар савдоси одатда Норин орқали Тўқмоқ ва Вернийга, лекин уларнинг баъзилари Терақдовон ва Қўқондан ўтган. Қошғардан Қўқонга қадар масофа 300 милдан зиёдни ташкил этиб, карвонлар бу йўлни 12-20 кунда босиб ўтишган”².

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, Е. Скайлернинг Туркистонга саёҳат қайдларидаги Тошкент тавсифи кўплаб маълумотларни ўзида жамлагани, Шарқнинг муҳим дарвозаси саналган шаҳар ва унинг ҳаёти бундан қарийб бир ярим аср илгари Ғарб китобхонига қизиқарли тарзда таништирилганлиги билан аҳамиятли саналади.

З. Саидбобоев

Ташкент главами западного дипломата

В статье анализируются ценные сведения о Ташкенте, приводимые американским дипломатом Е. Скайлером, посетившим город во второй половине XIX в. и написавшем книгу о Туркестане. На базе этого источника анализируется социально-экономическая жизнь города.

Z. Saidboboev

Tashkent by the view of foreign diplomat

In the is paper is considered valuable datas on Tashkent, which given by the American diplomat E. Schuyler, visited city in second half of the 19th century and in his book about Turkestan. On the basis of that source the socio-economic life of city is analyzed.

А.А. Одилов
(Ўзбекистон)

ТОШКЕНТ МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ ТАРИХИДАН

Ҳақли равишда “Шарқ дарвозаси” номига мушарраф бўлган Тошкент - нафақат Марказий Осиё, балки жаҳондаги қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, дунё цивилизацияси ривожига ўз муносиб хиссасини қўшган. Шаҳар муҳим савдо

¹ Schuyler E. Кўрсатилган асар. Р. 100-101.

² Schuyler E. Кўрсатилган асар. Р. 115.

карвонлари кесишган, Буюк ипак йўли тармоғида жойлашган эди. Бу ўз навбатида шаҳар маданий ҳаёти ва ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Тошкент XIX аср бошларига келиб Қўқон хонлиги ҳудудига киритилиб, хонликнинг асосий шаҳарларидан бири мақомига эга эди. XIX асрга келиб шаҳарда 12 та дарвоза мавжуд бўлиб, шаҳар аҳолиси 80.000 га яқин кишини ташкил этган. XIX аср ўрталарига қадар шаҳар асосини Кўкча, Себзор, Бешёғоч ва Шайхонтоҳур даҳалари ташкил этган. Ҳар бир даҳа кўплаб маҳаллалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг сони XX аср бошларига келиб 260 тани ташкил этган.¹ Шаҳар ҳудудидаги масжидлар сони 1899 йили 180 та, 1912 йили – 345 тани ташкил этган бўлса, мадрасалар 1912 йилга келиб – 16 тани ташкил этган. Христиан черковлари 1910 йили – 15 тани, бошқа динга мансуб ибодатхоналар – 6 тани ташкил этган.²

Тошкентда мавжуд бўлган Абулқосим, Кўкалдош, Бароқхон, Бекларбеги, Эшонгузар мадрасалари маълум ва машҳур бўлган илм марказлари сафидан жой олган эдилар. Тошкент шаҳри 1865 йили Россия империяси томонидан забт этилганидан сўнг, Бўзсув канали чап соҳилида “янги” шаҳарга асос солинди. Шаҳарнинг бу қисмида мустамлака маъмурияти жойлашган ҳамда Россиядан кўчиб келган аҳоли яшайдиган жойга айланган эди.

XIX аср охири - XX аср бошларида шаҳарнинг “янги” қисмида қурилган энг машҳур бинолардан ўша даврдаги Давлат банки, аёллар гимназияси (ҳозирги Тошкент давлат юридик институти), Тошкент эркаклар гимназияси, Кадетлар корпуси (ҳозирги I Тошкент тиббиёт академияси ҳудуди), Княз Николай Константинович саройи (ҳозирги Ташқи ишлар вазирлигининг қабулхонаси), Реал билим юрти, Каплан дорихонаси, Тошкент шимолий вокзали, Туркистон давлат палатаси ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.³ Империя маъмурияти “янги” қисмга ривожланиш учун маблағ ажратган ҳолда, аксарият туб аҳоли яшайдиган “эски” қисмга деярли ҳеч қандай маблағ ажратмади. Шаҳарнинг “эски” қисми ўрта асрлар қиёфасида, пасткам, эгри - бугри кўча ва ҳовлилардан иборат ҳолда сақланиб қолди.

Совет ҳукмронлиги даврига келиб, шаҳар қурилиши тизимига ғоявий – мафкуравий жиҳатдан ёндашув устун бўлиб қолди. Аксарият шаҳардаги жой номлари, мавзе ва кўчалар маҳаллий халқ тарихига алоқаси бўлмаган, коммунистик партия ва совет давлати раҳбарлари номи билан атала бошланди. Маҳаллий халқ анъаналари, жуғрофий ва иқлим хусусиятлари эътиборга олинмаган ҳолда шаҳарда структуравий ўзгаришлар амалга оширилди. Асосан маҳаллий аҳоли истиқомат қиладиган “эски шаҳар” қисми империя давридан деярли фарқ қилмайдиган ҳолда ўзгаришсиз қолаверди. Бу қисмда яшовчи аҳоли ичимлик суви, газ, иситиш тармоғи, канализация тизимидан бебаҳра ҳолатда яшашни давом эттирди.

XX аср 20-30-йилларида бошланган динга ва диний эътиқодга қарши кураш кампанияси шаҳардаги мавжуд меъморий обидалар тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Масжид, мадраса, черков, ибодатхона, синагог ва бошқа диний иншоотлар ёпилиб, улар ўрнига омборхона, дўкон, ётоқхона, турли цехлар ва ҳоказолар ташкил этилди. Бу ҳолни алоҳида олинган собиқ даҳалар мисолида кўрсак янада ёрқин тасаввур пайдо бўлади. Бешёғоч даҳасида ҳозирги Республика ўқувчилари саройи

¹ Муҳаммадқаримов А. Тошкентнома. Тарихий топонимик лавҳалар. Биринчи китоб. Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. 14-бет.

² Бўриева Х.А. Толерантликнинг топонимларда акс этиши (Тошкент шаҳри мисолида) // Ёшлар тарбиясида - толерантлик давр талаби. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2008. 79-80-бетлар.

³ Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Тошкентнинг “янги шаҳар” қисми тарихи: Тошкент: Fan va texnologiya, 2004. 11-бет.

атрофида бўлган Муҳаммадкаримхожи мадрасаси эҳтиёж бўлмаган ҳолда 1924 йили бузиб ташланган. Ҳозирги Миллий боғ дарвозаси ўрнида бўлган Ҳалимтой мадрасаси эса 30-йиллар бошида бузиб ташланиб, унинг ғиштлири турли мақсадларга ишлатилиб юборилган.¹ Даҳадаги машҳур Абулқосим мадрасаси 1919 йили ёпиб қўйилиб, ўн йилдан сўнг, 1929 йили Самарадан кўчиб келтирилган, очарчиликдан азият чеккан 70 оила бу ерга жойлаштирилиб, тарихий ёдгорлик ётоқхонага айлантирилган. 1974 йили эса бинога Тошкент ўйинчоқ фабрикасининг филиали жойлаштирилиб, бино қиёфаси буткул ўзгариб кетади. 1946 йилги Чотқол зилзиласи бир қатор тарихий иншоотларга салбий таъсир кўрсатиб, жумладан мадраса биноси ҳам ярим вайрона ҳолатига келган эди. Шундай тақдир XVI аср тарихий ёдгорлиги бўлган Кўкалдош мадрасасига ҳам тегишли бўлган. Хожа Аҳрор жоме масжиди, Хайробоод Эшон комплекси, Чўпонота масжиди ва бошқалар ҳам хароба ҳолатга келиб қолган бўлиб, улардан турли мақсадларда фойдаланилган.

Кўкча даҳасида кўзга кўринган ёдгорликлардан бири Шайх Зайниддин бобо мақбараси бўлган. XII асрда яшаган ушбу машҳур диний арбоб қабри устида XIV аср охирларида Амир Темур муҳташам мақбара барпо этган эди.² Мазкур мақбара атрофида қабристон ва масжид бўлиб, шўролар даврида мақбара буткул қаровсиз аҳволга тушиб қолган эди. Қабристонга туташ тарзда кичик масжид ёнида кинотеатр очилиб, кўнгилочар муассаса ўйин-кулгилари билан қайғу-аламга чўккан қабристон ёнма-ён турар эди. Даҳадаги Ҳофиз Кўҳакий масжиди ёғоч омбори, Тўхтабой масжиди шиша омборхонасига, Кўштут масжиди боғчага айлантирилган. Шунингдек, XIX аср архитектура ёдгорлиги бўлган Бекларбеги мадрасаси 30-йиллар бошида бузиб ташланиб, унинг ўрнига совет давлати раҳбарларидан бири бўлмиш М. Калинин хайкали ўрнатилган майдон ташкил этилган.

Себзор даҳасидаги машҳур ёдгорлик - бу Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуаси ҳисобланади. Мажмуа совет даврида мутлақо қаровсиз қолиб, ундаги барча масжидлар ёпиб қўйилиб, мадраса фаолияти тўхтатилган эди. XVI аср ёдгорлиги бўлмиш Қаффоли Шоший мақбараси нураб, аянчли ҳолатга тушиб қолган. Намозгоҳ масжиди кейинчалик шофёрлар ўқитиладиган мактабга, Бароқхон мадрасаси эса Атеизм музейига айлантирилган.³ Кейинчалик мажмуа ўртасида кинотеатр ва мактаб қурилиб, бу шундоқ ҳам аячли кўринишига эга бўлган мажмуа қиёфасига салбий таъсир кўрсатди. Ҳазрати Имом (Хастимом) майдони фақат мустақиллик даврига келиб, том маънода ўз обрў ва мавқеини қайта тиклади. Республика Президенти И. Каримовнинг ташаббуси ва раҳбарлигида Хастимом мажмуаси 2007 йили қайта қурилиб, ўзининг янги, муҳташам кўринишига эга бўлди. Жумладан, майдонда янги қурилган Ҳазрати Имом жоме-масжиди ноёб архитектура ёдгорлиги қаторидан жой олди.

XX аср бошида Тошкент меъморий ёдгорликлари ичида Шайхонтоҳур зиёратгоҳи алоҳида ўрин тутган. Шайхонтоҳур шаҳарнинг энг гавжум ва файзли жойларидан бири бўлиб, бу ерда бир неча меъморий обидалар, шифобахш булоқли Лангар ҳовузи, савдо расталари ўрин олган эди. Зиёратгоҳ Ҳайит ва Наврўз байрамларида халқ сайли бўладиган ерга айланар, кенг халқ оммаси тўпланадиган маскан ҳисобланар эди. Кейинчалик ушбу зиёратгоҳ 1924 йили ёпиб қўйилди.

Тошкентнинг сақланиб қолган Шайхонтоҳур дарвозаси XX аср 40-йилларида Навоий кўчасининг кенгайтирилиши муносабати билан олиб ташланган эди. Юкорида қайд этилганидек, Шайхонтоҳурнинг кўча бўйлаб кириш жойида XIX аср 40-йилларида

¹ Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома... 15-16-бетлар.

² Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома 41-42-бетлар.

³ Ўзбекистон Республикаси МДА; Р-94 фонд, 5-рўйхат, 1182-иш, 17-варак.

қурилган Эшонгузар мадрасаси бўлган. Совет даврида бу ерга киностудия жойлаштирилиб бир қатор, жумладан, “Алишер Навоий”, “Тоҳир ва Зухра”, “Насриддин Бухорода” номли фильмлар айнан шу студияда яратилган.¹ Мадраса Навоий кўчасининг кенгайтирилиши баҳонаси билан 60-йилларда бузиб ташланди. Мажмуадаги Хотин масжид ўзининг ноёб ўймакорлиги ва нақшлари билан ажралиб турарди, у кейинчалик болалар кутубхонасига айлантирилган. 1967 йили Хотин масжиди ва Занжирлик масжиди, 1975 йили Оврат масжиди турли баҳоналар, чунончи ободонлаштириш баҳонасида бузиб ташланган.² Ундан аввалроқ эса, архитектура жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган Ғариббой ва Саидазимбой масжидлари 30-йиллардаги динга қарши кураш кампанияси вақтида бузиб ташланган эди. XX аср 80-йилларига келиб Шайхонтоҳур мажмуасида атиги 3 та меъморий иншоот - Юнусхон, Шайх Ҳованди Тоҳур ҳамда Қалдирғочбий мақбаралари сақланиб қолди, холос.

Ундан ташқари шаҳарда мавжуд бўлган ўнлаб маҳалла масжидлари, зиёратхона, ҳонақоҳ ва бошқалар турли сабаб ва баҳоналар остида бузиб ташланган эди. Тошкентдаги бир қатор христиан ва бошқа динлар ибодатхоналари ҳам совет диний сиёсатининг салбий оқибатларини бошидан кечирганлар. Масалан, 1888 йили қурилган Спасо-Преображенский черкови 1930 йили бузиб ташланади.³ Шаҳардаги католик, лютеран черковлари ҳам ночор аҳволда бўлган. Жумладан, XIX асрда қурилган евангел-лютеран черкови 1937 йили ёпилиб, 1990 йилга қадар омборхона, геология бошқармаси, итбоқарлар жамияти ва бошқа муассасалар ихтиёрида бўлган. Бино бир неча маротаба ёнғинга учраб, 1966 йилги зилзиладан сўнг бузиб ташлаш ҳам режага киритилган. Ушбу хароба черков фақат мустақиллик шарофати билан қайта тикланиб, Республика Президенти И.А. Каримовнинг 1993 йил 3 майдаги фармони билан евангел-лютеран черкови ихтиёрига берилди.⁴

1991 йилдан бошлаб мустақил Ўзбекистон пойтахти бўлмиш Тошкент, истиқлол шарофати билан қадимийлик ҳамда замонавийлик уйғунлашган, жаҳондаги илғор шаҳарсозлик анъаналарига мос равишда ривожланаётган шаҳар даражасига эришди.

А.А. Одилов

К истории архитектурных памятников Ташкента

В данной статье на основе научной литературы рассмотрена и освещена история некоторых архитектурных памятников города Ташкента, а также охарактеризовано их состояние в советский период.

А.А. Odilov

To the history of architectural monuments of Tashkent

In this article on the base of science literature are considered and covered the history of several architectural monuments of Tashkent as well as their condition during soviet period.

¹ Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома 76-бет.

² Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома ... 78-бет.

³ Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома ... 134-бет.

⁴ Иноятова Д. Из истории Ташкентской лютеранской общины (XIX-XX вв.) // Ёшлар тарбиясида - толерантлик давр талаби. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2008. 115-бет.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ШАЙХ ЗАЙНИДДИН МАЖМУАСИДАГИ ЧИЛЛАХОНАНИНГ ФЙДАЛАНИШИ ХУСУСИДА

Тошкентнинг жануби-ғарбида, Кўкча ариғи ёнида, VI-XII асрларда қўрғон бўлган. Ўша даврда ундан шарқ тарафда Куйи Орифон мавзесида икки қаватли, пишиқ ғиштдан бино бунёд этилган ва тадқиқотлар бу бино астрономик моҳиятга эга эканлигини тасдиқлади, кейинчалик у Чиллахона деб аталди.

Бу объектда дастлаб В. А. Левина-Булатова¹ археологик тадқиқотлар олиб бориб, унинг натижаларини 1960 йили “Ўзбекистон меъморий мероси” тўпламида “Зайниддин мақбараси тарихи ҳақида” номли мақолада эълон қилди. У ўз тадқиқотида бинонинг археологик тарихи ва меъморий жиҳатлари ҳақида маълумот беради.

Шу жойнинг астрономик объект эканлиги ҳақида дастлаб биз О.С. Турсунов билан ҳаммуаллифликда 2000 йили Россия Фанлар академиясининг С.И. Вавилов номидаги Табиий ва техникавий фанлар тарихи институтининг “Астрономия тарихи тадқиқотлари”² йиллик тўпламининг 25 сонида “Тошкент марказидаги илк ўрта асрларга оид астрономик қурилма” номи билан мақола чоп этган эдик. Кейинчалик ушбу маълумот 2002 йили Англияда чоп этиладиган “Астрономия тарихи”³ журналида ҳам “Тошкентдаги ўрта аср астрономик жиҳози” номи билан чоп бўлди.

Ундан кейин ҳам тадқиқотларни давом эттириб, олиб бориб ушбу мавзунини бойитишга муваффақ бўлдик ва ҳозирги маърузада Тошкент Чиллахонаси ҳақида кенгроқ маълумот бермоқчимиз.

Тошкент шаҳрининг ҳозирги Кўкча маҳалласидаги қабристон худудида XIV асрга оид архитектура ёдгорлиги - Шайх Зайниддин (1164 йилда таваллуд топган) қабри узра қурилган мақбара қад кўтариб турибди. Шайх Зайниддин Бағдод шаҳридан келиб, Тошкентнинг “Кўйи орифон” мавзесида муқим яшаб қолгани тарихий ҳужжатлардан маълум. Мақбаранинг шундоқ ёнгинасида “Чиллахона” деб аталадиган, унча катта бўлмаган қурилма мавжуд ва у мақбара мажмуаси билан унча қовушмайроқ туради. Археолог В.А. Левина-Булатова тадқиқотларидан маълум бўлишича, мазкур ёдгорлик XI асрга оид экан ва “Чиллахона” суғориш тизими қисмлари мавжуд маданий қатламга қурилган. Мақбара пойдевори тадқиқ қилинганда ҳам шу нарса малум бўлди, яъни унинг остида илгари қурилган бино пойдевори топилди. Қурилиш ашёлари, хоналар шакли, Мақкага қаратиб очилган меҳробга кўра, “Чиллахона” Ўрта Осиёга ислом кириб келиши даврига тааллуқли дейиш мумкин. Бу ерда XIV асрда Шайх Зайниддин қабри атрофида қабристон пайдо бўлган.

Маълумки тасаввуфда “чилла” зоҳидлик хилвати ва тариқат йўлининг ўзига хос расм – русумларини англатади. Чилла қирқ кун давомида нафсдан тийилишдан иборат бўлиб қолмай, балки бу даврда хилватда бўлишни ҳам англатади ва бу устоз раҳнамолигида амалга оширилади. Чилла ўтириладиган хона қоронғу ва чўзилиб ётиш имкони йўқ, фақат ўтиришга мўлжалланган махсус жойдир. Ухлаш ҳам ўтирган ҳолда кечади. Бу

¹ Левина- Булатова. В. А. К истории мавзолея Зейниддина . Ўз ССР ФА нинг “Архитектурное наследие Узбекистана” тўпламида. Тошкент Санъатшунослик институти. 1960. –Б. 75-84.

² Турсунов О. С., Азизов С. Х.. Астрономический инструмент раннего Средневековья в центре Ташкента // Историко-астрономические исследования вып. XXV. Москва, Наука, 2000. С. 56-60.

³ Azizov S., Tursunov O.S/ Journal for the history of astronomy. Volume 33 Partt 1, February 2002, No. 110. A Medieval Observational Instrument in Tashkent.

даврда устоз раҳнамодан ўзгалар билан суҳбат қуриш ва унинг ижозатисиз чиллахонани тарқ этиш тақиқланади¹.

Тошкентдаги Шайх Зайниддин қабристон ҳудудида макбара билан ёнма-ён жойлашган Чиллахонани маҳаллий аҳоли диний маросим иншоотига тегишли деб билган.

Чиллахона меъморий жиҳатдан қанақалигини кўриб чиқайлик. Иншоот икки қисм – ер ости ва ер усти хоналардан иборат. Устки хона тўғри саккиз қиррали бўлиб, усти гумбаз билан ёпилган. Гумбазнинг юқори нуктасида диаметри 97 сантиметрли доира шаклидаги тешиқ мавжуд. Бинонинг умумий баландлиги саҳндан шифтнинг юқори нуктасигача 583 сантиметр. Тенг томонли саккиз бурчак полнинг диагонали 615 сантиметр, томонлари эса 236 сантиметрдан. Ер остидаги хона ер устидаги хонанинг кичрайтирилган нусхаси бўлиб, баландлиги 230 сантиметр. Ер ости хонанинг шифтидаги тешиқ кесик конус шаклида, юқори асосининг диагонали 30 сантиметр, пасткисиники 15 сантиметр; ён томонлари эса 28 сантиметрга тенг. Бу тешиқ пол проекциясига нисбатан шимол томон 166 сантиметрга сурилган. Бунда кесик конус ўқи ер устидаги хонанинг шифтидаги доира шаклидаги тешиқ марказига йўналган. Ҳар икки тешиқ марказидан ўтадиган чизиқ жойнинг меридиан текислигида ётади.

Чиллахона нинг санаб ўтилган бу хусусиятлари қатор саволларни келтириб чиқаради: 1. Нима сабабли ҳар икки хона гумбазидаги тешиқ доира шаклида? 2. Нима учун ер ости хонаси тешигининг маркази ер усти хонаси тешигининг полга проекциясига нисбатан шимол томонга 166 см сурилган? 3. Нега ер ости хонаси шифтидаги тешиқ кесик конус шаклида? 4. Нега ҳар иккала хона шифтидаги тешиқлар маркази жойнинг меридиан текислигида жойлашган? 5. Нима учун кесик конус ўқи ер усти хонаси тешиги марказига йўналтирилган ва уфқ текислигига нисбатан 73 градус бурчакда оғган? 6. Нима сабабли ҳар иккала хона баландлиги ва диагонали нисбатан тахминан 2,2 катталиқка тенг? Чиллахона диний маросимлар ўтказилган жой, деб тахмин қилинадиган бўлса, биз юқоридаги ва бошқа саволларга жавоб топа олмаймиз. Агар Чиллахона диний маросим иншооти эмас, балки илк ўрта асрлардаги диоптрли астрономик қурилма бўлган, деб тахмин қилинсагина мазкур саволларга жавоб топиш мумкин. Биз олиб борган ўлчаш ишлари Чиллахона ер усти ва ер ости хоналарининг марказларини бирлаштирадиган чизиқ пол текислигига нисбатан 73 градус оғганини кўрсатади. Бу оғиш бурчаги нима билан изоҳланади? Тошкент кенгламаси тахминан 41,5 градусга тенглигини билган ҳолда унинг белгисини 90 градусга қадар тўлдирувчи бурчакни осонлик билан аниқлаш мумкин. У 48,5 градусга тенг бўлиб чиқади. Осмон экватори текислигининг эклиптика текислигига оғиши 23,5 градусга тенг. Бундан, қуёш ёзги қуёш турғунлиги кунда меридиандан ўтишда $48,5+23,5=72$ градус баландликда бўлишини топамиз. Шундай қилиб диоптрлар марказларини бирлаштирувчи чизиқнинг оғиши ёзги қуёш турғунлиги кунда қуёшни кузатиш билан боғлиқлигини таъкидлаш мумкин.

Чиллахона нинг конструкцияси турли астрономик масалаларни ҳал этиш, жумладан, баҳорги тенгкунликни; ёзги қуёш турғунлигини; экватор текислигининг эклиптика текислигига оғиш бурчагини; қуёш авжга чиққан туш пайтини ва сутка соатларини; кузатиш жойи кенгламасини ва ҳоказоларни аниқлаш имконини берган.

Чиллахонанинг тузилиши билан боғлиқ муҳим элементлардан бири обскур камераси ҳисобланади. Гап шундаки, Тошкент Чиллахонасида осмон объектлари тасвирини яхшилаш мақсадида, бу қурилмада илк бор ён атрофдан келадиган ёруғликни тўсиш

¹ Исмоил бин Муҳаммад Саъид. Ал - Фуйузот ар - Раббонийа. - Қоҳира, 1353 (1934 – 1935).

учун мослама яратилган, деб тахмин қилиш мумкин. Унда икки диоптрдан иборат тизимдан фойдаланилганлиги ҳозирги телескопларда ҳамда фотоаппаратларда қўлланилаётган диафрагма ҳалқаларини ёдга солади. Кесик конус шаклидаги диоптрнинг ўзи эса телескоплар ва фотоаппаратлар объективлари олдидаги ён атроф ёруғлигини тўсиш учун қўлланиладиган “бленда”ни эслатади.

Диоптрли асбоблар қадимги даврлардаёқ яратила бошланган. Доира шаклидаги тешикли гумбаз Марказий ва Ўрта Осиё халқларининг милoddан анча аввал маълум бўлган ўтовлари тузилишини ёдга солади. Кўчманчи халқлар ўтовлардан икки хил мақсадда фойдаланишган. Биринчидан - турар жой, иккинчидан, вақтни аниқлаш ҳамда юлдузли самони кузатиш учун қуёш соати типидagi диоптрли астрономик қурилма бўлган. Марказий ва Ўрта Осиёда ўтовдан, яъни доира шаклидаги тешиги (диоптри) бўлган иморатдан диоптрли асбобларни яратишда фойдаланган бўлишлари ҳам мумкин. Бу ҳозирги фотоаппаратларнинг прототиби бўлган “обскура камераси” (қорронғу хона) нинг бир туридир. Ўрта асрлар мусулмон Шарқда “обскур камераси” эффеkтига асосланган астрономик жиҳоз-бинолар бунёд этила бошланди. Обскур камераси ҳақида Шарқдаги илк маълумот Ибн ал Хайсам (Алхазен) нинг кўзгуларга бағишланган рисоласида қайд қилинган бўлиб, ундан Қуёш ва Ойнинг кўринма гардиш диаметрини аниқлашда фойдаланилган.

Жиҳоз- бино икки қисмдан ташкил топган: бири – обскур камераси ва иккинчиси – кузатиш қурилмаси. Обскур камерада ёруғлик нури хона деворидаги диоптр-туйнукдан ўтиб қарши тарафдаги деворда тескари тасвирни ҳосил қилади.

Тошкентдаги Чиллахона (VIII-X), Райдаги “Фахрий секстанти” (X) ва Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси (XV)¹ обскур камераси принципида бунёд этилган астрономик диоптрли жиҳоз-бинолардир. Даврлар ўтиши билан расадхоналар қиёфасида бу астрономик жиҳоз ҳам такомиллашиб борган. Масалан, Самарқанд расадхонаси универсал бўлиб, унда кундузлари ва тунлари ёриткичлар: Қуёш, Ой, сайёра ва таянч юлдузларни кузатиш олиб бориш мумкин бўлган. Рай расадхонасида Қуёшни йил давомида кузатиб, унинг уфқдан баландлиги қайд қилинган.

Тошкентдаги Чиллахонада ёзги Қуёш туришини аниқлаш имкони бўлган ва бу ўз навбатида чилла тақвими тушунчаси билан боғлиқ. Тошкент Чиллахонасининг асосий вазифаси ҳам айнан ёзги қуёш турғунлигини кузатиб Чилла тақвимининг “нуль” пунктини аниқлаб бериш бўлган. Чилла тақвими ниҳоятда содда, фойдаланиш учун қулай, мукамал ва кабисасиз; мангу ва ҳисоблидир. Чилла тақвими кабисали тақвимлардан анча илгари пайдо бўлиб, чорвадор ва деҳқонларнинг тақвими сифатида амалда кенг қўлланилган.

Чилла тақвими икки қисм: ёз ва қиш даврларидан иборат. Табиатга оид мақол, иборалар, рақамлар билан боғлиқ чилла тақвими муддатлари қуйидагича:

Ёз: Қиш:

26.06 - 04.08 = 40 = Чилла. = 40 = 26.12 - 03.02.

01.06 - 29.08 = 90 = Тўқсон. = 90 = 01.12 - 28.02.

01.06 - 08.09 = 100 = Юз кун = 100 = 01.12 - 10.03.

01.06 - 21.09 = 113 = Деҳқон ҳисоби = 110 = 01.12 - 20.03

21.03 - 31.05 = 72 = Ўтиш даври. = 70 = 22.09 - 30.11.

21.03 - 21.09 = 185 = 365 кун = 180 = 22.09 - 20.03.

Тошкент шаҳри Европа ва Осиёни Хитой билан боғловчи йўл (“Ипак йўли”) да

¹ Розенфельд, Б. А. Астрономия стран ислама. Исторические астрономические исследования. 1984. XVII. С. 67-122.

жойлашгани учун ишонч билан Тошкент чиллахонаси сайёҳлар орасида ҳам анча машхур бўлган, деб айтиш мумкин. Шундай қилиб, Чиллахона илк ўрта асрлардан яхши сақланиб қолган диоптрли қурилмалардан бири, бошқача қилиб айтганда, биз ҳозирги вақтда телескоп деб атайдиган астрономик жиҳознинг узоқ ўтмишдаги дастлабки содда кўринишидир.

Юқорида келтирилган таҳлилдан келиб чиқиб, Тошкентдаги Шайх Зайниддин мажмуасида жойлашган Чиллахона ўз даврида астрономик кузатув объекти ёки ўзига хос расадхона бўлган дейишга асос бор. Айни вақтда уни исломий тушунчадаги чиллахона дейиш билан бир қаторда, астрономик объект сифатида ҳам эътироф этмоқ зарур.

С. Азизов

О функциональном назначении чиллаханы (VII-X вв.) у комплекса Шайха Зайниддина в Ташкенте

Входящее в общий комплекс памятника небольшое помещение чиллахоны (дословно – комнаты 40 – дневного поста) находится в непосредственной близости к мавзолею Шайха Зайниддина и представляет собой особое сооружение. Археологи установили, что чиллахона была построена в XI в, а позже, в XIV в. возведен остальной комплекс. Планировка помещения (алтарь направлен в сторону Мекки) говорит о том, что оно возведено как религиозное сооружение ислама. Однако исследователями доказано, что это сооружение исторически использовалось в качестве астрономического инструмента – взаимное расположение двух диоптров служило для наблюдений за перемещением летнего солнцестояния. Оно сходно с устройством диоптра в городах Рей, Марага и Самарканд. Это уникальный хорошо сохранившийся средневековый диоптрый астрономический инструмент был прообразом изобретенных впоследствии телескопов.

S. Azizov

Astronomical meaning of Chillahona is in a complex Shayh Zayniddin in Tashkent in VII-X centuries

The small apartment Chillahona is near the mausoleum Shayh Zayniddin and including a general complex of the monument nevertheless represents the special structure. Archaeologist founded, that chillahona was built in XI century and the other complex is erected later in XIV century. The plan of apartment (altar is directed to Mecca) says that it was erected as a religious structure of Islam. But researchers proved, that this structure was used historically as the astronomical tool - mutual arrangement two diopters which was served for supervision over moving summer sun standing. It is similar to the device diopter in cities Rey, Maraga and Samarkand. It is unique well saved medieval diopter the astronomical tool was a prototype subsequently invented telescopes.

*М.С. Исакова
(Узбекистан)*

ИЗ ИСТОРИИ ЗАРОЖДЕНИЯ КИНОДОКУМЕНТАЛИСТИКИ В ТАШКЕНТЕ

В условиях возрастания общественного интереса к изучению отечественной истории большое внимание уделяется развитию архивного дела. Именно архивы – выступая хранилищем памяти человечества, имеют огромное значение в его духовном обогащении. Если до 40-х гг. XX века в государственных архивах республики хранились только письменные документы, то с развитием фотографии, кинематографии и звукозаписывающих средств, а также усилением исторического значения аудиовизуальных источников, появилась необходимость создания специального архива. Так, 18 марта 1943 г. в Ташкенте был создан Центральный государственный архив кино-фото-фоно документов (ЦГА КФФД РУз). Но когда и в каких условиях зародилась сама отечественная кино-документалистика?

Если распространение фотографирования на территории Туркестана было связано со стратегическими планами России относительно Средней Азии, то кино первоначально

было воспринято как изящное искусство¹.

Первый городской просмотр видового фильма состоялся в 1911 г., а в феврале 1912 г. в ташкентском кинотеатре «Хива» были продемонстрированы документальные видовые фильмы «Путешествие по Швейцарии», «Водопады и ледники Альп», «Восхождение на Монблан», «Л.Н.Толстой при жизни» и др. Первое здание кинотеатра «Хива» было построено в 1910г., позднее, когда оно сгорело, архитектором Г.М. Сварическим был составлен проект строительства на его месте театрального здания, исполненного в «восточном» стиле. Однако этот проект не был осуществлен, и в 1916 г. старое здание кинотеатра было восстановлено. Здание кинотеатра получило серьёзные повреждения во время Ташкентского землетрясения (1966 г.), и было снесено².

В середине 20-х годов XX в. были начаты мероприятия по созданию национальной кинематографии. В апреле 1924 года правительство Бухарской Народной Республики заключило специальное соглашение с ленинградской кино-организацией «Севзапкино» об учреждении русско-бухарского товарищества «Бухкино». В задачи данного товарищества входили развитие сети кинотеатров, организация проката фильмов и, наконец, производство хроникальных и игровых кинокартин, освещающих жизнь республики. Однако, заинтересованное главным образом в получении монополии кинопроката, «Севзапкино» не выполняло своих обязательств. За два года своего существования «Бухкино» выпустило лишь два фильма – «Минарет смерти» и «Мусульманка»³. Несмотря на то, что фильмы пользовались некоторым успехом у публики, они не были лишены недостатков и художественных просчетов. Это, в первую очередь, было связано с нехваткой национальных кадров и необходимой технической базой для налаживания производства фильмов. В результате, правительством БНСР был поставлен вопрос о расторжении договора.

В июне 1925 г. Наркомпрос Узбекистана принял постановление о создании в Ташкенте треста «Узбекгоскино» и открытии кинофабрики «Шарк Юлдузи» (с 1936 г. «Узбекфильм»)⁴. Тогда же была начата работа и по подготовке кадров. В августе 1927 г. первая группа узбекской молодежи была направлена в Москву и Ленинград на кинематографические курсы, а для оставшейся молодёжи в Ташкенте, при кинофабрике были организованы специальные курсы. Это давало возможность совмещать теоретические и практические кинематографические навыки в процессе производственно-творческой работы. Среди преподавателей курсов были известные режиссеры Б. Бассальго, М. Доронин, К. Гертель, О. Фрелик, Ч. Сабинский, операторы Ф. Вериги-Даровский, А. Дорн, В. Добржанский, актеры Е. Пименова и Р. Мессерер.

Благодаря этим курсам, получили навыки режиссуры и актерского мастерства Эргаш Хамраев, Наби Ганиев, Камиль Ярматов, Сулейман Ходжаев, с участием которых были поставлены первые узбекские немые фильмы. Так, например, С. Ходжаев и Н. Ганиев, овладевшие на практике режиссерской профессией и участвуя в создании фильмов в

¹ Само слово кино в переводе с греческого означает «движение». С изобретением фотографии многие исследователи пытались найти пути, в которых движение можно было сфотографировать и записать. Немало людей экспериментировали идеею создания движения картин. Тем не менее, одному из служащих отдела изобретений в Вашингтоне Френсис Дженкинсу удалось изобрести кинопроектор, основные идеи которого до сих пор используются в современном кино. Свой первый фильм Ф. Дженкинс продемонстрировал в июне 1894 года в Ричмонде (США). Позже в 1895 году в Грандкафе на Парижских бульварах братья Луис и Августин Люмьеры продемонстрировали свою «живую фотографию». См. The World book Encyclopedia. – USA, 1994. Volume 13. Page 846.

² Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана. Ташкент, 1988. С. 163.

³ Абдуллаев А, Мухамедов С. Пятьдесят лет узбекского кино. Ташкент, 1976. С. 14.

⁴ История советского кино 1917 – 1967 гг. М.: Искусство, 1969. Т.1. С. 703.

качестве консультантов по национальному быту, ассистентов режиссера, стали и талантливыми актерами, создавшими яркие образы в фильмах «Вторая жена», «Чадра», «Шакалы Равата» (1927 г.), «Крытый фургон» (1928 г.) и др.¹ Несмотря на то, что содержание фильмов носило идейно-агитационный характер, необходимо признать, что в целом они явились достижением раннего узбекского кино.

Одновременно в республике росла потребность и в создании документальных кинолент. Так, в 1932 г. от Ташкентской художественной киностудии отделилось в качестве самостоятельного предприятия – Республиканская студия хроникально-документальных фильмов. На студии известным кинорежиссёром М. Каюмовым были сняты более двадцати фильмов, большая часть которых вошла в золотой фонд узбекского киноискусства. Например, в 1937 г. на Декаде национальной кинематографии, проходившей в Москве, демонстрировался полнометражный документальный фильм М. Каюмова «Праздник узбекского народа»². В 1938 г. документальный фильм кинорежиссера «Ташкентский текстильный комбинат» был удостоен Большой Золотой медали на Всемирной выставке в Нью-Йорке. В документальных фильмах тех годов можно проследить идеологическое, политическое воздействие советского государства в воплощении идей монополизации хлопка в республике. Это фильмы «Удивительное дело» о новаторах хлопкоробах режиссера Н. Ганиева, «Пионеры в борьбе за хлопок» режиссера Ю. Агзамова, «Победа узбекских хлопкоробов» М. Каюмова и др.³ Сами названия вышеперечисленных фильмов передают не только содержание, но и идеологический прессинг того времени.

В период второй мировой войны в Ташкент были эвакуированы киностудии из Киева, Одессы, Москвы и Ленинграда. Приехавшие в республику известные мастера кино – операторы М. Краснянский, Д. Демущий, художник В. Еремин, режиссер Я. Протазанов, сценарист А. Спешнёв, актёр Л. Свердлин продолжали плодотворно трудиться, раскрывая яркую самобытность узбекского менталитета.

В послевоенные годы в киноискусстве Узбекистана началось заметное движение к производству новых фильмов, строительству киностудий, достаточно хорошо, для того времени, оснащенных современным оборудованием. В стиле выпускаемых фильмов появился разрыв с прошлым сталинским академизмом. Снятые в военные и послевоенные годы, художественные фильмы Я. Протазанова «Насреддин в Бухаре» (1943 г.), Н. Ганиева «Похождения Насреддина» (1943 г.), его же «Тахир и Зухра» (1945 г.), К. Ярматова «Алишер Навои» (1947 г.) вошли в мировую историю кино как шедевры узбекского киноискусства⁴.

В 1950-х годах кинодокументалистика республики пополнилась фильмами, посвященными достижениям в промышленности, сельском хозяйстве, культурной жизни. Разные не только по содержанию, но и по жанровым признакам, принципам композиции, приёмам повествования фильмы «Пять рук человечества» (реж. М. Каюмов), «Дорога в пустыне» «Голодная степь» (реж. З. Сабитов), «Амударья» (реж. Л. Файзиев) – свидетельствуют о профессиональном росте узбекского документального кинематографа.

С созданием в начале 60-х гг. XX века в Ташкенте студии научно-популярных и документальных фильмов резко увеличился объём производства. Если в 1925-1936 гг. было создано более трех десятков короткометражных хроникальных немых фильмов,

¹ Тешабаев Дж. Герой – крупным планом. Ташкент, 1972. С. 10.

² Хасанов Б. Малик Каюмов. Ташкент, 1970. С. 15.

³ История советского кино. В 4-х т. М.: Искусство, 1973. Т. 2. (1931 – 1941 гг.) С. 459.

⁴ История советского кино. В 4-х т. М.: Искусство, 1975. Т. 3. (1941-1967 гг.). С. 233 – 241.

начиная с 1960-х годов, ежегодно были выпущены около пятидесяти научно-популярных и документальных фильмов¹. Однако господствовавшая тогда во всех сферах жизни коммунистическая идеология оказывала на специалистов своё сковывающее воздействие, способствуя торможению творческого процесса. Естественное стремление кинорежиссеров ставить фильмы, раскрывающие особенности национальной традиции, сталкивалось с необходимостью согласования всех сторон творческого процесса с партийными органами разных уровней. Подвергались идеологической редакции не только сценарии готовившихся ими фильмов, но и даже их названия.

В целом, анализируя процесс развития отечественного кино, можно отметить то, что оно прошло сложный и противоречивый путь. В его становление внесли значительный вклад как любители, так и профессиональные режиссеры-операторы. Сегодня в ЦГА КФФД РУз сконцентрировано более 20 тыс. документальных фильмов студий «Узбектелефильм» и «Узкинохроника», самые ранние из которых датируются 1936 г. Источниковедческий анализ кинодокументов архива показывает, что они призваны восполнить многие страницы общественно-политической, экономической и культурной жизни отечественной истории.

M.S. Is'hakova

About the History of Formation of Cinema-documentary in Tashkent

In article the basic stages of creation and ordering the national documental film in Tashkent are considered.

M.M. Исхакова

Тошкентда хужжатли кино олишнинг шалланиши тарихдан

Мақолада Тошкентда миллий кино ва хужжатли фильмларни яратилиши ва мужассамлашишининг асосий босқичлари ёритилган.

¹ Абдуллаев А., Мухамедов С. Пятьдесят лет узбекского кино. Ташкент, 1976. С. 19, 55.

ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВР ТАРИХИДА ТОШКЕНТ

НОВАЯ И НОВЕЙШАЯ ИСТОРИЯ ТАШКЕНТА

THE NEW AND MODERN HISTORY OF TASHKENT

*Д.А. Алимова
(Узбекистан)*

ЭВОЛЮЦИЯ ТАШКЕНТА В КОНТЕКСТЕ СОВРЕМЕННОЙ КУЛЬТУРЫ

Узбекистан имеет уникальную культуру, которая на протяжении нескольких тысячелетий создавалась как часть Вселенной, где сосредоточилась возвышенная сфера деятельности его народа. И, конечно же, центрами ее сосредоточия являются его города. Большинство из них имеют тысячелетние истории, на протяжении которых сформировалась и развивается урбанистическая культура, включающая в себя множество факторов развития: политических, социально-экономических, общественных и коммуникативных. Но город – это еще место, где формируется особая духовная атмосфера, объединяющая все артерии страны, и бьется ее пульс.

И таким городом является столица Узбекистана – Ташкент, без которого невозможно представить и развитие страны в целом.

Говорить о Ташкенте в контексте современной культуры – это значит сделать акцент на такие важнейшие атрибуты его культурного развития, как: внешний облик, т.е. архитектура, ее соответствие социальному статусу столицы, материальная культура, искусство, состояние науки и образования, язык и литература, гендерный образ его жителей и особенности его нравственных ценностей, книга и музыка – как их атрибуты и показатели; религия – как важнейшая часть духовной жизни. Все это базируется на огромном многовековом историко-культурном наследии, являющемся частью общемировой цивилизации и имеет более, чем двухтысячелетний возраст.

Есть мнение, что современный город разрушает устои традиционной культуры. Не соглашусь с этим и смею утверждать, что современный город, базирующийся на древнем культурном пласте, сохраняет и модифицирует эти устои, модернизируя их и приспособляя к новым условиям. В отношении архитектурной характеристики Ташкента – это верно. Бесспорно, многое пострадало в архитектуре Ташкента, которая в определенные периоды истории подвергалась идеологической обструкции. Тем не менее, она сохранила свою неповторимую самобытность и традиции путем регенерации неповторимого исторического наследия средневековой урбанистики в сочетании с лучшими европейскими образцами классической архитектуры XIX–XX вв. и современным модерном. Попытка обращения к средневековым историческим формам отчетливо видна на многих сооружениях последних 15 лет. Это Музей истории Темуридов, парламент, портал железнодорожного вокзала, Ташкентская государственная консерватория, Центр детского творчества, Исламский университет, Музей памяти жертв репрессий, здания которых напоминают нам стиль строений отреставрированных исторических памятников Ташкента.

Вместе с тем архитектурная философия города включает в себя и чисто европейские образцы, которые никак не выглядят чем-то инородным в общем облике Ташкента. Это бывший дворец князя К. Романова, ныне дом приемов МИДа, здания Ташкентского государственного юридического института, Вестминстерского университета, Посольства Франции, Биржевого центра и др.

Современные здания гостиницы Интерконтиненталь, Шератон, Бизнес-Центра, Картинной галереи, НБУ, Центрального банка Узбекистана создают ощущение знаков современности, свидетельствуя об обращении к опыту мировой архитектурной школы.

Совершенно новым архитектурным явлением стал архитектурно-художественный ансамбль на главной площади столицы Мустакиллик, представленный Монументом независимости и гуманизма, Аркой добрых и благородных устремлений и Мемориальным комплексом, олицетворяющими связь прошлого, настоящего и будущего.

Особо следует сказать о сохранении исторических архитектурных памятников. Узбекистан имеет свою концепцию на этот счет. Глава государства Президент И.А. Каримов и правительство республики уделяют огромное внимание реставрации исторических памятников города. Так, сейчас, совершенно по-иному, чем 15-20 лет тому назад, выглядят медресе Кукельдаш XVI в., Мавзолейи Шейх Зайниддин бобо XIII в., Ходжа Аламбардора XIX в., Юнусхана XV в., Шайх Хованди Тохура XIX в., медресе Шайх Абулкасыма XIX в., мемориальный комплекс Хазрати Имам и др.

Международным признанием заслуг нашего государства по возрождению и сохранению исламской культуры и духовных ценностей, высокого вклада узбекского народа в развитие исламской культуры было объявление Международной исламской организацией по вопросам образования, науки и культуры (ISESCO) Ташкента столицей исламской культуры в 2007 г.

Толерантность в архитектуре, выражение уважения к великим представителям мировой культуры, отчетливо проявляются в памятниках А. Пушкину, Низами Гянджеви, Абаю, Л. Шастри, М. Ганди, Т. Шевченко, Ш. Руставели и других, возведенных на главных улицах города.

Все указанные направления не противоречат друг другу, а создают архитектурную уникальность города. Такая гармония стилей характерна не для всех городов Узбекистана. Возможно, это сочетание несколько сковывает широкое внедрение модернистских и ультра модернистских инноваций. Но, думается, вся предыдущая история облика Ташкента исключает экспансионистские методы в архитектуре и не соответствует градостроительной особенности города, который, на наш взгляд, хорош размеренностью и балансом исторических форм. Как отмечал Президент Узбекистана И. Каримов: «...столица, конечно, должна быть современной. Она должна расти и развиваться в ногу со временем. Однако, вместе с тем, для нас и долгом, и честью является то, что мы должны быть верными нашим историческим ценностям, которые обогащают нашу жизнь...»¹.

The given article states the theme of conquer of Tashkent by troops of Russian empire spoken by sources recollections of a military gubernator of Turkistan D.I. Romanovsky. The sources of analyzed materials which given by general Chernyaev. The author with the position of critical evaluation of these materials proof some of new aspects raised problems of the article.

Ж.Х. Исмоилова
(Ўзбекистон)

ТОШКЕНТДАГИ ШАҲАРСОЗЛИК ТАРАҚҚИЁТИГА ЕВРОПА АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ТАЪСИРИ (XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШИ)

Тошкентнинг вужудга келиш тарихига назар ташласак, у узок ўтмишга бориб тақалади. Асрлар давомида у маҳаллий ҳокимлар ва келгинди босқинчилар томонидан қайта-қайта талон-тарож этилди. Аммо халқнинг сабр-матонат билан олиб борган кураши ва бунёдкорлик меҳнати туфайли моддий ва маънавий маданиятнинг ажойиб ёдгорликлари қайта тикланди, шаҳар яна қаддини ростлади.

XIX аср ўрталарида шаҳарнинг Бўзув (Анҳор) каналини чап соҳилида Ўрда мавжуд бўлиб, унга XIX асрнинг 30-йилларида Қўқон хони томонидан асос солинган. Унинг ичкарасида қаср, маъмурий бинолар, курул-яроғ омборлари ва казармалар қурилган эди. Ўрданинг ҳудуди қарийб 20 гектарни ташкил этган¹.

XIX аср бошларида Тошкентда бўлган Ф. Назаровнинг гувоҳлик беришича, “Шаҳарнинг эски қисмидан ташқарида жойлашган қалъа баланд девор билан ўралган бўлиб, унга 10 мингдан ортиқ аскарларни жойлаштириш мумкин бўлган”². Тошкентни босиб олиш жараёнида Ўрданинг мудофаа деворлари ва ҳарбий қурилмаларига анча зарар етказилган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Туркистон ўлкасидаги Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати кўпгина шаҳарлар ёнида янги шаҳарларга асос солишдан бошланди. Туркистон ўлкасининг марказий шаҳри ҳисобланган Тошкент шаҳрининг “янги” қисмига асос солиниши Ўрданинг қаср деворлари ва мудофаа деворларини бузишдан бошланди. Қисман эски шаҳарнинг шарқий ва жануби-шарқий деворлари

¹ Тошкент. Энциклопедия. Тошкент, 1992. 436-бет.

² Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях Средней Азии. СПб., 1821. С. 13.

хам бузиб ташланди. 1865 йилнинг ёзидаёқ янги ҳарбий қалъа қурилди. Ушбу Тупроққўрғон қалъаси Қўймас дарвозасининг қаршисидаги баландликда жойлашган бўлиб, унинг тарҳи олти бурчакли, баланд турпоқ кўтармалари билан ўралган, 3 та дарвоза, 6 та пиёда ротаси учун бино, лазарет ва ҳ.к. дан иборат бўлган¹. Деворнинг айрим жойларига ўт очиш учун шинаклар қилинган.

Тупроққўрғоннинг қурилиши янги шаҳарнинг бунёд этилишидаги биринчи қадам бўлди. Баландликда жойлашган ушбу қалъа эски шаҳарни назорат қилиш ва янги шаҳарни кўриқлаш имконини яратди. Қалъа рўпарасида унча катта бўлмаган уй қурилиб, бу рус қўшинларининг Тошкентни босиб олгандан кейин юзага келган биринчи европа усулидаги уй бўлиб қолди. Дастлабки қурилишлар асосан ҳарбий истехком типидagi иншоотлардан иборат бўлди.

Қалъадан Бўзсувнинг чап соҳили бўйлаб то Ўрдагача кўча ётқизибли, унга М.Г.Черняев номи берилди (кейинчалик А. Тўқай). Унда кичикроқ дўкончалар ва ўзбек бозорчаси пайдо бўлди. Тошкентнинг Бўзсув чап соҳилида юзага келган “янги” қисм худудида илгари туб аҳолининг пахта ва йўнғичка далалари бўлган. “Мингўрик” мавзеси энг яхши ўзлаштирилган жой ҳисобланарди.

1866 йилда топограф М.Н. Колесников томонидан Тошкентнинг “янги” қисми лойиҳаси тузилди. Режада Бўзсув ва Шибли ариғи ўртасидаги жойларни ўзлаштириш кўзда тутилганди. 1866-1867 йилларда 200 тагача ҳовли-жой бунёд этилди. Кейинги йилларда янги уйлар сони 500 тагача етди².

Шаҳарнинг “янги” қисмини бир муаллиф қуйидагича тасвирлаган эди:

“Хусусий ҳовли-жойлар, асосан, рус қалъасига туташ минтақаларда қуриларди ва биринчи катта уй Черняев кўчасида Жемчужин томонидан бунёд этилди. Кечкурунлари ўша вақтдаги тошкентликлар сайр қилиб юрадиган энг яхши кўча “Ўн икки терак” кўчаси эди. Бу ўша вақтдаги аҳоли ўзининг 12 терагини эъзозлаб қўйган бу ном ҳозиргача сақланиб қолган”³.

1866 йилда шаҳарнинг “янги” қисмини бориб кўрган А.П. Хорошхиннинг гувоҳлик беришича, у ерда асосан амалдорлар, зобитлар ва аскарлар яшарди. Улар уйларини пишиқ ё хом ғиштдан қурадилар. Кўпчилигининг поли қуруқ ер ёки тошдан бўлиб, деразаларига ойна ўрнига мой шимдирилган қоғоз ёки ёзув қоғози қопланарди. Ойна бу ерда жуда қиммат эди⁴.

Аста-секин Бўзсув ва Шибли ариқлари оралиғидаги ерлар ўзлаштирила бошланди ва 1870 йилга келиб, деярли бутунлай аҳоли билан тўлган эди. Туркистон ўлкасига кўчиб келаётганлар ҳисобига аҳоли сонини ўсиб бориши Туркистон генерал-губернаторлигининг маркази ҳисобланган Тошкент шаҳрига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу ҳолат Тошкент “янги” қисмининг Шибли ва Салор ариқлари оралиғидаги худуд ҳисобига кенгайтирилишини тақозо этди. 1870 йилда ҳарбий муҳандис А.В. Макаров томонидан шаҳарнинг “янги қисм”ининг “бош лойиҳа”си ишлаб чиқилди.

Янги лойиҳага асосан шаҳар қурилиши радиусли ҳалқа схемасида тузилган бўлиб, Константин хиёбони(ҳозирги Амир Темури хиёбони)⁵, унинг маркази ва ундан Москва (ҳозирги Амир Темури кўчаси), Кауфман (ҳозирги Сайилгоҳ), Духовский проспекти (ҳозирги Мовароуннаҳр), Қўйлик (ҳозирги Й. Охунбобоев) кўчалари атрофига

¹ Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX - начало XX в.). Ташкент, 1988. С. 36.

² Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Ташкент, 1912. С. 73.

³ Очерки истории Ташкента (Биография М.Г.Черняева). Ташкент, 1915. С. 13.

⁴ Русский инвалид. 1907. № 94.

⁵ Русский инвалид. 1867. № 94.

тарқалар эди. Режа бўйича бу ерда кенг кўчалар ётқизиш, боғлар, парклар барпо этиш кўзда тутилганди. Шаҳар қатор кўчаларга бўлинган бўлиб, улар жумласига Петербург (ҳозирги Матбуотчилар), Романовская (Буюк Турон), Самарқанд (Самарқанд), Вороновский проспекти (ҳозирги Х. Сулаймонова), Шаҳрисабз, Москва (ҳозирги Амир Темур), Лагер (ҳозирги Пушкин), Хива (ҳозирги Хоразм), Андижон (ҳозирги Я.Ғуломов), Маҳрам (ҳозирги Ўзбекистон), Наманган (ҳозирги Жуковский) кўчалари кирган¹.

Соборная, Кауфманская ва Романовская кўчалари энг гавжум кўчалардан ҳисобланиб, бу ерларда энг яхши дўконлар, баққолликлар, меҳмонхоналар жойлашганди².

XX аср бошларида Тошкентнинг “янги” қисми Сапёрная ва Госпитальная кўчаларидан жанубга томон анча кенгайди.

Шаҳарда европа услубида давлат бинолари, казармалар, ҳарбий омборлар, ҳарбий ва фуқаро бинолари, касалхоналар, ўқув юртлари, маданий-маърифий муассасалар ва бошқалар қурилган.

Тошкентда маъмурий бинолар ғоят кўп бўлиб, улар кенг майдонни эгалларди. 1886 йил маълумотларига кўра барча янги қурилган биноларнинг умумий миқдори бу ерда 2021 тага етиб, шулардан 458 таси – ҳарбий, 16 таси – маъмурий, 20 таси – жамоат бинолари эди. Шундай қилиб, биноларнинг 24 фоизи давлат ва жамоат биноларини ташкил этарди. Талай майдонни эгаллаган ҳолда улар, шаҳарнинг ўша пайтдаги худуди ғоят чекланганлиги туфайли, хусусий уйлар ўсишига тўсқинлик қилар эди.

XX аср бошида темир йўл ётқизилиши муносабати билан аҳоли сони ортиб борди. Шу билан бир вақтда тураржой уйлари ҳам кўпайди. 1909 йил маълумотларига кўра улар сони 4706 га етган, шулардан 185 таси пишиқ ғиштан, 3423 таси хом ғиштан, 1093 таси синчли ва пахсадан, 5 таси ёғочдан қурилган. Кўришиб турганидек, қурилишда уйларнинг синч ва пахсадан қурган туб аҳоли тажрибаси кенг қўлланилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, рус меъморлари давлат ва жамоат бинолари ва хусусий уйларни лойиҳалаштириш чоғида маҳаллий қурилиш ва меъморчилик ютуқларига таянганлар. Шу масала бўйича Г.Н. Чабров “Рус меъморлари ва қурувчилари тураржой биноларини қуришда маҳаллий усулларни жон-жон деб қўллаганлар. Ёғоч уйлар ўрнига лой уйлар қурганлар, шифт ва ерларни маҳаллий намуна бўйича ясаганлар. Ёғочни тежаш мақсадида ички осма эшиклар ўрнига гилам ва полослардан фойдаланганлар. Уйнинг зарурий қисми – айвонни рус қурувчилари унча хуш кўрмаганлар, бироқ кейинчалик кенг қўллай бошлаганлар”³.

Маҳаллий қурилиш ва безак усулларидан Тошкент ва Самарқанддаги хом ғиштан қурилган дастлабки черковлар қурилишида ҳам фойдаланганлар (1868 й.). Ички безакда ёғоч ўймакорлиги ва ганчга нақш тушириш кенг қўлланилган, уларни маҳаллий усталар бажарганлар. Миллий безак усулларида Тошкентдаги генерал-губернатор қароргоҳининг айрим хоналарида фойдаланилган”⁴.

Буларнинг барчасида шаҳар “янги” қисмида ўзбекларнинг иштирок этиши катта роль ўйнаган, у ерда “улар маъмурлар чизган тарх бўйича рус уйларини қуришган, девор ва томларини бўяшган, ерга тахтадан пол қилишган”⁵. Ўз навбатида рус

¹ Ўша жойда.

² Масальский В.И. Туркестанский край. СПб., 1913. С. 621.

³ Архитектурное наследие Узбекистана. Ташкент, 1960. С. 277.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Масальский В.И. Туркестанский край. С. 612.

меъморлари ва курувчилари усуллари Тошкентнинг “эски шаҳар” қисми қурилишида ҳам қўлланилган.

Шаҳарнинг “янги” қисмида қурилган энг машҳур бинолардан ўша даврдаги Давлат банки, аёллар гимназияси (ҳозирги ҳуқуқшунослик факультети биноси), Тошкент эркалар гимназияси, Кадет корпуси (ҳозирги ТошМИ клиникаси ҳудуди), Князь Николай Константинович саройи (ҳозирги Ташқи ишлар вазирлигининг қабулхонаси), Реал билим юрти, Каплан дорихонаси, Тошкент шимолий вокзали, Казенная палата (ҳозирги “Соғлом авлод” ташкилоти жойлашган бино) ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.¹

1889-1890 йилларда архитектор А.Л. Бенуа лойиҳаси асосида ва В.С. Гейнцельман раҳбарлигида князь Н.К. Романов саройи қурилган бўлиб, у шаҳардаги бинолардан ўзининг кўриниши ва қурилиш техникаси билан тубдан фарқ қилиб турган. Ташқаридан қараганда унинг орқа, олди ва ён томонлари бир хилда ишлангани кўринади. Бу Петербург саройларининг кичик ҳажмдаги лойиҳаси бўлиб, сарой ўзининг кизиқарли мўжизалари ва архитектура топилмалари билан ажралиб туради. Салқин боғ ичида жойлашган ушбу бинода роман-византия услубидаги шакллардан фойдаланилган. Шунингдек, саройда декоратив ҳайкалтарошлик намуналаридан – ов ити, кийиклар ва бошқа безаклар билан безатилган.

Шаҳардаги дастабки қурилган “Хива” кинотеатри биноси 1912-1916 йилларда Г.М.Сваричевский лойиҳаси асосида бунёд этилган. Ушбу бино Ўрта Осиёнинг ўрта аср маҳобатли меъморчилигини ўзида уйғунлаштирган ҳолда яратилган бино ҳисобланади. Унинг марказий қисмига, бурчакларига гулдаста – миноралар қўйилган ва ўрта асрлардаги қалъа дарвозалари элементларидан фойдаланилган. Кинотеатрнинг кириш қисмининг икки томонига рамзий равишда иккита тўп ўрнатилган. Бу бино европа услубида лойиҳалаштирилган ва, шунингдек, меъморчилик жиҳатидан эса маҳаллий қадриятларни ҳисобга олган ҳолда ўрта аср меъморчилиги анъаналаридан фойдаланилган биринчи бино бўлиб ҳисобланган.

Шаҳардаги яна европа усулида қурилган бинолардан бири И.И. Краузининг аптека дўкони, А.Н. Захонинг гастроном дўкони ва маҳаллий тадбиркор Ориф Азизхўжаевнинг савдо пассажлари шулар жумласидандир.

Ушбу дўкон бинолари асосан 2 қаватдан иборат бўлиб, уларнинг иккинчи қавати яшаш хоналари ва хизмат кўрсатиш хоналаридан иборат бўлган. Биринчи қаватда эса савдо дўконлари хизмат кўрсатган. Бинонинг асосий фасад қисми кўчага қараган бўлиб, учта кириш жойлари мавжуд бўлган. Биноларга берилган безак ва ғиштдан ишланган карнизлар архитекторнинг нозик дидини ва бинога классицизм шакллари беришга интиланганини кўрсатади.

Маҳаллий тадбиркор Ориф Азизхўжаевнинг савдо пассажи ўша даврда нафақат Тошкентда, балки Ўрта Осиёда энг катта иншоот ҳисобланган. Унинг биринчи қавати 120 м кўча бўйлаб жойлашган. Марказий қисми ва бурчакларида баланд кўтарилган қисмлари бинога ўзгача рух беради. Унда ренессанс архитектура элементлари кўзга ташланади.

Шаҳар хиёбони ёнида жойлашган Давлат банки биноси 1895 йилда В.С.Гейнцельман лойиҳаси асосида қурилган. Унинг композицияси 2 қаватли тўғри бурчакли бўлим ва унга ассиметрик равишда ўрнатилган кўпқиррали бўлакдан иборат.

XIX аср охирида барча хусусий уйларнинг ҳовлиси ёки боғчаси бўлган “Ҳар бир хонадонда кичикроқ бўлса-да, томорқаси, жуда бўлмаганда бир неча туп дарахти, ҳовузчаси, гоҳо кудуғи бўлган оддий ҳовлиси бор. Бу боғдорчилик, мевачилик қишлоқ

¹ ЎзР МДА. 269 Ф. 1 ж., 83 иш. 4-бет.

хўжалиги ва хўжалик бошқарувчилари учун парранда боқиш, гулзор қилиш, ўз боғининг мевасидан тотиш, полиз ишларини йўлга қўйиш, кишлик ғамини ейиш имконини берган”¹.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Тошкент шаҳрида XX аср бошларида европа меъморчилигини ўзида уйғунлаштирган бир қанча бинолар қад кўтарган. Уларни қуришда нафақат европа архитектураси, балки маҳаллий меъморларнинг анъанавий услублари ҳам қўлланилган.

Ж.Х. Исмаилова

Влияние европейской архитектуры на развитие градостроительства Ташкента (вторая половина XIX-начало XX в.)

Ташкент во второй половине XIX в. был главным городом Туркестанского края и местом нахождения государственных и общественных учреждений. Строительство нового города в Ташкенте началось с 1865 г. на левом берегу Анхора. При постройке жилых кварталов и зданий были использованы методы и технологии европейской архитектуры. По проектам архитекторов В.С. Гейцельмана, А.Л. Бенуа, Г.М. Сваричевского и др. были построены здания гимназий, государственных банков, учреждений и других сооружений. Научно обосновано влияние европейской архитектуры на развитие градостроительства Ташкента во 2-й половине XIX - начале XX в.

J. H. Ismailova

Influence of the European architecture on development town-planning of Tashkent (Second half of the 19th – beginning of the 20th centuries)

Tashkent in second half of 19th centuries was the main city of Turkestan edge and the location state and public institutions. Building of a new city in Tashkent has begun since 1865 on the left coast Anhor. At construction of inhabited quarters and buildings methods and technologies of the Eurorean architecture have been used. Under project of architects V.S. Gejntselman, A.L.Benua, G.M.Svarichevskiy and other buildings of grammar schools, the state banks, establishments and other constructions have been constructed. In article influence of the European architecture on development of town-planning of Tashkent in second half of the 19th – beginning of the 20th centuries is scientifically proved centuries.

*С. Шодмонова
(Ўзбекистон)*

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТ МАТБУОТИ

Инсоният пайдо бўлганидан бошлабқ ўзаро ахборот алмашув эҳтиёжи пайдо бўлган. Дастлаб, инсонлар ўртасидаги ахборот алмашув жараёни оғзаки нутқ орқали амалга оширилган бўлса, кейинчалик ёзув пайдо бўлиши билан ахборот тарқалиши жараёнида катта сакраш юз берган эди. Китоб босиб чиқариш билан эса ахборот алмашиш жараёни янада кучайган эди. Умуман, инсоният ривожланиши билан ахборот алмашишуви ҳам жадаллашиб боради. Бир томондан, инсоният тараққий этиши билан ахборот кўпайиб, янги техника кашфиётлари натижасида уни узатиш ва ёдда сақлашнинг мураккаб шакллари пайдо бўлади. Иккинчи томондан эса ахборот ҳажми ортиши билан янги коммуникация манбаларига эҳтиёж сезила бошлайди.

Жаҳонда газетанинг вужудга келиш жараёни ҳам инсониятнинг ахборот алмашувга бўлган заруриятидан келиб чиққан эди. Шунингдек, ҳукмрон кучлар газетадан жамиятга таъсир кўрсатиш, ўз ғояларини сингдириш йўлида ва жамият аъзоларининг қарашларини билиш учун фойдаланганлар.

Дастлабки босма газета Пекинда чиққан “King rao” газетаси эди¹. 911 йилда таъсис этилган ушбу газета 1361 йилдан ҳафтада бир марта чиққан бўлса, 1800 йилдан кунда-

¹ Маев Н.А. Русский Ташкент. СПб., 1894. С. 146.

лик газетага айланган эди.² 1450 йилда Германияда Иоаганн Гуттенберг томонидан босма пресси ихтиро қилиниши билан газета босиб чиқариш ишлари анча осонлашган.

Газета сўзи италянча “gazzetta” сўзидан олинган бўлиб, чақа деган маънони билдиради, яъни XVI асрда янгиликлар варағини Венецияда бир чақага сотиб олишган. Ҳозирги замонавий газеталарга яқин бўлган босма газеталар XVII асрда Европада босиб чиқарила бошлаган. XVIII асрнинг бошларида эса Россияда газета чоп этила бошлаган бир даврда Европа давлатлари матбуот соҳасида анча илгариланган. Масалан, фақат Лондоннинг ўзида бир вақтда 10 тадан 20 тагача газета ва журналлар чиқиб турган. Туркистонда эса матбуот Европа ва Осиёдаги кўпчилик давлатларга қараганда анча кеч вужудга келган.

Туркистоннинг маданий марказларидан бири бўлган Тошкент шаҳрида ўлканинг тўнғич газетаси “Туркестанские ведомости” 1870 йил 28 апрелда чиқа бошлаган эди. Ушбу газета Россия губерния ведомостларига тенглаштирилган бўлиб, унга амалдорлар обуна бўлиши мажбурий эди.³ Туркистон генерал-губернаторлиги бу газета орқали ўз ғояларини тарқатишни мақсад қилиб қўйган бўлсада, амалда матбуот ўлкани ҳар томонлама ўрганиб ҳамда рус аҳолини Туркистон ҳаёти билан таништириш, уларга маданий, иқтисодий, ижтимоий хабарлар бериш борасида алоҳида аҳамият касб этган эди.

Туркистондаги биринчи ўзбек тилидаги газета “Туркистон вилоятининг газети” 1870-1883 йилгача “Туркестанские ведомости” газетасига “Илова” тарзида чиқарилар эди. Бу газета бир ойда 4 марта - 2 марта ўзбек тилида ва 2 марта қирғиз тилида чиқа бошлади. 1883 йил 30 январдан 500 нусхада⁴ алоҳида газета сифатида чиқа бошлади. 1888 йилга келиб газета 600 нусхадагина босилиб, унинг асосий қисми мажбурий обуначиларга айлантирилган маҳаллий амалдорларга жўнатилган.⁵ 1910 йилда газета 1850 нусхада чоп этилган.⁶ “Туркистон вилоятининг газети”нинг муҳаррири Н. Остроумов газетанинг ўқувчилари камлигини миллий тилдаги дастлабки газета бўлганлиги ва маҳаллий аҳоли учун пулга газета сотиб олиб ўқиш янгилик эканлиги билан изоҳлаган эди.⁷ Аслида эса Туркистон аҳолиси зиёлилари орасида Исмоил Гаспринский муҳаррирлигида чиққан “Таржимон” газетаси машҳурроқ бўлган ўша даврнинг ўзидаёқ “Туркистон вилоятининг газети” халқ орасида катта обрўга эга эмаслиги сабабларини очишга маълум маънода ҳаракат қилинган. Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти Туркистоннинг уч вилояти ҳарбий губернаторларига бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини юборишни сўраган эди. Ўз навбатида улар томонидан ушбу газета кам ўқилишининг бир неча сабаблари кўрсатилган. Энг асосийларидан бири - газетада расмий буйруқ ва фармойишларнинг босилиши жуда кўп жой олганлиги, ундан ташқари газетанинг расмий бўлмаган бўлимида берилаётган маълумотлар куруқ ҳамда ҳаётдан узилган ҳолда берилганлиги, шунингдек, арабча ва форсча сўзлар ҳамда атамалар ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши уни ўқишда қийинчилик туғдиришида деб кўрсатилган эди.³ Мазкур газетанинг молиявий аҳволи анча оғир бўлиб, айниқса 1912 йилнинг охир - 1913 йилларда маблағ етишмаслигидан газетанинг ёпилиш хавфи ҳам бор эди. Фақат Тошкентда маҳаллий тилда хусусий газеталар чиқаришга ҳаракат

¹ Жаҳонда қўлёзма ҳолатида чиқарилган газеталар тарихи қадимги даврларга бориб тақалади. Мақолада эса босма қилиб чиқарилган газеталар назарда тутилмоқда.

² Yash Turkistan. 1932. №28. 29-бет.

³ ЎзР МДА. 1-жамғарма, 17-рўйхат, 534-иш, 5-варақ.

⁴ Остроумов Н.П. Сарты. Ташкент, 1890. С. 127.

⁵ ЎзР МДА. 1-жамғарма, 28-рўйхат, 60-иш, 82-варақ..

⁶ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент, 1912. С.291.

⁷ ЎзР МДА. 1-жамғарма, 28-рўйхат, 35-иш, 39-45 - варақлар.

³ ЎзР МДА. 1-жамғарма, 17-рўйхат, 734-иш, 71-71- варақ орқаси.

килинаётганлиги, бу эса ҳукуматга қарши кайфиятлар тарқалишига олиб келишини ҳисобга олган Туркистон генерал-губернаторлиги “Туркистон вилоятининг газети”ни молиявий томондан қўллаб туришга уринган эди. Ҳатто, 1913 йилнинг 5 январиди Туркистон генерал-губернатори ҳарбий вазирга хат ёзиб, ушбу газетани босиб чиқаришга маблағ сўраган,¹ сўралган маблағнинг ярмини бериш тўғрисида 1915 йилнинг ноябрида ҳарбий вазир буйруқ берган эди.² Лекин “Туркистон вилоятининг газети” Россиянинг бошқа жойларида, яъни Гелсингфрос, Қозон, Қашғар, Боқчасарой, Москва, Омск, Петербург шаҳарларида ҳам оз бўлсада ўқувчиларига эга эди.³ Ушбу газета саҳифаларида, Туркистонда бошқа миллий газета йўқлиги, туфайли Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мирмуҳсин Шермуҳамедов ва шу каби тараққийпарварлар маданий-маърифий мавзудаги мақолалари билан қатнашиб, маҳаллий аҳолининг дунёвий илмларга, фан ва техника, бошқа халқларнинг илғор маданий ва адабий меросига қизиқишини кучайтирганлар.

Туркистон матбуоти тарихида бу икки газета узоқ муддат давомида узлуксиз чиқиб туришининг асосий сабаби - Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий матбуот нашри бўлгани ва ҳукумат маблағи ҳисобига чиқарилгани эди. Дастлабки матбуот нашрлари сифатида бу газеталар Туркистонда даврий матбуотнинг шаклланиши ва ривожланиши учун шароит ҳозирлаган эди.

XIX асрнинг 90-йилларига келиб Туркистонда матбуот соҳасида бурилиш юз берди. Бу даврда ўлкада рус тилидаги дастлабки хусусий газеталар пайдо бўла бошлади. Дастлаб Самарқандда, кейин Тошкентда 1890-1907 йилларда чоп этилган “Окраина” ва 1898-1907 йилларда Тошкентда чоп этилган “Русский Туркестан” газеталари шулар жумласидандир. Мазкур газета фаолиятида Н. Ликошин, Н. Хаников ва А. Диваевлар фаол иштирок этишган. Бу газеталар универсал бўлиб, унинг саҳифаларида ўлканинг тарихи, географияси, иқтисодий ҳаёти ва маданий-маърифий масалалари мунтазам ёритиб борилган.⁴ 1904 йилда “Ташкентский листок” газетаси чоп этила бошлаган эди, унда телеграммалар, эълонлар ва маҳаллий хроникалар ҳам бериб борилган. Ушбу газета 1906 йилдан “Ташкентский курьер”, 1908 йилдан эса “Туркестанский курьер” номи остида чиққан.⁵

XX аср бошида Туркистондаги рус сиёсий матбуоти қаторидан социал-демократик нашрлар ҳам жой ола бошлаган эди. 1905-1907 йилларда Туркистон социал-демократларининг большевиклар оқимида мансуб намоёндалари баъзи газеталарни, хусусан “Русский Туркестан” газетасини эгаллаб, ундан ўз ғояларини тарқатишда фойдаланган эдилар. Биринчи рус инқилоби мағлубиятга учраганидан сўнг 1917 йил февралигача Туркистонда битта сони чиққан. “Ташкентский рабочий” газетасидан ташқари биронта ҳам большевистик йўналишдаги газета нашр этилмаган.

XX аср бошларида Тошкентда миллий тараққийпарвар кучлар бир қанча газеталар чиқаришга муваффақ бўлганлиги ўлка ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлган. 1905-1907 йиллардаги инқилобдан ваҳимага тушган ҳукумат матбуот соҳасида ҳам ён беришга мажбур бўлган. Газетанинг халқ ижтимоий-сиёсий онгини оширишдаги ролини тушунган жаҳид тараққийпарварлари миллий газеталар чиқаришга муваффақ бўлишган. Бундай газеталарнинг кўпчилиги аввало Тошкент шаҳрида чоп этилган. Миллий тараққийпарвар кучлар чиқарган газеталар “Тараққий” (1906 й.), “Хуршид”

¹ ЎзР МДА .1-жамғарма, 17-рўйхат, 734-иш, 117- варақ .

² ЎзР МДА. 1-жамғарма, 17-рўйхат, 734-иш ,128-128- варақ орқаси, 145-варақ.

³ Остроумов Н.П. Сарты... 133-бет.

⁴ Окраина. 1893. № 129.

⁵ Добросмыслов А.И.Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. С. 293.

(1906 й.), “Шухрат” (1907 й.), “Осиё” (1908 й.) ҳукумат томонидан қаттиқ таъқиб остига олиниб, газетанинг ҳар бир сонларидаги мақолалар таржима қилиниб кузатиб борилган.¹ Ҳукумат газетаси бўлган “Туркистон вилоятининг газети” саҳифаларида ушбу газеталар қаттиқ танқид остига олинган.² Бу миллий газеталар жуда қисқа вақт нашр қилинган ва ҳукуматга қарши йўналишлари учун тўхтатиб қўйилган.³ Жадид тараққийпарварлари ташкил этган миллий газеталарда миллатни жаҳолатдан қутқариш ва унинг тараққий топишига эришиш масалалари диққат марказида бўлган. Улар миллий онгни ўстиришга ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Қаттиқ сиқувга олинган миллий тараққийпарвар кучлар узоқ вақт матбуотга эга бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган эдилар. Бу ҳақда миллий тараққийпарварлардан бири Рауф Музаффарзода шундай деб ёзган: “Бизда “Тараққий”дан сўнг кўпгина газеталар чиқиб, оз фурсатда яна ёпилиб қолди. Агар ўша пайтда чиқиб, сўнг ёпилган жаридаларни йиғсак, жуда катта жариди мазори ҳосил бўлади”.⁴ Лекин жадидлар мунтазам равишда бу йўлда ҳаракат қилган эдилар. Натижада XX асрнинг 10-йилларида Туркистоннинг қатор шаҳарларида, жумладан Тошкент шаҳрида ҳам миллий матбуотни йўлга қўйишга муваффақ бўлинган. 1914-1915 йилларда Убайдулла Хўжа Асадуллахўжаев муҳаррирлигида “Садои Туркистон” газетаси чоп этилди. Унинг устидан ҳам ҳукумат томонидан қаттиқ назорат ўрнатилган.⁵ Газетанинг асосий мақсади Туркистонни маърифат, тараққиёт йўлига бошлаш эди.

Бу вазифани амалга оширишда Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Тавалло, Саидносир Миржалилов, Ҳамза Ҳакимзода, Холид Саид, Абдулҳамид Сулаймон, Мўминжон Муҳаммаджонов, Абдулла Эрғозиев, Нуширавон Ёвушев, Сиддиқий, Лутфулла Олимий, Мулла Саид Аҳмад Васлий, Фузайил Жонбоев, Муҳаммадjon (мударрис), Бадриддин Аълами, Ҳожи Муин, Ш. Раҳимий каби миллат фидоийлари муҳаррирга яқиндан ёрдам бердилар. Лекин газета иқтисодий томондан оғир аҳволга тушиб қолди. Кундалик нашр сифатида пайдо бўлган «Садои Туркистон» ҳафтада бир марта чиқа бошлади ва умуман ёпилиш хавфи пайдо бўлди. Шунда газета миллатпарвар бойларга мурожаат қилиб, биргина татар халқи 30 та жариди нашр этаётган вақтда 10 миллион туркистонликлар учтагина жаридани чиқаришни давом эттира олмаслиги тараққиётдан орқада қолишнинг асосий сабабларидан бири эканлигини таъкидлаб, “бойлар пул билан, муҳаррирлар қалам билан, аҳоли ўқиши билан ёрдам этсалар,” деб халққа мурожаат этган⁶. Туркистон тараққийпарварларидан Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам ушбу газетани чиқаришни давом эттириш учун миллат жонкуярлари моддий ва маънавий томондан ёрдам беришларини, чунки дунёда 10 миллион аҳолига эга бўлган давлатлар минглаб матбуот нашрларига эга эканлигини таъкидлаб, миллий тараққийпарвар кучларни муштарий йиғишга ёрдам беришга чорлаган эди⁷. Аммо миллий тараққийпарварларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, 1915 йил 10 апрелда маблағ етишмаганидан “Садои Туркистон” газетасининг 66-сони чиқарилиб, тўхтатиб

¹ ЎзР МДА. 1-жамғарма, 28-рўйхат, 779-иш, 10-20 - варақлар.

² Туркистон вилоятининг газети. 1906. 25, 29, 30, 33, 35-37, 44, 51-сонлар.

³ ЎзР МДА. 461-жамғарма, 1-рўйхат, 942-иш 7-варақ; 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1216-иш, 6-варақ; 2-2-варақ. орқаси; 461-жамғарма, 1-рўйхат, 57-иш, 602-605-варақ; 1-жамғарма, 4-рўйхат, 1216-иш, 7-8 - варақ орқаси.

⁴ Рауф Музаффарзода. Бизда зиёлилар ва миллий матбуот // Садои Туркистон. 1914. № 44.

⁵ ЎзР МДА. 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1311-иш, 251-варақ. ЎзР МДА. 1-жамғарма, 31-рўйхат, 957-иш, 1-1-варақ орқаси, 5-6- варақ.

⁶ Садои Туркистон. 1914. 51-сон.

⁷ Бехбудий М. Садои Туркистон, Садои Фарғона ёхуд Туроннинг эгизак таъвом фарзандлари // Ойна. 1914. 25-сон.

қўйилди. Архив маълумотларига кўра, кейинчалик Убайдулла Хўжаев газетани яна чиқаришга урунган, лекин ҳукуматдан расмий рухсат ололмаган ҳамда 1917 йилнинг бошида Петроградга давлат думасининг мусулмонлар фракциясига арз қилиш ниятида бўлган¹.

Шундай қилиб, замонавий газеталарга яқин бўлган босма газеталар XVII асрда Европа давлатларида, XVIII аср бошларида Россияда вужудга келган бўлса, Туркистонда эса XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Туркистондаги биринчи газета ҳукумат расмий матбуот органи бўлган “Туркестанские ведомости” газетаси эди. Бу газетадан кейин пайдо бўлган ўзбек тилидаги дастлабки газета “Туркистон вилоятининг газети” бўлиб, бу икки газета ҳукуматнинг ғояларини тарқатишга хизмат қилиб, ўз саҳифаларида ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид муаммоларни, миллий озодлик ҳаракатлари билан боғлиқ масалаларни ёритишдан чекинара, баъзи сиёсий воқеаларни ёритганда эса давлат манфаатидан келиб чиқар эди. Шунга қарамай, ушбу газеталар саҳифаларида ўлка иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг турли жабҳаларидаги масалалар ёритиб борилган эди. Хусусий газеталарнинг пайдо бўлиши эса Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди. Бу газетлар ўз саҳифаларида маданий ва маърифий масалалар билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий муаммоларни кўтариб чиқишга ҳам урунган. XX аср бошида вужудга келган жадидлар матбуоти эса халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини оширишга ҳаракат қилган. Уларнинг аксарияти қаттиқ таъқиб остига олиниб, ҳукуматга қарши ғояларни тарқатгани учун ёпиб ташланган эди. Шунингдек, миллий матбуот органлари маблағ етишмаслиги ва муштарийлар озлигидан ҳам маълум қийинчиликларга дуч келган. Миллий зиёлилар матбуотнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини яхши англаган ҳолда, халқни моддий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришда миллий матбуотнинг ўрнини алоҳида таъкидлаганлар. Жадид газеталаридан бири “Она тилисиз ва миллий матбуотсиз дунёда ҳеч бир миллат тараққий ва маданият йўлига қадам қўймайди”² деб халқни газета ўқишга даъват этган.

С. Шодмонова

Положение периодической печати Ташкента в конце XIX - начале XX века

В статье освещаются вопросы становления периодической печати в Ташкенте как культурном центре. Большое внимание уделяется частным газетам, направленность которых была антиправительственной, особенно газетам, которые издавались национальными прогрессистами, чьей главной идеей было пробуждение национального самосознания. Использована обширная источниковедческая база, а также материалы периодической печати.

S. Shodmonova

The Status of Periodical Press in Tashkent at the End of the 19th – Beginning of the 20th Centuries

In this article are considered the issues related to the appearance of periodical press in Tashkent as cultural center of Turkestan. In the appearance of newspapers were interested the Government which started to publish the newspapers for propagation of its ideas. As a practical matter on pages of newspapers started to appear the articles, which today presented big interest to the researchers. In an article are paid attention to the publication of private newspapers directions of which were anti-government. The author especially emphasized the appearance of newspapers, which were published by national progressist's, whose main idea was the awakening of national identity. The source base of an article is sufficient wide and in particular, there were used dates of Central State Archive of the Republic of Uzbekistan and materials of periodical press.

¹ ЎзР МДА. 461-жамғарма, 1-рўйхат, 1919-иш, 76-варақ.

² Рауф Музаффарзода. Бизда зиёлилар ва миллий матбуот // Садои Туркистон. 1914. 44-сон.

ПРОСВЕТИТЕЛЬСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ДЖАДИДОВ ТАШКЕНТА

Конец XIX – начало XX в. был этапом коренных изменений в шестимиллионном обществе Средней Азии, характеризовавшимся зарождением и становлением буржуазных отношений, культурным и духовно-нравственным подъёмом в обществе. Это время созревания и выхода на историческую арену таких прогрессивных общественно-политических движений, как джадидизм.

Джадидизм олицетворял собой движение мусульманской интеллигенции, был ярким продуктом среднеазиатского общества того периода. Движение национальных прогрессистов заложило основу идеологии независимости, оно побудило общество вспомнить о свободе, национальной гордости, богатой культуре. Учение этого движения отвечало реалиям указанного исторического этапа и потому вокруг него сплотился основной сегмент прогрессивной молодёжи региона. В то же время, прогрессивное движение в разных регионах Туркестана, сплотившись вокруг общей идеи просветительства, обладало своей спецификой. В этом отношении деятельность ташкентских джадидов, направленная на совершенствование народного образования, на развитие общественного сознания местного населения, в административном центре Туркестанского генерал-губернаторства встретила определенное сопротивление со стороны правительства и реакционного духовенства.

Важное место в идеологии ташкентских прогрессистов, как и всей Средней Азии, занимал вопрос о правильном понимании роли религии в духовном совершенствовании личности и развитии общества. Без обоснования исламом права на полноценное образование, приближенное к мировым стандартам, внедрить новые его формы в условиях местного общества было весьма затруднительным.

Новая генерация мусульманских теоретиков сильно критиковала многие положения и требования консервативного духовенства. Достаточно привести пример того, как трактовал требования ислама яркий представитель ташкентских прогрессистов Мунаввар Кары Абдурашидханов, который считал обязательным для каждого правоверного:

« - Совершение всех предписанных шариатом богослужений и отказ от всего, что запрещено шариатом.

- Изучение различных наук и языков, получение знаний, необходимых для насущной жизни и религии.

- Совершение любого дела осознано, искренне.

- Дружелюбное отношение ко всем мусульманам, как к своим родственникам.

- Проявление уважения и почтения к родителям и престарелым людям.

- Проявление милосердия к молодым, сострадания к бедным, милости нуждающимся.

- Интересы народа и нации ставить выше своих личных интересов и собственной выгоды.

- Всегда действовать во имя развития и процветания религии»¹.

Следует обратить внимание на второй пункт – изучение наук и языков, который впоследствии был поставлен во главе угла просветительской программы джадидов.

Высоко оценивая роль науки и просвещения, прогрессисты рассматривали их в качестве важнейших атрибутов при решении социальных и культурных проблем. Джадиды

¹ Абдурашидхан М. Мусульманство. Ташкент: Мовароуннахр, 2004. С. 7.

утверждали, что ислам, являясь «другом науки», не только поощряет занятие ею, но и вменяет в обязанности каждого мусульманина и мусульманки достижение определенного уровня образованности.

О необходимости синтеза науки и религии говорил один из передовых педагогов своей эпохи Абдулла Авлоний. По его мнению, наука является направляющей силой прогресса и процветания, единственным средством борьбы против мракобесия. «Знание – как зеркало показывает нам наше состояние, – писал просветитель. Оно заостряет наш разум и мысли подобно мечу, отделяет благодеяние от греха, дозволенное от запретного, чистое от нечистого, и как путеводная звезда ведет в правильном направлении, являясь причиной нашего счастья на этом и на том свете»¹. Продолжая перечислять позитивные стороны науки и образования, А. Авлоний отмечал, что людей науки ценят и уважают всюду, что шариат обязывает изучать те науки, которые дают пользу человечеству. Поэтому, он призывал не упускать любую возможность для получения знаний, как можно усерднее бороться с врагом человечества – невежеством.

А. Авлоний подразделял знания на религиозные и научные. Чтобы стать поистине религиозным человеком, по его мнению, наряду с теологией необходимо знать алгебру, геометрию, историю, физику, химию, медицину и другие науки. В качестве примера просветитель приводил деятельность известных мусульманских теологов прошлого, которые помимо религиозного образования, обладали глубокими познаниями в светских науках, благодаря чему «мир ислама процветал под тенью науки»².

Следует отметить, что понятие «наука» просветители использовали не в современном её понимании, как исследование в той или иной области. Их взгляды на науку были связаны непосредственно со взглядами на знание и образование вообще. В пропаганде этого многомерного понятия (в данном случае четырехмерного: наука, знание, образование, просвещение), они опирались на религию, пытались опять-таки на основе Корана обосновать их необходимость и дать им религиозную легитимацию. Такой подход был наиболее действенным, так как просветители знали о высокой степени религиозности населения.

Заветным желанием передовой национальной интеллигенции Туркестана было широкое распространение среди мусульманского населения новометодных школ. Указанные образовательные учреждения не только обеспечивали сравнительно легкое и быстрое обучение грамоте, но и способствовали формированию у учащихся нового мировоззрения, освобожденного от фанатизма и консерватизма. С этой целью джадиды, преимущественно на свои средства, открывали в регионе новометодные школы, в которых практиковали новые формы обучения – «усули джадид». В общей сложности, в исследуемый период представителями прогрессивного движения в различных частях Средней Азии было открыто свыше 100 новометодных школ. Из всех районов Туркестана, по степени концентрации новометодных школ, особо выделялся Ташкент. В 1910 г. здесь насчитывалось 24 джадидские школы, в которых обучалось 1740 детей³.

Особой популярностью среди населения пользовались школы просветителей Ишанходжи Ханходжаева и Мунаввар Кары Абдурашидханова⁴, в которых, к началу 1912 г. насчитывалось соответственно – 160 и 150 учеников⁵. Качество обучения и воспитания

¹ Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ // Авлоний А. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 1998. 48-бет.

² Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ ... 49-бет.

³ ЦГА РУз, ф. И-47, оп. 1, д. 1149, лл. 195-201.

⁴ ЦГА РУз, ф. И-47, оп. 1, д. 1148, л. 148.

⁵ Там же. ф. 461, оп. 1, д. 1021, л. 20.

детей в школе Мунаввара Кары соответствовало требованиям времени¹. Это отметил и проверявший её инспектор, который считал, что эта школа «в сравнении с коренными мусульманскими мактабами города Ташкента, имеет громадную разницу»².

Джадиды пришли к выводу о необходимости создания новых школ, исходя из собственного опыта. В этом отношении весьма характерны воспоминания Мунаввар Кары Абдурашидханова: «Чтобы научиться чему-либо, мне пришлось немало пробыть в мадрасах Ташкента, а потом проучиться долгое время в Бухаре. И всё же из долголетнего изучения наук в мадраса я многого, необходимого для жизни не получил. Вот тогда мне и запала мысль – найти лучший путь, который мог бы легко и скоро привести к познанию всего того, что изучается в мадраса. Мне хотелось создать небольшую школу, но на фундаменте современной педагогики с новейшими руководствами»³.

Очень остро стоял вопрос и о новых учебниках. Первоначально, в большинстве новометодных школ Туркестана широко использовались учебники и учебные пособия, изданные в Казани и Оренбурге⁴. Со временем, среднеазиатские реформисты стали готовить и издавать собственные учебники. Заметное увеличение количества местных учебников привело к вытеснению татарской учебной литературы. Вышли в свет такие книги, как «Адиби аввал» (Первый наставник), «Адиби сони» (Второй наставник), учебник по географии «Ер юзи»⁵, «Усул-и ҳисаб» (Арифметика)⁶, по основам мусульманской религии – «Хавойижи диния»⁷ Мунаввара Кары. Общеизвестно, что образование начинается с алфавита, поэтому джадиды первоочередной задачей считали написание букваря для учащихся новометодных школ. С этой целью был подготовлен учебник Мунаввара Кары – «Адиби аввал», в который, помимо собственно алфавита, были включены небольшие поучительные рассказы. По этому учебнику учащиеся приобретали навыки чтения и письма на родном и арабском языках. Книга давала знания по основам мусульманской религии, мусульманскому и христианскому летосчислению⁸.

Учебник «Хавойижи диния» состоял из трёх частей. В первой части, рассчитанной для учащихся младших классов, в форме вопросов и ответов раскрывалась сущность ислама. Во второй части, предназначенной для учащихся среднего уровня образования, в повествовательной форме излагалась обрядово-ритуальная практика ислама. Вопросы поста – уразы, закята и паломничества – хаджа – нашли своё отражение в последней, третьей части книги, которую изучали старшекласники. Все части этого учебника представляли собой краткий кодекс правил ислама. Мунаввар Кары из множества материалов, излагающих обрядовую сторону мусульманства, выбрал всё необходимое для восприятия детьми школьного возраста⁹.

В новометодных школах большое внимание уделялось преподаванию «Тажвид», главной целью которого было правильное чтение Корана посредством изучения законов артикуляции арабских звуков. Из учебников по этой дисциплине наибольшую из-

¹ Шермухаммад ўғли Мирмуҳсин. Аҳволи зоримиз // Ойна. 1914. 20-сон. 375-376 - бетлар.

² ЦГА РУз, ф. И-47, оп. 1, д. 955, л. 6 об.

³ ЦГА РУз, ф. 1009, оп. 1, д. 51, л. 30.

⁴ ЦГА РУз, ф. И-47, оп. 1, д. 1149, л. 55 об.

⁵ Аҳмад С. Мунаввар Қори // Шарқ юлдузи. 1992. 5-сон. 108-бет.

⁶ ЦГА РУз, ф. И-1, оп. 31, д. 943, л. 28 об.

⁷ Абдурашидхон ўғли Мунаввар қори. Ҳавойижи диния. Тошкент: Шарқ, 1993. 92-бет.

⁸ ЦГА РУз, ф. И-47, оп. 1, д. 955, л. 42 об.

⁹ Абдурашидхон ўғли Мунаввар қори. Ҳавойижи диния...; Андреев Г. Новометодные мактабы в Туркестане // Туркестанские ведомости. 1915. 17 декабря.

вестность получил «Тажвид» С.И. Улвия, который был переведен Мунавваром Кары на узбекский язык и издан в 1914 году¹.

Немало усилий приложил Абдулла Авлоний для обеспечения новых школ учебниками. Результатом его деятельности, стало издание более десяти учебников, в частности «Адабиёт» (Литература)², «Биринчи муаллим» (Первый учитель), «Иккинчи муаллим» (Второй учитель), «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» (Тюркский сад и мораль), «Мактаб гулистони»³ (Цветущий сад школы), «Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом»⁴ (Краткая священная история и история ислама) и др.

Представители передовой национальной интеллигенции в качестве одной из проблем мусульманского общества видели неравноправные взаимоотношения между мужчинами и женщинами. Рассуждая о тяжелом положении женщин, джадиды, опираясь на Коран, утверждали, что Бог предпочел человека многим другим созданиям и призывает его уважать женщин. Они призывали своих соотечественников выполнять положения, вытекающие из этого принципа – уважать достоинство своего ближнего, а самый близкий человек для мужчины – это его жена. Просветители взяли на себя смелость утверждать, что ислам трактует положение женщин как равноправное с мужчинами и предписывает обходиться с ними справедливо и доброжелательно. Смелые мысли в этом вопросе высказывал Мунаввар Кары Абдурашидханов, который первым осудил ношение женского покрывала – паранджи, символизирующей подчиненное положение мусульманской женщины, считая это явление архаичным⁵.

Особое место во взглядах реформистов занимала проблема женского образования. Тулаган Хужамёров – Тавалло в стихотворении «Қариндош ва ҳамшираларимиз - мазлума қизлар тилидан» устами девушек-мусульманок призывал отцов дать им образование⁶.

Исходя из того, что ислам предписывает овладевать знаниями одинаково как мужчин, так и женщин, национальные прогрессисты стали инициаторами совместного обучения мальчиков и девочек. В ташкентских новометодных мактабах были случаи обучения девочек вместе с мальчиками⁷. К примеру, несколько девочек учились с мальчиками в школе Мунаввара Кары⁸, три девочки были в школе Ишанходжи Ханходжаева. В школе Сабирджана Рахимова обучалось 15 девочек, правда последних учила его сестра, «которой брат дал нужные знания и подготовил к новой и сложной работе»⁹. В старгородской части Ташкента была открыта женская новометодная школа Сайфульмулюковой, где в 1914 г. обучалось 35 девочек. Такая же школа функционировала и в русской части города¹⁰.

Значительную роль в пропаганде новой системы образования играли джадидские газеты, пользовавшиеся большой популярностью в среде коренного населения Туркестана. История национальной прессы началась 27 июня 1906 г., когда ташкентские прогрессисты во главе с И. Обидовым начали издание первой газеты на узбекском языке

¹ Ахмад С. Мунаввар Қори... 108-бет.

² ЦГА РУз, ф. И-47, оп. 1, д. 1148, л. 149.

³ Қосимов Б. Абдулла Авлоний (Адабий-педагогик портрет). Тошкент: Ўқитувчи, 1979. 10-бет.

⁴ Авлоний А. Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом // Авлоний А. Танланган асарлар. Тошкент: Маънавият, 1998. 93-128 - бетлар.

⁵ ЦГА РУз, ф. 461, оп. 1, д. 1260, л. 34.

⁶ Тавалло. Равнақ ул-Ислом. Тошкент: Фан, 1993. 60-61-бетлар.

⁷ ЦГА РУз, ф. И-47, оп. 1, д. 1148, л. 149об.

⁸ Андреев Г. Новометодные мактабы в Туркестане // Туркестанские ведомости. 1915, 28 октября.

⁹ ЦГА РУз, ф. И-47, оп. 1, д. 1004, л. 84-86 об.

¹⁰ ЦГА РУз, ф. И-49, д. 619.

«Тариккий» («Прогресс»), в сентябре того же года под редакцией Мунаввара Кары Абдурашидханова начала издаваться газета «Хуршид» («Солнце»). В декабре 1907г. А. Авлоний получил разрешение на издание газеты «Шухрат» («Слава»), с начала 1908 г. издавались газеты А. Бектемирова «Осиё» («Азия») и С. Саидазимбаева «Тужжор» («Купец»)¹. Однако все эти печатные органы по распоряжению колониальной администрации в скором времени были закрыты.

Таким образом, просветительская деятельность джадидов Ташкента носила реформаторский характер. Новые учебные заведения, созданные ими, были призваны навести мосты между современным знанием и исламской культурой, стали опорой для распространения прогрессивных идей. А в целом, рубеж двух веков явился важным этапом духовного обновления среднеазиатского общества.

Д.М. Кенжаев

Тошкент жадидларининг маърифатпарварлик фаолияти

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Ўрта Осиё халқларининг маънавий янгиланишида муҳим ўрин тутган Тошкент жадидларининг халқ таълими соҳасида олиб борган ислохотлари тадқиқ этилган.

D.M. Kenjaev

Educational Activity of the Tashkent's Djadids

In article explored the activity of Tashkent's djadids in spheres public education and spiritual renovation folk to Central Asia.

*А. Эркинов
(Ўзбекистон)*

АНЪАНАВИЙ ВА МОДЕРН МУҲИТЛАР ҚИЁСИ: КОМИЛ ХОРАЗМИЙНИНГ ТОШКЕНТГА БАҒИШЛАНГАН ҚАСИДАСИ²

XIX аср сўнги - XX аср бошида Хива хонлигида Муҳаммад Раҳимхон II (1864–1910) хукмронлик қилган давр ўзининг ўрта асрлар анъаналарига эргашиши ва нисбатан консервативлиги билан ажралиб туради. Айни ҳолат санъат ва адабиётда ҳам намоён бўлганди³. Хивадан Тошкентга келган Комил Хоразмий (1825–1899) бу шаҳарга атаб шеър ёзади ва унда Тошкентдаги тараққий этган шароитни Хива хонлиги (бу ҳақда очик гапирмаса-да) билан билвосита қиёслайди. Шу муносабат билан биз мақоламизда айни қасиданинг вужудга келиши контексти ҳақида тўхталиб ўтамыз. Ҳозиргача мазкур қасиданинг тўртдан бир қисмигина нашр қилинганлиги сабабли, биз кўпроқ Комил Хоразмий девони қўлёзмасига ва, ўрни билан, нашрга суяндиқ⁴. Айни қасида ҳозиргача атрофлича ўрганилмаган.

XIX аср сўнгида Хива хонлигидаги (1804–1920) маданий ва маънавий ҳаётнинг ривожланишида шоир, мусикашунос ва давлат арбоби Пахлавонниёз мирзабоши – Комил Хоразмийнинг (1825–1899) ўрни катта бўлган. Унинг Тошкентга аталган қасидаси

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-жилд. Тошкент, 2002. 520-бет.

² Мазкур мақола Герда Хенкель (Gerda Henkel Stiftung, Германия) фонди проекти доираси ёзилди.

³ Самойлович А.Н. ۳۰ شعرا شاهی پیرو فیروز – Собрание 30 царских поэтов, сопутствующих Фируз'у. Хива, 1909. 1638 с. in folio // Записки восточного отделения Императорского Русского Археологического общества. Т. 19, 1909. С. 0198-0209; Hartmann M. Das Buchwesen in Turkestan und die türkischen Drucke der Sammlung Hartmann. Mitteilungen des Seminars für Orientalische Sprachen. Jg. IV. Abt.2. Berlin, 1904. P.87,79; Бартольд В.В. “Чагатайская литература”. Сочинения. Т. V. М., 1968. P. 609; Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. V том. XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1917 йилгача. Тошкент, 1978.

⁴ Комил Хоразмий. Девон. Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти фонди, №1025 (Бундан кейин – ЎРШИ); Комил Хоразмий. Танланган шеърлар. Тошкент, 1961.

баъзи адабиётларда “Дар баёни таърфи ва тавсифи Тошканд” (Тошкент таърифи ва тавсифи баёнида) деб аталади¹. Бу шеър Комил Хоразмий девони қўлёзмаларида ва ўша давр Туркистон матбуотида келтирилиб², 50 байт – 100 мисра ҳажмга эга. Бизнингча, мазкур қасида 1898 йил кузида - сентябрь охирида ёзилган³. Бунга шеърнинг ўзида шоир Тошкентга келганимда мезон (сентябрь) охири эди, кун ва тун бир хил узунликда эди (тахминан 23 сентябрдан кейин), деб ишора қилади:

Буржи мезонда эди маснаднишин шоҳи Хўтан,
Ҳам баробар эрдилар лайлу-наҳори Тошканд⁴.

Шеърнинг яратувчиси – Комил Хоразмий ижод қилган Хива адабий муҳити ҳақида: 1873 йилдан Хива хонлиги Россия империясига қарам-васал давлатга айлангач, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II тобе ҳукмдорга айланиб қолади. Унинг саройида доим Россия давлати сиёсий вакиллари мавжуд бўлиб, Муҳаммад Раҳимхон II фақат улар розилиги билангина ташқи сиёсий фаолиятини амалга ошириши мумкин эди. Айни эркин бўлмаган шароит унинг фаолияти ва кайфиятига салбий таъсир ўтказди.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, мана шундай бир шароитда Комил Хоразмий хонни мусиқа ва шеърхонлик кечаларини ўтказиб чалғишга ва овунишга қизиқтиради: “Муҳаммад Раҳимхон соний Хоразм ўлкасида ўзидан бошқа кучли ва нуфузли ёт бир қувватни кўргач, бир хили замонлар муттаасир бўлиб юрди. Ўзини тасалли қилажак ҳеч бир машғулот топмоқдин ожиз эди. Бироқ онинг атрофидаги одамлар, хусусан мусиқашунос Паҳлавонниёз Мирзабоши хоннинг бу ҳолини англаб, они мажлислар тузмакка қизиқтирди”⁵.

Шундан сўнг Муҳаммад Раҳимхон II ўз саройида шеърят кечалари уюштиришга бошлайди. Хоннинг ўзи “Феруз” таҳаллуси билан шеърлар ёзади ва шеърий девон тўзди. У саройдаги мансабдорлардан ҳам шеърий ижод билан шуғулланишни талаб қилади. Аҳвол шу даражага бориб етадики, хон шеър ёзмаган саройи амалдорларини жазоларди. Шеърхонлик кечаларида шеърий мусобақлар уюштирилиб, мақомлар ижро этиларди. Бу йиғинларда шоирлардан, айниқса, мусиқа ижрочилардан куй ижросида юқори даражадаги санъаткорлик маҳорати талаб қилинарди. Агар ижрочи бирор хатога йўл қўйса, у Муҳаммад Раҳимхон II томонидан қаттиқ жазоланарди.

У ички сиёсат, сарой маданий муҳитини ривожлантириш йўли билан ўз куч-қудратини кўрсатишдан бошқа йўлга эга эмасди. Бунда ҳукмдор Хива саройи учун Темурий Ҳусайн Бойқаро (1469–1506) даврини намуна сифатида танлайди ва ўз муҳитини унга ўхшатишга интилади. Қизиғи шундаки, Қўқон хонлигида (1710–1876) ҳам XIX аср дастлабда Темурийлар маданиятининг уйғониш даври бўлган Ҳусайн Бойқаро ва

¹ Юнусов М. Комил Хоразмий. Даври, ҳаёти ва ижоди. Тошкент, 1960. 47-49-бетлар; Каримов Ф. Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи китоб (XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX аср бошларигача). Тошкент, 1987, 179-бет.

² Комил Хоразмий. Девон. ЎРШИ, №1025, 1546-156а.

³ Шеърнинг охиридаги “шумори Тошканд” сўзлари орқали унинг ёзилиши тарихига абжад ҳисоби орқали ишора қилинган. Келтирилган сўзлардан 1316 санаси келиб чиқади. Бу 1898 йилга тўғри келади.

⁴ Комил Хоразмий. Танланган шеърлар. Тошкент, 1961. 41-бет. Баъзи манбаларда бу шеър 1891 йили ёзилган дейилади (Қобулов Н. Хива адабий муҳити. Урганч, 1992. 72-бет). Комил Хоразмий. Танланган шеърлар. Тошкент, 1961. 41-бет.

⁵ Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусикий тарихчаси. Тошкент, 1998. 12-бет.

Алишер Навоий (1441–1501) замонасига ўхшашга интилиш мавжуд бўлган¹. Ярим асрдан сал кўпроқ вақтдан кейин Хива хонлиги ҳам шу йўлга киради ва Қўқон адабий муҳити билан шеърят соҳасида ғойибона мусобақалашади. Қўқонда 1821 йили Амирий тахаллуси билан шеърлар ёзган Қўқон хони Умархон (1810–1822) буйруғи билан 70 дан ортиқ шоир шеърларини ўз ичига олган “Мажмуаи шоирон” баёзи тузилади. Бу мажмуага ўхшаш тарзда, Хивада 1908 йили 30 дан ошиқ шоирлар шеърларидан иборат “Мажмуаи шуарои Фирузшоҳий” баёзи тузилади.

Комил Хоразмий шеърларидан бирида Феруз шеърини маҳоратда Умархон ва унинг саройи шоири Фазлий Намангонийлардан анча устун эканлигини таъкидлайди:

كاملا شهنشاهنك نظم كوهر افشانين
كورسه بنده بولغايلار فضلى عمرخانلار

Комило, шаҳаншоҳинг назми гавҳарафшонин,
Кўрса банда бўлғайлар Фазлию Умархонлар².

Бу мисол орқали XIX аср охиридаги Хива адабий муҳити Қўқон саройи муҳитидан юқорида эканлиги таъкидланади. Айни вақтда, ўрта асрлар маданияти ва шеърини анъаналарига риоя қилиб, уларни давом эттираётган Хива адабий муҳити Европа типидagi янгиликлардан узоқ бўлиб қолган эди. Сабаби, таъкидлаганимиздек, Муҳаммад Раҳимхон II анъанавий йўлдан боришни танлаган эди. Шу сабабдан 1910 йил Муҳаммад Раҳимхон II дунёдан кўз юмиб, ўрнига ўғли Исфандиёрхон (1910–1918) тахтга ўтиргандан кейин мамлакатда шароитни янгилаш мақсадида катта ислохотлар амалга оширилади.

1883 йилда Комил Хоразмий Муҳаммад Раҳимхон II билан бирга Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида бўлиб, рус халқи маданияти ва ҳаётини ўрганади ҳамда илғор маданият, санъат намуналарини Хивада ҳам йўлга қўйиш ишини хонга тарғиб қилади. Сафардан қайтгач, у Хивада рус-тузем мактаби очилишига раҳнамолик қилди³. Хивадаги мактабда 1887 йилда 11 та ўқувчи таълим олган. 1891 йилда Комил Хоразмий ташаббуси билан Хивада очилган рус-тузем мактаби тўғрисида “Туркистон вилоятининг газети” шундай хабар берган: “...Хива мамлакатидида Русия тилини ўрганмоқнинг бошланишини хоҳлаб, Русия тилида таълим берадургон мактабхона очиб, ул мактабда ўн бола учун жой ва харажат таъмин қилинибдур. Ушбу йил апрель ойида Туркистон вилоятидаги тамоми Русия мадарасаси ва мактабхоналарининг ноziри...Хивага бориб ... мазкур мактабни кўрибдур... Хон (Феруз) андин Хивага бир ўрис домласи юбормоқни илтимос қилибдур. Шул сабабдин Русия тили ва илми ҳисобини ўргатмоқ учун ушбу йил Тошканд шаҳрида Учительская семинарияни жуда яхши хатм қилгон козоқ мусул-

¹ Erkinov A. Imitation of Timurids and Pseudo-Legitimation: On the origins of a manuscript anthology of poems dedicated to the Kokand ruler Muhammad ‘Alī Khan (1822–1842) (<http://www.nomadsed.de/calendar.html>); Erkinov A. Un témoin important du mécénat de Muhammad-‘Alī khan, le manuscrit Supplement persan 1446 de la BNF. In: *Studia Iranica*. 37, 2008. P.129-138; Erkinov A. Les timourides, modeles de legitimite et les recueils poetiques de Kokand. In: *Ecrit et culture en Asie centrale et dans le monde turko-iranien, XIVe-XIXe siecles // Writing and Culture in Central Asia and in the Turko-Iranian World, 14th-19th Centuries*. F.Richard, M.Szuppe (eds.), (Cahiers de Studia Iranica). Paris, 2008. P.285-330.

² Комил Хоразмий. Танланган шеърлар. Тошкент, 1961. 30-бет; Матякубов О., Болтабоев Р., Аминов Х. Ўзбек нотаси. Тошкент, 2007. 210-бет.

³ Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Тошкент, 1997. 55-60-бетлар.

мон Хусайн Иброҳим ўғлини мактабхонага домлаликка тайинлабдур”¹. Бу эса Хива анъанавий муҳити учун, кичик бўлса-да, ислоҳот эди². Яъни, ўз вақтида Ферузга шеърый кечалар ўтказиб овунишни маслаҳат берган Комил Хоразмий қарашларида янгиликлар сари ўзгаришлар юз беради: у Россия сафаридан кейин маориф соҳасида модернизацияга интила бошлайди.

1892 йили Комил Хоразмий Тошкентга келади ва типолитография, театр, гимназия ва мактаблар, касалхоналар, газеталар муҳаррияти иши билан танишади. Ўрта аср анъаналари ичида яшаётган Хива саройи муҳитидан Тошкентга келган шоир ўз юртдошлари, бутунлай янги, замонавий бир шароитда яшаётганларига гувоҳ бўлади.

Комил Хоразмий 1898 йил сентябда Тошкент шахридан олган таассуротларидан тўлқинланиб, “Тошкент” радифли³ қасидасини ёзади. Унда Тошкент шахрини мадҳ қилади. Самарқанд “ер юзининг сайқал топган гўзал маскани” (“Самарқанд сайқали рўйи замин аст”) деган ибора машҳур бўлса-да, Тошкент тоғлари билан чиройда ундан қолишмаслигини қайд этади:

Гарчи дебдурлар Самарқанд сайқали рўйи замин,
Хориж ондин кўхоро узра ҳисори Тошканд⁴.

Тошкентни гўзалликда ҳеч бир шаҳарга киёслаб бўлмаслигини таъкидлайди:

Лойиқ эрмас они ташбих айламак ҳеч шаҳрга,
Айласа ҳар ерга ташбих ўлғай ори Тошканд.
Айламак они Бухороға баробарким баса,
Яхшидур асби Бухородин ҳимори Тошканд⁵.

Хива адабий муҳитида ўз юрти Хоразмга бағишлаб, уни мадҳ этиб шеър ёзиш анъанаси мавжуд эди. Масалан, Мунис Хоразмийнинг (1778–1829)⁶ “Хоразм” радифли қасидаси мавжуд. Яна Шайдой тахаллусли шоир 1290/1873 йилда Хивани Россия империяси томонидан босиб олиниши ҳақида ҳам “Хоразм” радифли шеър ёзган⁷. Комил Хоразмий Хоразмга атаб маҳсус шеър ёзганлиги бизга маълум эмас. У “Тошкент” радифи асосида бу шаҳарни мадҳ қилиб қасида яратиш орқали Хива адабий муҳитидаги мавжуд анъанага амал қилган.

Шоир Тошкент муҳитидаги замонавий жиҳатларга диққатини қаратади. Тошкентда эркаку аёллар сайр қилиб юрганликлари, яъни одамлар учун эркин шароит мавжудлигига ҳавас қилади:

Сайр этарлар онда юз минг эркаку қизу жувон,

¹ Давлатёр Раҳим, Шихназар Матрасул, Феруз. Шоҳ ва шоир қисмати. Тошкент, 1991. 101-102-бетлар.

² Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900–1924 йиллар). Тарих фанлари номзоди диссертацияси. Тошкент, 2005. 42-43-бетлар.

³ Радиф – шеърда қофиядан кейин келувчи, айнан такрорланувчи бўлак.

⁴ Комил Хоразмий. Девон. ЎРШИ, № 1025. 155-б.

⁵ Комил Хоразмий. Девон. ЎРШИ, №1025. 155а-155б; Юнусов М. Комил Хоразмий. Даври, ҳаёти ва ижоди. Тошкент, 1960. 48-бет.

⁶ Vambéry H. Zwei moderne centralasiatische Dichter, Munis und Emir // Wiener Zeitschrift für die Kunde des Morgenlandes. IV. Band, Wien, 1892, pp.273-277.

⁷ Erkinov A. The Conquest of Khiva (1873) in the Eyes of a Poet (Shaydā'i), International Conference: Looking at the Coloniser. Halle (Germany) 27-28 September, 2002 // Looking at the Coloniser. Cross-Cultural Perceptions in Central Asia and the Caucasus, Beengal, and Related Areas. B.Eschment, H.Harder (eds.). Ergon, Würzburg. 2004. pp.91-116.

Барчаси илму хунарда номдори Тошканд¹.

Бундан ташқари Комил Хоразмий қасидасида Тошкентдаги замонавий буюм, нарсаларга қойил қолганлигини таъкидлайди. Булар жумласига лимонад ичимлиги ва фонарь таърифларини киритиш мумкин.

Қисқаси, Комил Хоразмийнинг Тошкентга бағишланган қасидасининг вужудга келиши фақатгина Хива мухити хусусиятлари фонида ойдинлашади. XIX аср сўнгида ҳам хаётнинг кўпгина соҳаларида ўрта аср анъаналари ичида яшаётган Хива мухитидан чиққан Комил Хоразмий учун Тошкент шаҳри янгиланган (модерн) шароити билан катта таассурот қолдирган. Хива мухитидаги анъанавийлик сабабларини биз юқорида кўриб чиқдик. Ана шундай мухитнинг ғарбона янгилашишларни қабул қилишдан узоқлиги ҳам Комил қасидаси орқали кўринади. Комил Хоразмийнинг Тошкентга бағишланган қасидаси замирида Хивадаги анъанавий ва Тошкентдаги модерн мухитларнинг билвосита қиёсланиши ётади. Айни пайтда, Комил Хоразмийнинг “Тошкент” қасидасини яратиши Хива мухитидаги анъанавийликдан узоқлашиш истаги махсули сифатида қаралиши мумкин.

A.S. Erkinov

Сопоставление традиционной и модернизированной среды: касида Камилы Хорезми, посвященная Ташкенту

Показано, что хивинская среда в конце XIX – начале XX века была традиционной. Прослежено, как выходец из этой среды поэт Камил Хорезми (1825–1899) после посещения в конце XIX в. города Ташкента написал касиду-восхваление в его честь, в которой он непосредственно сопоставляет традиционную среду Хивы с модернизированной средой Ташкента.

A.S. Erkinov

Comparison of the Traditional and Modernized Environment: Kasida of Kamil Khwarezmi Devoted to Tashkent

The Khivan environment in the end XIX – beginning XX centuries was traditional. The poet from Khiva Kamil Khwarezmi (1825–899) in the end XIX visits the city of Tashkent. It writes kasida-eulogy in honour of Tashkent. In it he mediocly compares the traditional environment of Khiva to the modernized environment of Tashkent.

*Aisha Co'lpın Qovunchi
(Turkey)*

**THE HISTORY OF MAHALLA AS A TRADITIONAL SOCIO-SPATIAL UNIT
IN UZBEKISTAN AND TURKEY**

Introduction

The Central Asian Societies who established Khans like Bukhara, Khive and Khokand that disputed every inch of the ground against the Tsarist Russia and Soviet Russia at the last of 1800s and at the beginning of 1900s was divided into four Soviet Republic by the USSR in 1924 (later Tajikistan also departed from Uzbekistan). After the declaration of independence in 1991, the Republic of Uzbekistan, one of these republics, has started to make a change and develop in all area. One of these areas is about regulation and reformation of mahalla which is the traditional socio-spatial unit of Uzbeks. Also, today, it is integreted within the state structure. On the other hand, in the beginning of 1900s, the Turkish nationality packing enemy states off has established the Republic of Turkey in 1923 as being example for all colonial nations. The Turkish and Uzbek societies have not only mutual religion, language and history but also mahalla as main socio-spatial unit in these societies. In both countries, mahalla is

¹ Комил Хоразмий. Девон. ЎРШИ, №1025. 155а.

seen as the smallest unit of the urban system. Also, in both countries, mahalla become bridge between society and state (Kavruk, 2004; 147).

In this article, it is abstracted what both two state have realized historically legal arrangement about mahalla existing in the social structures. In addition to that, it is tried to compare the features of mahalla structures and the main duties of it in two countries. Therefore, the aim of this article is to reveal the role of mahalla in two societies recently.

Today there are different definitions of mahalla; *'the group informally associating, integrating the society'* (Epstein, 2004, 34); *'the smallest unit of the community in cities'*; *'the space in which community consisting of people who know each other, who feel responsible of behaviour each other and who have solidarity lives'* (Ergenc; from Kavruk, 2004: 145).

1. Mahalla in Central Asia and Anatolia until The Modern and Centralist State

1.1. Traditional Mahalla: The Pre-Soviet Period and Ottoman Empire

Both Central Asia and Anatolia is one of the places where urbanization has been concentrated. Centuries ago, these regions were centres of world trade. Also they were centres of Islam in the middle age. At these period, the leader of mahalle was 'kadi' who tried to put things in a line and resolve judicial action in its authorized mahalla (Sievers, 2002: 107). One of characteristics of it in Central Asia was the institutions of 'waqf' belonging to state and that collect tax from community. Shortly till 19.cc, the traditional Islamic mahalla structure was the basic unit of Uzbek society. According to Ziyayev, the cities were governed by governor and his assistants (yuzbashi, oksoqol) in Bukhara Khans in 1800s (Ziyayev, 2007: 18).

On the other hand, three institutions were responsible for local serving in Ottoman Empire: 'guild' (Lonca), 'waqf' and 'mahalla'. Mahalla policed and saved solidarity in the local area. According to Ortayli, *'before the Tanzimat Period, State never undertook local service in the urban area'* (Ortayli, 2000: 98). The religious leader of mahalla (imam) was accepted as the agent of state, receive mandate of Sultan and promulgated it to mahalla community. When one in mahalla who transgressed a rule, complaints were made to him. According to Arifhanova about Central Asia "...the system of mahalla create mechanism that volunteer associations served all local services" (Арифханова, 2002, 23). Despite of many states in history in two regions, the mahalla culture had changed little and saving itself all that period. The education service, regulation of financial problem, helping to poor family, registration of born and death, resolving the problem of family were only a few duties of mahalla responsible in two societies. Thus, in two societies all local services can be provided by mahalla.

In Ottoman Empire and Central Asia, mahalla regulated in daily life, provided local services. Therefore, mahalla provide in that period solidarity in these society. However there were differences between Central Asia and Ottoman Empire in terms of characteristic of mahalla structure. The consciousness or identity of person was level of mahalla and mahalla consisted of people who come from every socio-economic status or ethnic structure. However, the only effected was Islam or religion in mahalla in Ottoman Empire (Ortayli, 2000: 107). The residences of mahalla can come from different occupations, different classes (Aru, 1998: 12). On the other hand in Central Asia, the main identified of mahalla was occupation. There were also different ethnic residences in mahalla, but most of mahallas' name showed us that mahalla was recognized at that period according to their ethnic structure or occupations of residence (Cigotoy, Kashgar, Hunarmandchi, Bichakchi...) (Арифханова, 2002, 23).

There is one sameness in both mahalla structure that in two mahalla, communities can use all mahalla buildings institutions, instruments. According to Sukhareva, mosque; space for preparing cooking for big inviting like wedding day, sunnet; water area, tea house. On the other hand, according to Ortayli; *'mosque, coffee house, fountain were used together by all community were used by all community...'* (Ortayli, 2000: 124). Due to the centrality and moderniza-

tion, target of Soviet and Tanzimat period, mahalla started to lose its functions and role in societies in two regions.

1.2. The Efforts of Modernization and Centrality in Ottoman Empire and Mahalla

After the Tanzimat period, Ottoman government that desired to establish holistic hegemony and centrality started to reorganize urban administration structure and make a change for it. The first new arrangement was the institution of `mukhtar` (new leader of mahalla). II. Mahmud put the mukhtar to mahalla and village unit. In 1829, the first Mukhtar system was accepted in Istanbul mahalla for central controlling system and limiting the power of ulema (Lewis; from Kavruk, 2004: 153). Council of elders, 3-5 members, was consolidated beside Mukhtar who was appointed by central government for helping him. These system of Mukhtar outspreaded to other cities in Ottoman Empire in a few years.

Mahalla Mukhtar existed in practically before bearing date 1281 (1864) `Province Regulation` (Vilayet Nizamnamesi). After that regulation, mukhtar gained legal support (Kavruk, 2004: 151). In 1871, with `General Province Administration Regulation`, the election system of Mukhtar was started to develop and its duties become more systematic. However, the transformation of social life, the regulations on mahalla caused the dissolution of mahalla life, relationship between mahalla community and mahalla administration. The crucial causes can be; the election system of mukhtar was made according to income base that in electing and being elected needed to pay enough tax to the state. Therefore the traditional classless mahalla structure started to be dissolved; using for collective mahalla problem, the collective budget (sandik) of mahalla was abolished; the large migration to the big cities and rising the population in mahalla; to serve local serves to enlarging mahalla by mahalla mukhtar become difficult and thus the more central institutions like municipality was needed for these servings; also, the new leader, mukhtar, appointed by central government, gained authority instead of the traditional leader, imam; mukhtar generally represented the central government rather than municipality in mahalla, thus the relationship between mahalla and municipality could not be established.

On the other hand, in Uzbekistan, the transformation of the traditional mahalla structure started in Soviet period systematically (also before that period, Russian colonized period can be effected for that transformation but systematically Soviet Period)

1.3. The Soviet System and Mahalla

In the first period, Bolsheviks who wanted to establish new modern society and regime desired and planned to abolish the mahalla institution because of being symbol of traditional society. The main aim of Communist Party was to create the homogen institutional system and homogen, standart and sub-nation citizen that `homo sovieticus`. Therefore all traditional institutions like mosque, imam, kadi should have been abolished. In 1918, all property of waqf was received to the Communist Party and waqf become invisible in Central Asia. New, modern city was started to establish like western cities, new labor blocks were built. However, interestingly, the mahalla structure did not disappear in that period against the modern city. There are two reasons for that situation: the strategy of Communist Party about mahalla organization and public administration, and the again Communist Party strategy about city planning.

Fistly, in ten or twenty years the Communist Party started to regulate and reorganize mahalla with different and new functions and responsible. Therefore, it integrated the mahalla organization to the central government system. Mahalla become the branch of Communist Party and represented it in mahalla community. Once Communist Party decided to compound it with the system rather than abolish it because the Communist Party understood that mahalla structure would not have been abolished without taking risk. According to Bektemirov,

Communist Party could integrated the mahalla to the general system. especially, at the last period of Soviet system, Uzbek mahalla had not been any differences from other Soviet institutions. Mahalla building was, now, decorated with Soviet symbols and the photos of Soviet leaders` (Bektemirov, 2005, 148).

The second reason was about city planning. The Soviet state restructured the central city of Uzbekistan around the new ideology in 1920s. *“The architect Senchenkov proposed one approach to this development. His approach was based on the idea that the old city must be completely reconstructed, and into this reconstruction would be set the new city centre` (Pugachenkova; from Demytrie, 2000: 96).* However, at that time, neither the power of government was enough for realizing that plan nor the Uzbek bureaucrats would have not allowed like that root plan. To establish the modern, symmetric new city on the old city was seen impossible. Therefore, this plan could not be realized. At the end of 1930s the new plan was prepared by the Moscow architects and planners who were invited by Genplan. In this plan, the main difference was that the center of city was chosen between new and old city (Urda) instead of old city. And, in this plan, there was no comment or decision about the abolish of old city. Then, practically, Communist Party always allowed the Uzbek to establish *‘Hovlu uy’* in old traditional mahalla or new traditional mahalla in or outside of city. Therefore, the traditional mahalla and life style of that mahalla have been saved till today.

In 1920s and 1930s, mahalla started to be used by central government and lose its traditional functions. For example *‘oqsoqol elected by mahalla community did not accepted by Communist Party. Additionally, Communist Party gave derogative duties to oqsoqol like building toilet` (Sievers, 2002, 113).* In these period, a lot of local public services started to be implemented by the central government instead of mahalla like water services, education, health services. according to Arifhanova; *“... at the end of 19.cc the space that references today Uzbekistan Republic (Bukhara, Khiva, and Khokand Khans) was preoccupied by the Russia. ... after that, the state quickly unexpectedly provided all public services” (Арифханова, 2002, 44).* Generally, there had been changed about functions of mahalla (Epstein, 2004, 59);

- Mahalla lost many economic functions because of the idea of central planning;
- Mahalla lost religious functions because of atheism policy and ideology. However, the institution of oqsoqol has sustained to exist till today informally, and he continued to arrange the traditional ceremony like wedding day;
- The woman committees become active in mahalla organization especially at the last period of Soviet system (Roy, 2000; 127);
- Local election commission and party union continued to organize at the level of mahalla;
- Mahalla could continue to intervene the social life. Some legal certificates were distributed by mahalla.

In 1989, the only 1/3 population of Tashkent lived in traditional mahalla. Shortly, although the name of mahalla standed same, that mahalla become pretty different. The main difference was that while the residences of mahalla before Soviet period did not expect anything from state about public services, the citizens of mahalla after the Soviet period expected all public services from the central government (Исмаилова, 2004; 110).

2. The Republic of Uzbekistan and Mahalla

2.1. The Legal Arrangements in Mahalla Organization

Since 1992, Uzbekistan Republic has regulated mahalla for integrating with the public administration. Today, mahalla become place that the Uzbek citizen is created. The Constitution of Uzbekistan (105) and other codes accept mahalla as a self-local government. There are approximately 10.000 mahalla in Uzbekistan today. Mahalla is the main administrative and socio-spatial unit in Uzbekistan and districts, cities and province are consisted of mahalla. Every

citizen is belonging at least one mahalla. The laws, *'Community Autonomy Administration'* (O`zunu O`zu Bashkaruv), on 1993 and revised in 1999, describe mahalla as; *'the local administration that represent independence activities of citizens about solving local problem, interested in local habits and national traditions...'* (Pashkun, 2003, 52).

The mahalla organization depends on the principle of *'decentralization'*. The population of mahalla has changed between 150-1500 families. According to the laws, *'Community Autonomy Administration on 1993'* (No 5), Governor (Hokimiyat) can establish new mahalla, abolish, join, divide mahalla (Хусаинов, 1996; 47). *'The committee of mahalla (Kengash) consisted of approximately 15 members (oqsoqol, secretary...)' is one of the mahalla bodies. This body realizes health, education, family services, woman problems, and arranges some traditional ceremonies.'* (Bektemirov, 2005, 482). Also, recently, the important body of mahalla has been established; police services (postpon) (Slova, 2002, 23). The main body of mahalla is Oqsoqol who is executive leader of mahalla. According to Constitution, Oqsoqol is elected for 30 months. In Uzbekistan, because of presidential system, like power of president, oqsoqol is also the most authority in mahalla.

In 1992, The Uzbek Government has established two central institutions about mahalla organization; *'Mahalla Foundation'* and *'Council of Oqsoqol'* (Sievers, 2002, 132). The members of both institutions come from mahalla organizations. Because governor is responsible to establish these institutions in his region (Bektemirov, 2004, 67), the autonomy of mahalla become discussible.

2.2. The Social and Economical Functions of Mahalla

Today the main function of mahalla is social policy because of the public administration branch and its traditional capacity. The ways of using of mahalla as a tool in social policy can be ordered like that; (Slova, 2002, 98);

- The mahalla organization has been given authority in the certain issues of social policy. Therefore, the social policy can be implemented more efficient and effective.

- The projects in education policy still have been implemented by the central government but mahalla and local government is delegated authority in that area slowly.

- The social fond become important because of the high degree of poverty problem. Today, third level local government (Tumen Hokimiyati) and mahalla distribute the social funds to the citizens.

- To accept mahalla as a local government is for realizing social reforms rather than increasing capacity of government. Mahalla sends the complaints of mahalla community to government.

- Theoretically, mahalla is accepted the bridge between state and civil society. Today some mahalla gang with some NGOs for implementing public services

- Mahalla work together with schools and other educational institutions for strenghtening the participation and registration. Also, it makes family awareness of education of their children.

- Mahalla gives some certificates to the community for school, work place. It also confirms debt of citizens for public services. Additionally mahalla informs the number of unemployment in mahalla.

- Mahalla organization can establish the volunter charitable funds in mahalla.

- According to laws, mahalla is responsible to implement laws in region. For example, mahalla organization should help all state project. Or for example, mahalla should report the members of the movements of fundamental Islam in mahalla to the central government.

- Mahalla should police in its borders.

According to laws, three social funds are given to the poor citizens or families via mahalla (ICG, 2003, 335);

- Social aid to mother who has baby below two ages; If no father, mother can receive this aid automatically.

- Social aid to families with low income and families that work in temporary job.

- Social aid to families with low income who have child below sixteen ages.

Additionally, today, mahalla has traditional function like (Pashkun, 2003, 39);

- To solve the conflicts in mahalla community

- To realize the ceremonies such as national holidays

- To govern the water service

- To provide to sustain the social rule and norm

- To collect taxes

- To provide the security and defending

- To solve the conflict in families and to arrange the divorce suit

- To save and aid to weakness citizens like elders, invalids

- To organize wedding day in mahalla. Generally, all tools such as chairs, tables, dishes, glass are supplied by mahalla organization. Additionally, the wedding ceremony is fulfill in mahalla place (Toyhane)

3. The Republic of Turkey and Mahalla

3.1. The Legal Arrangements in Mahalla Organization

After the declaration of Republic in Turkey until 1933 mahalla structure just exist in practically because no code was arranged till that date. In this period, the government enacted legislation such as 'Village Laws Number 442 on 1924' and 'Municipality Laws Number 1580 on 1930' concerning with local government and local public service. The Village Code regulated the village government and The Municipality Laws also regulated urban government. Therefore there was no anything about mahalla organization. In historically, Village and mahalla government allways had been undertaken together till that period. At the beginning of republic, the central government preferred the municipality instead of mahalla in the urban area. However, the new system in urban area, municipality, can not be adequate for ordering public services because of the problem of budget, deficient personel capacity. Additionally, there was loophole who should implements the function of old mahalla. Because of all these reasons, depending on the governmental circular, the institution of mahalla mukhtar can be sustain in that period (Tekeli ve Ortayli, 1978: 87).

'Laws Number 2295 on 1933' abolished mukhtar institutions in municipality areas. Therefore, mahalla was abolished as both practically and juridical case. The functions of mahalla were distributed to municipality, gendarme and other institutions according to its subject. The reasons of the central government was that mahalla is ceased to exist in all world because of inadequate and insufficient institution. Shortly, in 1933, the existence or nonexistence of mahalla -having big history, the smallest and traditional socio-spatial unit in society- is depended on decision of Municipality. After that Laws, if requiring, Municipality can abolish, establish, divide mahalla, or change its name, and the Governor of city approved that decision (Kavruk, 2004: 172).

However, after ten years, mahalla and its mukhtar was again regulated with Law on 1944. The municipality was founded and organized in laws but its personel, financial capacities were not enough. In ten years, it is seen that the new institutions that implemented the old mahalla functions can not achieve their duties. Therefore, in ten years, some municipalities set the mahalla unions but again this solving can not avail. Thus, in 1944, it was accepted that mahalla

should be again set. With 'Law About Mukhtar and Council of Elders in Cities Number 4551 on 1944', mahalla organization again was regulated. The functions of Mahalla were; being bridge between the central government and citizens; giving the document of domicile, giving some information about citizens to central government and to the military (Kavruk, 2004: 164). As a conclusion, mahalla can not be self-local government because of the needing of changing of the Constitution but it was just institution that implemented some functions of central government and municipality.

Mahalla organization is consisted of one mukhtar and 4 members. However practically, the mukhtar can implement all functions of mahalla alone. The election of mahalla is made in 5 years together with election of municipality. The political parties can not nominate a candidate.

3.2. The Social and Economical Functions of Mahalla

The functions such as registration of man population; registration of assignment and transference have been devolved to first and second mukhtar that appointed by central government from the 'imam'. The aim with these arrangements is to provide discipline and to police in mahalla and to prevent and to register migration to the big cities. The main functions of mahalla mukhtar¹;

- To participate in some committees and commissions such as box board of election in the election time, the committees of village clinic and health centre, committee of cost detection of land about property tax

- To announce like the lists of election box, identify certificate who should go to the army

- To control the street and square signs and to give notice of disorder, damaged signs to the municipality.

- To inform citizens with communicable disease to concerning institutions

- Helping to serve a notice about military service and mobilization order

- To distribute the paper of electorate

- Accomodation of residence certificate for residences in mahalla

- To order needed documents for citizens who loose birth certificate and want to receive new one

- Helping to the government in determination of needy, elder, destitutes, and of people who needed disaster relief and to whom should be given 'green card'

- Giving opinion on making and implementing public service in mahalla

Conclusion

Mahalla has big and long history in both regions and nations. Before the modern state, in two regions, mahalla was the main socio-spatial unit in the social life. Mahalla was the traditional, Islamic residence area at that time that in mahalla was space in which community consisting of people who know eachother, who feel responsible of behaviour eachother and who have solidarity lives. After the starting of reform for modern and central state system, mahalla started to loose their main functions in social life because most of its functions were devolved to central government in both societies. The citizens of mahalla in Soviet period expected all public services from the central government while the central government preferred the municipality, more modern and centrality instead of mahalla in the urban area in Turkey or the end of Ottoman Empire period. Also, government changed the leader of mahalla from Imam to mukhtar who appointed by the central government.

The Republic of Uzbekistan, after the independence, started to restructure in public administration like other areas. Mahalla as a traditional socio-spatial institution in Uzbek society can

¹ <http://85.105.76.22:9494/MUHTARIMIZ/SOYLESI.htm>

be integrated with the public administration, depending on the Constitution of Uzbekistan Republic. Today, mahalla become as bridge between the central government and the citizens. Additionally, this traditional organization which has been saved in Soviet Period is like a school in that citizens gain the modern citizen consciousness, even in some literature, it is mentioned that mahalla is the place that the Uzbek nation has been created. Therefore, in Uzbekistan, mahalla is accepted as the most important institution for civil society (Fuqoralik Jamiyati).

On the other hand, The Republic of Turkey, after the 1923, adopted different strategy about mahalla as a traditional soci-spatial unit from Uzbek state. The central government, firstly, abolished the mahalla organization in 1933. Then in 1944, because of inefficient implementation of old functions of mahalla, the central government again accepted legally mahalla organization as just branch of central government instead of as a local government. Today in Turkey, mahalla is just the institution that provide some public service about citizenship, military service but not local service and loosing their role in the social life. However, because of not only choosing the different strategy of the central government on mahalla but also different historical development and historical experiment Turkish society, important institutions in social life ago, mahalla has loosed their importance.

*М.Х. Пардаев, А.Х. Пардаев
(Ўзбекистон)*

ЖИЗЗАҲДАГИ “ТОШКЕНТЛИКЛАР” ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Ёзма ва археологик манбалар таҳлиliga кўра, Чоч (Шош) тарихий маданий ўлкаси қадимдан узоқ-яқин, ўлка ва мамлакатлар билан узвий равишда сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Бундай ўзаро алоқа, ҳамкорлик муносабатларидан Чочнинг жануб томонидаги қўшниси Уструшона ҳам истисно бўлмаган. Давлат тизими ва бошқарув, ишлаб чиқариш ва савдо, моддий ва маънавий ҳаёт борасида Чоч билан Уструшона ўртасидаги ўзаро алоқалар ўрта асрларда (V-VIII; IX-XII) кучайган ва деярли турғун ҳолатни касб этган. Кейинчалик, соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврида, айниқса, Ўрта Осиё хонликлари замонида Сирдарёнинг чап қирғоқ ўлкалари, Жиззах шаҳри ва унинг теғрасидаги (собик Уструшоннинг Фағнон рустоқи ва унинг бош шаҳри Дизак) кентларига Тошкент воҳасининг маданий таъсири “бошқачарок”, хусусан, демографик жараёнлар кўринишида содир бўлган.

Жиззах шаҳри маҳаллалари тарихи бўйича ўтказилган изланишлар натижасида хонликлар даврида, ҳақиқатдан ҳам, маҳаллаларнинг шаклланишида Тошкент воҳасининг таъсири салмоқли бўлганлиги аниқланди. Буни маҳалла аҳлининг асли келиб чиқиши Тошкент воҳаси билан боғлиқ эканлиги номидан ҳам кўришиб турган “Тошкентлик”, “Оққўрғонлик”, “Мўлканлик” каби маҳаллалар тарихи мисолида кўриш мумкин.

Археологик тадқиқотлардан маълумки, Жиззах шаҳрининг қадимги ўрни Қалиятепадаги ҳаёт XV асрнинг охири - XVI асрнинг бошларида ундан чамаси 6 км шимоли-ғарбда қад ростлаган Ўрдага кўчади. XVI асрдан бошлаб Ўрдани ўз даврининг мукамал шаҳар ва ҳоким қароргоҳи мақомига айлантириш учун маҳаллий амалдорлар кўп саъй-ҳаракатлар қилишган. Ўрда шаҳристони ва аркининг умумий майдони қарийб 100 га.ни эгаллаган. Баланд кунгирадор мудофаа деворлари билан ўралган. Чор атрофига хандақ қазилиб сув билан тўлдирилган, “Тошкент”, “Ўратепа”, “Самарқанд” номлари билан аталувчи учта дарвозаси мавжуд бўлган.

XVI аср иккинчи ярми ва XVII асрда Жиззах Ўрдаси аҳолиси бир қадар кўпаяди. Бунга асосан сунъий демографик жараёнлар сабаб бўлади. Кўшни вилоятлар, хусусан, Тошкент воҳасидан турли сабабларга кўра кўчиб келган аҳоли ҳисобига Ўрда кўрғони ичида янги маҳаллалар ташкил топади. Шаҳар атрофидаги деҳқончилик ва боғдорчилик мавзелари кенгаяди, улардаги дала ҳовлилар ҳисобига обод қишлоқлар шакллана бошлайди. Шу даврдан бошлаб Жиззах Ўрдаси маҳаллалари касб-кор хусусиятларига кўра (Кулоллик, Совунгарлик, Заргарлик...), уруғ ва этноним номлар (Қанғли, Қипчоқ, Сарой, Эрони...) ва кўшни шаҳар, туман, қишлоқлар номи билан (Тошкентлик, Оқкўрғонлик, Мўлканлик, Ўратепалик...) аталувчи маҳаллаларга бўлинган. XV-XVI асрларда айнан шундай тарихий жараёнларни Тошкент шаҳри мисолида ҳам кўришимиз мумкин¹.

Ҳозирги пайтда “Тошкентлик” маҳалласи Жиззах шаҳрининг шимолий қисмида, Ўрданинг ён атрофида жойлашган. Ўз номидан кўришиб турганидек, маҳалла аҳлининг келиб чиқиши асли Тошкентдан бўлган. Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, тошкентликларни Жиззахга келиб қолишларига қуйидаги воқеа сабаб бўлган. Тошкент ҳокимининг улуғ ёшдаги пири муршиди мурид овлаб Жиззахга келган ва анча муддат у ерда қолиб кетган. Ўз пири сиҳат-саломатлигидан хавотирга тушган ҳоким Жиззахга мулозимларини юборади ва пири Тошкентга олиб келишни тайинлайди. Иттифоқо, мулозимлар етиб келиб, пир билан кўришгандан бир кун кейин тунда пир тўсатдан вафот этади. Пир вафот этиши олдидан уни Жиззахга дафн этишларини васият қилади. Жиззах халқи катта эҳтиром билан пири Ўрданинг шимоли-ғарб томонидаги қабристонга дафн этишади. Шундан бошлаб бу қабристон “Тошкентлик” қабристони деб номланади.

Кўп ўтмай, пирининг Тошкентдаги кўп сонли қавм-қариндошлари ва муридлари Жиззахга кўчиб келишади ва пир дафн этилган қабристон атрофига жойлашадилар. Шу тариқа, Жиззахда “Тошкентлик” маҳалласи бунёд этилади. “Тошкентлик” маҳалласи одамлари дастлаб, асосан, деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланишган. Уларнинг яшаш жойлари кўрғон ҳовли ва дала ҳовлида бўлган. Яъни асосан кеч куз ва қиш ойлари Ўрда шаҳристонидagi ўз маҳаллаларида, деҳқончилик, боғдорчилик ишлари билан машғул бўлиб баҳор, ёз ва эрта куз ойларида эса шаҳар атрофидаги дала-ҳовлиларда яшашган. Уруш ҳаракатлари содир бўлганда Ўрда кўрғони ичида жон сақлашган. Жиззах шаҳри аҳолисининг бу хилдаги ҳаёти ва турмуш тарзи Тошкент аҳолисининг ўша даврдаги ҳаёти билан ниҳоятда ўхшашдир¹. Кейинги даврларда тошкентликлар Жиззах бозорини савдо моллари билан тўлдиришда фаол саъй-ҳаракатни амалга оширишган. Ёзувчи Н.Сафаровнинг XX аср бошларидаги Жиззах аҳолиси бўйича келтирган маълумотда қайд этилишича, Жиззахда “Тошкентлик” элининг нуфузи катта. Бу элнинг шаҳарга яқин турадиганлари деярли ҳаммаси савдо-сотикқа омил, “озор пичоғи”, базозлик, атторлик, ип-ипак, чой, ширинлик, от-арава жабдуғлари, жун, кигиз-гилам сингари товар савдолари шуларнинг қўлларида. Булардан ташқари, кавуш-маҳси, мўкки (тош тавон), кийим-кечак тикувчи, ҳунарманд, қосибларнинг ҳам аксарияти “тошкентликлардир”².

Самарқанд маҳаллалари тарихи билан шуғулланган олим М. Абрамовнинг ёзишича, Самарқанддаги “Тошкенти” (Тошкентлик – *М.П.*, *А.П.*) маҳалласи XVIII асрда Тошкентдан кўчиб келган аҳоли ҳисобига бунёд этилган. Самарқанддаги “тошкентлик”лар

¹ Алимова Д.А., Филанович М.И. Тошкент тарихи (Қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тошкент: ARTFLEX, 2007. 43-44 - бетлар.

¹ Ўша асар. 54-55 - бетлар.

² Сафаров Н. Наврўз. Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1977. 30-бет.

хам худди Жиззахдаги ҳамшаҳарлари сингари катта нуфузга эга бўлишган. Улар хунармандчиликнинг пойафзал, гиламдўзлик, тикувчилик, ёғоч устакорлиги билан шуғулланишган¹.

“Мўлканлик” номи билан аталувчи маҳалла Жиззах шаҳрининг икки мавзеида жойлашган бўлиб, улар “Қалия мўлканлик” ва “Чўл мўлканлик” номлари билан аталади. “Қалия-мўлканлик” маҳалласи шаҳарнинг шарқий қисмида, Ўрдадан 3,5-4 км масофа узоқликда, “Чўл-мўлканлик” маҳалласи эса шаҳарнинг шимолий қисмида Ўрдадан 1,0-1,2 км узоқликда жойлашган. Ахборотчилар ва маҳалла оқсоқолларининг берган маълумотларига кўра, бу икки мўлканлик аслида бир уруғ, бир ота-онадан тарқалган эл бўлган. Мўлканлик элининг асли келиб чиқиши Тошкент шаҳридаги Арпапоё маҳалласидан бўлган. Кейинчалик, Тошкент ҳокимининг фармони билан бу элнинг бир қисми Чиноз тумани Ниёзбоши қишлоғи атрофидаги Мўлкан номи билан аталувчи мавзегга, қолган қисми Эски Қовунчи қишлоқ атрофига кўчирилган².

Кейинчалик, Бухоро хонига кўрсатган ҳарбий хизматлари эвазига хон, уларга Жиззахдан жой ҳада этган ва аҳолининг катта қисми “Мўлканлик” номи билан Жиззахга кўчган. Ҳозирда ҳам мўлканликлар билан Ниёзбоши, Қовунчи аҳолиси ўртасида қавм-қариндошлик ришталари сақланиб қолган. Айтишларича, 50-60 йил аввал бундай борди-келдилар Тошкентдаги қондошлар Арпапоё, Сағбон маҳаллалари билан ҳам мавжуд бўлган. Жиззах қўзғолони (1916 йил) ва ундан кейинги очарчилик йилларида мўлканликларнинг бир қисми Тошкент, Ниёзбоши ва Қовунчидаги қариндошлари хузуридан паноҳ топишган.

Мўлканликларни Жиззахга келиб ўрнашгандан сўнг иккига ажраб кетишларининг ҳам ўзига хос тарихи бор. Айтишларича, дастлаб улар Қалиятепага (атрофига) келиб жойлашган. Бу даврда Қалиятепа Жиззахнинг бош қалъаси бўлиб фаолият кўрсатган. Турмуш тарзи деҳқончиликка асосланган мўлканликлар Қалиятепа атрофидаги очик ерларни ўзлаштириб экинзор ва боғ-роғларга айлантиришган. Кейинчалик, аҳоли сони ўсиб экин ерлари тахчил бўлиб қолганда, аҳолининг бир қисми Жиззахнинг шимоли-ғарб томонидаги чўл ерларни ўзлаштиришни бошлаган. Вақти келиб чўлда мўлканликлар қишлоқ барпо этиб, муқим яшай бошлашган ва шундан Қалиятепа атрофида қолган аҳоли “Қалия-мўлканлик”, чўлда яшаб қолган аҳоли “Чўл-мўлканлик” деб аталиб кетган.

Мўлканликларнинг миришкор деҳқон, уста боғбон, чорвачиликнинг бўрдоқчилик соҳаси билан шуғулланганлари ҳақида Н.Сафаров ҳам ўз эсдаликларида ёзиб қолдирган³.

Эътиборга молик томони шундаки, мўлканликларнинг макони Ниёзбоши мавзеи яқинидаги Мўлкан қишлоғи ҳақида ёзма манбаларда ҳам маълумотлар бор. Хусусан, «Мусаххир ал-билод», («Мамлакатларнинг фатҳ этилиши») асарида ёзилишича, Мўлкат Сирдарё бўйидаги муқим, ҳарбий стратегик қалъалардан бири бўлган⁴.

Шунингдек, Муҳаммад Солиҳ қаламига мансуб «Шайбонийнома» нинг «Имом уз-замон, халифат ур-раҳмоннинг Хоника хоннинг вилоятларин, Шохрухияни чоптурғони» бобида Шайбонийхон лашкарлари билан музлаб ётган Сирдарёдан ўтиб Шохрухияни ва Мўлкантни вайрон қилганлиги қуйидагича ёзилган.

¹ Абрамов М.М. Гузары Самарканда. Ташкент: Фан, 1989. С. 25-26; Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Ташкент: Фан, 1976. С. 120.

² Пардаев А.Х. Жиззах беклиги Ўрта Осиё хонликлари даврида (XVI асрдан XIX асрнинг 60-йилларигача): тарих фан. номз. дисс. авфтореферат. Тошкент, 2004. 19-20-бетлар.

³ Сафаров Н. Наврўз. Тошкент, 1977. 30-бет.

⁴ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Тошкент: Ўқитувчи, 1994, 430-бет.

Ким, яна Сирни ўтубон лашкар,
Ошлиқ олғой теvasига яксар.
Яна хон айлагач ул навъ хаёл,
Яна Сир бўлди черикига паймол.

Мўлкент устига йўл солдилар,
Бўлғой ошлиқларин олдилар.
Кўнгул ошлиқ соридин жамъ ўлди
Мўлкент эли вале соврулди¹.

Демак, муаллиф таъкидлаганидек, бу воқеа Шайбонийхон Самарқандни Бобурдан тортиб олгандан сўнг, яъни 1501-1502 йилнинг қиш ойларида содир бўлган. Мўлкент эли бутунлай соврулган, таланган ва омон қолганлари турли томонга тарқаб кетган.

Авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган бу маълумотларда қанчалик тарихий ҳақиқат мавжудлигини эндиликда аниқлаш қийин. Лекин, юқорида «Мўлканлик» маҳалласи бўйича ёзилган фикрлар, яъни ушбу аҳоли туркуми аввал Тошкентда, сўнг Ниёзбоши ва Қовунчида яшагани, сўнгра Жиззахга кўчгани тарихий фактдир.

Мўлканликларнинг ҳам Жиззах Ўрдасида қишки турар жойлари, маҳаллалари мавжуд бўлган. Деҳқончилик пайкаллари ва ёзги дала ҳовлилари шаҳарнинг ғарбий ва шимоли-шарқий қисмида жойлашган. Мўлканликларнинг “Жиловдор ота”, “Хожа Ғозиён” ва “Қалия” қабристонлари Жиззах шаҳридаги энг кўхна қабристонлар ҳисобланади.

“Оққўрғонлик” маҳалласи Жиззах шаҳрининг шимоли-шарқ қисмида, Ўрдадан 0,8-1,0 км масофа шарқ томонда жойлашган. “Оққўрғонлик” маҳалласи оқсоқоллари ва ўтмишни яхши билувчи отахонларнинг айтишларича, маҳалла аҳлининг бобокалонлари Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Шоҳрухия атрофидан кўчиб келган. Улар ўзбекларнинг юз уруғига мансуб. Асосий иш-юмушлари ўтроқ деҳқончилик бўлган. Айтишларича, оққўрғонликлар Жиззахга Бухоро хони томонидан кўчирма қилинган. Жиззах Ўрдасида уларнинг маҳаллалари, Ўрда ташқарисида дала ҳовлилари мавжуд бўлган. Маҳалла аҳли ва экинзорларини Жиззахнинг 12 та ариғидан бири Қулнийёз ариғи сув билан таъминлаган.

Таъкидлаш лозимки “Тарихи Шоҳрухия”да Бухоро хони Абдуллахон II (1557-1598 й.) томонидан Шоҳрухия аҳолисини Мовароуннаҳрнинг марказий қисмига кўчирилганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Ушбу маълумотлар “Оққўрғонлик” маҳалласи оқсоқоллари айтган, оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган маълумотларга тўғри келади. Маҳалла аҳолисининг Тошкент Оққўрғонидаги уруғ-аймоқлари билан алоқалари ҳозирги кунда деярли тўхтаб қолган.

Шундай қилиб, ёзма манбалар, этнографик ва ахборотчилар маълумотлари таҳлилига кўра, хонликлар замони, хусусан Шайбонийлар давридан бошлаб Жиззах (Ўрда) маҳаллалари шаклланишига бирмунча аниқликлар киритила бошлаган. Бу даврда воҳанинг катта қисмига юз, қирқ уруғлари келиб ўрнашган². Улар Ўрданинг ички ва ташқи маҳаллалари ташкил топишида фаол иштирок этишган. “Тошкентлик”,

¹ Мухаммад Солих. Шайбонийнома. Тошкент: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 130-бет.

² Шаниязов К.Ш. Некоторые вопросы этнической динамики и этнических связей узбеков в XIV-XVIII вв. // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. Ташкент: Фан, 1986. С. 83-93.

“Мўлканлик”, “Оққўрғонлик” маҳаллаларини айнан шу даврда, XVI асрнинг иккинчи ярмида ташкил топган деб айтиш мумкин.

XVIII асрнинг сўнгги чорагида Амир Шохмурод (1783-1800) даврида аҳолиси камайиб кетган Самарқанд, Миёнқол, Каттакўрғон, Жиззах шаҳарларига турли ўлкалардан аҳолини “оқ уйли” қилиб кўчириб келиш сиёсати ўтказилади¹. Жиззахга, асосан, Ўратепа, Ховос, Хўжанд тарафлардан аҳоли кўчириб келтирилган.

XIX аср биринчи ярмида Бухоро ва Қўқон, Қўқон ва Тошкент ўртасида қирғинбарот жанглار кўп марта содир бўлган. Бетўхтов жанглари азият чеккан аҳоли нисбатан тинч, Бухоро амирлиги тасарруфидаги Жиззах Ўрдаси атрофига келиб ўрнашган. Хусусан, Тошкент воҳасидаги Бекобод шаҳри атрофидан қирқ уруғига мансуб аҳоли туркуми Жиззах Ўрдасининг жануб томонидаги Илонўтти дараси худудига келиб жойлашган. Жойнинг географик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳозирда “Шариллоқ” ва “Желли-Ғули” (Ел тегирмон - П.М., П.А.) номлари билан аталувчи ушбу маҳаллалар аҳолисининг Ўрда ичида қўрғон ҳовлилари бўлмаган. Чунки, ушбу аҳоли туркуми Жиззахга келган даврда Ўрда шаҳристони тўлиқ маҳаллалар билан банд бўлган.

Тошкент шаҳри ва воҳасидан турли даврларда, турли тарихий жараёнлар натижасида Жиззахга кўчиб келган аҳоли вақт ўтиши билан маҳаллий халқларга сингишиб кетганлар. Улар Жиззах шаҳрининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти тараққиётига ўзларининг муносиб улушларини кўшганлар.

М.Х. Пардаев, А.Х. Пардаев

Мысль о «ташкентцах», живущих в Джизак

В статье анализируются новые данные и источники о переселении из Ташкента в Джизак. Исследованы жизнь, хозяйственная и социальная деятельность переселенцев. Показана историческая роль ташкентцев в судьбе местного коренного населения Джизака в прошлом нашей страны.

М.Н. Parдаev, А.Н. Parдаev

Idea About «The Tashkentians in Djizak»

In given article the new data and sources are considered on how people from Tashkent to Dzhizak moved which have received the name mahalla "the tashkents" have moved. Life, economic and social activity, and also a historical role of the tashkents in destiny of local indigenous population of Dzhizak are comprehensively investigated in the past of our country here.

*С.Т. Давлатова
(Ўзбекистон)*

ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК МАКТАБИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЛОКАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Тошкент қадимдан Ўрта Осиёнинг йирик савдо-сотик маркази бўлиши билан бирга хунармандчиликнинг барча турлари ривожланган йирик шаҳарлардан бири ҳам ҳисобланади. Хунармандчиликнинг асосий турларидан бири заргарлик хунари Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган, Хўжанд, Қарши, Шаҳрисабз каби шаҳарлар сингари Тошкент шаҳрида ўзига хос тарзда шаклланиб, локал-худудий хусусияти билан ажралиб туради². Заргарлик санъатида Тошкент Самарқанд ва Бухоро билан биргаликда, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё заргарлик мактабларидан кейин учинчи ўринда туради.

¹ Абу Тохирхожа Самарқандий. Самария. «Мерос» туркуми. Тошкент: Камалак, 1991. 335-бет.

² Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков (конец XIX-начало XX в.). Ташкент, 1981. С. 101.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимги ва илк ўрта асрларда Тошкентда заргарлик жуда яхши ривожланган бўлиб, маҳаллий заргар усталарининг ишлари билан анча машҳур бўлган.

Хунармандлар яшайдиган маҳаллалар шаҳар марказида жойлашган бўлиб, бу маҳаллалар Заргарлик номи билан юритилган¹. Заргар хунармандлар тайёрлаган маҳсулотларнинг маълум миқдори шаҳар ва қишлоқ аҳолиси эҳтиёжларини қондирса, баъзан узоқ мамлакатларга сотиш учун ҳам чиқариларди.

XIX аср охири - XX аср бошларида қимматбаҳо металлларга ишлов бериш заргарлик хунармандчилигининг ривожланган турларидан бири эди. Заргарлик буюмлари асосан кумушдан ишланарди. Қашғардан маржон, Польшадан кумуш, турли ранг ва шаклдаги шиша, феруза тошлари сотиб олиб келинарди². Тошкентда заргарлик буюмларидан тиллақош, тиллабаргак, нозик ўйма нақшли енгил қорамтир билакузуклар, катта ва нафис айланага бириктирилган осилмалардан иборат Тошкент зираклари, ойбалдоқлар кўплаб ишлаб чиқарилган. Айниқса, Тошкент зирак, Самарқанд зирак, нўғай зирак, қозоқ зираклар, сочпопуклар, тиллабаргаклар, туморлар, бурунбулоқилар, паранжи тугмалари жуда машҳур бўлиб, доимо кўплаб ички ва ташқи харидорларни ўзига жалб қилиб келган³.

Халқаро савдо йўли Бағдод, Ҳамадон, Нишопур, Марв, Омул (Чоржўй) Бухоро, Самарқанд, Шош, Тароз (Жанбул), Кулон, (Луговая станцияси) Марки, Болосоғун, Сиёб, Иссиқкўлнинг жанубий қирғоғи ва Шарқий Туркистон, Олд Осиё, Монғолия ва Хитой билан биргаликда Тошкент орқали ўтганлиги боис, савдо алоқаларининг яхши ривожланганлигидан далолат беради⁴.

Археологик маълумотларга кўра, Тошкентда заргарлик хунармандчилиги ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, заргарлар асосан кумуш, қимматбаҳо тошлардан заргарлик маҳсулотлари ясовчи усталарни ташкил этарди⁵.

XIX аср охирида заргарлик устахоналарининг сони 40 га яқин бўлиб, бу ерда тайёрланган маҳсулотлар шу ернинг ўзидан сотилар эди. Баъзи бир заргарларнинг устахона ва дўконлари бозорларда ҳам жойлашган бўлиб, улар асосан зеб-зийнат буюмларини уйда тайёрлаб, бозорга фақат уларни сотиш, заргарликка керакли буюмларини сотиб олиш учун келишардилар. XX аср бошларига келиб эса бу устахоналарнинг сони 70 га етиб қолган эди. Заргарлик устахоналари алоҳида қаторларда жойлашган ва машҳур усталар ўзининг доимий мижозларига эга бўлган. Улар буюртма асосида бозорга маҳсулот ишлаб чиқаришган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида, яъни 1886 йил Тошкентнинг Чорсу бозорида заргарлик буюмлари 20 та дўкон-расталарда жойлашганлиги ва унда маҳсулотлар шу ернинг ўзида тайёрлаб сотилган⁶. Ўша пайтда заргарлар сони 135 дан ортиқ бўлган бўлса, улардан 50 таси олтин билан ишловчи усталар бўлган. Заргар хунармандлар орасида

¹ Мукминова Р.Г. Тўрт аср олдинги Тошкент. Тошкент: Фан. 1984. 14-бет.

² Жалилова М. Туркистонда бадий хунармандчилик // Гулистон, 2001. №1. 17-бет.

³ Давлатова С.Т. Тошкент хунармандчилиги тарихидан (XIX-XX асрлар) // O'zbekiston tarixi. 2008, №2. 39-бет.

⁴ Бекмухамедов Х.Ю. Страницы из истории Ташкента // Сборник из истории Узбекистана. Ташкент, 1975. С.142.

⁵ Алимова Д.А., Филанович М.И. Тошкент тарихи (қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тошкент, 2007. 23-бет.

⁶ Файзиева З. Кустарно-ремесленное производство в Туркестане во второй половине XIX-начале XX в.: Автореф. дис... канд. ист. наук. Ташкент, 1978. С. 31; Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана. Ташкент, 1988. С.72.

хинд, озарбайжон ва доғистонлик заргарлар ҳам борлиги тўғрисида маълумотлар учрайди¹.

Тошкент заргарлари ёзда ўз ишларини дала ҳовлиларида ҳам давом эттирганлар. Бундай заргарлар кумуш усталари деб аталиб, уларнинг бошида оксоқол турган. Айниқса, улар ясаган сирға, узук, билакузуклар маҳаллий қизлар ва аёллар ўртасида жуда машҳур эди. Шунга қарамасдан, бу усталар эркаклар учун узук, қимматбаҳо тошлар билан безатилган пичок, ханжар соплари, камар тўқаларини ҳам ясар эдилар.

Тошкентда қадимдан қизлар сепи учун ҳам махсус заргарлик безаклари буюртма қилинар эди. Ҳаттоки, аҳолининг қуйи қатлами, камбағал оилалар ҳам буюртма беришга ҳаракат қилишар эдилар.

Тошкент заргарлари ясаган маҳсулотлар нафақат Тошкентда балки, Кавказда, Самарқандда, Чимкент, Авлиёота ва бошқа чегаралар қишлоқлари аҳолиси учун ҳам харидоргир эди². Зеро, ўша пайтларда Тошкент заргарлик маҳсулотларига бўлган талабнинг кучайиши асосан, уларнинг ясаиш техникасида ўзига хос локал хусусиятларни акс этар эди. Айниқса, Тошкент заргарлари ясаган Тошкент зираклари, ҳаттоки, Самарқанд зирақларига ўхшаш бўлса ҳам бошқа зирақлардан фарқ қиларди. Шунинг учун ҳам ушбу маҳсулотлар сотиш айирбошлаш тарзида олиб борилар эди. Баъзи бир заргарлар қимматбаҳо металллар билан ишлашда керак бўладиган мураккаб кимёвий реакция ва тайёрлов услуби билимига ҳам эга бўлишган³.

Тошкент заргарлари ўз оилавий ҳунарларини авлоддан-авлодга ўтказишган, ўргатишган ва бу ўзига хос анъана бўлиб, доимий давом этган.

XIX аср охири – XX бошларида Тошкент ҳунармандлари орасида ҳунармандчиликни ҳар томонлама ривожланиши ва маҳсулотларни юқори санъат даражасига етиши учун ўз ҳунарларига содиқлигини, қадимий анъаналарни давом эттириш, яъни уста-шоғирд анъаналари, ҳунар пирлари, пайғамбарлари, авлиёлари ҳақиқа дуолар қилиш учун ҳунармандчилик рисолаларидан фойдаланишган⁴. Ҳар бир заргар устанинг ўз маҳсулотини яратиш техникаси ва технологияси махсус ҳужжат рисолага асосланган. Заргарларнинг ушбу рисолалари фақатгина ҳунармандчилик аҳамиятига молик бўлмасдан, балки устахоналарни ривожлантириш билимлари, асбоблари, ҳунармандчилик маҳсулотлари, ишлаб чиқариш технологиялари манбаси ҳам ҳисобланган. Рисолага кўра заргарлик ҳунарининг пири – Довуд пайғамбар ҳисобланган⁵.

Ҳунармандларнинг юқори қатлами бош усталар бўлиб, уларнинг қарамоғида устахона, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари бўлган. Улар буюртма қабул қилиб олиш, усталар ўртасида иш тақсимлаш ва бирор-бир маросим ўтказиш каби вазифаларни бажаришган. Усталар ва ҳунармандлар уюшма (цех) га бирлашган. Ҳар бир уюшманинг ўзига хос рисоласи бўлиб, унда тартиб ва қоидалар мавжуд бўлган. Ҳаттоки, бири-бирига яқин цехлар ўртасида рақобат бўлиб турган.

Заргарлар кумушни маҳаллий аҳолидан асосан давлат банки орқали, бой амалдор ёки тадбиркорлардан эса баъзан қарзга ҳам олишган. Шунингдек, улар заргарлик буюмлари яшаш учун катта пул сарф қилишган. Турли ҳажмда бўлган кумуш қуймаси ҳунармандлар орасида “тўнғиз” деб номланган. Баъзан заргарлар бундай қуйманинг

¹ Фахретдинова Д.А. Ўша асар. 72-бет.

² Гейер И., Назаров И. Кустарные промыслы в Ташкенте. Тетрадь I. Ташкент, 1903. С. 10.

³ Бу ҳақда қаранг: Кузнецова Н.А. Ремесленные рисала // Краткие сообщения Института востоковедения. Вып. 19. М., 1959. С. 80-83.

⁴ Давлатова С.Т. Ўша асар. 43-бет.

⁵ Фахретдинова Д.А. Ювелирное искусство Узбекистана... С.73.

текисланган ҳолатда, яъни пластинка кўринишидагисини Россиядан олишарди. Тошкентнинг заргар усталари кумушдан ташқари, хунармандчиликда тақинчоқлар учун керакли қуйидаги маҳсулотлардан фойдаланганлиги ҳақида маълумотлар учрайди¹:

полска – деб аталган поляк кумуши бу асосан қирғизлар тақинчоқларини яшаш учун сотиб олинарди;

шиша – турли рангдаги шишалар бўлиб, улар қимматбаҳо тошга ўхшарди. Бу маҳсулотлар асосан ойна кесадиғанлардан синиқлари, қолдиқлари кўплаб сотиб олинган;

маржонлар – кораллар. Тошкентга асосан Қашғардан олиб келинарди;

мунчоқ-феруза – эмалтош бўлиб, асосан Москвадан келтирилган турли хилдаги майда мунчоқлардан усталар махсус ўзлари тайёрлардилар;

танакор – бура, танакор (рангсиз, баъзан оқ, кул ранг ёки сариқ тусдаги минерал);

Хитой шиша ёки мино – алоҳида эмалга ўхшаш шиша бўлиб, Хитойдан келтирилган. Унда Хитой тамғаси акс этган (бу шишанинг баҳоси ўша даврда 1 рубль 50 коп. турган). Аксарият заргарлар ўз буюмларини тилла, кумуш, мис, бронза, тош, феруза, шиша, турли тангалар, кўзли ва рангли мунчоқлар, қимматбаҳо дур, гавҳар, ёкут кабилардан фойдаланиб ишлашган. Қимматбаҳо заргарлик буюмларига талаб тор доирада бўлгани учун бошқа хунармандчилик буюмларига нисбатан кам миқдорда ишлаб чиқарилган. Заргарликда ишлатилган қимматбаҳо тошларнинг ҳар қайсиси ўзига хос маъно касб этган². XIX аср заргарлик буюмларининг шакли ва безаклари учун бирига ўхшамайдиган услублар: ислимий (ўсимликсимон), геометрик, самовий махлуқот дунёси асос қилиб олинган.

Заргарлик устахоналарда дўкон ёки кўрадан ташқари даған-дан – сариқ мисдан ясалган конуссимон трубка, сандон, режа, оташкурак, жуптак, харак (ишчи лали, патнис), чирё, омбир, шингил-камоб, бута каби зеб-зийнат буюмлари тайёрлаш учун зарур заргарлик асбоблари ҳам бор эди. Бундан ташқари, заргарларда турли қисгич, омбирлар, қайчилар йиғмаси ҳам бўлган³. Шунингдек, заргарлар безак буюмларни тайёрлашда турли усуллардан (қуйиш, тарошлаш, ўйиш, қолиплаш ва ўтқозиш) фойдаланишган.

Тошкент тақинчоқларидан асосан *зирак* – *сирганинг* турли хилдаги кўринишлари мавжуд бўлиб, улардан Тошкент зирак, Самарқанд зирак, нўғай зирак (татарча сирға), козоқ зираги деб номланганлари жуда машҳур бўлган. Уларда 3-5 тагача осилчоқлар бўлиб, бу осилчоқлар турли шишачалардан қилинган. Татарча зирак овал шаклда бўлиб, унинг ўртасига шишадан феруза кўз қўйилган.

Сочпупуқлар – соч учун бўлиб, уларга асосан конус ёки цилиндрга ўхшаш асбоб тўлиқ бириктириб қўйилган. Бу кумушдан қилинган бўлиб, унда қора иплар сочни ўриш учун осилиб турган. Тошкентликлар уни *зулфи зар* ҳам деб аташади;

баргак – (*барг*- тожикча сўз бўлиб барг демакдир) тиллақош бўлиб, Тошкентда шундай ном билан, яъни тиллабаргак, тиллақош деб юритилган. Баргак кумушдан квадрат шаклида тайёрланган ва бир неча осилма тақинчоқларга эга бўлган безак буюмидир⁴;

билакузуклар - асосан қалин ва кенг кумуш пластинкадан тайёрланган. Улар жуфт-жуфт ясашиб, тақилганда бир-бирига маҳкам боғлаб қўйиладиган илмоғи ҳам бўлган;

узук – кўл тақинчоғи. Хунармандчиликда даставвал аёллар тақинчоқлари пайдо бўлган бўлса-да, кейинчалик эркаклар ҳам турли тақинчоқлар тақишган⁵. Масалан,

¹ Гейер И., Назаров И. Кўрсатилган асар. 14 –бет.

² Альмеева Д. Бухорои шарифнинг заргарлик санъати // Мозийдан садо. Тошкент, 2002. №3. 9-бет.

³ Гейер И., Назаров И. Ўша асар. 13-бет.

⁴ Исмоилов Х. Анъанавий ўзбек кийимлари. Тошкент, 1978. 47-бет.

⁵ Ахроров И. Тақинчоқлар таърифи // Саодат. Тошкент, 1997. №3. 27-бет.

Тошкентда рангли тошлар ўрнатилиб, эгасининг исми шарифи битилган йирик савдогарлар учун муҳр – узуклар тайёрланган.

XX аср бошларигача қассоблар, сартарошлар, ғассоллар орасида махсус узукларни (асосан ўрта бармоқларига тақишган) тақиш одати бўлган¹.

Бурунбулоқи – XX асрнинг бошларигача бу тақинчоқни Тошкент аёллари бурунларига тақишган²;

паранжи тугма – ҳам махсус кумушдан қилинган. Тугмалар турли шаклда бўлган, баъзан бу тугмаларни аёллар халатларига ҳам қадашган.

Тошкентда *тиллабаргак* мураккаб шаклли пешона тақинчоғидир³. Унда 2 қатор майда бодомчасимон осилчоқлар бўлиб, у “шингил” деб ҳам юритилган. Бундан ташқари, *тиллақош* (қошга ўхшаганлиги учун ҳам шундай номланган) ҳам тақилиб, у асосан кумушдан ишланиб, бош кийими устидан кийилади ва қош устига тушиб туради. Унга турли шаклга эга бўлган майда тақинчоқ безаклар қадалган.

Самарқанд ва Бухорода ҳам тиллақош асосан келинларнинг тўй тантаналарида тақадиган пешона тақинчоғи ҳисобланган⁴.

XIX аср бошларида Тошкентда “гажак” тақинчоғи ҳам тақилган. Тошкент гажаклари Бухоро гажакларидан фарқ қилиб, кўриниши бодом шаклида бўлган⁵. Ушбу тақинчоқ қалампир ёки бодом кўринишида бўлиб, учи қайрилгани учун “гажак” деб аталади. Гажаклар доимо тиллақош билан бирга тақилган. Улар дўғача билан икки чаккага мустаҳкамланиб, илмоқлар воситасида соч ёки рўмолга қистириб қўйилган⁶. Гажаклар асосан Тошкент, Фарғона водийси, Зарафшон воҳаси ҳамда Жанубий Ўзбекистон вилоятларида кенг тарқалган.

XX аср бошларида Тошкентда гажак тақиш урфдан қолиб, “тўғноғич” (брошка) тақила бошланган⁷.

XX аср бошларида Тошкент зираклари кўриниши томчи шаклига ўхшаш бўлиб, турли хил тош шишалар, сунъий феруза, буғдойсимон мунчоқлардан иборат эди. Қизлар, аёллар, келинлар, ёш ва қариларнинг тақинчоқлари бир-биридан фарқ қилган.

Тошкентда XIX аср охирларида ҳам *жевак* деган бўйин тақинчоғи тақилган. Кўкрак тақинчоқларидан *зебигардон* ҳам бўлиб, у ромб шаклида ясалган ва турли рангли шишалар, кўк мунчоқлар билан безатилган.

Зеб-зийнат буюмларидан ҳисобланмиш Тошкент туморлари Бухоро ва Қўқон туморларидан фарқ қиларди. Бу фарқни, ҳатто, тақилишида ҳам сезиш мумкин эди. Туморлар “бўйин тумор”, “кўкрак тумор”, “қўлтиқ туморлар”дан иборат бўлиб, унда қўй шохлари акс этиб, аёллар ва болалар учун ҳимоя воситаси сифатида тақишган⁸. Бўйин тумори учбурчак шаклда бўлиб, ялтироқ ва турли рангдаги шишалар билан безатилган. Унинг четларига буғдойга ўхшаш осилчоқлари бўлган. Тумор асосан ўртада икки чети бўйинга туташтирилган. Заргарлик санъатида Тошкент мактаби буюмлари кўпроқ ку-

¹ Борозна Н.Г. Виды женских ювелирных украшений у народов Средней Азии и Казахстана // СЭ. М., 1974. №1. С. 33.

² Бикжанова М.А. Одежда узбечек Ташкента XIX- начала XXв. // Костюм народов Средней Азии. М., 1979. С.148.

³ Абдуллаев Т.А., Хасанова С.А. Одежда узбеков (XIX- начало XX в.). Ташкент, 1978. С.11.

⁴ Сухарева О.А. История среднеазиатского костюма. Самарканд (2-я половина XIX- начало XX в.). М., 1975. С.100.

⁵ Азизова Н. Ювелирные изделия Узбекистана. Ташкент, 1967. С. 83-84.

⁶ Давлатова С.Т. Қашқадарё миллий кийимлари: анъанавийлик ва замонавийлик. Тошкент, 2006. 101-бет.

⁷ Азизова Н. Ювелирные изделия Узбекистана... С. 8.

⁸ Азизова Н. Ўша асар. 14 бет; Яна қаранг; Борозна Н.Г. Некоторые материалы об амулетах- украшениях населения Средней Азии // Мусульманские верования и обряды в Средней Азии. М.,1975. С.286. Камалова Д.М. Узбекская художественная культура. Ташкент, 1995. С. 33.

муш ва кейинчалик қотишмага тилла суви юритилиб ясалган. Бу одат Тошкент заргарларида ҳозиргача сақланиб қолган.

XX аср бошларида Тошкентда кумушдан буюм ясайдиган заргарлар анча камайиб кетади, улар паст навли олтиндан заргарлик буюмлари ясай бошлашади. Қолаверса, уларнинг хориждан келтирилган заргарлик буюмлари таъсирига тушиб қолиши ҳам заргарлик хунарининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади¹. Бугун тошкентлик заргарлар фақат Тошкент мактаби анъанавий тажрибасинигина ўзлаштириб қолмасдан, балки, бошқа маҳаллий мактаблар тажрибасини ҳам ўзлаштирадилар. Қолаверса, улар ижодида техник ва бадий усуллар билан бирга кўпроқ инсон турмуш тарзи фалсафасининг инъикоси намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, бугунги заргарлар ижодида қадим аждодларнинг оламни яратилиш қонуни борасидаги қарашлари ҳам ўрин олган. Тошкентда савдо-сотикнинг ривожланиши натижасида кўшни минтақалардан тақинчоқларнинг хилма-хил турларини кириб келиши, уларнинг техникаси, бадий жиҳатлари (орнаментлар), умумий кўриниши, тақинчоқларнинг маҳаллий турлари билан яқинлашиб, ўзаро уйғунлашиб кетишига ҳам олиб келди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг заргарликда қимматбаҳо металллардан фойдаланишга имкон яратилди. Маҳаллий унутилиб бораётган анъаналарни қайта тиклаш, анъанавий - замонавийларини яратиш услубларидан фойдаланиш заргар хунаромандлар учун кадрятларнинг қайта туғилишидир.

Зеро, Тошкентда кўплаб заргарлик хунаромандчилик марказлари, устахоналари, саноат корхоналари, хусусий бирлашмаларининг фаолият юргизиши қадимдан бу хунар турининг кучли ривожланганлиги ва алоҳида заргарлик мактаби яратилганлигидан далолатдир.

С.Т. Давлатова

Локальные особенности ташкентской ювелирной школы

В статье раскрывается история школы ювелиров старого города Ташкента. Рассматриваются локальные особенности, традиции ювелиров-ремесленников, обычаи и обряды, связанные с этим ремеслом.

S.T. Davlatova

Local Aspects of the Jewelry Schools of Tashkent

In the article are attempt to make analyze jeweler schools of old part of Tashkent city. Also it is studying localities, traditions of jewelers and rituals connecting with this profession (handicraft).

Ш.М. Рахматуллаев
(Ўзбекистон)

ТОШКЕНТ – ЙИРИК САНОАТ МАРКАЗИ

Мустақиллик йилларида тарихимизни чуқур илмий ўрганиш имконияти яратилганлиги сабабли Ўзбекистон жаҳон цивилизациясининг қадимги бешикларидан бири бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар ўз исботини топмоқда. Бу борада амалга оширилган ишларнинг муҳим йўналишларидан бири – бу ҳудудимиздаги қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларнинг асос солинган даврини уларнинг ёшини аниқлаш билан боғлиқ ишлардир. Республика олимларининг олиб борган узоқ йиллик тадқиқотлари натижасида ёши 2000 ва ундан ортиқ бўлган кўҳна шаҳарларимиз сафи янада кенгайди. Жумладан, 1997 йилда Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, 2002 йилда Термиз шаҳрининг 2500 ва Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги, 2006 йилда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, 2007 йилда эса Марғилон шаҳрининг 2000 ҳамда Самарқанд шаҳрининг

¹ Ҳақимов А. Тошкент халқ хунаромандчилиги // Мозийдан садо. 2007, №2, 9-бет.

2750 йиллигига бағишланган тадбирлар ўтказилди ва халқаро миқёсида кенг нишонланди. 2009 йилга келиб, ана шу қадимий тарихга эга бўлган шаҳарлар қаторига мамлакатимиз пойтахти Тошкент ҳам қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2008 йил 2 апрелдаги “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги махсус қарорида таъкидланганидек, “жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда “Шарқ дарвозаси” деб ном олган, халқимизнинг ғурурифтхори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти бекиёсдир”¹.

Албатта, Тошкентнинг узоқ ўтмиши, унинг ер юзидаги қадимий шаҳарлардан бири эканлиги, бой тарихини камситмаган ҳолда истиқлол йилларида унинг аввалги улғворлигини қайта тиклаш, аynи вақтда жаҳоннинг кўзга кўринган пойтахтларидан бирига, дунёнинг мегаполислари билан рақобатлаша оладиган иқтисодий ва маданий марказга айлантириш борасида қилинган кенг кўламли ишларни ҳам алоҳида ўрганиш зарур.

Ўтиш даври муаммоларига қарамай, республикада шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мавқеи янада орта борди. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, “Марказий Осиёнинг юраги бўлган Тошкент, рамзий қилиб айтганда, Шарқ дарвозаси ҳисобланади. Кўпгина халқаро ташкилотлар буни муносиб баҳолаб, ўз ваколатхоналари ва бюрларини айнан Тошкент шаҳрида очди. Булар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти, Немис техникавий ёрдам жамияти ва бошқа кўплаб ташкилотлардир. 350 дан ортиқ чет эл компаниялари, фирма ва банклари ҳам ўз ваколатхоналарини Ўзбекистонда аккредитация қилган”².

Иқтисодиётда амалга оширилган ислохотлар натижасида Тошкент саноати республика иқтисодиётининг таянч устунларидан бири сифатида янада мустаҳкамланди. Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Америка Қўшма Штатлари, Италия, Олмония, Чехия, Болгария ва Туркия ишбилармонлари билан қўшма корхоналар барпо этилиб, бир қанча корхоналарда янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Биргина 2006 йилда енгил саноатда пахта матолари, тўқимачилик, трикотаж ва қурилиш материаллари саноатида алюмин профил маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармоядорлар иштирокидаги «Bayteks Ticaret», «BF Textile production», «Textile Imprex» ҳамда «Sardor Imprex» каби корхоналар ишга туширилди³.

Айниқса, шаҳарда қишлоқ хўжалик тракторлари, самолётлар, экскаваторлар, саноат учун зарур дастгоҳ ва ускуналар, мебель маҳсулотлари, кўплаб турдаги халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилиши пойтахт саноатининг қанчалик кенг камровли тизимга эга эканини кўрсатади.

2007 йилнинг 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳрида 5043 та ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиб, уларнинг 4814 таси ёки 95,5 фоизи кичик бизнес субъектларига мансубдир. Йирик асосий саноат корхоналари 164 та бўлиб, шаҳар ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 67,3 фоизи айнан шу корхоналар ҳиссасига тўғри келди. Мустақиллик йилларида саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми мунтазам ўсиб бор-


¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” № ПҚ-828 // Халқ сўзи. 2008 йил 2 апрель.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 229-бет.

³ Тошкент шаҳар ҳокимлиги жорий архиви. 2006 йилда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш масаласи юзасидан маълумотнома. (бундан кейинги статистик маълумотлар ушбу маълумотномадан олинган).

ди. Айниқса, XXI аср бошига келиб саноатда ўсиш суръатлари юқори кўрсаткичларга эга бўлди. Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

Саноатда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (%)



Саноат ривожланишининг ижобий суръатлари шаклланишига корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари ва иқтисодийнинг реал секторидида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида ўтказилаётган тармоқларни бошқариш тизимининг ислох қилиниши ҳам ёрдам берди.

2006 йилда шаҳар саноат корхоналари томонидан 1561.1 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати 125,2 фоизни ташкил этди. Ушбу даврда 709.4 млрд. сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати 127,7 фоизга тенг бўлди. Қайд этиш жоизки, бу кўрсаткичлар бўйича ўсиш суръатлари 2004 йилда мос равишда 104,8 фоиз ва 103,4 фоиз, 2005 йилда 118,8 ва 115,1 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида саноат тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Бу борада шаҳар ҳокимлигининг тузилмалари томонидан тегишли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида ишлаб чиқариш суръатларини пасайтирган корхоналар сонини кескин қисқартириш ва ижобий кўрсаткичларни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тегишли ишлар бажарилди. Бунинг натижасида 2005 йилнинг якунига ишлаб чиқариш ҳажмларини камайтирган корхоналар сони 72 тани ташкил этган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 15 тага тенг бўлди. Шунингдек, ўсиш суръатларининг юқори бўлишига ҳисобот даврида ишга туширилган “Электроизолит” ҚК, “Айдемир текстиль” ҚК, “БФ Текстайл” ҚК каби корхоналар ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Саноат тармоқлари кесимида умумий ишлаб чиқариш ҳажмида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати улуши – 32,5% (ўсиш суръати 115,6%), озиқ-овқат саноати – 22,9% (ўсиш суръати 141,9%), енгил саноат – 7,1% (ўсиш суръати 122,2%), кимё ва нефт-кимё саноати 7,4% (ўсиш суръати 140,5%), полиграфия саноати 5,3% (ўсиш суръати 118,6%), қурилиш материаллари саноати 4,2% (ўсиш суръати 122,7%)га тенг бўлди.

Тошкент шаҳрининг барча туманларида саноат маҳсулотининг юқори ўсиш суръатлари таъминланди. Умуман, умумий саноат ишлаб чиқариш ҳажмида Мирзо Улуғбек (111,3 %), Миробод (128,6 %), Сирғали (123,2%), Чилонзор (1,5 маротаба) туманлари улуши катта бўлиб, ушбу туманлар корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар шаҳар кўрсаткичининг 65,4 фоизини ташкил этди.

Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатларини таъминланишида “Кока–кола ичимлиги”, “Мармакс”, “Дойче кабель”, “Тошкент лок-бўёқ заводи”, “Узкабель”, “ТТЗ”, “ДЖФ Интернейшнл”, “243-сонли завод”, “ТАИЧБ”, “Фарм Гласс”, “Тошкент ёғ-мой комбинати”, “Хоразм шакар”, “Зенит электроникс”, “Тошкент труба заводи”, “Тошкент-Тўйтепа текстиль” каби корхоналарнинг улуши катта бўлди.

164 та асосий ишлаб чиқариш корхоналаридан 60 таси ёки 36,6 фоизи ҳудудий та- сарруфдаги корхоналар бўлиб, солиштирма нархларда улар томонидан 173,8 млрд.сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. 2005 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 141,5 фоизни ташкил этди.

Ҳозирги кунга келиб шаҳарнинг иқтисодий ривожланиши юқори суръатларда сақланиб қолмоқда, унинг мамлакатимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ортиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида пойтахтда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши 17,8 фоизни ташкил этди. Бундай кўрсаткич саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш 40,2 фоиз, истеъмол товарлари 28,1 фоиз, хизматлар 24,5 фо- из, экспорт ҳажми эса 33 фоиз ўсиши ҳисобидан таъминланди¹.

Иқтисодиётдаги муҳим таркибий ўзгаришлар шаҳар ижтимоий инфратузилмасининг ривожига ижобий таъсир этди. Хусусан, иқтисодий ислохотлар борасидаги давлат даст- турларининг изчил амалга оширилиши натижасида аҳолининг турмуш фаровонлиги ва даромадлари ортиб борди. 2008 йилнинг дастлабки 9 ойи мобайнида иқтисодиётнинг барча тармоқларида қарийб эллик уч мингта янги иш ўрни яратилди. Аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида кичик биз- нес, касаначилик, хизмат кўрсатиш, сервис соҳаларини ривожлантириш таъминланди².

“Ёшлар йили” Давлат дастури доирасида ёш оилаларга имтиёзли ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар ажратилди. Айни пайтда Ёшлар ижод саройи, спорт мажмуалари, оилавий поликлиникалар, тиббий диспансерлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қисқа қилиб айтганда, мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида Тошкент шаҳри саноатида таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар юз берди. Унинг нафақат республика, балки Марказий Осиё минтақасидаги йирик иқтисодий ва сиёсий марказ сифатидаги мавқеи мустақамланиб борганлигини кузатиш мумкин.

Ш.М. Раҳматуллаев

Ташкент – крупный промышленный центр

В статье анализируются процессы реформирования промышленности Ташкента в годы независимости, создания и развития совместных предприятий. Дается оценка влияния экономических реформ на социальную сферу.

Sh.M. Rahmatullaev

Tashkent – Large Industrial Center

In paper analyzed the process of reforming the industry of Tashkent in the period of independence, creation and development of joint ventures. Also considered the influence of economical reforms to the social life of society.

*А.Р. Қаюмов, О.С. Артикбаев
(Ўзбекистон)*

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИНING ХЎЖАЛИК-МАИШИЙ ҲАЁТИДА ДЕҲҚОНЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ

XIX–XX аср бошларида Ўзбекистоннинг анъанавий шаҳар муҳитида аҳолининг хўжалик-маиший турмуши, ижтимоий муносабатлари ва жамоа бўлиб меҳнат қилиш анъаналари каби хусусиятларини этнографик материаллар асосида ёритиб бериш шаҳар ҳаётининг тарихан ривожланиш жараёнларини англаб етишда катта аҳамиятга эгадир.

¹ Халқ сўзи. 2008 йил 29 октябр.

² Халқ сўзи. 2008 йил 29 октябр.

Суғорма деҳқончилик минтақаларида тураржойларнинг жойлашув хусусиятига асосланган хўжалик ва маиший турмуш тарзининг қатъий анъанавий шакли сақланиб қолган эди. Тарихий ва этнографик тадқиқотларда қайд этилишича, Ўзбекистонда шаҳар аҳолисининг кўп қисми қишда шаҳарда, ёзда эса шаҳар четидаги дала-боғларда яшаганлар. О.А. Сухареванинг фикрича, шаҳар аҳолиси ўртасида хунармандчилик ва савдони деҳқончилик билан қўшиб олиб борилиши, яъни шаҳар аҳолиси кўпчилигининг “икки тураржой”га эгаллиги ва бундай шароитда оила ва жамият маълум гуруҳининг ишлаб чиқариш фаолияти, улар ўртасидаги меҳнат тақсимоли масалаларининг тадқиқ этилиши муҳим илмий аҳамиятга эга¹.

XIX-XX аср бошларида қадимги деҳқончилик воҳасида жойлашган Тошкент шаҳри аҳолисининг хўжалик-маиший ҳаётида ҳамда умуман олганда, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари учун ҳам хос бўлган савдо ва хунармандчиликни деҳқончилик билан қўшиб олиб бориш анъанаси яхши сақланиб қолган эди. Ўзининг асосий машғулотини деҳқончилик деб билган шаҳар аҳолиси ўзларини деҳқон деб атаганлар ва шаҳарда, ҳам шаҳар атрофида боғ ҳамда экинзорларига эга бўлганлар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкенда бўлган Бурнашев ва Поспелов ҳамда П.И.Пашино²ларнинг таъкидлашича, деҳқончилик билан шуғулланадиган шаҳар аҳолисининг асосий машғулоти ғаллакорлик бўлган. Потаниннинг қайдномаларида таъкидланишича, шаҳар аҳолиси “ғаллакорлик ва боғдорчилик соҳасида катта тажрибага эга бўлган ва унумдор ердан самарали фойдалана билганлар”³. Бу даврда саёҳатчилар Шубай Асланов, Нурмуҳаммад Алимов⁴ларнинг кундаликларидаги маълумотлар ҳамда Н.А. Маев, Н.Г. Маллицкий⁵ларнинг асарларида Тошкент шаҳри аҳолиси савдо ва хунармандчилик билан биргаликда боғдорчилик ва деҳқончилик билан ҳам шуғулланганликлари ҳақида қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Бевосита Тошкент шаҳри бўйича тадқиқотлар олиб борган Ф. Азадаев⁶ ва К.Фазиловлар⁷ Дегрез маҳалласидаги шаҳарлик деҳқонларнинг машғулоти ҳақида бой маълумотларни тўплаганлар. Ушбу маълумотларга кўра, шаҳарнинг ишлаб чиқариш маркази бўлган Шайхонтахурда (бу ерда дегрезчилар бўлган) аҳолининг тўртдан бир қисми деҳқончилик билан шуғулланган⁸.

Шаҳарларнинг кўпгина аҳолиси (Тошкент, Самарқанд) ва шунингдек, шаҳар типидagi қишлоқларнинг аҳолиси баҳорда ўзининг шаҳар атрофидаги дала-боғларида кеч кузга қадар яшаган. Бундай шароитда хунармандлар ва савдогарларнинг хўжалигида ҳам деҳқончилик машғулоти мавсумий бўлса-да асосий ўрин эгаллаган. М. Рўзиеванинг маълумотларига кўра, Шайхонтахур даҳаси аҳолисининг дала-боғлари ҳам шаҳарда

¹ Сухарева О.А. Традиция сочетания городских и сельских занятий в Средней Азии конца XIX - начала XX в. // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. М., 1979. С. 203-211.

² Поездка Бурнашева и Поспелова в Ташкент в 1800 г. с примечаниями Я.Ханыкова // Вестник Русского Географического Общества. Ч.1. Кн. 1. СПб., 1851. С.29; Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки. СПб., 1868. С.130.

³ Записки о Кокандском ханстве Хорунжего и Потанина. СПб., 1830. С. 14.

⁴ Материалы по истории России. Оренбург, 1900. С. 59.

⁵ Маев Н.А. Азиатский Ташкент // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. IV. 1876. С.78; Маллицкий Н.Г. Тошкет маҳалла ва мавзелари. Русчадан Усмон Қўчқор таржимаси. Тошкент, 1996.

⁶ Азадаев Ф. Ташкент во второй половине XIX в. Ташкент, 1959. С. 39, 176.

⁷ Фазылова К. Ташкентский квартал литейщиков (маҳалля Дероз) в конце XIX – начале XX в. // Научные работы и сообщения. Кн.4. Ташкент: 1961. С. 242.

⁸ Фазилова К. Кўрсатилган мақола. 243-бет.

хам шаҳар четида жойлашган. Шаҳардаги ер мулклар “боғ”, “майдон”, шаҳар ташқарисидаги ерлар “дала-боғлар” деб аталган¹.

Тошкент аҳолиси ёзда бориб яшайдиган шаҳар девори ташқарисида жойлашган дала-боғлар ҳам шаҳар тасарруфида эди. Н.Г. Маллицкийнинг қайд этишича, уларнинг бир қисми жамоавий ерлар бўлиб, айрим даҳалар аҳолиси шу ердан фойдаланишган, шу боис, улар тегишли маҳаллалар номи билан аталган (масалан, Чувалачи, Хиёбон, Тахтапул ва ҳоказо).² Бироқ, бундай жамоа бўлиб фойдаланиладиган ерлар XX аср бошларида сезиларли даражада камайди. Дала-боғлар шаҳар атрофини 4-6 чақирим кенгликдаги ҳалқа тарзида қуршаб олган. Дала-боғларнинг эгалари у ерларда фақат ёздагина яшаб, боғ ва тоқларни парвариш қилишган, қишда дон-дун ғамлаб ортиқчасини сотишган. Дала-боғларда вақтинча яшаш учун чайлалар ҳам қуришган. Кузда аҳоли шаҳардаги уйига қайтиб келган.

XX аср бошларида дала-боғлар таркибига кирувчи қишлоқлар шаҳарга қўшилиб кетди. Уларнинг номлари даҳа ва мавзелардагина сақланиб қолди. Бешқайрағоч, Юнусобод, Октепа, Дархон, Яланғоч, Чўпонота, Қатортол, Чилонзор, Тахтақўприк, Миробод шулар жумласидандир. Жамоавий ерларнинг айрим бўлакчалари у ер - бу ерларда, хусусан, Кўкча қисмида суғорилмайдиган тепаликлар тарзида сақланиб қолди.³ Н.Г. Маллицкийнинг фикрича, шу боисдан, шаҳар девори бутунлай йўқолиб кетди: аср бошларида Кўкча ва Чигатой дарвозалари ҳамда Бешёғоч ва Камолон дарвозалари оралиғидагина шаҳар девори қолдиқлари қисман сақланиб қолган эди.

Ўқчи даҳасидаги Дегрез ва Қудуқбоши мавзеларининг шаҳар ташқарисидаги дала-боғларига илк баҳордан хунармандлар кўчиб кела бошлаганлар ва ўзларининг боғ ва узумзорларига ишлов бериб, экин экишга тайёргарлик кўрганлар. Ҳатто, дегрезчилар шаҳар ҳовлиларидан ўзларининг баъзи хунармандчилик асбоб-анжомларини ҳам олиб келганлар ва деҳқончилик билан биргаликда хунармандчилик машғулотини ҳам давом эттирганлар. Кейинроқ бу дала-боғларда шаҳар аҳолисининг бир қисми доимий равишда яшаб қолиб, аста-секинлик билан шаҳарнинг таркибий қисмига айлана бошлади. Тошкент шаҳри аҳолиси шаҳар ташқарисидаги ер майдонларида доимий яшаш жойларининг барпо этилиши янги маҳаллалар ва қишлоқларнинг ташкил топишига олиб келди. Масалан, XVIII–XIX асрларда Тошкент таркибига кирган бир қанча ерларнинг номлари ҳам шаҳарнинг бир қанча кенгайганлигини англатади. Жумладан, Олмазор, Ҳовузбоғ, Ўрикзор, Кадват, Арпа, Тўпқайрағоч, Хиёбон, Қирқбирба, Каттабоғ ва бошқа янги қишлоқлар шаҳарга қўшилган⁴.

Шунингдек, хунармандчилик, савдо ва деҳқончилик машғулотлари шаҳар аҳолисининг кўп фарзандли оилаларда ўзига хос меҳнат тақсимоли асосида тақсимланган, яъни оиланинг бир неча фарзандлари шаҳар машғулоти, бир қисми эса деҳқончилик билан машғул бўлган. Албатта, бу ҳолат хунармандларнинг бир қисми ишлаб чиқарган маҳсулотларининг товарлилик даражаси юқори бўлганлиги сабабли шаҳар машғулоти давом эттирган бўлсалар, бир қисми (аксарияти) деҳқончилик билан қўшимча даромад олиш ёки озик-овқат захирасини яратиш учун (асосан буғдой, шоли, нўхат, мош, ловия, сабзи, пиёз, шолғом, кейинчалик картошка ва боғдорчилик маҳсулотлари) шуғулланганлар.

¹ Рузиева М. О занятии земледелием жителей города Ташкента (конец XIX–начало XX в.) // Из истории культуры народов Узбекистана. Ташкент, 1965. С.74.

² Маллицкий Н.Г. Ташкентские махалля и мауза. Ташкент, 1927. С. 109.

³ Арифханова З.Х. Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонавийлик. Тошкент, 2002. 21-бет.

⁴ Филанович М. Роль топонимики и археологии в изучении истории Ташкента // Тошкент шаҳри ва вилояти топонимлари муаммолари. Тошкент, 1994. 47-бет.

Шаҳарликлар фойдаланаётган ерлар хусусий ва жамоа ерларига бўлинган. Хусусий ер-мулк эгалари ерни сотиш, сотиб олиш ва ворисий мулк сифатида авлодларига қолдириш ҳуқуқига эга эдилар. Баъзи шаҳарлик бойлар каттагина ер-мулкларга эга бўлганлар. Масалан, Шайхонтахур даҳасининг Қиёт мавзесида Шомухаммад Бекмухаммадов Қозикўрғон деган жойда 160 таноб ер мулкка эга эди¹. Бундай ер майдонларини сотиш (мавзеда жойлашганларини) *шапуқ* деб аталадиган қўшничилик ҳуқуқига кўра чегараланган ва фақатгина улар ўзларининг маҳалладошларига сотишга ҳақли эдилар, деб маълумот беради М. Рўзиева².

XX аср бошларида ерга хусусий эгалик бир қадар ривожланди, яъни бошқа мавзеда яшайдиганларнинг ерларини сотиш-сотмаслиги қатъий назорат қилинмайдиган бўлди. Арқакўча мавзесидан уч оила Бодак мавзесидан³ ер-мулкка эга эди, Қошиқчилик мавзесидан учта, Себзордан биттадан оила Қашғар, Тахтапул, ва Кудуқбоши мавзеларида ерларга эга эдилар⁴. Бу даврда шаҳар хўжалик ҳаётида шаҳар атрофидаги ерлар муҳим ўрин тутган. Шаҳарнинг Шайхонтахур қисмида 1870 йиллар бошларида 1814 таноб бугдойзорлар ва 1896 таноб шолиторлар бўлган⁵. Мауза – аҳоли ёзда деҳқончилик билан шуғулланадиган шаҳардан ташқаридаги ер майдонлари бўлиб, бу ерлар дастлаб жамоа ерлари ҳисобланган. Кейинчалик эса ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиб бориши билан аста-секин ердан жамоа бўлиб фойдаланиш анъаналарига путур ета бошлади.

XX аср бошларида ҳар бир маҳалланинг дала-боғлари - «маузаси» бир жойда, яъни шаҳар ташқарисининг муайян жойида жойлашган эди, деб маълумот беради Н.Г. Маллицкий⁶. Аммо, М. Рўзиева этнографик ва архив материалларига асосланиб, аксинча, бу даврда ҳар бир мавзенинг дала-боғлари шаҳар ташқарисининг турли жойларида бўлган эди, деб Н.Г. Маллицкийнинг маълумотини инкор этадиган материалларни келтиради. Масалан, Арқакўча мавзеси (23 оила), Бодак (8 оила), Дархон (6 оила), Ганжтепа (5 оила), Занжирлик (2 оила) мавзеларида яшовчи оилаларнинг Яланғоч даҳасида шаҳар атрофидаги ерлари бир жойда бўлган ёки Оққўрғонда Ганжтепа (9 оила), Арқакўча (5 оила), Гадроган (4 оила), Оқмачит (3 оила), Жаркўча (2 оила) мавзеларида яшовчи оилаларнинг дала-боғлари бўлганлиги ҳақидаги фактик материалларга асосланади⁷. Эҳтимол, бу ҳолат XX аср бошларида жадал тус олган янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг натижаси бўлиши мумкин. Чунки бу даврда хусусий мулкчилик ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиши билан ер олди-сотдисининг кучайиши ва илгари шаҳар атрофидаги жамоа ерларининг бир қисмини хусусийлашиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шаҳарликларнинг жамоа ер-мулклари нафақат шаҳар атрофида балки шаҳардан узоқдаги дарё воҳаларидаги унумдор ерларда ҳам мавжуд эди. Жамоа ерлар «жамоа ери» ёки «ўртадаги ер» баъзида «чек» ерлар деб аталган⁸. Чунки бу ерларнинг чегаралари ҳар йили ўзгариб турган ва «чек» ташлаш асосида оилалар ўртасида тақсимланган. Тошкентда Самарқанддагидан фарқ қилиб, шаҳар мавзеларининг аҳолиси (сотиб олинган ёки мерос қолдирилган) шаҳар ҳудудига туташ бўлган ва девор билан ўраб олинган

¹ ЎзР МДА. И. 17-фонд, 1-рўйхат, 19851-иш, 5-варақ.

² Рўзиева М. Кўрсатилган мақола, 74-бет.

³ ЎзР МДА. И. 37 фонд, 1-рўйхат, 1928-иш, 181-варақ.

⁴ Ўша жойда. 1925-иш, 101-варақ; 1928-иш, 154, 155, 158-варақлар.

⁵ Маев Н.А. Азиатский Ташкент... С. 78.

⁶ Маллицкий Н.Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари. Русчадан Усмон Кўчкор таржимаси. Тошкент, 1996.

⁷ Рўзиева М. Кўрсатилган мақола, 75-бет.

⁸ Ўша жойда.

хусусий ерлар билан биргаликда асосан, дон ўсимликлари етиштириладиган жамоа ерлари бўлган¹.

Архив маълумотларининг кўрсатишича, маҳаллалар ўртасида яхши жамоа ерлари учун кураш кетган. 1880 йилда Шатак, Чормак, Болак, Ганчтепа ва Арқакўча мавзелари аҳолисининг Курама уездида жамоа ерлари бўлган. Кейинроқ ноқонуний равишда бу ерлар Бодак мавзеси аҳолисига берилган. Бошқа мавзеларнинг аҳолиси Тошкент шаҳри маъмуриятига бу хусусида арз қилади ва ер илгариги эгаларига қайтарилади². Баъзида жамоа ерлари обрўли кишилар томонидан шахсий ерлар сифатида тортиб олинган. Шаҳарнинг Шайхонтахур даҳаси аҳолисининг Окқўрғондаги ерларини оқсоқол Иноғом Хўжа томонидан хусусий ер сифатида олиб қўйилган³.

1880 йилда Шайхонтахур даҳаси Мерганчи мавзеси аҳолисининг Курама уездида 100 ботмон ерлари, Пулмес деган жойда 400 ботмон ерлари бўлган. Бу ерлар уларнинг аждодларидан қолганлиги ва кейинчалик эса бу ерлар олиб қўйилиб аҳолиси бугдой экиладиган ерлардан маҳрум бўлиб қолган. Улар рус ҳукуматидан жамоа ерларини сотишни ҳужжатлаштирмасликни сўрайдилар⁴. Бундан кўринадики, шаҳар ташқарисидаги жамоа ерлари хусусий ерларга айланиб борган.

XX аср бошларида Ўрта Осиё ва умуман, Ўзбекистон ҳудудларида бозор муносабатларининг қатъийлашуви ва янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг қарор топиши билан шаҳардаги йирик ер эгалари доимий равишда шаҳар ташқарисидан ҳам унумдор экин майдонларини олишга ҳаракат қила бошладилар. Ишлаб чиқариш ва савдонинг ривожланиши билан шаҳар атрофидаги дала-боғлар илгариги аҳамиятини йўқота бошлади. Кўпгина ер эгалари ишлаб чиқаришнинг янгича тамойиллари асосида ишлаб чиқариш корхоналари очиш билан шуғулландилар⁵. Аҳолининг кўпайиши билан лан унумдор ерларга талаб ҳам ошиб борди ва шаҳар чегараси доимий равишда кенгая бошлади. Ишлаб чиқаришнинг кенгайиши билан камбағал шаҳарликлар ўзларининг ермулкларини, дала-боғларини сотиб, фақатгина шаҳар ишлаб чиқариши билан машғул бўла бошладилар.

XX аср бошларида шаҳарликларнинг деҳқончилик билан шуғулланиши маълум даражада қисқарган бўлса-да, аммо шаҳар хўжалигида деҳқончилик катта аҳамиятга эга эди. Тошкент шаҳри аҳолисининг хўжалик-маиший ҳаётида хунармандчилик, савдо ва деҳқончилик хўжалиги параллел тарзда олиб борилган. Шаҳар анъанавий хўжалик тизимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, шаҳар аҳолиси (хунармандлар, савдогарлар) ўзларининг шаҳар ташқарисида жойлашган дала-боғларида деҳқончилик билан шуғулланганлар. Бу жараён дастлаб натурал ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бўлса, кейинчалик товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини товарлилик хусусиятини кенгайишига олиб келди. Тошкент шаҳрида янгича ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига қарамасдан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг шаҳар хўжалик ҳаётидан тўлиқ ажралиб чиқмаганлиги кузатилади.

¹ Арифханова З.Х. Ўша асар. 21-бет.

² ЎзР МДА. И.17- фонд, 1-рўйхат, 19262-иш. 3- варақ.

³ Азадаев Ф. Ўша асар. 211- 212-бетлар.

⁴ ЎзР МДА. И.36-фонд, 1-рўйхат, 1913-иш, 14-16-варақлар.

⁵ Азадаев Ф. Ўша асар. 185-бет.

А.Р. Каюмов, О.С. Артикбаев

Земледельческие традиции в хозяйственном быту населения города Ташкента

В статье раскрываются роль и значение загородных земельных садов-участков в хозяйстве населения города Ташкента в XIX – начале XX в. На основе этнографического и архивных материалов анализируются традиции населения Ташкента в ведении ремесленничества в сочетании с торговлей, имущественное регулирование загородных садов-участков и динамика изменений этих отношений.

A.R. Kayumov, O.S. Artikbayev

Agricultural Traditions in Economical Mode of Population of Tashkent City

In this article is described the role and meaning of out-of-town legal estate in economy of Tashkent city population on XIX-beginning XX centuries. Also, on the basis of ethnological and archive materials is analyzed traditions of city population on workmanship which combined with trade, property regulations of out-of-town legal estates and their dynamics of changes.

И. М. Саидов
(Узбекистан)

СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРЕДПОСЫЛКИ ОБОСТРЕНИЯ ПОЛИТИЧЕСКОГО КРИЗИСА И СЕНТЯБРЬСКИЕ СОБЫТИЯ 1917 ГОДА В ТАШКЕНТЕ

В Туркестане общее течение политических процессов летом–осенью 1917 г. во многом отражало динамику политической жизни царской Российской империи. Но здесь имелся свой специфический центр, вокруг которого объединялись силы национально-освободительного движения с идеей национальной независимости.

Одним из заметных политических выступлений края стала в этот период проведённая 14 июля демонстрация рабочих в Ташкенте. В ней приняло участие до 20 тыс. человек. Она была организована городским комитетом РСДРП¹.

Внутренняя демонстрация состоялась 18 августа. Демонстранты, в большинстве коренные жители, с лозунгами: «Долой кровавый произвол в Семиречье», «Да здравствует равенство, братство» пришли сначала к Ташкентской городской управе, а затем к зданию Туркестанского комитета Временного правительства и потребовали прекращения расправы над возвратившимися на Родину казаками и кыргызами Семиречья. Затем демонстранты отправились к Краевому Совету, которому предъявили такие же требования. Демонстранты разошлись только после заверения членов Турккомитета и Краевого Совета, что с их стороны будут приняты меры к прекращению беспорядков и урегулированию земельных отношений в Семиречье². Действенный толчок дальнейшей радикализации общественного сознания придал «Корниловский мятеж». Как и произошедший в момент развала СССР «заговор гэкэчепистов», он ознаменовал окончательный крах существующего режима.

«Корниловский мятеж» произошёл в конце августа 1917 г., но оказался неудачным. Известие о мятеже, как электрический импульс, привело в движение массы революционно настроенных рабочих, солдат, матросов. Спешно стали создаваться организационные центры: ревкомы, революционные штабы, комитеты борьбы с контрреволюцией и т.п.

Изменение психологического состояния общества способствовало организационной кристаллизации туркестанских коммунистов, формированию внутри социал-

¹ Иноятов Х.Ш. Победа Советской власти в Узбекистане. Ташкент, 1967. С. 98.

² ГАРФ, ф. 406, оп. 6, д. 11, л. 388-389.

демократических организаций самостоятельных большевистских групп. Так, уже в апреле 1917 г. такая группа образовалась внутри Ташкентской организации РСДРП. В неё вошли большевики Н.В. Шумилов, В.С. Ляпин, А.А. Казаков, В.П. Бауман, А.В. Солькин, Ф.Я. Цируль, Г.М. Цвилинг, М.П. Кафанов и др.

Наметился процесс частичного пополнения рядов большевиков из числа представителей коренного населения. В частности, среди вступивших в Ташкентскую группу можно назвать Анвара Абдусаматова, Тебашар Абдурахманова, Мирзаахмеда Мирходиева, Самаркандскую – Шамсутдина Ибрагимова, Наманганскую – Абдураззака Хакимбаева, Кокандскую – Арифджана Мирпулатова¹. В основном это были неквалифицированные рабочие и демобилизованные «тыловики».

Марксистские историки, манипулируя фактами присутствия в большевистских группах «националов», пытались аргументировать тезис о тесной смычке большевиков с коренным населением. В действительности же представителей титульных этнических групп среди туркестанских коммунистов можно было пересчитать буквально по пальцам. Да и сами большевистские организации не являлись ещё достаточно «самостоятельными» и отличались малочисленностью. Например, кокандская группа большевиков, именовавшаяся «Кружком ленинцев», состояла всего из 17 человек. Крупнейшая же большевистская ячейка – ташкентская – насчитывала около 60 членов².

Мақолада Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрининг ҳозирги замон халқаро муносабатлар ва ҳамкорликнинг ривожланишидаги ўрни ёритилган. Жумладан, Тошкентда тинчлик ва ҳамкорлик борасида ўтказилган кўплаб халқаро илмий семинар, конференция, симпозиум ва бошқа муҳим воқеалар ҳақида маълумот берилган.

M. Rakhimov

Tashkent Contribution to the Development of Contemporary International Dialog and Partnership
The paper is devoted to study the role of contemporary Uzbekistan capital Tashkent in the development of peace, tolerance and partnership between different nations of the world. It is analyzing different international events – conferences, seminars and symposiums which took place in Tashkent and also different international events.

*Н. Мустафаева
(Ўзбекистон)*

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Маълумки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё харитасида туб ўзгаришлар содир бўлиб, Осиё ва Африка қитъаларида миллий-озодлик ҳаракатлари кучайди. Мустақилликка эришган мамлакатларнинг тараққиёт йўллари қайси йўналишда ривожланиши ўша даврнинг “буюк давлат”ларига хос бўлган “социалистик” ёки “капиталистик” тизимнинг мафкуравий рақобат майдониغا айланди. Бу йилларда ривожланаётган давлатлар ижтимоий-иқтисодий сиёсат билан бир қаторда ўзларининг миллий маданиятларини яратишга бўлган интилишлари кузатилади. Шубҳасиз, бу ўринда санъат соҳаси, унинг энг оммавий тури кинематография тармоғи шиддат билан ривожлана борди. Айтиш жоиз, кино сиёсат ва маданият тарғиботида муҳим омил саналиб, ривожланаётган давлатлар айнан шу соҳа орқали дунёга танилиш истагида эдилар. 1956 йил Канн кинофестивалида ҳинд, 1963 йил Тур киноанжуманида сенегал кинематографчиларининг эътироф этилиши¹ жаҳон киносида янги оқимнинг пайдо бўлаётганлигидан далолат эди. Мазкур ҳолат собиқ совет давлатининг ривожланаётган мамлакатлар маданий сиёсатини ўз назоратига олиш, уларга совет маданияти таъсирини ошириш “зарурият”ини қўяди. Чунки кино шу қадар кучли ташвиқот воситасики, у инсонлар онгига бадиий адабиёт, матбуотдаги мақола ёки маърузадан кўра тезроқ синггади. Шу мақсадда 1959 йил ёзда Москва халқаро кинофестивали ўз фаолиятини бошлаб, унинг биринчи анжуманида 49 мамлакат, жумладан Осиё ва Африка қитъаси вакиллари иштирок этган эдилар². Аммо бу анжуман доираси бу икки қитъанинг барча киновакиллари тўлиқлигича қабул қила олмади. Шу маънода қарайдиган бўлсак, Тошкент халқаро кинофестивалининг ташкил этилиши принципиал мафкуравий характерда бўлиб, “Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги!” шиори остида ўтказилган бу анжуман “ғоялар кураши”, “империализмга қарши ғоялар тарғиботи” каби вазифаларни амалга ошириш ва ташвиқотни режалаштирган эди. Нима учун айнан Тошкент шаҳри фестиваль ўтказиладиган жой қилиб белгиланди? Сабаби бу билан совет ҳукумати бутун дунёга гўёки “бир вақтлар қоқоқ мустамлака ўлкада ленин ва коммунистик партиянинг миллий маданий сиёсати ютуқларининг ёрқин ифодаси”³ни кўрсатишни мақсад қилиб белгилади. Бошқа томондан эса, Ўзбекистон пойтахти бошқа Ўрта Осиё республикаларидаги шаҳарларга нисбатан анча тараққий этган эди. Албатта, бу тadbир Москванинг кучли марказий назорати остида бўлиб, ундаги барча иштирокчилар рўйхати қаттиқ текширувлардан сўнг тузилар, ундаги фильмлар мақсад ва ғояси фестиваль шиори доирасида ўтказилиши зарур эди.

Шунга қарамай, бу анжуман жаҳон кино тараққиёти, айниқса ўзбек киноси ва маданияти ривожига шак-шубҳасиз салмоқли таъсир кўрсатди. Ўзбек томошабинларини дунё киноси билан яқинлашиш, янги киноюлдузларни кашф этиш, улар билан мулоқотда бўлиш, дунё халқлари маданияти, турмуш тарзи, ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари билан танишиш каби имкониятларни берди. Тошкент кинофестивалининг I йиғилиши 1968 йил 21 октябрда ўз фаолиятини бошлаб, унда Осиё ва Африка мамлакатларининг кинонамоёндалари иштирок этдилар. Шунингдек,

¹ Будяк Л.М. Ташкентский международный кинофестиваль. М.: Знание, 1985. С.6.

² Баскаков В.Е. Московский международный кинофестиваль. М.: Знание, 1985. С.5.

³ Борющийся экран. Ташкент, 1980. С.8.

хар бир фестивалда собиқ совет давлатининг Ўрта Осиё ва Кавказдаги 9 республикаси ўз фильмлари билан қатнашиш имкониятига эга эди. Қувонарли жихати шундаки, мазкур кинофестивалнинг ҳар галги очилиш маросими ўзбек фильмлари намоиши билан бошланарди. Жумладан, I Тошкент халқаро кинофестивали режиссер К.Ёрматовнинг “Инқилоб чавандозлари” бадийи ва М.Қаюмовнинг “Ўзбекистон бўйлаб 8 минут” ҳужжатли фильмлари билан очилган бўлса¹, II анжуманда ҳужжатли фильмлар кўриги М.Қаюмовнинг “Самарқанд ҳамиша мен билан” рангли тўлақамровли лентаси ҳамда Н.Азимовнинг “Оддий кунлар” фильмлари билан бошланган². Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дастлабки вақтда кинофестиваль расмий конкурс ёки танлов-мусобақа кўринишида эмас, балки оддий кўрик тарзида ўтказилган ва унда ҳайъат, совринли ўринлар бўлмаган. Фақатгина фильмларнинг бадийи-ғоявий аҳамиятини кўрсатиш мақсадида улар жамоа ташкилотлари, газета-журналлар муҳарририятининг соврин ва ёрлиқлари билан тақдирланганлар. Кейинроқ “фестиваль экранларида бадийи савияси паст киноленталарнинг сони кўпайганлиги, профессионал ва ёрқин фильмлар камайганлиги, уларнинг бадийи қиммати ҳамда мазмуни талабга жавоб бермаётганлиги”³ инobatга олиниб, 1988 йилдаги X халқаро кинофестивалдан бошлаб конкурс тартиби ўрнатилди. Халқаро жури ихтиёрига бешта мукофот 1) бош соврин – “Олтин Семурғ”, 2) энг яхши дебют – “Кичик олтин семурғ”, 3) энг яхши аёл роли – “Олтин лола”, 4) энг яхши эркак роли – “Олтин арча”, 5) миллий анъаналарни давом эттирганлиги учун – “Хўжа Насриддин” совринлари таъсис этилди⁴.

№	Фестиваль ўтказилган йиллар	Қатнашган давлатлар сони	СССРдан қатнашган давлатлар	Меҳмон давлатлар	Бадийи Фильмлар	Ҳужжатли фильмлар	Турли диплом ва мукофотлар
1	1968	46	9	-	59	19	20
2	1972	43	9	23	63	48	28
3	1974	49	9	20	72	73	39
4	1976	77	9	22	70	118	38
5	1978	76	9	14	60	92	41

Йилдан - йилга Тошкент кинофестивали иштирокчиларининг сони ортиб, географик доираси кенгайиб борди. Агар унинг III йиғилишида Лотин Америкаси давлатлари меҳмон сифатида қатнашган бўлсалар, 1976 йилдаги IV анжуманда Аргентина, Бразилия, Боливия, Венесуэла, Колумбия, Куба, Мексика, Панама, Перу давлатлари расмий иштирокчилар рўйхатидан жой олган эдилар. Шу вақтдан эътиборан анжуман 3 қитъа – Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатларининг халқаро кинофестивали мақомини олди⁵. 1978 йили V кинофестивалда Австралия ва Янги Зеландия давлатлари ўзларининг бадийи фильмларини расмий иштирокчи сифатида тақдим этдилар. 1980 йилда VI киноанжуман Ҳинд океанида жойлашган кичиккина орол давлати – Сейшел Ороллари Республикаси, шунингдек Папуа – Янги Гвинея давлати кинематографчиларини қабул қилди⁶.

¹ Кино. 1968. 9-сон. 2-бет.

² Тошкент халқаро кинофестивали тарихидан// Кино. 1992 11-12-сон. 2-бет.

³ Хўжаева С. Фестиваль дўстларни чорлайди// Кино. 1988. 1-сон. 1-бет.

⁴ Қитъалар овози// Кино 1988 7-сон. 2-бет.

⁵ Ходжаева С.А. Прогрессивные тенденции в киноискусстве стран Азии и Африки 60-70-х годов. Ташкент, 1982. С.10.

⁶ Тошкент халқаро кинофестивали тарихидан// Кино. 1992. 11-12-сон. 2-бет.

Куйидаги жадвалда Тошкент халқаро кинофестивалининг бешта анжумани ҳақидаги маълумотларни кузатиш мумкин¹.

Тошкент кинофестивалига иштирокчилардан ташқари, хорижий меҳмонларнинг ҳам кизиқишлари юқори бўлган. Улар орасида доимо БМТ, ЮНЕСКО халқаро ташкилотлари вакиллари билан бирга Микельанжело Антониони, Валерио Дзурлини (Италия), Моника Мауэр (ГФР), Джон Харви (АҚШ), Франческ Мунтяну (Руминия) ва бошқа кўплаб дунёнинг машҳур кинорежиссерларининг турли йилларда қилган ташрифларини кузатиш мумкин. Тошкент халқаро кинофестивали дунё киноижодкорларига, айниқса эндигина иш бошлаган ёш кинорежиссерлар учун жаҳон киноси оламига илдам кириб келиш ва ўзини намоян этиш учун катта шарт-шароитлар яратди. Чунки улар фестиваль доирасида жаҳон кино соҳасининг илғор намояндalари Раж Капур, Раму Кариат (Ҳиндистон), Соцуо Ямамото, Йодзи Ямато (Япония), Атиф Йилмаз (Туркия), Серхио Ольхович (Мексика), Сембен Усмон (Сенегал), Энрике Пенэда, Хосе Массип (Куба), Себастьян Камба (Конго) ва бошқа кўплаб таниқли, тажрибали кинорежиссерлар билан мулоқотга киришиш, юзма-юз суҳбатлашиш, тажриба алмашиш, ўзларини кизиқтирган масалаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлар эдилар. Шунинг учун ҳам Тошкент анжуманининг амалий аҳамияти ҳақида кўплаб илиқ фикрлар билдирилган. Масалан, Сенегал кинорежиссери Сембен Усмон: “Тошкент фестивалида биз марокашлик, жазаирлик, тунислик киноижодкорлар суҳбатини ёки конголикни угандалик ҳамкасби билан мулоқотини кўришимиз мумкин. Биз бу ерда муҳокама қилиш, фикр алмашиш имкониятига эгамиз. Бизнинг фикримизча, Тошкент учрашуви Африка учун ҳаётий заруратдир”,² деган мулоҳазаларни билдирган. “Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинофестивалида ҳамкасб, ҳамфикрлар билан учрашувларда, мунозараларда мен ўзим учун жуда кизиқарли маълумотларга эга бўлдим. Тошкент фестивали умуман аҳамияти жиҳатидан ноёб, чунки у турли нуқталардаги давлатлар билан танишиш имкониятини беради”,³ деб айтади боливиялик режиссер Антонио Эгино. Бундай самимий дил изҳорлари кўплаб билдирилган. Чунки кинофестиваль доирасида матбуот конференциялари, ижодий мунозаралар, учрашувлар, кинобозорлари ташкиллаштирилиб, у ерда турли давлат киноижодкорлари замонавий кино соҳасидаги долзарб муаммолар, кинематографиянинг жамият ҳаётидаги ўрни, унинг кишилар маданий савиясига таъсири, киносанъатидаги йўналишлар ҳақида фикр-мулоҳазаларни билдирардилар. Бундай ижодий мулоқотлар самараси ўлароқ, кўплаб ҳамкорликдаги фильмлар яратиш лойиҳалари ишлаб чиқилар эди. Биргина ўзбек киноси тарихида ҳиндлар билан ҳамкорликда яратилган “Али бобо ва қирқ қароқчи”, “Севги афсонаси”, югославлар билан “Муҳаббат ва нафрат” фильмлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Зеро, Тошкент халқаро кинофестивали меҳмонлари орасида Ўзбекистон киносанъати вакиллариининг нуфузи баланд бўлиб, уларнинг ишларига қизиқиш катта эди. Жумладан, М.Қаюмов, К.Ёрматов, Й.Ағзамов, Л.Файзиев, Ш.Аббосов, А.Ҳамроев ва бошқаларнинг номлари Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ҳамкасблари орасида эътироф этилганлигини қайд этиш лозим.

Фестиваль – италянчада “байрам”, “тантана” маъносини англатади. Бу тадбир, энг аввало, совет ҳукуматининг халқаро мафкуравий сиёсати учун хизмат қилган бўлса-да, ўзбек халқи, айниқса тошкентликлар учун ҳақиқий катта кино байрамига айланди. Ўз

¹ Жадвал С.Хўжаева ва А.Хасановларнинг “Борющийся экран” китобига тайёрланган материаллари асосида тузилди. 104-141-бетлар.

² Будяк Л.М. Ташкентский международный кинофестиваль. С.10.

³ Ўша ерда.

даврида анжуман ўтказиладиган вақт “Тошкент руҳи” деб аталган. Чунки ҳар икки йилда Тошкент кўчалари байрамона безатилар, фестиваль очилиши ва ёпилиши кунлари “Санъат саройи залида ўзбек чопон ва атласлари, ҳинд сарилари, марокаш кафтанлари, африка бубулари, япон киманолари кўринишидаги дунё халқларининг ранг-баранг кийимларини ўзида мужассам этган ажойиб манзара”¹ни кузатиш мумкин эди. Шунингдек, Тошкент архитектурасининг гўзаллашиб боришида мазкур анжуман ҳам муҳим омиллардан бири саналган. Масалан, 1974 йилда фойдаланишга топширилган “Ўзбекистон” меҳмонхонаси фестиваль даврида барча меҳмонларни ўзида жамлаган гўзал хонадонга айланиб кетарди. 1982 йилда халқаро кинофестивалнинг VII йиғилишида Республика Киночилар уйининг очилиш маросими бўлиб ўтган эди² ва ҳозирги кунга қадар бу иншоотда катта тадбирлар ўтказиб келинади. Тошкент кинотеатрлари кассалари ёнида томошабинлар навбати тирбанд бўлиб, улар барча хориж фильмларини кўриш, улар билан танишиш истагида эдилар. Бу табиий эди, албатта. Зотан, кучли мафкуравий тазйиқ, “темир девор” билан ўралган совет сиёсатида оддий халқ учун бу фильмларни томоша қилиш жуда қизиқарли бўлган. Намойиш қилинган картиналар орқали томошабин, уларнинг ғоявий мазмунидан қатъи назар, дунё халқлари этнографияси, санъати, табиати, урф-одати, архитектураси, ҳунармандчилиги ва маданий ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистонлик томошабинлар Капурлар сулоласи вакиллари, Шабана Азми, Амитабх Баччан, Метхун Чакраборти каби ҳиндистонлик, Бабитта (Бангладеш), Туркан Шарай (Туркия), Тереза Диоп (Сенегал), Изела Вега (Мексика), Комаки Курихара, Энуко Сиоми (Япония) ва бошқа юзлаб киноюлдузларни яхши танишар, “Ўзбекистон” меҳмонхонаси олдида улардан дастхат олишни, улар билан юзма-юз бўлишни истовчи мухлислар сони камаймасди. Кинофестиваль доирасида меҳмонлар учун Тошкент, кўхна Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар, шунингдек саноат корхоналари, ўқув ва илмий муассасаларда учрашувлар уюштирилар эдики, бу ўз навбатида ўзбек халқининг жаҳон киновакиллари билан маданий мулоқотга киришиш имкониятини берган. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, бағрикенглиги, самимийлиги жаҳон киноижодкорлари томонидан эътироф этилди. “Ҳар гал мен Тошкентга келганимда, мен ўзимни шу ерда кўп йиллардан бери яшайдигандек ҳис қиламан”,³ деб айтган эди машҳур ҳинд актер ва режиссери Раж Капур. “Тошкентда ўтган кунларни узоқ вақтгача унутолмасам керак. Ўзбек халқининг фестиваль вакилларига нисбатан меҳмондўстлиги, бағрикенглиги, очик чехраси, дўстона муносабати бизларни лол қолдирди”,⁴ деб тан олган эди кубалик режиссер Хосе Массип. “Таассуротларим жуда катта. Лекин мени бу ернинг кишилари, уларнинг оддийлиги, инсонпарварлик, меҳрибонлик муҳити жуда ҳайратлантирди”,⁵ деган фикрни билдирди машҳур итальян режиссери Микельанжело Антониони. Умуман олганда, бундай фикр-мулоҳазаларни ҳар бир фестиваль меҳмонларидан эшитиш мумкин эди.

Агар дастлабки даврда кинофестиваль 4 тил: рус, ўзбек, инглиз, француз тилларида иш олиб борган бўлса, кейинчалик 200дан ортиқ таржимон 20дан ортиқ тилдаги фильмларни томошабинларга етказишга ҳаракат қилган. Шубҳасиз, бунда Тошкент

¹ Черток С. Ташкентский фестиваль Ташкент, 1975. С. 6.

² Отчет о деятельности Союза кинематографистов Узбекистана между V и VI съездами (1981-1985). Ташкент, 1986. С.178.

³ Будяк Л.М. Ташкентский международный кинофестиваль. С.3.

⁴ Ўша ерда.

⁵ Ўша ерда. С.13

Олий ўқув юр்தларининг ўрни катта бўлиб, хорижий тиллар билан шуғулланувчи талаба ва аспирантлар учун тадбир амалиёт мактабини ҳам ўтаган. Тошкент халқаро кинофестивали учун махсус кўшиқ басталаниб, машҳур “Ялла” вокал-чолғу ансамбли ижросида куйланган ва у фестиваль гимнига айланиб кетган эди. Ҳар бир анжуманда кундалик матбуот бюллетенлари ва “Кинофестиваль йўлдоши” махсус нашри йўлга кўйилди. Шунингдек, барча совет матбуотида анжуманни ёритувчи материаллар чоп этилган, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари орқали махсус фестивалга бағишланган кўрсатувлар, эшиттиришлар, мақолалар тайёрланган. Албатта, уларни бугунги кунда янгича нуқтаи назардан ўрганиш, таҳлил қилиш кино тараққиёти тарихини ёритишда муҳим омил бўла олади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Тошкент кинофестивали ўзининг “халқаро” мақомини сақлаган ҳолда, 1992 йил XI анжуманида барча иштирок этишни хоҳлаган давлатларни “Ассалому алайкум” шиори остида қабул қилди. Унда 60дан зиёд давлат ва 9та халқаро ташкилот вакиллари қатнашдилар. Анжуман учун фильмлар танлаб олишда Ўзбекистон киношунослари биринчи мартаба мустақил равишда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида бўлиб, ўша ердаги миллий кинематография вакиллари билан ҳамкорликда дастлабки танлаб олиш ишларини амалга оширдилар. Энг кўп вакиллар Ҳиндистондан ташриф буюрди ва фестиваль доирасида Раж Капур фильмларининг махсус кўриги бўлиб ўтди. Бош соврин “Олтин семурғ” австралиялик режиссер Марк Ноферин фильмига тақдим этилди¹. 1997 йил кинофестивалнинг XII анжуманида 8та халқаро ташкилот, 32 давлат, жумладан АҚШ, Германия, Англия, Италия давлатлари ҳам расмий иштирокчилар сифатида ўз фильмларини намойиш этдилар². Мазкур анжуманда Ўзбекистон киноусталари экранга “Буюк Амир Темур” киноэпопеясининг “Ватан озодлиги йўлида” фильмини тақдим қилдилар. Мустақиллик йилларида Тошкент халқаро кинофестивалининг мақсади эзгулик, инсоний туйғулар ва миллий кадриятларни тарғиб қилишга қаратилди.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент халқаро кинофестивали ер қуррасининг турли қитъаларидаги мамлакатларнинг киносанъати намояндаларини бир жойга тўплади. Улар орасида дунё кино оламига яхши таниш бўлган машҳур санъаторлар ҳам, номлари бундай йирик анжуманда илк бор тилга олинган ёш кинематографчилар ҳам бор эди. Тошкент экранларида намойиш этиладиган турли жанр ва мавзудаги фильмлар орқали минглаб томошабинлар дунё киносининг ранг-баранг ажиб олами билан танишдилар. Ҳеч бир муболағасиз, мазкур анжуман ўзбек миллий кино санъати тараққиётига ўз таъсирини ўтказди. Зеро, ўзбек киноси ва Тошкент шаҳри номи қитъалар доирасида танилди. Албатта, биргина мақола доирасида унинг барча жиҳатларини очиб бериш мумкин эмас ва унинг ўзбек маданияти тарихидаги ўрнини аниқлаш кенгрок тадқиқотларни талаб этади. Шу билан бирга, бугунги кунда Самарқандда ўтказилаётган дунёга машҳур “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ўзбек маданияти ривожига салмоқли ҳисса кўшиб келмоқда. Ишончимиз комилки, агар Тошкент халқаро кинофестивали ўз фаолиятини яна тикласа ва анъанавийлигини давом эттирса, нафақат ўзбек кинематографияси, шу билан бирга Ўзбекистон маданий ҳаёти ҳам янада тараққий этиши учун кенг йўллар очилади. У Венеция, Канн, Берлин ва бошқа машҳур кинофестиваллар қаторидан жой олиши табиий. Чунки замонавий ўзбек киноси шу қадар шиддат билан ривожланмоқдаки, унинг нуфузини халқаро миқёсга олиб чиқиш ва намоён этишда, жаҳон кинематографчилари билан ижодий мулоқотга киришишда фестиваль муҳим омил ҳисобланади.

¹ Тошкент халқаро кинофестивали тарихидан // Кино. 1992, 11-12-сон. 2-бет.

² Муштарак диллар экрани // Кино. 1997, 4-сон. 3-бет.

Н. Мустафаева

Вклад Ташкентского международного кинофестиваля в развитие культурной жизни Узбекистана

Статья посвящена истории Ташкентского международного кинофестиваля, занявшего важное место в жизни кинематографов стран Азии, Африки и Латинской Америки. Показана роль фестиваля в совершенствовании узбекского кинематографа и ознакомлении ташкентского зрителя с мировым кино искусством.

N. Mustafaeva

Endowment of Tashkent international movie cinema festival to the development of culture of Uzbekistan

Paper is dedicated to the history of Tashkent international cinema festival which had very important role in the cinematography of Asia, Africa and Latin America. Festival assisted to the development of Uzbek cinematography and introduced Tashkent's spactators with world cinema too.

МУНДАРИЖА

ҚАДИМГИ ВА ЎРТА АСРЛАРДАГИ ЧОЧ – ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ АРХЕОЛОГИЯСИ ВА ТАРИХИ

А.П. Деревянко, Ў.И. Исломов, А.И. Кривошапкин, К.А. Колобова, Д. Фляс Ўзбекистоннинг қадимги маданияти тарихи саҳифалари	7
Н.У. Холматов Тошкент ва Зарафшон ҳавзаси тош даври жамоалари маданияти хусусида	17
М.М. Хўжаназаров Тошкент атрофидаги қоятош расмларининг ўзига хос хусусиятлари	22
В.Д. Рузанов Тошкент-Фарғона минтақасининг бронза давридаги қўлда ясалган рангли сополлар маданиятига оид металллар тадқиқотининг асосий натижалари	27
С.Р. Баратов Тошкент воҳаси ва Сирдарё ҳавзаси аҳолисининг энг қадимги тарихига доир	30
Л.М. Сверчков, Н. Бороффа Сўнгги бронза – илк темир даврига оид нақшланган сополлар маданиятини археологик жиҳатдан ўрганишнинг айрим муаммолари	33
Жулио Бендесу-Сарменто, Жоанна Люилье Кўчманчилик ва ўтроқлик орасида: илк темир даврида Чоч маданиятлари борасида. Бу маданиятларга Хоразмнинг таъсири бўлганми?	40
М.И. Филанович Тошкент: қадимда ва ўрта асрларда, шаҳарнинг вужудга келиши ва шаҳар маданиятининг ривожини	46
М.И. Филанович, Г.И. Богомолов, С.Р. Ильясова Тошкентнинг қадимги тарихи бўйича янги маълумотлар	52
В.А. Булатова Тошкент тарихий топографиясига доир	58
В.С. Минасянц Тошкентдан топилган икки бошли илон ҳайкали	62
Г.И. Богомолов Чоч ҳарбий археологияси бўйича маълумотлар (Кўхна Қанқа худудидаги ибодатхона мажмуасидан топилган ашёлар асосида)	66
А.А. Раимкулов Тошкент воҳасидаги қадимги динлар тарихидан (христианлик)	75
Ю.Ф. Буряков Қадимги Тошкент Буюк ипак йўли чорраҳасида	80
Бертиль Лионе Бақтрия ва Суғдиёна ёки ўзига хос, бир-бирини тўлдирувчи икки тарихий йўл	85
Б.А. Байтанаев Қадимги даврда Исфижоб ва Шош этномаданий алоқалари	89
А. Отахўжаев Илк ўрта асрлардаги Чоч тараққиётига Суғднинг таъсири	94
А.А. Грицина Суғддан Шошга борадиган савдо–карвон йўлидаги шаҳарлар ва карвонсаройлар	98
Б.Х. Матбобоев Фарғона ва Чоч илк ўрта асрларда: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш анъаналари	105
Б. Эшов Қадимги Чочдаги урбанистик жараёнлар тарихига доир айрим мулоҳазалар	110
М. Маҳкамов Қадимги Чоч - Илоқ урбанизацияси тарихидан	114

Ғ. Бобоёров	
Чоч–Ғарбий турк хоқонлигининг бошқарув марказларидан бири сифатида	118
М.М. Хатамова	
Чоч Турк хоқонлиги таркибида: шаҳар маданияти тараққиётининг айрим сабаблари	125
А.Р. Абдуқаюмов	
Чоч ва Суғд: савдо-иқтисодий алоқалар тарихидан (илк ўрта асрлар даври мисолида)	131
Э.В. Ртвеладзе	
Чочнинг илк тарихига оид (янги нумизматик ва эпиграфик манбалар)	135
М. Алрам, Л.С. Баратова	
Чочда қумуш тангалар муомаласи	140
А.А. Мусакаева	
Чочда пул муомаласининг илк босқичи	143
А.Х. Атаходжаев	
Шошда сомониёлар тангаларининг пайдо бўлиши тарихи	151
Р.З. Ибрагимов	
Харашкет шаҳри иқтисоди тарихидан	155
С.Р. Ильясова	
IX–X асрларда Тошкент бадий санъати (сирланган сополлар асосида)	158
Дж.Я. Ильясов	
Шош сополида янги араб ёзуви	161
Ж.К. Мирзааҳмедов	
Тошкент ва Тошкент воҳасининг сўнгги ўрта асрлар сирланган сопол идишлари	162
А.К. Кабиров	
Ўрта асрларда Бинкат - Тошкентнинг сув билан таъминланишига доир мулоҳазалар	168
У.Р. Халмунинов	
Қанғ – Мовароуннахрнинг йирик темир кон саноати маркази сифатида	174
А.А. Абдураззоқов	
Қадимги Чоч ёдгорликларида олиб борилган кимёвий-технологик ва таъмирлаш ишлари таҳлили	180
М.А. Реутова	
Тошкент ва Тошкент вилоятининг қадимги меъморчилик ёдгорликларини консервация қилиш	185
Д. Мақсудова	
Тошкент воҳаси урбанизация жараёнини космик суратлар орқали ўрганиш	188

ТОШКЕНТ ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ

О. Бўриев	
XIV–XV асрлар манбаларида Тошкент шаҳри ва вилояти ҳақида маълумотлар	191
А.Р. Муҳаммаджонов	
Тошкент маҳалла - кўйларининг айрим тарихий номлари семантикаси	194
Ф. Мақсудов, Ғ. Бобоёров	
Чоч топонимининг этимологиясига доир	199
С. Рустамова-Тогиди	
Академик Зия Мусаевич Буниятов илмий асарларида Ўрта Осиё давлатлари тарихи	205
А. Аҳмедов	
Беруний ва Птолемей Тошкент ҳақида	210
Г.А. Агзамова	
Тошкентнинг Ўрта Осиёда кечган сиёсий ва иқтисодий жараёнларда тутган ўрни (XVI-XIX асрнинг биринчи ярми)	211
Ў. Султонов	
Яланғари масжиди вақфномаси хусусида	217

Светлана Горшенина	
Тошкент шаҳри – Шарқ экзотикаси.....	220
Д. Ўрақов, А. Ерметов	
XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошларида Тошкентнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётини ёритувчи манбалар таҳлили	222
Р.М. Баҳодиров	
Тошкентлик олимларнинг ўрта асрларда илмлар ривожига қўшган ҳиссаси	225
Ф.Ш. Шамукарамова	
Тошкент ва унинг атрофидаги дастлабки археологик топилмалар	228
М.Б. Шамсиев	
XVIII аср иккинчи ярми Тошкент тарихини ўрганилиши хусусида	231
Д. Иноятова	
Тошкент – Ғарб ва Шарқ цивилизацияларининг ўзаро алоқалар маркази	234
О. Бўриев, М. Усмонов	
Шош – Тошкент воҳаси аҳолисининг этник хусусиятлари (IX-XII асрлар).....	239
З. Саидбобоев	
Тошкент ғарблик дипломат нигоҳида	243
А.А. Одилов	
Тошкент меъморий ёдгорликлари тарихидан.....	246
С. Азизов	
Тошкент шаҳри Шайх Зайниддин мажмуасидаги чиллахонанинг фойдаланиши хусусида	250
М.М. Исхакова	
Тошкентда ҳужжатли кино олишнинг шалланиши тарихидан	253

ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВР ТАРИХИДА ТОШКЕНТ

Д.А. Алимова	
Эволюция Ташкента в контексте современной культуры.....	257
О.П. Кобзева	
XIX аср охири – XX аср бошларида Буюк ипак йўлини тиклашда Тошкентнинг роли.....	263
Д. Зияева	
XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳридаги номусулмон диний конфессиялар ...	267
Т.И. Дорошенко	
XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентнинг қисқа этнодемографик ҳолати	270
Н.Р. Маҳкамова	
XX асрнинг I чорагида Тошкент шаҳри аҳолиси таркибининг динамикаси	275
Ш.Ю. Маҳмудов	
XIX аср биринчи ярмида Тошкентнинг маъмурий-бошқарув тизими	280
В.Л. Гентшке, Т.Е. Ваганова	
Тошкентнинг XIX асрдаги қиёфаси (хорижлик нигоҳида)	283
Р.М. Абдуллаев	
Биринчи жаҳон уруши ва тошкентликлар.....	289
Эсонбека Тўғон	
Заки Валидий Тўғон ҳаётида Тошкентнинг туганган ўрни.....	294
А.Ж. Яхшиев	
Генерал Черняев ҳисоботларида Тошкент истилоси	297
Ж.Ҳ. Исмоилова	
Тошкентдаги шаҳарсозлик тараққиётига Европа архитектурасининг таъсири (XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср боши)	302
С. Шодмонова	
XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Тошкент матбуоти	306

Д.М. Кенжаев	
Тошкент жадидларининг маърифатпарварлик фаолияти.....	311
А. Эркинов	
Анъанавий ва модерн муҳитлар қиёси: Комил Хоразмийнинг Тошкентга бағишланган қасидаси	315
Айше Чолпан Кавунчи	
Ўзбекистон ва Туркияда маҳалла тарихи анъанавий ижтимоий-мақоний бирлик сифатида ...	319
М.Ҳ. Пардаев, А.Ҳ. Пардаев	
Жиззахдаги “Тошкентликлар” ҳақида мулоҳазалар	326
С.Т. Давлатова	
Тошкент заргарлик мактабининг ўзига хос локал хусусиятлари	330
Ш.М. Раҳматуллаев	
Тошкент – йирик саноат маркази	335
А.Р. Қаюмов, О.С. Арткбаев	
Тошкент шаҳри аҳолисининг хўжалик-маиший ҳаётида деҳқончилик анъаналари	338
И.М. Саидов	
1917 йилда Тошкентда сиёсий тангликни кучайишининг ижтимоий-сиёсий омиллари ва сентябрь воқеалари	343
А.И. Исмаилов	
Тошкент – илм-фан ва маориф маркази (XX асрнинг 20-30 - йиллари)	346
З.Х. Арифханова	
Тошкент кўп миллатли мегаполиси.....	349
Ҳ. Фикрат	
XX асрда уйғурларнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида Тошкентнинг роли	353
Р.Х. Муртазаева	
Совет даврида Тошкент шаҳрининг миллий таркиби трансформацияси: сабаб ва оқибатлари	356
Э.З. Нуриддинов	
Замонавий Тошкент – йирик халқаро тадбирлар ўтказиш маркази	361
Р.Р. Назаров	
Тошкент: халқлар ва маданиятлар келишувининг тарихий анъаналари	365
М. Раҳимов	
Замонавий халқаро муносабатлар ва ҳамкорликнинг ривожланишида Тошкентнинг ўрни	370
Н. Мустафаева	
Тошкент Халқаро кинофестивалининг Ўзбекистон маданий таракқиётига қўшган ҳиссаси....	373

СОДЕРЖАНИЕ

АРХЕОЛОГИЯ И ИСТОРИЯ ЧАЧА – ТАШКЕНТА В ДРЕВНОСТИ И СРЕДНЕВЕКОВЬЕ

А.П. Деревянко, У.И. Исламов, А.И. Кривошапкин, К.А. Колобова, Д. Фляс Страницы истории древней культуры Узбекистана.....	7
Н.У. Холматов К вопросу о материальной культуре Ташкентского и Зарафшанского оазисов эпохи камня.....	17
М.М. Хужаназаров К вопросу о характерных особенностях петроглифов в окрестностях Ташкента.....	22
В.Д. Рузанов Кратко об основных итогах изучения металла культур с лепной росписной керамикой эпохи бронзы Ташкентско-Ферганского региона	27
С.Р. Баратов К древнейшей истории населения Ташкентского оазиса и бассейна Сырдарьи	30
Л.М. Сверчков, Н. Бороффка О некоторых проблемах археологического исследования культур росписной керамики эпохи поздней бронзы – раннего железа.....	33
Жулио Бендесу-Сарменто, Жоанна Люилье Между кочевой и оседлой культурами: исследование культур раннего железного века Древнего Чача. Можно ли говорить о влиянии Хорезма?.....	40
М.И. Филанович Ташкент: зарождение города и развитие городской культуры в древности и средневековье	46
М.И. Филанович, Г.И. Богомолов, С.Р. Ильясова Новые данные по древней истории Ташкента	52
В.А. Булатова К исторической топографии Ташкента	58
В.С. Минасянц Керамическое изображение двухголовой змеи из Ташкента	62
Г.И. Богомолов Материалы к военной археологии Чача (по раскопкам храмового комплекса Канки)	66
А.А. Раимкулов Из истории древних религий Ташкентского оазиса (христианство).....	75
Ю.Ф. Буряков Ташкент на перекрестке Великого шелкового пути	80
Бертиль Лионе Бактрия и Согдиана или два исторических пути, самобытных и взаимодополняющих	85
Б.А. Байтанаев Этнокультурные связи Испиджаба и Шаша в эпоху древности	89
А. Отахужаев Влияние Согда на развитие раннесредневекового Чача	94
А.А. Грицина Города и караван-сарай на большой торговой трассе из Согда в Шаш	98
Б.Х. Матбабаев Фергана и Чач в раннем средневековье: тенденции социально-экономического развития	105
Б.Ж. Эшов Некоторые вопросы истории урбанистических процессов в Древнем Чаче	110
М. Махкамов Из истории урбанизации Древнего Чача-Илака	114
Г. Бабаяров Чач как один из центров управления Западно-Тюркского каганата	118

М.М. Хатамова	
Чач в составе Тюркского каганата: некоторые причины развития городской культуры.....	125
А.Р. Абдукаюмов	
Чач и Согд: из истории торгово-экономических отношений.....	131
Э.В. Ртвеладзе	
К ранней истории Чача (Новые нумизматические и эпиграфические источники)	135
М. Алрам, Л.С. Баратова	
К проблеме серебряного монетного обращения в Чаче	140
А.А. Мусакаева	
Начальный этап денежного обращения в Чаче	143
А.Х. Атаходжаев	
К ранней истории саманидского монетного чекана Шаша	151
Р.З. Ибрагимов	
Из экономической истории города Харашкета	155
С.Р. Ильясова	
Художественная культура Ташкента IX–X вв. по материалам глазурованной керамики	158
Дж.Я. Ильясов	
Новая арабская надпись на шашской керамике	161
Д.К. Мирзаахмедов	
Позднесредневековая поливная керамика Ташкента и Ташкентского оазиса	162
А.К. Кабиров	
Некоторые размышления о водоснабжении средневекового Бинката - Ташкента.....	168
У.Р. Халмуминов	
Канка - один из крупных центров железорудного производства Мавераннахра.....	174
А.А. Абдураззаков	
Анализ химико-технологических и реставрационных работ, проведенных на памятниках Древнего Чача.....	180
М.А. Реутова	
Консервация древних памятников сырцово-архитектуры в Ташкенте и Ташкентской области	185
Д. Максудова	
Исследование процессов урбанизации Ташкентского оазиса по космическим съемкам	188

ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И ИСТОРИОГРАФИЯ ГОРОДА ТАШКЕНТА

О. Буриев	
Сведения о Ташкенте и прилегающей области в письменных источниках XIV – XV вв.....	191
А.Р. Мухаммаджонов	
Историко-семантическое название махалли гоода Ташкента	194
Ф. Максудов, Г. Бабаяров	
К этимологии топонима Чач	199
С. Рустамова-Тогиди	
История среднеазиатских государств в научных трудах академика Зии Мусаевича Буниятова.....	205
А. Ахмедов	
Беруни и Птолемей о Ташкенте	210
Г.А. Агзамова	
Место Ташкента в политических и экономических процессах Средней Азии (XVI - первая половина XIX в.)	211
У. Султанов	
О вакфном документе мечети Ялангкари	217

С. Горшенина	
Город Ташкент – город восточной экзотики	220
Д. Ураков, А. Ерметов	
Анализ источников по истории социально-экономической и политической жизни Ташкента второй половины XIX - начала XX в.	222
Р.М. Баходиров	
Вклад ученых Ташкента в развитие наук в средневековье	225
Ф.Ш. Шамукарамова	
Первые археологические находки в Ташкенте и его окрестностях.....	228
М.Б. Шамсиев	
Об особенностях изучения истории Ташкента второй половины XVIII века.	231
Д. Иноятова	
Ташкент – центр взаимодействия цивилизации Запада и Востока.....	234
О. Буриев, М. Усманов	
Этнические особенности населения оазиса Шаш – Ташкент (IX – XII вв.)	239
З. Саидбобоев	
Ташкент глазами западного дипломата.....	243
А.А. Одилов	
К истории архитектурных памятников Ташкента.....	246
С. Азизов	
О функциональном назначении чиллаханы (VII-X вв.) у комплекса Шайха Зайниддина в Ташкенте	250
М.М. Исхакова	
Из истории зарождения кинодокументалистики в Ташкенте	253

НОВАЯ И НОВЕЙШАЯ ИСТОРИЯ ТАШКЕНТА

Д.А. Алимова	
Эволюция Ташкента в контексте современной культуры.....	257
О.П. Кобзева	
О роли города Ташкента в попытках возрождения Шелкового пути в конце XIX – начале XX века.....	263
Д. Зияева	
Религиозные конфессии в городе Ташкенте в конце XIX – начале XX века	267
Т.И. Дорошенко	
Краткий этнодемографический очерк Ташкента конца XIX - начала XX века	270
Н.Р. Махкамова	
Динамика состава населения города Ташкента в первой четверти XX века	275
Ш.Ю. Махмудов	
Административно-управленческая система Ташкента в конце XIX века.....	280
В.Л. Гентшке, Т.Е. Ваганова	
Облик Ташкента XIX века (взгляд приезжего).....	283
Р.М. Абдуллаев	
Первая мировая война и ташкентцы.....	289
И. Тоган	
Роль Ташкента в жизни Заки Валиди Тогана	294
А.Ж. Яхшиев	
Завоевание Ташкента в воспоминаниях русских военных XIX века	297
Ж.Х. Исмаилова	
Влияние европейской архитектуры на развитие градостроительства Ташкента (вторая половина XIX-начало XX в.).....	302

С. Шодмонова	
Положение периодической печати Ташкента в конце XIX - начале XX века.....	306
Д.М. Кенжаев	
Просветительская деятельность джадидов Ташкента	311
А.С. Эркинов	
Сопоставление традиционной и модернизированной среды: касида Камила Хорезми, посвященная Ташкенту.....	315
Айше Чолпан Кавунчи	
История махалли как традиционная социально-пространственная единица Узбекистана и Турции	319
М.Х. Пардаев, А.Х. Пардаев	
Мысль о «ташкентцах», живущих в Джизаке	326
С.Т. Давлатова	
Локальные особенности ташкентской ювелирной школы.....	330
Ш.М. Рахматуллаев	
Ташкент – крупный промышленный центр.....	335
А.Р. Каюмов, О.С. Артукбаев	
Земледельческие традиции в хозяйственном быту населения города Ташкента.....	338
И.М. Саидов	
Социально-политические предпосылки обострения политического кризиса и сентябрьские события 1917 г. в Ташкенте	343
А.И. Исмаилов	
Ташкент – центр просвещения и науки (20-30 - годы XX века).....	346
З.Х. Арифханова	
Ташкент – многонациональный мегаполис	349
Х. Фикрат	
О роли Ташкента в социальной и культурной жизни уйгуров в XX в.....	353
Р.Х. Муртазаева	
Трансформация национального состава населения г.Ташкента в советский период: причины и последствия	356
Э.З. Нуриддинов	
Современный Ташкент – центр проведения крупных международных мероприятий.....	361
Р.Р. Назаров	
Ташкент: исторические традиции диалога этносов и культур	365
М. Рахимов	
Вклад Ташкента в развитие современного международного диалога и сотрудничества	370
Н. Мустафаева	
Вклад Ташкентского международного кинофестиваля в развитие культурной жизни Узбекистана	373

CONTENTS

ARCHAEOLOGY AND HISTORY OF CHACH-TASHKENT IN ANCIENT AND MEDIEVAL PERIODS

A.P. Derevyanko, U.I. Islamov, A.I. Krivoshepin, K.A. Kolobova, D. Flas The Pages of History of Ancient Culture of the Uzbekistan Region.....	7
N.U. Kholmatov The Problems of Stone Age Culture in Tashkent and Zerafshan Oases.....	17
M. Khujanazarov To Characteristic Features of Petroglifs Around Tashkent	22
V.D. Ruzanov Short Information on the Main Results of Studying the Metals of the Bronze Age Hand-Made Painted Pottery of the Tashkent-Ferghana Region	27
S.R. Baratov To the Earliest History of Population of the Tashkent Oasis and the Syrdarya Basin	30
L.M. Sverchkov, N. Boroffka On Some Problems of Archaeological Study of the Late Bronze-Early Iron Age Cultures with Painted Pottery	33
Julio Bendezu-Sarmiento, Johanna Lhuillier Between Nomadic and Sedentary Cultures: study the Ancient Iron Age cultures of in Chach. Is it possible to speak about an influence of Khorezm?	40
M. Filanovich Tashkent: Formation and Development of Urban Culture during the Ancient and Medieval Times.....	46
M.I. Filanovich, G.I. Bogomolov, S.R. Ilyasova New Facts on the Ancient History of Tashkent	52
V.A. Bulatova To Historical Topography of Tashkent	58
B.C. Minasyants Image of Two-Headed Snake from Tashkent.....	62
G.I. Bogomolov Materials on Military Archaeology of Chach (data example from excavations at Kanka Site Temple Complex)	66
A.A. Raimqulov From History of Religions in Tashkent Oasis (Christianity).....	75
Yu. Buryakov Ancient Tashkent at a Crossroads of the Great Silk Road.....	80
B. Lionnet Bactria and Sogdiana or Two Historical Ways: originality and complementary	85
B. Baytanaev Ethno-cultural relations of Ispidjab and Shash in the Ancient Times	89
A. Otahujaev Influence of Sogd on development of Chach in the early middle ages	94
A.A. Gritsina Towns and Caravan-Serays on the Great Trade Route from Sogd to Shash	98
B.H. Matbabayev Ferghana and Chach in Early Medieval Period: the socio-economic development trends	105
B. Eshov Some Questions of the history of Urbanization of Ancient Chach	110
M. Mahkamov From the History of Ancient Urbanization in Chach-Ilaq	114
G. Babayarov Chach, One of the Centers of Governance of the Western Turkic Qaghanate	118

M. Khatamova	
Chach in Structure of Turkic Khaghanate: some reasons of development of urban culture	125
A. Abdukayumov	
Chach and Sogd: trade-economical realitions in yearly middle ages.....	131
E.V. Rtveladze	
To the Question of Early History of Chach (New numismatic and epigraphic sources)	135
M. Alram, L. Baratova	
To the Problem of Silver Coin Usage in Chach	140
A.A. Musakaeva	
The Earliest Stage of Monetary Relations in Chach	143
A.H. Atakhodjaev	
To Early History of Samanid's Minting of al-Shash.....	151
R.Z. Ibragimov	
About economical history of Harashkath.....	155
S.R. Ilyasova	
Artistic Culture of Tashkent in the 9 th –10 th Centuries according to Glazed Pottery	158
Dj.Y. Ilyasov	
A New Arabic Inscription on a Shash Pottery	161
J.K. Mirzaahmedov	
The Late Medieval Glazed Pottery of Tashkent and Tashkent Oasis	162
A.K. Kabirov	
Binkat- the problem of provision with water in medieval Tashkent.....	168
U.R. Khalmuminov	
Kanka – the important centre of Iron industry of Tarnsoxiane	174
A.A. Abdurazzaqov	
Analysis of chemical-technological and restoration works, conducted on the sites of Ancient Chach.....	180
M.A. Reutova	
Conservation of Ancient Sites Made of Mud-Architecture in Tashkent and Tashkent Oasis	185
D. Maksudova	
Studying the Urban Processes in the Tashkent Oasis using Satellite Imagery.....	188

SORUCE STUDIES AND HISTORIOGRAPHY OF TASHKNET CITY

O. Buriyev	
Information about Tashkent and Surrounding Area in Written Sources of the 14 th -15 th Centuries	191
A.R. Muhammadjanov	
Semantics of Some Historical Names in Tashknet Neighborhoods.....	194
F. Maksudov, G. Babayarov	
On Etymology of the Chach Toponym	199
S. Rustamova-Togidi	
In the article is analyzed the works of azerbaijanian scientist Z.M. Buniyatov on medieval history of Central Asian people.....	205
A. Ahmedov	
Biruni and Ptolemy about Tashkent	210
G. Agzamova	
The Place of Tashkent in Political and Economic Processes of Central Asia (the 16 th - first half of the 19 th century).....	211
U. Sultanov	
About the Waqf Document of Yalangqari Mosque.....	217
Svetlana Gorshenina	
La Ville de Tachkent Est-Elle une Ville Exotique?	220

D.Urakov, A.Yermetov	
The Analyses of Sources on Social-Economic and Political Life in Tashkent in the second half of the 19th and the beginning of the 20th centuries	222
R. Bakhodirov	
Contribution of Tashkent Scientists into the Development of Science in the Middle Ages.....	225
F. Shamukaramova	
First Archeological Discoveries in Tashkent and its Vicinity	228
M.B. Shamsiyev	
On Historical Study of Tashkent in the second half of the 18 th Century	231
D. Inoyatova	
Tashkent, the Center of Interaction of Western and Eastern Civilizations.....	234
O. Buriev, M. Usmanov	
Ethnic Peculiarity of Population in Shash-Tashkent Oasis (9 th – 12 th centuries)	239
Z. Saidboboev	
Tashkent Viewed by a Foreign Diplomat.....	243
A. Odilov	
To the History of Architectural Monuments in Tashkent.....	246
S. Azizov	
Astronomical meaning of Chillahona is in a complex Shayh Zayniddin in Tashkent in VII-X centuries.....	250
M.S. Ishakova	
About the History of Formation of Cinema-documentary in Tashkent.....	253

THE NEW AND MODERN HISTORY OF TASHKENT

D.A. Alimova	
Tashkent Evolution in the Context of Modern Culture	257
O. Kobzeva	
On the Role of Tashkent City in Attempts of Recovery of the Silk Road in the end of 19 th – beginning of the 20 th Century	263
D. Ziyaeva	
Religious Confessions in Tashkent in the end of 19 th and the beginning of 20 th Centuries	267
T.I. Doroshenko	
Short Ethno-Demographic Essays on Tashkent	270
N. Makhkamova	
Dynamics of Tashkent Population Structure in the First Quarter of the 20 th Century.....	275
Sh. Yu. Mahmudov	
Administrative Ruling System of Tashkent in the 1 st half of the 19 th Century.....	280
V.L. Gentshke, V.Ye. Vaganova	
Tashkent in the 19 th Century Viewed by a Foreigner.....	283
R. Abdullaev	
World War I and Tashkent's Inhabitants.....	289
I. Togan	
The Role of Tashkent in the Life of Zeki Velidi Togan.....	294
A.J. Yakhshiev	
Tashkent Conquer by the Recollections of Russian Militaries of 19 th Centure.....	297
J. Ismailova	
Influence of the European Architecture on Development of Town-Planning of Tashkent (second half of the 19 th – beginning of the 20 th centuries)	302
S. Shodmonova	
The Status of Periodical Press in Tashkent at the end of the 19 th – beginning of the 20 th Centuries ..	306

D.M. Kenjaev	
Educational Activity of the Tashkent's Jadids	311
A.S. Erkinov	
Comparison of the Traditional and Modernized Environment: Kasida of Kamil Khwarezmi Devoted to Tashkent	315
Aisha Co'lpn Qovunchi	
The History of Mahalla as a Traditional Socio-Spatial Unit in Uzbekistan and Turkey.....	319
M.H. Pardaev, A.H. Pardaev	
Idea About "the Tashkentians" in Djizak.....	326
S.T. Davlatova	
Local Aspects of the Jewelry Schools of Tashkent.....	330
Sh.M. Rahmatullaev	
Tashkent, Large Industrial Center	335
A.R. Kayumov, O.S. Artikbayev	
Agricultural Traditions in Economical Mode of Population of Tashkent City	338
I.M. Saidov	
Social-politic bases of Crisis and September Events in Tashkent in 1917.....	343
A.I. Ismailov	
Tashkent as a Scientific and Educational Centre (1920-1930s).....	346
Z.X. Arifhanova	
Tashkent, a Multinational Mega City.....	349
H. Fikrat	
The Role of Tashkent Uighur Society and Cultural Life in the 20 th Century.....	353
R.H. Murtazaeva	
Transformation of Ethnical Structure of Tashkent in Soviet Period: Reasons and Consequences	353
E.Z. Nuriddinov	
Modern Tashkent, the Centre of Realization of Large International Measures	361
R.R. Nazarov	
Tashkent: the historical traditions of dialogue of ethnoses and cultures.....	365
M. Rakhimov	
Tashkent's Contribution to the Development of Contemporary International Dialogue and Partnership.....	370
N. Mustafaeva	
Endowment of Tashkent international movie cinema festival to the development of culture of Uzbekistan.....	373

Мухаррирлар:

М. Содикова, А. Михерева,
Ю. Парпиева, О. Коротченко,
М. Саидова, К. Загряжская

Тех.мухаррир

Т.Х. Очилов

Нашриёт рақами: з-86. Босишга рухсат этилди: 08.05.09.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет босма. Офсет қоғози
Ҳисоб нашриёт т. 28,6. Шартли босма т. 29,1. Буюртма
300 нусхада.

**ЎзР ФА “Фан” нашриёти:
100170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9**

Китоб макети ЎзР ФА Археология институтида тайёрланган

**ЎзР ФА Ишлар бошқармаси қошидаги кичик босмаҳона:
100147, Тошкент, акад. Я. Ғуломов кўчаси, 70**